

6277

ЎЛИМ ЖАЗОСИ:

ЎТМИШДА,

ҲОЗИРДА ВА

КЕЛАЖАҚДА



Қ. П. ПАЙЗУЛЛАЕВ, Н. С. САЛАЕВ,
Б. А. БОБОКЕЛДИЕВ

ЎЛИМ ЖАЗОСИ:
ЎТМИШДА, ҲОЗИРДА
ВА КЕЛАЖАҚДА

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув услубий кенгашининг
2005 йил 30 июндаги мажлисида 10-сонли баённома билан
чоп этишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

юридик фанлари номзоди, доцент **Ф. Тоҳиров.**

Тақризчилар:

юридик фанлари номзоди, доцент **Қ. Р. Абдурасулова,**
Тошкент Давлат юридик институти илмий
тадқиқотчиси **Ш. Ё. Абдуқодиров**

Муаллифлар:

Қ. П. Пайзуллаев — III, IV боблар,
Н. С. Салаев, Б. А. Бобокелдиев — I, II, V боблар.

Ушбу китоб жазо тушунчаси ва мақсади, ўлим жазосининг жазо тури сифатида вужудга келиши ва ривожланиши, жазо тизимида унинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда ўлим жазосининг вужудга келиш тарихи, жаҳон мамлакатларида ўлим жазоси, уни ижро этиш усуллари ҳамда ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати каби масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Мазкур китоб ҳуқуқшунослик ўқув юрти талабалари, ушбу масала устида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, шунингдек, ўлим жазоси ва унинг атрофидаги баҳс-мунозаралар билан қизиқувчи кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган.

269788.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига биноан, янаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир» номли маърузасида ислоҳотлар жараёнига бевосита боғлиқ устувор вазифаларни бешта йўналишда амалга ошириш зарурлигини таъкидлар экан, ҳар бир йўналишда ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар юзасидан дастуриламал ғояларни баён этди.

Бошқа соҳаларда изчил давом этаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва таркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиш билан бирга, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар бор». Чунончи, ушбу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири бу жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш, шунингдек, ўлим жазосига мораторий қўллаш эмас, балки уни бутунлай бекор қилишидир¹.

Шунингдек мазкур масала бўйича 2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унда давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифодаси эканлиги белгиланган.

Бу борадаги муҳим вазифалар — **биринчидан, жамоатчилик ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш** бўлиб, ушбу жараёнда аҳолига ўлим жазосидан воз кечиш сабабларининг мазмун моҳияти чуқур тушунтирилиши, иккинчидан, хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб таҳлил қилиниши ва қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши, учинчидан, ўлим жазоси ўрнига тайинланадиган умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий чоралар кўрилиши лозим.

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. — Т., «Ўзбекистон», 2005. — 48-бет.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўлим жазосини тўла бекор қилиш учун фуқаролар бу соҳада мамлакатда юзага келган вазиятни англаб етишлари, давлат бошлиғимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган мақсадларга эришиш борасида танланган стратегиянинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий самарадорлигига тўғри баҳо беришлари, мазкур қарорнинг фойдали ва афзал жиҳатларини ўзлари атрофлича ўрганиб чиқишларига ёрдам бериш керак. Бунинг учун ҳамма жойда, барча даражаларда: радио ва телевидениеда, матбуот орқали, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, маҳаллаларда маърузалар қилиш ва фуқаролар билан суҳбатлар ўтказиш йўли билан кенг ахборот—тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Бунда фақат ўлим жазосини бекор қилиш зарурлигини қайд этиш билан кифояланмаслик керак. Асосий эътибор мазкур заруриятни белгилловчи сабаблар ва омилларга қаратилиши лозим. Хусусан, аҳолига қуйидагиларни тушунтириб бериш керак:

- қўйилган муаммонинг ижобий ҳал қилиниши Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан ЕИ мамлакатлари қонунчилиги янада яқинлашишига имконият яратади, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўсини мустаҳкамлайди;
- чинакам демократик, инсонпарвар жамиятда, шунингдек демократия ва инсонпарварлик тамойилларининг тантанасига интилаётган, инсон ҳаётини олий неъмат ва инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида қўриқлаётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли эмас. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда жиноятчини ҳаётдан маҳрум этмасдан, маданий, инсонпарварлик тамойилига асосланган ва одил йўллар билан ҳам жазолаш мумкинлигини одамлар тушунишлари лозим. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш Оллоҳнинг измида қолиши керак.

Бизнингча, бундай тушунтириш ишлари демократия ва унинг тамойилларини тарғиб ва ташвиқ қилиш шаклини касб этмоғи даркор. Агар демократияни тарғиб қилиш унинг Ўзбекистон Конституцияси ва нуфузли халқаро манбаларда мустаҳкамланган қоидаларини тушунтиришга йўналтирилса, уни ташвиқ қилиш фуқароларни демократия тамойилларини, хусусан инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилишга даъват этади.

Ҳозирда Ўзбекистонда, бошқа ҳар қандай давлатда бўлганидек, ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳақидаги масалани ҳал қилиш жараёни турли бирлашма ва ташкилотларнинг дод-войлари остида эмас, балки табиий тарзда кечаётир. Фақат шу ҳолда жамиятда айрим инқирозли вазиятларда дарҳол ҳуқуқий чеклашнинг мазкур турига «ёпишиш» истаги туғилмайди. Бунга инсонпарвар ва демократик жамиятда бундай жазо чорасига ўрин йўқлигига ҳамма чуқур ишонч ҳосил қилганидан кейингина эришиш мумкин.

Ушбу китоб фақат ўлим жазосини бекор қилиш ёки қолдириш ҳақида бўлмай, балки ўлим жазоси ҳақида ўқувчиларга нисбатан тўлиқроқ маълумот бериш учун мўлжалланган.

Ф. Тоҳиров,

**Тошкент давлат юридик институти
«Жиноят ҳуқуқи» кафедраси мудирини,
юридик фанлари номзоди, доцент**

I боб. ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ЖАЗО ТУРИ СИФАТИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

1. ЖАЗО: ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ

Жинойят учун жазо муаммоси жиноят ҳуқуқи фанидаги энг мураккаб ва серқирра муаммолардан биридир. Унинг аҳамияти шу билан белгиланадики, жиноят ҳуқуқи энг аввало, ўз моҳиятини жиноят учун жазо бериш билан қўрқитиш ҳамда жазони тайинлашда намоён этади. Жазо жиноят содир этган шахсга тайинланади. Барча замонларда ва давлатларда шундай бўлган. Жамиятнинг яшаш шароитлари қандай бўлишидан қатъий назар, уларга қарши ҳуқуқбузарликлардан жамиятнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситаси сифатида жазо зарурдир.

Жиноят ва жазо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Жазо — содир этилган жиноятга нисбатан давлатнинг табиий муносабати. Агар ижтимоий хавфли қилмиш жазоланмас экан, уни жиноят деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жазо жиноят тушунчасининг мажбурий аломатидир.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо масалаларига катта эътибор берилади. Бунда жазо тушунчасини таърифлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, М. Д. Шаргородский жазо жиноятчини унга тегишли бўлган муайян неъматлардан маҳрум қилиш бўлиб, жиноятчи ва унинг фаолияти давлат томонидан қораланишини ифодалайди, деб қайд этади².

С. И. Дементьев жазога бошқача таъриф беради. Унинг фикрича, жазо айбдорни қонунда белгиланган азоб-уқубатлар ва маҳрумликларга атайлаб дучор этишдан иборат бўлган, шунга махсус мўлжалланган чорадир³. Аксарият криминалист олимларнинг фикрига кўра, жазо жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадида давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган давлат мажбурият чорасидир⁴.

С. И. Дементьевнинг фикрига кўшилиш қийин, чунки жазога айбдорни азоб-уқубатлар ва маҳрумликларга атайлаб дучор этиш воситаси деб қараш аксарият мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида,

² Шаргородский М. Д. Наказание, его цели и эффективность. Л., 1973. — 12—13-бетлар.

³ Дементьев С. И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981. — 45-бет.

⁴ Беляев Н. А. Цели наказания и средства их достижения. Л., 1963. — 10-бет.

шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 7-моддасида ҳам ифодаланган инсонпарварлик принципига зиддир. Мазкур моддада жумладан шундай дейилган: «Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди».

И. И. Карпец жиноятчиликка қарши кураш воситаларидан бири бўлган жазонинг мазмунида ишонтириш ва мажбурлаш муштаракдир, деган фикрни илгари суради⁵.

Н. А. Стручков жазога шундай таъриф беришни таклиф қилади: «Жазо муайян жиноятни содир этган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва ҳар бир турдаги жазо учун қонунда белгиланган ҳуқуқий чеклашлар тизимидан иборат бўлган жиноятларнинг олдини олиш чорасидир»⁶.

Республикамыз қонунчилари жазо тушунчасига шундай таъриф берган: «Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурият чорасидир» (ЎзР ЖК 42-моддаси).

Жиноий жазо давлат мажбуриятининг энг кескин шакли ҳисобланади. Унинг замирида ҳуқуқий тартиботни сақлаш зарурияти ётади. Ушбу зарурият ҳуқуқ-манфаатлар қўриқчиси деган умумий тушунчадан келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари тақиқлаш ва талаб қилиш, муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жоизлигини кўрсатиш орқали ҳуқуқий неъматларни ҳимоя қилади. Ўз қоидалари ва нормаларига фуқаролар бўйсунганини таъминлаш учун ҳуқуқ кучга муҳтож бўлади. Бу кучни унга давлат ҳокимияти беради. Давлат ҳокимияти ҳуқуқ талаблари ва тақиқларини одил судлов тартибда муайян жазолаш чора-тадбирлари орқали амалга ошириладиган жиноят-ҳуқуқий нормаларга айлантиради.

Хуллас, жиноий жазо бу жиноят-ҳуқуқий нормада ифодаланган ва суд томонидан фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган давлат мажбурият чорасидир. Агар шахс жиноят эмас, балки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, унга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилади. Жиноий жазо содир этилган жиноятнинг табиий оқибати ҳисобланади ва, умумий қоидага кўра, қилмишнинг оғирлиги ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос келиши керак.

⁵ Карпец И. И. Наказание: Социальные, правовые и криминологические проблемы. — М.: 1973. — 10-бет.

⁶ Стручков Н. А. О наказании, системе его видов и иных мерах уголовно-правового воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права. — М., Изд-во АН СССР, 1988. — 96-бет.

Жазо ҳар доим шахсий хусусиятга эга бўлади. У фақат жиноятчининг ўзига тайинланади ва зинҳор бошқа шахсларнинг манфаатларига дахл этмаслиги керак.

Н. Д. Сергиевский жиной жазо тўғрисида сўз юритиб, бу ҳақда шундай деган эди: «Жазонинг шакли ва мазмуни қандай бўлишидан қатъий назар, унинг замирида ҳар доим жиной қилмишни қоралаш ётади»⁷. «Жазолаш — қоралаш» ғояси негизида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратган С. П. Мокринский ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суради⁸.

Айни вақтда, жазо, жиноят содир этган шахсга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган ўзига хос мажбурлов шакли сифатида, ҳуқуқий репрессиянинг муайян шаклини қўллаш билангина чекланмайди, балки жиноятчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадини ҳам кўзлайди.

Жиной жазода жазолашнинг роли ва аҳамияти жазонинг мақсадлари ҳақидаги таълимотнинг энг баҳсли масалаларидан биридир. Айрим олимларнинг фикрича, жазолаш жиной жазонинг алоҳида мақсадидир⁹. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жиной жазо бундай мақсадни кўзламайди. Чунончи, А. Л. Ременсон жазолаш жиной жазонинг мақсади бўлиши мумкин эмас, деб қайд этади. Жазолаш жиной жазонинг мазмунидир, деган фикрга қўшилиш керак. Жазолаш жиной жазонинг мақсади деб қайд этиш жазони бирдан-бир мақсад деб эътироф этиш билан баробардир¹⁰. Э. Х. Норбўтаевнинг фикрича, жазолаш жиной жазонинг асосий мазмунини ташкил этади¹¹.

Баъзи ҳуқуқшунослар жиной жазонинг мақсади ижтимоий онгни, одамларнинг адолат туйғусини қаноатлантиришдан иборат, деб қайд этадилар¹².

Ўзбекистон Республикасида жиной жазо қасос олиш учун қўлланмайди. У муайян тарбиявий вазифани бажаради. Жиной жазо, биринчидан, ижтимоий хавfli қилмишлар содир этувчи шахсларга

⁷ Сергиевский Н. Д. Русское уголовное право. С. — Пб.: 1913. — 64—65-бетлар.

⁸ Мокринский С. П. Наказание, его цели и предложения. — М.: 1911, ч. 1. — 75—158-бетлар.

⁹ Беляев Н. А. Цели наказания и средства их достижения в исправительно-трудовых учреждениях. — Л.: ЛГУ, 1963.—24—36-бетлар; Карпец И. И. Наказание: социальные, правовые и криминологические проблемы. — М.: Юр. лит., 1973. — 138—148-бетлар; Ретюнских И. С. Уголовная ответственность и ее реализация. — Воронеж, ВГУ, 1983. — 25-бет.

¹⁰ Ременсон А. А. Является ли кара целью наказания? «Труды» Томского гос. ун-та, 1959. Т. 151. — 115—125 бет.

¹¹ Борьба с преступностью: Закон и практика. Т., Меҳнат, 1991. — 195 бет.

¹² Ткачевский Ю. М. Режим исполнения лишения свободы. Вестник МГУ, серия 11. «Право», 1992, №3. — 64 бет.

нисбатан тайинланади. Иккинчидан, жазони ўтаётган шахсни жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг онгли ва фаол иштирокчисига айлантириш мақсадини кўзлайди. Учинчидан, ижтимоий хавфли қилмишларнинг қонунга мувофиқ муайян жазолар тайинлаш билан боғлиқ жиноий қилмишлар деб топилиши ҳамда мазкур жазоларнинг амалда қўлланилиши маънавий ва ахлоқий жиҳатдан беқарор шахсларга ижобий, яъни улар томонидан ҳуқуқий-тартибот талабларига риоя этилиши йўналишида таъсир кўрсатишини назарда тутлади.

Алоҳида мажбурлов чораси бўлган жиноий жазо, бошқа давлат мажбурлов чораларидан фарқли ўлароқ:

1) фақат жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсга;

2) фақат суд давлат номидан чиқарган ҳукмга биноан;

3) фақат жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олим М.Усмоналиев жиноий жазонинг давлатнинг бошқа мажбурлов чораларидан фарқли баъзи, жумладан, жиноий жазонинг шахсга нисбатан жафо келтириш даражаси анча юқори ва шахснинг муайян ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки чеклаш доираси анча юқори бўлиши; жиноий жазо судланганликни келтириб чиқариши каби жиҳатларини кўрсатиб ўтади¹³.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Рус криминалист олими Л. С. Белогриц-Котляревский ўтган асрнинг бошидаёқ жазони бош ва асосий турларга ажратган, улар жазонинг моҳиятини ифодалайди ва мустақил аҳамиятга эга бўлади деб қайд этган, шунингдек, жазонинг қўшимча турларини ҳам таснифлаб, улар асосий жазонинг оғирлик даражасини оширишга хизмат қилишини кўрсатиб ўтган эди¹⁴.

Жазонинг умумий огоҳлантирувчи таъсири уч асосий кўрсаткич бўйича амалга оширилади:

- биринчидан, у кўрқитиш таъсирини вужудга келтиради. Жазодан кўрқиш жамиятнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан беқарор аъзоларини жиноят содир этишдан ўзини тийишга мажбур қилади;
- иккинчидан, жазо маънавий ва ахлоқий тақиқларни янада мустақамлайди. Натижада шахс ҳуқуқ кучайтирган ахлоқ нормаларига риоя қилиб, белгиланган ижтимоий тартибни бузишдан ўзини тийиши мумкин;

¹³ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., Янги аср авлоди, 2005. —375-бет.

¹⁴ Белогриц-Котляревский Л. С. Учебник русского уголовного права. Киев, 1903. 312-бет.

- учинчидан, жиний жавобгарликка тортиш имкониятининг мавжудлиги одамларда одатдаги қонунга бўйсунувчанликни тарбиялаш ва рағбатлантиришга қодир¹⁵.

Жазо анча жўшқин ҳодиса — замонда ривожланувчи жараён. Дастлаб у шахсиз таҳдид сифатида «амал қилади», сўнгра муайян шахсга тайинланади ва, ниҳоят, ижро этилади¹⁶.

Жазонинг мақсадлари тўғрисида мушоҳада юритган ҳуқуқшунослар, тарихчилар, файласуфлар, социологлар ва теологлар жиноятларнинг махсус ва умумий олдини олишдан бошқа мақсадларни таърифлаб беролмаганлар.

Юридик адабиётларда маҳкумларни қайта тарбиялаш мақсадини жазонинг мақсадлари қаторидан чиқариш керак, чунки қайта тарбиялаш мақсадини жиноят ҳуқуқи тасарруфидаги воситаларга боғлаш мумкин эмас, зотан, моҳият эътиборига кўра мажбурлашдан иборат бўлган ҳуқуқий чеклашлар мажмуи унинг ихтисослигидир, деган фикр илгари сурилган. Ахлоқ тузатиш масаласига келсак, у жиноятларнинг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу унга жазонинг мақсадларига эришиш, яъни маҳкумнинг жиний фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш, шунингдек маҳкумлар ва бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш воситаси деб қараш имконини беради. Бунинг устига, биз «ахлоқ тузатиш» ни ўлчаш учун объектив мезонларга ҳам эга эмасмиз¹⁷.

С. В. Полубинскаянинг фикрича, маҳкумларни қайта тарбиялашни жазонинг мақсади қилиб қўйиш жиноят ҳуқуқи ҳамма нарсага қодирлигини эътироф этиш, унинг реал имкониятларини ошириб кўрсатишдан бошқа нарса эмас¹⁸.

Жазонинг «ахлоқан тузатиш» мақсадига муфассалроқ тўхталиб ўтамиз. Умуман олганда, «тузатиш» сўзи «носозликни бартараф этиш, фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш», «ноаниқлик, хатони бартараф этиш» деган маъноларни англатади¹⁹.

Инсонни ахлоқан тузатиш ғояси Конфуций²⁰ томонидан шу қадар чуқур ва мукамал таърифлаб берилганки, унинг фикрлари мазкур масаланинг кейинги барча ишловларида муайян даражада ўз ифодаси-

¹⁵ *Анденес И.* Наказание и предупреждение преступлений. М.: Юр. лит-ра, 1979. — 30-бет.

¹⁶ *Коробеев А. И., Усс А. В., Голик Ю. В.* Уголовно-правовая политика. Красноярск, изд-во КГУ, 1991. — 157-бет.

¹⁷ *Уголовный закон: Опыт теоретического моделирования.* — М.: Наука, 1987. — 142—143-бетлар.

¹⁸ *Полубинская С. В.* Цели уголовного наказания. — Москва, 1990. — 13-бет.

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. М., 1981. 2-жилд.

²⁰ Конфуций — қадимги Хитой файласуфи; *луғатга қаранг (бундан кейинги матнларда луғатга қ. деб ёзилади).*

ни топган. Конфуцийнинг фикрича, инсон ахлоқини, бинобарин, унинг шахсини тузатишнинг уч йўли мавжуд. Биринчи йўл энг яхши йўл бўлиб, у инсон ахлоқини тафаккур орқали тузатишни назарда тутати. Бунда шахс ўз ҳаракатларига танқидий кўз билан қарайди ва уларни тузатиш йўлларини белгилайди. Иккинчи йўл бошқа одамларнинг хулқ-атворига тақлид қилиш орқали ахлоқан тузалишни назарда тутати. Ниҳоят, учинчи йўл энг оғир ва машаққатли бўлиб, у одамни жазолаш орқали ахлоқан тузатишни назарда тутати. Бунда одам ва унинг ахлоқи сиртдан аралаштириш орқали, яъни мажбурлов ёрдамида тузатилади²¹.

Рим императори Марк Аврелий Антоний²² ҳам одамларни ахлоқан тузатиш ҳақида қизиқарли фикрларни баён этган. Чунончи, инсон ҳамиша иккита нарсага тайёр бўлиши керак. Биринчиси: у доим ҳукмдор ва қонун чиқарувчининг айтганини қилиши лозим. Иккинчиси: бирор киши унинг муайян қилмиши ёки фикрининг тўғрилиги ёки нотўғрилигига ишонтирган бўлса, ўз хулқ-атворини тузатиши керак. Шу нарса диққатга сазоворки, ҳар бир одам ўз фарзандини келажақда қайта тарбиялаш ёки ахлоқан тузатишга тўғри келмайдиган қилиб тарбиялаши керак, деган фикр қадим замонлардаёқ англаб етилган. Аврелий ўзидан олдин яшаган қадимги юнон муаллифларидан бирининг: «Тузалган эмас, балки тузук бўлиш керак», деган фикрини мисол қилиб келтиради²³.

3. О. Ашитовнинг фикрига кўра, биз ҳали тўлиқ воз кечмаган жазолаш жиноий жазонинг мақсадига, чунончи: жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга, шунингдек ҳукм қилинган ва бошқа шахслар жиноят содир этишининг олдини олишга бўйсунди²⁴.

Жазо учта мақсадни кўзлайди: ижтимоий адолатни тиклаш; янги жиноятларнинг олдини олиш; маҳкумни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш²⁵. Маҳкумнинг ахлоқан тузалишини табақалаштириш ўта мураккаб иш бўлгани учун икки қарама-қарши қутбни: жазони қўллашга ҳожат бўлмаган даражани ва шахсни мутлақо тузатиб бўлмайдиган, олий жазони қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган даражани ажратиш зарур. Фикримизча, ахлоқан тузалишнинг бу икки қарама-қарши қутблари ўртасида жуда кўп оралиқ даражалар ҳам мавжудки, уларни ажратиш лозим. Зеро, айнан мана шу ерда жиноятчи шахсини типларга ажратиш тўлиқ амалга оширилиши мумкин.

²¹ Федоренко Н. Т. *Кавабата Ясунари*. М.: Советский писатель. 1982. — 14-бет.

²² Марк Аврелий Антоний — Рим императори; *луғатга* қ.

²³ Марк Аврелий Антоний. *Размышления*. — М.: Наука, 1985. — 18-бет.

²⁴ Ашитов З. О. *Право суверенного Казахстана*. — Алматы: Жети жаргы, 1995. — 278-бет.

²⁵ Комментарий к УК России. — М.: Вердикт, 1994. — 70-бет.

Ижтимоий адолатни тиклаш мақсади давлат, жамият ва ҳар бир фуқарони жиноятчиликдан ҳимоя қилишдан иборат. Жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга қарши иш тутган ҳар бир шахс ўзининг ноҳўя қилмиши жазосиз қолмаслигини англаб етиши лозим. Бундан ташқари, айбдорнинг жазоланиши жамиятда адолат ва қонунийлик ҳукм суришидан далолат беради. Боз устига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти ҳам энг аввало ижтимоий хавфли, қонунга зид қилмиш натижасида бузилган ижтимоий адолатни тиклашга қаратилади.

Маҳқумни ахлоқан тузатиш мақсади жазони ўтаган шахс ўз жамиятининг меҳнатга виждонан муносабатда бўлувчи, унинг қонун-қоидаларини ҳурмат қилувчи муносиб аъзосига айланишини назарда тутди.

Ниҳоят, *жиноятларнинг олдини олиш* жиноий жазонинг учинчи ва, айрим мутахассисларнинг фикрича, энг муҳим мақсадидир. Жазонинг огоҳлантирувчи таъсири унинг оғирлигида эмас, балки муқаррарлигида ўз аксини топади. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган маърузасида Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай деб қайд этган эди: «Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ»²⁶.

Жазонинг огоҳлантирувчи таъсири уч босқичдан иборат:

- 1) қонун чиқариш;
- 2) суднинг жазо тайинлаши;
- 3) жазони ижро этиш.

Жиноятларнинг олдини олиш жазонинг пировард мақсадидир²⁷. Маҳқумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш, жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш жиноий жазонинг оралиқ мақсадлари бўлиб, улар жазонинг пировард мақсадига эришишга хизмат қилади. Жазолаш жиноий жазонинг мақсади ҳисобланмайди, у жазонинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади ва унинг мақсадига эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади²⁸.

²⁶ Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

²⁷ Разгильдиев В. Т. Задачи уголовного права Российской Федерации и их реализация. — Саратов: изд-во Саратовского ун-та, 1993. — 73-бет.

²⁸ Цветинович А. А. Проблемы дополнительных наказаний в советском уголовном праве. Автореф. дисс. докт. юр. наук. — М., 1987. — 9-бет; Дополнительные наказания. — Саратов: СГУ, 1989. — 141-бет.

Жазонинг мақсадларига уни тайинлаш ва ижро этишнинг муш-тараклигини таъминлаш орқали эришилади. Қилмишнинг оғирлигига ва айбдорнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос, одил жазо тайинланиши лозим. Фақат шундагина жазо ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш имконини бериши мумкин. Аини вақтда, тайинланган жазо лозим даражада ижро этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигида жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан ҳар хил жазо турлари назарда тутилган:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- қамоқ;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- ўлим жазоси.

Умуман олганда, судлар томонидан жазо тайинлашга нисбатан жавобгарликни табақалаштиришга асосланган ёндашув қўлланилади. Жавобгарликни индивидуаллаштириш жиноят-ҳуқуқий тақиқни аниқлашда эмас, балки жинойий жавобгарликни амалга оширишда ҳам объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро нисбатини аниқлашни, мазкур омилларни биргаликда, ўзаро алоқаси ва боғлиқлигига қараб инobatга олишни назарда тутади²⁹.

Жинойий жавобгарликни табақалаштириш — узлуксиз давом этадиган, жўшқин жараён. У ижтимоий ривожланиш даражасига, ўзгарган ёки ўзгараётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа, масалан, криминоген омилларга қараб, қонун чиқарувчи томонидан белгиланган жиноят-ҳуқуқий тақиқларга тузатиш киритишни тақозо этади.

Жинойий жавобгарликни индивидуаллаштириш деганда суд-тергов органлари томонидан муайян шахс содир этган муайян жиноят учун қилмишнинг оғирлигига ва айбдорнинг шахсига мувофиқ жавобгарликнинг белгиланиши тушунилади.

Суд содир этилган жинойий қилмишнинг мазмунини ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини тўла ҳисобга олувчи жазо чорасини танлаши мумкин ва лозим.

Қонунда белгиланган жазо турлари рўйхати қатъий ва узил-кесил ҳисобланади. Суд маҳқумга фақат жиноят қонунчилигида на-

²⁹ Кудрявцева В. И. Субъективные элементы ответственности. Вопросы борьбы с преступностью. Выпуск 34. — М.: Юр. лит-ра, 1981. 3—4-бетлар.

зарда тутилган жазони тайинлаши мумкин. Муайян жазо турлари жамулжам ҳолда жазо тизимини ташкил этади. Жазо тизими — қонунда белгиланган, оғирлик даражасига қараб жойлаштирилган жиноят-ҳуқуқий мажбурлов чораларининг мажбурий ва тўлиқ рўйхати.]

Барча жазо турлари уларни турли асосларга кўра таснифлаш имконини берувчи умумий ва ўзига хос хусусиятларга эга. Жиноятларни таснифлаш масаласи жазо муаммосидаги энг муҳим масалалардан биридир. Сабаби у, биринчидан, фан учун мазкур муаммони ўрганишни тизимга ва тартибга солибгина қолмасдан, ўрганишнинг тўлиқлигини ва чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини белгилаб берувчи усул ҳисобланади; иккинчидан, бу жиноят-ижроия ҳуқуқи муаммоларини ишлаб чиқишда ва жазони ижро этиш жараёнида педагогика, психология ва иқтисодиёт фани қоидаларини қўллашда муҳим аҳамиятга эга.

Баъзи юридик адабиётларда жазо:

а) жазоларнинг уйғунлигига қараб — асосий ва қўшимча жазоларга;

б) субъектларнинг хусусиятига қараб — ҳар қандай шахсларга тайинланувчи умумий жазоларга ва муайян шахслар доирасига тайинланувчи махсус жазоларга;

в) мазмунининг яқинлигига қараб — тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жазоларга ажратилади.

Ҳуқуқшуносликдаги бошқа бир йўналиш жинойий жазоларни ҳуқуқий, психологик ва педагогик мезонларга кўра фарқлашни назарда тутаяди. Ҳуқуқий мезонларга кўра, жумладан, жазони муҳимлик даражасига ва тайинлаш тартибига қараб; жазонинг ижро этилиши билан боғлиқ чеклашларнинг оғирлигига қараб; жазо тайинланган субъектларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб; уларни бошқа жазолар ёки бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари билан алмаштириш имкониятига қараб; шартли жазо бериш имкониятига, жазони муайян муддатга тайинлаш имкониятига қараб жинойий жазоларни турлича фарқлаш мумкин.

Психологик мезонлар нуқтаи назаридан, маҳкумнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муайян даражада чеклайдиган ёки уни ўз сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларидан, меҳнат қилиш ҳуқуқидан ҳамда бошқа ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланиш имкониятидан тўла маҳрум этадиган; маҳкумнинг ҳаётига ёки унинг ҳаракатланиш ҳуқуқига қарши қаратилган жазолар фарқланади.

Ниҳоят, педагогик мезонлар нуқтаи назаридан, давлат таъсири билан боғлиқ жазолар; ҳам давлатнинг тарбиявий таъсири, ҳам жамоатчилик таъсири остида ижро этилувчи жазолар; тайинланиши жамоатчилик таъсири билан боғлиқ бўлган жазолар фарқланади.

Жазо тизимини таснифлаш бўйича бошқа таклифлар ҳам мавжуд, ammo уларнинг аксарияти ё анча чекланган (биринчи тасниф), ё назарий жиҳатдангина мақсадга мувофиқ (иккинчи тасниф). Амалий нуқтаи назардан, иккинчи тасниф ҳаддан ташқари катта ва ноқулай, чунки ҳуқуқшуносларга ҳам, оддий фуқароларга ҳам муайян жазо турининг моҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имкони беради. Бундай таснифни амалдаги қонун ҳужжатларида келтириш ҳам мумкин эмас ёки бу анча қийин иш.

Бизнинг назаримизда, жазони:

1) ҳуқуқий жиҳати ва жазоловчи таъсири ҳажмига кўра — озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жазоларга;

2) юридик мазмунига кўра — тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жазоларга;

3) тайинлаш тартиби ва юридик аҳамиятига кўра — асосий ва қўшимча жазоларга ажратиш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мазкур таснифлаш тизими айрим ғарб мамлакатларининг жиноят қонунчилигида амал қилади. Ушбу таснифлаш тизими бизнинг жиноят қонунчилигимизга ҳам киритилса, ўринли бўлар эди.

Жазони ҳуқуқий жиҳати ва жазоловчи таъсири ҳажмига кўра таснифлаш бой тарихга эга. XVIII асрда Европанинг айрим мамлакатларида амал қилган жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаёқ барча жиноий жазо чоралари икки гуруҳга ажратилган:

1) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар — ўлим жазоси, тан жазолари, ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиш;

2) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар — бадарға, сургун, қамоқ жазоси.

Амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларга қамоқ ҳамда муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш киради. Қолган жазо чораларини озодликни фақат чеклайдиган жазолар ташкил этади. Ушбу жазо чоралари ўзининг жазоловчи таъсири ҳажмига кўра бошқа жазо чораларидан анча фарқ қилади. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган кўп сонли жазо чоралари орасида ҳозирги вақтда жарима ҳамда тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ жазолар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жазо чораларини амалга ошириш унча кўп маблаг талаб қилмайди, бундан ташқари, улар маҳқумни жамиятдан ажратмасдан, демак, унинг жамият, ўз оиласи билан ижтимоий фойдали алоқаларини узмасдан ахлоқ тузатиш мақсадларига эришиш имконини беради ва айрим ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларга қараганда самаралироқ таъсир кўрсатиши мумкин.

Жазоларни юридик мазмунига кўра таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, адабиётларда маҳкумга тарбиявий таъсир кўрсатиш тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмас. Ҳар бир таърифни келтириш ва таҳлил қилишга берилмасдан, шуни таъкидлаб ўтишни истар эдикки, маҳкумга тарбиявий таъсир ёки ахлоқ тузатиш-меҳнат таъсири кўрсатиш деганда, бизнинг назаримизда, ишонтириш ва мажбурлаш усулларининг ўзига хос уйғунлигида маҳкумга таъсир кўрсатиш жараёнини тушунмоқ керак. Ахлоқан тузалиш негизи — узоқ муддатли, сурункали меҳнат мазкур жараённинг мажбурий аломатидир.

Амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, ахлоқ тузатиш-меҳнат таъсири кўрсатиш билан боғлиқ жазоларга (келтирилган таъриф доирасида) қуйидагилар киради: мажбурий ишлар; ахлоқ тузатиш ишлари; озодликни чеклаш; муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш. Узоқ муддатли, сурункали тарбиявий, ахлоқ тузатиш-меҳнат таъсири кўрсатиш билан ана шу жазо чоралари боғлиқ. Қолган жазо чоралари мазкур жараён билан боғлиқ эмас, чунки улар ё бир актли ҳисобланади, ё узоқ вақтга мўлжалланган бўлса-да, маҳкумга нисбатан меҳнатни ўз ичига олувчи махсус ишонтириш ва мажбурлаш усулларини қўллаш билан боғлиқ эмас.

Тайинлаш тартиби ва юридик аҳамиятига кўра асосий ва қўшимча жазолар ҳамда асосий ва қўшимча чоралар тариқасида қўлланиладиган жазолар фарқланади. Ушбу ажратиш ҳозирда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ягона таснифдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 43-моддасига биноан, асосий жазоларга қуйидагилар киради: жарима; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; ахлоқ тузатиш ишлари; хизмат бўйича чеклаш; қамоқ; интизомий қисмга жўнатиш; озодликдан маҳрум қилиш; ўлим жазоси. Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари қуйидаги қўшимча жазолар ҳам қўлланилиши мумкин: ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жазоларни асосий ва қўшимчага ажратиш жазолаш ва тарбиялаш йўналиши ҳар хил бўлган жазоларни тўғри уйғунлаштириш имконини беради. Асосий жазони тайинлар экан, суд уни маҳкумнинг тузалиши учун зарур деб ҳисоблайди. Асосий жазо маҳкумнинг тузалиши учун етарли бўлмаган ҳолда, унга қўшимча жазо тайинлайди.

Асосий жазолар мустақил тарзда тайинланади ва бошқа жазога қўшилиши ҳам, ўзаро уйғунликда қўлланилиши ҳам мумкин эмас.

Қўшимча жазо эса фақат асосий жазога қўшиб қўлланилади. Бунда қўшимча жазо ўз хусусиятига кўра асосий жазодан оғир бўлиши мумкин эмас, ҳуқуқий чеклашлар мазмунига кўра эса ундан фарқ қилиши лозим.

Жазонинг оғирлиги уни ижтимоий онг одилона деб қабул қилувчи доирадагина ўзини оқлайди. Жиноят учун жазо сиёсатининг ҳаддан ташқари оғирлиги жиноят тўғрисидаги қонун ҳамда уни амалда қўллаш амалиётининг умумий огоҳлантирувчи самарасини камайтиради, чунки юқорида зикр этилган ҳолда аҳолининг жиноят тўғрисидаги қонун билан бирдамлиги ва жиноятчиликка қарши курашдан манфаатдорлиги камаяди³⁰. Ижтимоий онгда «ёвуз жиноятчи» образи ўрнини «жабрдийда жиноятчи» образи эгаллай бошлайди³¹, бу, ўз навбатида, жиноятларни фош қилишга ва жиний жазонинг муқаррарлигига салбий таъсир кўрсатади.

Жазо тайинлашда суд ҳуқуқий онгга амал қилиши лозим. Ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онг жамиятда ҳукм сурувчи фалсафий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий қарашлар негизида шаклланади. Одил жамият, шу жумладан одамларнинг лозим даражадаги хулқ-атвори ва ундан чекинганлик учун жавобгарлик ҳақидаги қарашлар замирида юқорида зикр этилган қарашлар мажмуи ётади.

Жазонинг оғирлиги гоёсига умумий муносабат ҳақида қуйидаги маълумотлар далолат бериши мумкин. Маҳқумларга: «Жазо қанча оғир бўлса, қонунга шунча яхши риоя қилинади», деган фикрга қандай қарайсиз?», деган савол билан мурожаат этилди. Биринчи марта ҳукм қилинганларнинг 39% ва рецидивистларнинг 25 % бу фикрга қўшилмаслигини билдирди; бу фикрга қўшилувчилар тегишинча 10 ва 13 % ни, бу фикр айрим ҳолатлар учун ўринли деб ҳисобловчилар 21 ва 27 % ни ташкил қилди; қолганлар жавоб беришга қийналишини маълум қилди.

Сўровларда «Жазо қанча оғир бўлса, қонунга шунча яхши риоя қилинади», деган фикрга қўшилганлар сони ҳозирги кунда қарийб икки барабар камайди³².

С. Максимовнинг ҳатто ўлим жазоси муттасил таҳдид солган муҳитда ҳам жиноятчилик устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлин-

³⁰ Нечепуренко А. А. Проблемы измерения эффективности общего предупреждения преступлений. Совершенствование правоприменительной деятельности в условиях перестройки. — Омск: Омская ВШ МВД СССР, 1989. — 40-бет.

³¹ Келина С. Г., Кудрявцев В. Н. Принципы советского уголовного права. — М.: Наука, 1988. — 155-бет.

³² Долгова А. И. Криминологические исследования взаимосвязи правосознания и преступности. Криминологические проблемы правосознания и общественного мнения о преступности. М. — 37-бет.

магани ҳақидаги фикрига қўшилиш мумкин. Жазо қанча оғир ва муқаррар бўлмасин, жамият барча потенциал жиноятчиларни жазо билан қўрқитишга ҳар қанча уринмасин, бу ҳали ҳеч қачон натижа бермаган³³. И. Э. Звечаровский жазо билан қўрқитиш ҳам, жазонинг ўзи ҳам жиноятчиликка барҳам бера олмаслигини қайд этади³⁴. И. И. Карпецнинг жазо одамни маънавий жиҳатдан ўзгартира олмайди, лекин жиноятдан тийиб турувчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин³⁵, деган фикрига қўшилиш лозим.

Жиноий жазо, бошқа ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби, ўз табиатига қўра диалектик жиҳатдан зиддиятли ҳодисадир. Жазо, жамиятдаги муносабатларни тартибга солишнинг асосан ижобий ва зарур чораси бўлгани ҳолда, маълум, энг аввало ижтимоий-психологик жиҳатдан салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради³⁶.

Жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда меҳнат муҳим рол ўйнайди. Утопист социалистлар меҳнат билан тарбиялаш жиноятчилар учун анча оғир жазо бўлибгина қолмасдан, жамиятнинг бошқа маънавий беқарор шахсларини уятли қилмиш содир этишдан ўзини тийишга мажбур қилишини ҳам қайд этган эди³⁷. «Жиноят содир этилган ҳолда доно қонунчи жазолашдан ҳам кўра кўпроқ маънавийтни яхшилашга ҳаракат қилади»³⁸, деб ёзган эди Ш. Монтескье.

Инсон шахсини ақлий, маънавий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш ва камол топтиришда бунёдкор меҳнат катта рол ўйнашини утопик социализмнинг барча атоқли вакиллари³⁹ ва ўтмишнинг илғор фикрли мутафаккирлари⁴⁰ қайд этади.

Ахлоқ тузатиш ишлари энг инсонпарвар ва айни вақтда самарали жазо чорасидир. Ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолаш маҳкум шахсига давлат томонидан (ахлоқ тузатиш ишлари инспекцияси) ва ижтимоий (меҳнат жамоаси) таъсир кўрсатишни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу жазо турида унинг тарбиявий жиҳати етакчилик қилиши лозим. Мазкур жиҳат ҳар хил тарзда намоён бўлиши мумкин.

³³ *Максимов С. В.* Гласность и теоретические вопросы общепредупредительного воздействия на преступность. Советское государство и право. 1990, №7. — 77-бет.

³⁴ *Звечаровский И. Э.* Уголовно-правовые нормы, поощряющие посткриминальное поведение личности. — Иркутск: изд-во Иркутского ун-та, 1991. — 39-бет.

³⁵ *Карпец И. И.* Уголовное право и этика. — М.: Юр. лит-ра, 1985. — 194-бет.

³⁶ *Шмаров И. В.* Преодоление отрицательных последствий уголовного наказания. Советское государство и право. 1977. №2. — 84-бет.

³⁷ *Мор Т.* Утопия. — М.: МСМ, 1957. — 168-бет.

³⁸ *Монтескье Ш.* Избранные произведения. М., 1955. — 231-бет.

³⁹ *Кампанелла Т.* Город Солнца. М., 1974. — 64—84 бетлар; *Фурье Ш.* Избр. соч. М.: 1944. Т. 3. — 335—423-бетлар.; *Оуэн Р.* Избранные произведения. М., 1950. Т. 2. — 58—86-бетлар.

⁴⁰ *Ушинский К. Д.* Избранные педагогические сочинения. М.: 1953. Т. 1. — 303—326-бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида мулкый хусусиятга эга бўлган битта жазо: жарима назарда тутилган. Бизнинг назаримизда, мулкый жазолар келажакда озодликдан маҳрум қилишнинг муқобилидир⁴¹. Ривожланган чет мамлакатлар қонунчилигининг таҳлили шундан далолат беради. Озодликдан маҳрум қилишнинг самарасизлигини тушуниб етган мамлакатларда мазкур жазога ҳукм қилинувчи шахслар улуши унча кўп эмас. Масалан, 1987 йилда Англия ва Уэльсда жами маҳкумларнинг 21 %, Швецияда — 20 % озодликдан маҳрум қилинган, жарима тайинланган шахслар улуши эса тегишинча 44,5 % ва 49,4 % ни ташкил этган⁴². Японияда 1981 ва 1982 йилларда озодликдан маҳрум қилинган шахслар улуши 3,5—4 % ни, жарима тайинланган шахслар улуши — 95—95,2 % ни⁴³, бошқа маълумотларга кўра — тахминан 97 % ни⁴⁴ ташкил қилган.

Жарима асосан маҳкумга мулкый зарар етказиш билан боғлиқ бўлиб, айбдордан муайян миқдорда пул ундиришни назарда тутлади. Ушбу жазо қўлланилишида шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворида туртки берган сабабларга давлат мажбурлов чоралари бевосита таъсир кўрсатади. И. В. Смольникова бу ҳақда жумладан шундай дейди: «Жариманинг роли шахснинг салбий хулқ-атворини, қарашларини ўзгартириш мақсадида унинг онгига иқтисодий таъсир кўрсатишдан иборат. Жазо сифатида жарима асосан кўрқитувчи таъсир кўрсатади»⁴⁵.

Агар жарима доимий иш жойи ва яхши иш ҳақига эга бўлган, иш жойидан ижобий таърифланувчи шахсга нисбатан қўлланса, унинг жиноий жазо чораси сифатидаги самарадорлиги ошади. Г. А. Кригер айбдорнинг шахси (ишга муносабати, оилавий ҳолати, оиласининг таркиби ва ҳ.к.)ни тавсифловчи маълумотларга ҳам катта эътибор бериш керак⁴⁶, деб таъкидлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган жазо тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Ик-

⁴¹ Карпец И. И. Наказание: социальные, правовые и криминологические проблемы. — М.: Юр. лит-ра, 1973. — 230-бет; Багрий-Шахматов Л. Уголовная ответственность и наказание. Минск, Высшая школа, 1976. — 283-бет; Смолькова И.В. Штраф как мера наказания по советскому уголовному праву. Иркутск: изд-во ИГУ, 1979. — 76-бет.

⁴² Генцель К. Можно ли сократить контингент тюрем? Венгерский меридиан, 1990. №3. — 37-бет.

⁴³ Уэдо К. Преступность и криминология в современной Японии. М., 1989. — 177 б.

⁴⁴ Кучвальская И. Штраф в системе мер уголовного наказания. Судовы весник. Минск, 1994. №1. — 38-бет.

⁴⁵ Смолькова И. В. Штраф как мера наказания по советскому уголовному праву. Иркутск, 1979. — 6-бет.

⁴⁶ Кригер Г. А. Квалификация хищений социалистического имущества. — М.: Юридическая литература, 1974. — 298—299-бетлар.

кинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган маърузасида Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай деб қайд этди: «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади.

Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобида қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш маъқулдир.

Ўйлайманки, жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади»⁴⁷.

2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун Президентимизнинг юқорида зикр этилган кўрсатмаларини амалга ошириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Республикамызда жиноят қонунчилигини эркинлаштириш чоратадбирларининг амалга оширилиши билан боғлиқ жараёнга юртбошимизнинг юқорида зикр этилган: «Жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади», деган сўзлари шиор қилиб олинди.

Маълумки, амалдаги жиноят қонунчилигимизда барча жиноятлар, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига қараб, тўрт

⁴⁷ Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

гуруҳга — ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади. Юқорида зикр этилган Қонун қабул қилингунга қадар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят кодексидаги жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизини ташкил этар эди. Мазкур Қонунга мувофиқ, жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Шундай қилиб, Жиноят кодексидаги жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Жиноятнинг бундай тоифасини содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жазони колония жойларида қўриқчисиз ўтайди, эркин юриш ҳуқуқига, қариндош-уруглари ва яқинлари билан чекланмаган миқдорда учрашиш ва бошқа бир қатор имтиёзларга эга бўлади. Шунингдек, 12 турдаги жиноят оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, етти тури эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бу ўзгартишлар жазони ўташ режимига жиддий таъсир кўрсатди, жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тартибини қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар тақдирини анча енгиллаштирди.

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради»⁴⁸.

Шундай қилиб, жиноят қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар натижасида жиноятлар таркибининг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шу билан бирга, жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Бу қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашув бўлди.

⁴⁸ Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

Хўш, бунинг моҳияти нимада кўринади? Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш таклиф этилди. Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. «Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий жиноят содир этганликда айбланувчи ўзининг судга қадар қамалмаслигини аниқ билса, тергов ва суддан яширинишга ҳаракат қилиб ўтирмайди»⁴⁹.

Жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазо чораларига киритилган ўзгартишлар жиноятлар таркибининг 87 тасига тааллуқли бўлиб, жиноят қонунининг жазолаш таъсирини камайтиришга қаратилган. Шу билан бирга, улар жавобгарлик доирасини янада аниқроқ белгилаш ва унга алоҳида ёндашув ҳисобига жазонинг тарбиявий аҳамиятини ва унинг самарасини ошириш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ўнта (167, 168, 170, 173, 175, 180, 181, 198, 202, 233) моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни қонунда белгиланган миқдорда қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлласлик ҳақидаги нормалар киритилди.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Мамлакат жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ҳамда ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиной қилмишлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди. Натижада фақат сўнгги икки ярим йил ичида катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қонунбузарликка йўл қўйган беш мингга яқин киши озодликда сақланди ва улар томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги моддий зарар қопланди⁵⁰.

Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартишлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларга муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитларини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини яратди. Натижада жазони манзил-коло-

⁴⁹ Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

⁵⁰ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., «Ўзбекистон», 2005. — 44—45-бетлар.

нияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча кўпайди. Яъни, 1990 йилда манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 21 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Аини пайтда ушбу кўрсаткич, масалан, АҚШда — 715, Россияда — 584, Украинада — 416, Қозоғистонда — 386, Қирғизистонда — 390, Эстонияда — 339 кишидан иборат⁵⁰.

Шуни таъкидлаш лозимки, «жабрланувчи билан ярашув» тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди. Хўш, бу қандай тартиб? Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган, деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш муддатлари қисқаради. У узоғи билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Шундай қилиб, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларида бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустақкамлашда ижобий омил бўлди. Халқимизнинг табиатида мос келадиган мана шундай усулдан фойдаланиш ўтган давр мобайнида 26 мингдан ортиқ кишини жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берди.

«Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади»⁵¹.

Бугунги кунда бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири — ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида сақланиб қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир. Айрим мамлакатларда ўлим жазоси тақиқланган, баъзиларида эса унга нисбатан мораторий эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюция-

⁵⁰ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., «Ўзбекистон», 2005. — 44—45-бетлар.

⁵¹ Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

сида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: «Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, — дейилади ушбу ҳужжатда, — бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жинойт қонунчилиги сиёсати бугун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

2. ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ ЖАЗО ТУРИ СИФАТИДА ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўлим жазоси — инсониятга маълум бўлган энг қадимги жазо турларидан бири. Нафсиламбрини айтганда, ўлим жазоси ҳозирги талқиндаги жинойт ҳуқуқи юзага келишидан анча олдин қўлланилган. «Ҳаётдан маҳрум қилиш, жинойтчиларга ижтимоий жазо бериш тури сифатида, анча олдин учрайди», деб таъкидлаган эди рус олими Н. С. Таганцев⁵².

Тарихий манбалар ўлим жазосининг жазо тури сифатида жуда қадимдан қўлланилиб келинганлигидан далолат беради. Мутахассисларнинг фикрича, ўлим жазосининг келиб чиқиш сабабларини одамларнинг ёки оилаларнинг бир-биридан қасос олиш одатидан излаш лозим. Дастлабки даврларда одамлар ўртасида қасос олиш одати пайдо бўлган бўлса, кейинчалик оила институтининг пайдо бўлиши ушбу функциянинг оилага ўтишига олиб келди. Лекин қасос олиш вазифаси оилада ҳам кўп сақланиб қолмади. Чунки давлат пайдо бўлиб, ўлим жазоси фақат давлатнинг ваколатига айланди.

Ўлим жазоси ҳақидаги дастлабки маълумотлар илк давлатлар ҳақидаги маълумотлар билан тахминан бир даврга тааллуқли. Қонуний (юридик маънода) жазо тури сифатида ўлим жазоси ҳокимият-ни институционализация қилиш бошланиши билан бир пайтда, мустақамлаб қўйилган ҳуқуқий муносабатлар билан тартибга солинадиган жамиятга ўтиш вақтида пайдо бўлди. Масалан, ерга қабила оқсоқолларининг мулки деб қаралган кечки неолит ва энеолит даврига (милоддан аввалги X—V минг йилликлар) қадар Тонга оролларида ибтидоий жамоа оддий аъзоларининг ўзига тегишли ер майдони билан бошқа қабила оқсоқоли тасарруфига ўтишга уриниши ўлим билан жазоланган. Қабилавий бўлинишдан ҳудудий бўлинишга ўти-

⁵² Таганцев Н. С. Смертная казнь: Сб. ст. СПб., 1913. — 57-бет.

лиши билан ҳуқуқ институтлари пайдо бўла бошлади, синтез қилиш, универсаллаштиришга интиланган ҳуқуқ нормалари вужудга келди. Ўз-ўзидан равшанки, бунда тенг илк давлат тузилмаларида Ўлим жазоси айна тарихий-маданий ареалда (Г. Померанц таъбири билан айтганда — экуменада)⁵³ айбли деб топилган қилмишлар учун тайинланар эди. Айтайлик, бир жойда зодагонларнинг мулкига тажовуз қилиш ўлим билан жазоланган бўлса, бошқа жойда — экзогам ёки табақавий никоҳ⁵⁴ қоидаларини бузиш учун ўлим жазоси тайинланган. Табиатга таъсир кўрсатиш имконини берувчи «муқаддас кучи»ни йўқотган қабила оқсоқоллари ҳам ўлдирилган. Ўз оқсоқолларини қаттиқ ҳурмат қилган Шиллуки қабиласи (Юқори Нил) аҳолиси ҳам улар муайян ёшга тўлганидан сўнг қарилиги туфайли ҳосилнинг унумдорлигини, моллар туёғи кўпайишини ва қабила аъзоларининг саломатлигини таъминлай олмаслигидан кўрқиб, уларни ўлдирганлар. Одатда оқсоқол кучдан қолаётгани ҳақида қабила аъзоларига биринчи бўлиб унинг хотинлари хабар берган. Оқсоқол — динка қаригани ёки кучдан қолганини сезгач, ўғилларига қазо куни келганини маълум қилган. Оқсоқолнинг хоҳиши эса, табиийки, қабила аъзолари учун қонун ҳисобланган.

Давлат-ҳуқуқий муносабатлари вужудга келиши билан «талион принципи» пайдо бўлган. У жазо жиноятга тенг бўлиши керак деган ғояни илгари сурган. Ушбу принцип омма онгида **Қадимги Аҳд**⁵⁵ китобидан олинган «Қонга қон, жонга жон» ибораси тарзида муҳрланган. Ибтидо китобида бу фикр умумий тарзда ифодаланган: «Кимки инсон қонини тўкса, унинг қони инсон қўли билан тўкилажак, деди Худованд». Бу амалда одам ўлдириш учун ўлим жазосининг маъқулланишини англатади. Тўғри, кўпгина халқларда «хун ҳақи» деган тушунча ҳам амал қилган. Бу ўлдирилган одам учун жон билан эмас, балки пул ёки унга тенг миқдорда мол билан ҳақ тўлаш мумкинлигини англатган.

Ўтмишдан маълумки, қадимги илк қулдорлик давлатлари милоддан аввалги IV—III минг йилликларда вужудга келган Месопотамия ва Миср ҳисобланиб, қолган ҳудудларда бу тузум анча кейин — VIII—III асрларда вужудга келган ва ривож топган. Шу боис мазкур давлатларда ўлим жазосининг ривожланиши ва қўлланилишини кўриб чиқиш юқоридагилар билан бирга ўлим жазосининг инсоният тарихида вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида муфассал тасаввурга эга бўлишга қўмаклашади деб ўйлаймиз.

⁵³ Экумена — Ер юзининг одамлар яшайдиган қисми; *луғатга қ.*

⁵⁴ Экзогамия — ибтидоий жамоа тузуми даврига хос бўлган бир қондош гуруҳ доирасида никоҳларни тақиқловчи тартиб.

⁵⁵ Қадимги Аҳд — Таврот ва Забурнинг умумий номи; *луғатга қ.*

Қадимги даврларда ўлим жазоси. Қадимги давлатларнинг жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, биз уларнинг деярли барчасида ибтидоий жамоа тузумининг кўпгина қолдиқлари сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, уларда ҳали қасос олиш одатининг излари сақланиб қолган эди. Хусусан, қадимги давлатларнинг жазо тизимида жамоавий жавобгарлик, «қонга қон, жонга жон» тамоийили, суд юритиш ишларида ордалия — синаб кўриш қоидаси мавжуд бўлган. Қадимги давлатларда қўлланилган жазоларнинг асосий мақсади кўрқитиш бўлган.

Қадимги давлатларнинг жазо тизими ичида **Қадимги Хитой** жазо тизимида қўлланилган жазолар ўзининг ўта шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Қадимги Хитойда ҳам ўлим жазоси ниҳоятда кенг ва ваҳшиёна усуллар билан қўлланилган жазо турларидан бири ҳисобланган. Қадимги Хитой жиноят ҳуқуқи бўйича солиқ тўлашдан бош тортган шахслар ва пиянисталарга ҳам ўлим жазоси тайинланган. Бундан ташқари, сиёсий, давлатга қарши жиноятлар учун нафақат айбдорнинг ўзи, балки унинг ота-онаси ва хотини шажараси бўйича уч авлод қариндош-уруғлари ҳам жавобгарликка тортилган. Хань империясининг дастлабки даврида махсус фармон чиқарилиб, унга кўра давлатга қарши жиноят содир этган шахснинг уч авлоди қирғин қилинган, сўнгги авлодга дастлаб татуировка йўли билан тамға босилиб, бурунлари ва оёқлари кесилган, шундан сўнг уларни таёқ билан ўлгунча урилган. Уларнинг бошларини узиб, суяклари ва гўштлари таналаридан ажратиб олиниб, бозор майдонларига осиб қўйилган. Қадимги Хитойда жуда ёш болаларни ва қарияларни қийноққа солиб қатл этиш ҳоллари кўп бўлгани ҳақида ҳам айрим маълумотлар мавжуд. Давлат тузумига қарши фитна ва исёнларда иштирок этган шахслар қайнаб турган сувда ёки гулханда куйдирилган. Шу билан бир қаторда ўлим жазосининг тириклайин кўмиш, бўлакларга бўлиш (маҳкумни белидан иккига бўлиб ташлаш тез-тез қўлланилиб турилган) каби ранг-баранг кўринишлари мавжуд бўлган. Қатл этилган шахснинг жасади асосан жамоат жойларида — бозорларда ёки катта йўлларда дарахтга осиб қўйилган. Қадимги Хитойда ўлим жазосини ижро этиш вақти масаласи ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Сабаби, Конфуций таълимоти бўйича ўлим жазоси кузда ёки қишда ижро этилган. Гап шундаки, баҳорда ва ёзда, яъни айти табиат уйғонаётган пайтда тирик мавжудотни ўлдириш табиат ва жамиятдаги уйғунликнинг бузилишига олиб келиши ва бунинг оқибатида сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар келиб чиқиши мумкин, деб ҳисобланган.

Ўлим жазоси кенг қўлланилган қадимги давлатлардан яна бири бу **Қадимги Ҳиндистон**дир. Қадимги Ҳиндистон қонунчилиги тўғри-

сида сўз юритганда, аввало, Ману қонунларига тўхталиб ўтиш жоиз. Бу қонунлар брахманизм⁵⁶ мактабларининг бири томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, диний тус бериш мақсадида афсонавий подшо Ману номи билан аталган. Ушбу қонун 12 та боб, 2685 та моддадан иборат бўлиб, ундаги қоидалар икки мисрали шеър тарзида ифодаланган. Ману қонунларида давлат ва ижтимоий тузумга қарши ҳар қандай суиқасд учун ўлим жазоси назарда тутилган. Бундан ташқари, Қадимги Ҳиндистон қонунчилигига кўра, қасддан одам ўлдирганлик учун, эр-хотиннинг ҳар қандай кўринишдаги хиёнати учун ҳам, учинчи марта ўғрилиқ қилганлар, аслзода кишиларни, айниқса аёлларни ўғирлаганлар ҳам олий жазо — ўлим жазосига ҳукм этилганлар.

Ману қонунларида ўлим жазосини ижро этишнинг оддий ва мураккаб турлари алоҳида ажратиб кўрсатилган. Жумладан, оддий турдаги ўлим жазосига бошни кесиш жазоси кирса, мураккаб турдагисига қозикқа ўтқазиш, сувга чўктириш, гулханда куйдириш, фил оёқлари остига ташлаш кабилар кирган.

Қадимги Месопатамия қонунларини ҳам ҳуқуқнинг қадимги манбаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Дастлабки ёзувлар амалдаги қонунларни ўзида акс эттирмаган бўлса-да, ҳукмдорларнинг қонунчилик фаолияти ёзиб қолдирилишига ва эълон қилинишига замин ҳозирлаган. Бундай ҳаракатдаги қонунлар (улар бизгача тўлиқ етиб келмаган) қаторига Ур сулоласининг асосчиси (милоддан аввалги III минг йилликда) подшо Ур-Намму қонунлари, Исина подшолиги ҳукмдори Липид-Иштар қонунлари, Эшқунна подшолиги (милоддан аввалги II минг йиллик боши)даги Билалам қонунлари, «Ўрта осур қонунлари» (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари) ва, ниҳоят, Месопатамиянинг энг муҳим ҳуқуқий ҳужжати, қадимги давр ҳуқуқий қарашлари ва ҳуқуқ тизимининг улкан ёдгорлиги — Иккидарё оралиғидаги энг йирик давлат қадимги Бобил подшоси Хаммурапи⁵⁷ қонунлари киради.

1901—1902 йилларда Жениульяк бошчилигидаги француз археологик экспедицияси қадимги Элам пойтахти Суза шаҳрини қазिश чоғида Хаммурапи қонунларининг қолдиқларини топишга мушарраф бўлган. Бу қонунлар миҳхат ёзувида қора базальт тош устуни сатҳига ўйиб ёзилган. Бугунги кунда унинг асл нусхаси Париж (Лувр) да сақланмоқда. Хаммурапи қонунлари тўплами 282 та модда ва 3 қисмдан иборат. Мазкур қонунлар тўплами Қадимги Месопатамияда ҳам ўлим жазоси анча кенг доирадаги жиноятларга нисбатан татбиқ этилганлигидан гувоҳлик беради. Манбаларда қайд этилишича,

⁵⁶ Брахманизм — Қадимги Ҳиндистон дини; *луғатга қ.*

⁵⁷ Хаммурапи — мил. ав. 1792—50-йилларда ҳукм сурган Бобил подшоси; *луғатга қ.*

Қадимги Месопатамия қонунларида ўтгиздан ортиқ ҳолатларда ўлим жазоси назарда тутилган.

Ушбу фикримизни Хаммурапи қонуни (ХҚ)нинг 1-моддасида белгиланган бировни одам ўлдиришда ёлғондан айбловчиларга, 3-моддасида белгиланган ёлғон кўрсатма бериш оқибаотида биров учун ўлимга маҳкум этилиш хавфини туғдирган шахсларга, шунингдек эрини ўлдирган хотинга нисбатан ўлим жазоси белгиланганлиги билан исботлашимиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Хаммурапи қонунларида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирилганлик учун ҳам ўлим жазоси назарда тутилган. Масалан, омонат иморат қурган қурувчи мазкур иморатнинг бузилиши ёки босиб қолиши оқибаотида уй эгаси ўлса, уйни қурган уста ҳам ўлимга маҳкум этилган (ХҚ 229-моддаси); агар иморатнинг бузилиши ёки босиб қолиши уй эгаси ўғлининг ўлимига сабаб бўлса, бундай ҳолда қурувчининг ўғли ҳам ўлдирилган (ХҚ 230-моддаси); агар бунинг натижасида уй эгасининг қули ўлса, уста қул ўрнига бошқа қул берган (ХҚ 231-моддаси).

Хаммурапи қонунларининг 14-моддасида шундай дейилади: «Агар кимда-ким авилумнинг ёш ўғлини ўғирласа, ўлимга маҳкум этилади». Жиноятчи деворни бузиб ўғирлик қилса, уни жиноят жойида қатл этиб кўмиб ташлаш жазоси (ХҚ 21-моддаси) тайинланган, ёнғин пайтида ўғирлик қилган жиноятчи ўтга ташланган (ХҚ 25-моддаси).

Қонунда яқин қариндошлар ва туғишганлар ўртасидаги алоқалар оғир жиноят сифатида қаралиб, қаттиқ жазолар белгиланган. Масалан, отаси ўлган ўғилнинг ўз онаси билан жинсий алоқада бўлиши ўта оғир жиноят ҳисобланиб, бунда жиноятчилар ёқиб юборилиши қайд этилган.

Хаммурапи қонунларига кўра, қулларга қулдорларнинг хусусий мулки деб қаралган ва уларга нисбатан ҳар қандай тажовуз оғир жиноят ҳисобланган. Хусусан, Хаммурапи қонунларидан айрим мисолларни келтириб ўтиш мумкин: «Агар биров сарой дарвозасидан сарой қулини ёки чўрисини, шунингдек мушкенунинг қули ёки чўрисини олиб чиқса, ўлимга ҳукм этилади» (15-модда); «Агар биров ўз уйида саройга ёки мушкенуга тегишли қочоқ қул ёки чўрини яширса, уйга қамаб қўйса, уй эгаси ўлимга ҳукм этилади» (16-модда); «Агар қочоқ қулни ушлаб олган шахс уни уйда сақлаб турса-ю, буни шу пайтда қул эгаси топиб олса, бундай ҳолда қулни уйда ушлаб турган шахс ўлимга ҳукм этилади» (19-модда); «Агар биров бошқа одамга тегишли қулни сартарошга олиб келиб, ўз қулим деб алдаб, қулдаги белгини қирдириб ташлатса, бундай одам ўлимга ҳукм этилади; сартарош «мен буни қасддан қилмадим» деб қасам ичиб, жавобгарликдан озод бўлиши мумкин» (227-модда); «Қул билан кимда-ким олди-сотди шартномаси тузиб, ундан бирор нарса харид қилса,

Ўлим жазосига ҳукм қилинади» (7-модда); қулнинг қочишига ёрдам берганлик, уни яширганлик ёки эгасига қайтаришдан бош тортганлик ҳам ўлим жазосига лойиқ хатти-ҳаракат ҳисобланган.

Чек ерлари билан таъминланган жангчилар юришларда қатнашиш учун подшо амрига биноан исталган пайтда чақириб олиниши мумкин ва бу ҳолда жангчи дарҳол етиб келиши шарт бўлган. Агар жангчи бундан бош тортса ёки ўз ўрнига бошқа одамни жўнатса ҳам ўлимга ҳукм этилган. Ҳарбий бошлиқлар эса жангчининг мулкидан ўз мақсадларида фойдаланганлик ёки ижарага берганлик учун ўлимга ҳукм этилганлар. Бобилда ўғрилиқда айбланган шахс қонунда белгиланган катта миқдордаги жаримани тўлай олмаса, ўлимга ҳукм этилган.

Қадимги Мисрда ўлим жазоси жуда кўп жиноятларга нисбатан қўлланилган. Масалан, давлатга хиёнат қилган ёки қўзғолон кўтарган, фитна уюштирган шахслар ўлим жазосига ҳукм этилиб, унинг жасади ҳамма қатори ерга кўмилмай, сувга оқизиб юборилган. Бундан ташқари, диний қоидаларни бузган шахслар ҳам ўлим жазосига сазовор бўлганлар. Шу билан бир қаторда, Қадимги Мисрда қасамхўрлик жиноятлари, одам ўлдириш ва баъзи ҳолларда ёлғон хабар берганлик учун ҳам ўлим жазоси қўлланилган. Отасини ўлдирган фарзанднинг танасидан гўшtlари суғуриб олиниб, тиканга ётқизи-либ, кейин эса ёқиб юборилган. Қабрни бузиб ўғрилиқ содир этган шахснинг қулоқлари, бурни кесилган ва у қозиққа ўтқизилган. Ўлим жазоси асосан ўтда куйдириш ёки қозиққа ўтқизиш, бошни кесиш, осиш, тириклайин кўмиш, бутга михлаш каби усулларда ижро этилган. Юқори лавозимдаги кишилар ўлимга ҳукм қилинганида уларга ўзини-ўзи ўлдиришга рухсат берилган. Боқхорис қонунига биноан ўлим жазоси қулга айлантириш жазоси билан алмаштирилиши мумкин бўлган.

Юқоридаги далиллар Қадимги Миср қонунчилигида ўлим жазоси энг кўп тарқалган жазо бўлганига шубҳа қолдирмайди.

Ўлим жазоси жинойий жазо тури сифатида **Антик дунё давлатлари** ҳисобланмиш Қадимги Рим, Қадимги Юнонистон, шунингдек эллинистик давлатларда ҳам анча кенг қўлланилган. Антик дунё давлатларининг барчасида, жумладан Қадимги Юнонистонда ҳам жазонинг асосий мақсади кўрқитиш ва даҳшатга солиш бўлган. Қадимги Юнонистоннинг жазо тизимида худди Қадимги Шарқ мамлакатларида бўлгани каби ибтидоий жамоа тузумининг баъзи бир қолдиқлари қисман сақланиб қолган эди. Буни куйидаги мисол ҳам тасдиқлайди. Қадимги Юнонистон ҳуқуқи нормаларига асосан, қотил ўз хоҳишига биноан мамлакатдан чиқиб кетиш орқали жазодан қутулиб қолиш имкониятига эга бўлган. Бироқ, қотил қачондир ўз юр-

тига қайтиб келса, у қонун муҳофазасида эмас, деб топилган ва қотил ўлдирган кишининг яқинлари томонидан уларнинг хоҳишига кўра қатл қилиниши мумкин бўлган. Агар бирор шахс амалдаги тузумга қарши хатти-ҳаракатлар содир этса, унинг бу ҳаракатлари давлатга хиёнат деб ҳисобланган ва у ўлим жазосига ҳукм этилган. Хотиннинг эрига хиёнати ўта ахлоқсиз ва оғир жиноят ҳисобланиб, Қадимги Юнонистон жиноят қонунчилиги бўйича эрига хиёнат қилган хотинини ўлдириш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, Қадимги Юнонистонда хусусий мулк қаттиқ ҳимоя қилинган, жумладан, кечаси ўғрилиқ қилган шахсларни ушлаб ўлдириш мумкин бўлган.

Анча оғир бўлган жиноятлар, жумладан, худосизлик, босқинчилик, талончилик ва юқорида тўхталиб ўтганимиз қасддан одам ўлдириш, давлатга хиёнат каби жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган. Ўлим жазосини ижро этишда маҳкумларга заҳар ичиб, қилич ва арқон берилиб, хоҳлаганини танлаш орқали ўзини ўлдириш имконияти берилган.

Антик давлатлар ичида **Қадимги Рим** ҳуқуқи юқори даражада ривожлангани ва кўпгина давлатлар ҳуқуқи учун андоза бўлиб хизмат қилгани билан ажралиб туради. Рим ҳуқуқида алоҳида аҳамиятга эга бўлган XII жадвал қонунлари бўйича ўлим жазоси тор доирадаги жиноятлар учун назарда тутилган бўлса-да, лекин амалда жуда кўп жиноятлар учун қўлланилган. Рим давлати қонунчилиги шу билан диққатга сазоворки, Рим жазо тизимида ўлим жазоси қўлланилишининг фаоллиги аста-секин пасайиб борган (кечки республика даври (мил.ав. III—I асрлар) да ушбу жазо умуман қўлланилмаган бўлса, императорлик даврида қайта тикланган) ва пировард натижада Рим фуқаролари учун бадарға қилиш жазоси билан алмаштирилган. Римда ўлим жазоси жиноятларнинг хусусиятига қараб турли, масалан, сувга чўктириш, бошни кесиш, Торпея қоясидан ташлаб юбориш, бутга тортиш, куйдириш, осиш ва бошқа усулларда ижро этилган. Қадимги Римда қуллар озод кишиларга қараганда кўпроқ қатл этилган. Милодий ўнинчи йилда қабул қилинган сенатус-консулт (сенат қарорлари)га биноан, агар бирор кул хўжайинини ўлдирган бўлса, шу уйда бўлган ва унинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилмаган барча қуллар ҳам ўлимга ҳукм этилган. Илк империя даври (мил. ав. 27 йилдан милодий 284 йилларгача бўлган давр)да муайян иммунитетга эга бўлган шахслар ўз қариндошларини ўлдирса, ўлим жазоси билан жазоланган, доминат, яъни мутлақ яккаҳоқимлик даври (милодий 284—476 йиллар)га келиб эса, тўрт ҳолатда: ўт кўйиш, сеҳржоду билан шуғулланиш, жаноби олийларини ҳақорат қилиш ва одам ўлдириш каби жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган. Шу вақтнинг ўзида ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаган шахслар учун ўттиз

бир ҳолатда ўлим жазоси назарда тутилган эди. Императорликнинг охириги давридаги Рим қонунчилиги ўлим жазоси ҳақида қуйидаги маълумотларни беради. Гулханда куйдириш тариқасидаги ўлим жазоси бошқа қатл усуллари, чунончи: осиш, чўктириш, йиртқич ҳайвонларга едириш, оғзига эритилган темир куйиш билан бир қаторда 24 ҳолда назарда тutilади. Готтофред келтирган маълумотларга кўра, бошни танадан жудо этиш тариқасидаги ўлим жазоси Феодосий кодексда 80 ҳолда қайд этилади. Берлинлик профессор Голтцендорфнинг фикрича, бу саноқ тўлиқ эмас, чунки мазкур кодексда кўп учрайдиган «Capitalstrafe» сўзи ҳам ўлим жазосини англатади.

Юқорида кўриб чиққанамиздек, қадимги давлатларда ўлим жазоси жазо тури сифатида ниҳоятда кенг қўлланилган бўлиб, бунинг мантиқий моҳиятида қўрқитиш асосий ўринни эгаллаган. Жазонинг шу моҳияти кейинги даврда (V—XVII асрларда), чунончи, дунёнинг барча мамлакатлари ўз бошидан кечирган Ўрта аср ҳуқуқида ҳам ўз моҳияти, мақсадини сақлаб қолди. Ўлим жазоси Ўрта аср жаҳон мамлакатлари жазо тизимида жуда кўп жиноятларга нисбатан татбиқ этилди. Қуйида шу давлатларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Франклар давлатида ҳуқуқнинг муҳим манбалари ичида варвар қабилаларининг⁵⁸ одат ҳуқуқи ёзувлари ҳисобланмиш «варварлар ҳақиқатлари» алоҳида ўрин эгаллаган. «Варварлар ҳақиқатлари» орасида энг қадимгиларидан бири — «Сали ҳақиқати» V асрнинг охири — VI асрнинг бошларида Хлодвиг ҳукмронлиги даврида ишлаб чиқилган эди. Франк қабилаларининг яна бир суд низоми — «Рипуар ҳақиқати»нинг асосий қисми VI асрда шаклланди. Бундан ташқари Аллемания ва Бавария ҳақиқатлари деб номланган қонунлар тўплами VIII асрда вужудга келган бўлса, Саксония ва Тюрингия ҳақиқатлари эса VIII асрнинг охири — IX аср бошларида пайдо бўлди.

«Варварлар ҳақиқатлари»даги жиноят ва жазо тушунчалари ҳозирги маънодаги жиноят ва жазо тушунчаларини ифодаламаган. «Варварлар ҳақиқатлари»да деликт — жиноят деганда, аввало, озор етказиш, бировнинг шахсига ёки мулкига зарар етказиш, «қиролик тинчлигини» бузиш тушунилган. Шунга мувофиқ, жазо деганда муайян шахсга озор ёки зарар етказганлик учун бадал, товон тўлаш тушунилган. «Варварлар ҳақиқатлари»нинг ҳаммаси жазо тайинлашда жиноятчи ва жабрланувчининг ижтимоий аҳволини ҳисобга олган. Уларда Рим жиноят ҳуқуқида бўлгани каби ўлим жазоси унча кенг қўлланилмаган. «Варварлар ҳақиқатлари»да судсиз жазолашга ҳам

⁵⁸ Варварлар — юнон ва римликлар томонидан уларга нисбатан тушунарсиз тилда сўзловчи ва бегона маданиятга мансуб барча ўзга юртликлар (германлар ва б.)га берилган ном; *луғатга қ.*

узоқ вақт рухсат этиб келинган. Масалан, «Бавария ҳақиқати»да «кечаси жиноят устида ушлаб олинган» ўғрини шу жойнинг ўзида ўлдиришга рухсат этилган. «Сали ҳақиқати»да белгиланган ўлим жазосининг осиб ўлдириш, чархпалакка тортиш каби турлари асосан қуларга нисбатан қўлланилган. Ўлим жазоси эркин кишиларга нисбатан камдан-кам ҳолда тайинланган. «Сали ҳақиқати»да кўрсатилишича, эркин кишилар ўт қўйишда айбланиб, судга узрли сабабсиз келмаса, ўлимга ҳукм этилиши мумкин бўлган. «Сали ҳақиқати»га қўшимча қилинган биринчи Капитулярий бўйича, қул билан эркин аёлнинг никоҳга кириши қонундан ташқари ҳисобланган ва эркин аёлнинг мол-мулки давлат хазинаси фойдасига мусодара қилинган, қариндошлари эса уни судсиз ўлдиришлари мумкин бўлган. Эркин аёлга уйланган қул чархпалакка тортиб ўлдирилган. Теодорих эдиктининг 59-моддасига биноан, таниқли уруққа мансуб бўлган бадавлат киши эркин қизни «йўлдан оздирса», уни хотинликка олиши лозим эди. Агар қизни «йўлдан оздирган» одам бадавлат ҳам, таниқли ҳам бўлмаса, у «эркин қизнинг шаънини поймол этган одам сифатида ўлимга маҳкум этилган». Шунингдек, унда «жаноби олийларини ҳақорат қилганлик» (49-модда), «халқни ва қўшинларни исёнга даъват этганлик» учун (107-модда) ҳам ўлим жазоси назарда тутилган. «Бавария ҳақиқати»да ўзга халқни талончиликка таклиф қилиш ёки «давлатнинг душман томонидан босиб олинишига кўмаклашиш» оғир жиноят ҳисобланиб, бунинг учун мол-мулкни мусодара қилиш ва ўлим жазоси назарда тутилган (2-титул, 1-модда). «Сали ҳақиқати» бўйича, агар қул бинони бузиб ёки калит ясаш йўли билан ўғрилиқ содир этса, ўғри қул ўлимга маҳкум этилган.

Қадимги Русда (IX—XII асрлар) қонунчиликнинг шаклланиши қадим ўтмишга бориб тақалади. Рус ҳуқуқи ҳақида гапирганда Рус ҳақиқати ҳақида тўхталиб ўтиш лозимдир. Рус ҳуқуқининг энг йирик ёдгорлиги ҳам айнан Рус ҳақиқатидир. Рус ҳақиқати Ярослав ҳақиқати, Ярославчилар ҳақиқати, Муфассал ҳақиқатларни ўз ичига олади.

Рус ҳақиқатида ўлим жазоси ҳақида ёзиб қўйилмаган бўлса-да, лекин баъзи манбаларда эътироф этилишича, турли феодаллар ҳокимиятига қарши кўзғолон ва хоинликлар учун ўлим жазоси кенг қўлланилган. Масалан, 1068 йилда Киевда князь ҳокимиятига қарши кўзғолон ташкилотчилари ва иштирокчилари — жами 70 киши князь Изяслав томонидан осиб ўлдирилган. Хоин князь удели (мол-мулк)дан, бояр эса бошидан маҳрум этилган.

Русда XIV асрдан марказлашган давлатнинг вужудга келиши ўз навбатида ҳуқуқ соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу даврнинг энг асосий ҳуқуқий ёдгорлиги 1497 йилги Судебник

(Қонуннома) эди. Унда давлат ёки ҳукмрон синфга тажовуз қилувчи ҳар қандай ҳаракатларга жиноят деб таъриф берилган. Қонуннома ўлимга ҳукм этиш ва савдо қатли деб аталган янги жазоларни жорий қилган ва улар кўп сонли жиноятлар учун қўлланилган. Давлатга қарши жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган. Савдо қатлига кўра, айбланувчи бозор майдонида қамчи билан саваланган, бу кўпинча унинг ўлимига олиб келган. Қонун ўлим жазоси турларини кўзда тутмаса-да, амалда ўлим жазосининг кўплаб турлари мавжуд эди. Масалан, осиш, бошни кесиш, сувга чўктириш ва бошқалар.

Кейинчалик, 1649 йил Собор қонунларининг қабул қилиниши натижасида ўлим жазосининг оддий турлари (бошни кесиш, осиш, сувга чўктириш) билан бир қаторда унинг мураккаб турлари (тириклайин ерга кўмиш — бу ўз эрини қасддан ўлдирган хотинга нисбатан қўлланилган, ёқиб юбориш, томоғига эритилган қалай ёки кўрғошин қуйиш, тўртга бўлиб ташлаш, чархпалакка тортиб ўлдириш ва бошқалар) кенг қўлланила бошланган.

Россияда абсолют монархия даври (XVII асрнинг II ярми — XIX аср бошлари)да ҳам ўлим жазоси жуда кенг ва ўта ваҳший усулларда қўлланилган. Масалан, диний жиноятлар биринчи ўринда турган. Жодугарлик, «бутпарастлик» энг оғир жиноятлар сирасига киритилган ва ўлимга маҳкум этилган. Шунингдек, худони таҳқирлаш ҳам энг оғир жиноят ҳисобланган ва бунинг учун айбдор шахснинг тили қиздирилган темир билан куйдирилиб, сўнгра боши кесилган, бундай жиноятлар ҳақида хабар бермаган шахслар ҳам шундай жиноят учун жазоланганлар. Православ руҳонийларининг ажралишга уриниши учун чархпалакка тортиб ўлдириш жазоси назарда тутилган. Подшони ўлдириш ёки асирга олиш ҳақида ҳатто ўйлаганлик учун ҳам тўрт бўлакка бўлиш жазоси белгиланган. Қуролли кўзғолонлар уюштирувчилар, уларнинг ёрдамчилари ва бунга даъват этувчилар ҳам ўлим жазосига ҳукм этилган. Подшони, унинг хотини ва меросхўрини ҳақорат қилган шахсларнинг боши кесилган.

Ҳарбий артикулларда «одобдан ташқари барча шубҳали йиғилишлар... (гарчанд ёмонлик учун бўлмаса ҳам), ...бу орқали ғалаён ёки кўзғолон ўйлаб топилиши мумкин» бўлганлиги сабабли ўлим жазоси бериш билан кўрқитиб қатъий тақиқланган. Ҳар қандай кўзғолон ва ғалаён учун дорга осиш жазоси назарда тутилган. Кўпроқ давлатга хиёнат учун ўлим жазоси белгиланган. Бўйсунадиган кишилар ўз бошлиқларига сўзсиз риоя этишлари шарт бўлган, акс ҳолда улар ўлимга ҳукм этилган. Соқчилик хизматини бузганлик учун айбдор шахсга нисбатан ўлим жазосигача бўлган оғир жазолар тайинланган. Бошлиғининг буйруғини янглиш эшитган аскар отиб ташлани-

ши мумкин эди. Порахўрлик жинояти учун ҳам ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган. Фармон ва фармойишларни йиртиш ва йўқ қилиш учун ҳам ўлим жазоси тайинланган бўлса, муҳрларни, харажатлар рўйхатини сохталаштириш жиноятини содир этган шахслар айбининг даражасига қараб ўлим жазосигача бўлган оғир жазолардан бирига маҳкум этилган. Қалбаки пул ясаш билан шуғулланган киши ўтда куйдирилган. Ўт қўювчилар оғир жиноятчилар ҳисобланган ва уларнинг ўзи ҳам ўтда куйдирилган. Босқинчилик жиноятини содир қилганлар эса чархпалакка тортиб ўлдирилган. Шунингдек, черковда ўғрилиқ қилиш (худобезорилик) ҳам худди шундай тартибда жазоланган. Агар шахс ўз хўжайинидан, давлат муассасаларида, соқчилик хизматини ўтаётган жойда ўғрилиқ қилса, уни жиноят содир этилган жойда судсиз ўлдириш мумкин эди. Ҳарбий артикулларда қасддан одам ўлдирганлик учун жиноятчининг боши кесилиши назарда тутилган. Бировни ёллаб ўлдириш, заҳарлаб ўлдириш, отонасини, ёш боласини, зобитни ўлдириш анча оғир жиноят ҳисобланиб, бунда жиноятчилар чархпалакка тортиб ўлдирилган. Ўз жонига суиқасд қилиш, дуэль ҳам жиноят ҳисобланган ва ўлим жазоси билан жазоланган. Ўлим жазолари, одатда, қўрқитиш мақсадида омма олдида ижро қилинган. Ҳарбий артикулларда 100 дан ортиқ ҳолатлар учун, Собор қонунларида эса фақат 35 та ҳолат учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. XVIII асрнинг бошида темир крестга қовурғасидан осиб қўйиш жазоси ҳам қўллангани маълум. Ўлим жазоси давлатга қарши жиноятларга, биринчи навбатда, деҳқонлар қўзғолонларининг раҳбарлари ва иштирокчиларига кенг татбиқ этиларди. Масалан, Астраҳанда 1706 йилда ўқчилар қўзғолони бостирилганидан кейин қўзғолон кўтарганларнинг кўпчилиги (300 дан ортиқ киши) қатл этилган. 1708 йил июнда эса Булавин қўзғолони бостирилгач, 200 киши қатл этилган, Булавиннинг ўзини тўрт бўлака бўлиб, боши, қўли ва оёқлари Черкасский шаҳридаги қозиқларга осиб қўйилган. 1708 йил августда Есаулова шаҳри олинганидан кейин ҳар ўн кишидан бири қатл этилган, 200 дан ортиқ осилган танлар Дон дарёсига ташланган. Қамчи билан уриш кўпинча жазоланувчининг ўлими билан тугаган. Бу тан жазоси шу тариқа ниқобланган ўлим жазоси сифатида қўлланилган. Пётр I фармонларида *сиёсий ўлим жазоси* деган жазо ҳам учрайди. Бунда жиноятчи жисмонан ўлимга ҳукм этилмай, балки мол-мулки мусодара қилинган ва барча ҳуқуқларидан маҳрум этилган.

XIX асрда Россияда амал қилган Қонунномада давлатга қарши қаратилган жиноятларга кўпроқ ўрин ажратилган эди. Масалан, императорни ағдариб ташлашга суиқасд қилиш ёки бундай фаолиятни амалга оширишга киришиш ва ҳаттоки бу ҳақда ўйлаш учун

ҳам оғир жазо — ўлим жазоси назарда тутилган эди. Шу билан бирга, кишиларнинг ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларига ёки бошқарувчиларга бўйсуннишдан очикдан-очик бош тортиши ҳокимиятга қарши кўзғолон сифатида баҳоланиб, бунинг учун ҳам ўлим жазоси белгиланган.

Давлат ҳокимияти ҳукмронлиги даврида ҳам олдинги бефарқликнинг таъсири узоқ вақтгача сақланиб қолди. Натижада ўлим жазоси оғир жиноятлар билан бир қаторда, нисбатан енгил жиноятлар ва ҳатто аҳамиятсиз қилмишлар учун ҳам назарда тутилди. Бундай тартиб Европада то XVIII аср охирига қадар сақланиб қолди. Масалан, черковда содир этилган ўғрилиқ учун, унинг миқдоридан қатъий назар, бутун Европада ўлим жазоси тайинланар эди. Уйдаги ўғрилиқ ёки саройдан бир неча тийин ўғирлаш ҳам одам ўлдириш билан тенг жазога тортиларди.

Худога шак келтириш одам ўлдиришдан ҳам оғирроқ жиноят деб эътироф этилган эди. Маънавиятга зид бўлган, аммо ўзгалар ҳуқуқига дахл этмайдиган табиатга қарши жиноятлар учун энг оғир жиноятлардан бири — номусга тегиш учун назарда тутилган жазодан ҳам оғирроқ жазо — гулханда куйдириш тайинланар эди. Бутун Европада жазо тайинлашда жиноят содир этишга қасд қилиш жиноятнинг ўзидан ажратилмасди. Бу ҳол оғир жиноятлар, чунончи: давлатга қарши жиноятлар, қасдан одам ўлдириш, падаркушлиқ, заҳарлаш, ўт кўйиш ва шу кабиларда айниқса яққол кўзга ташланади; мазкур жиноятларда иштирокчилик даражаси, иккинчи даражали айбдорлар ҳам фарқланмас, ҳатто ёрдамчиларга ҳам асосий жиноятчилар қатори ўлим жазоси тайинланар эди.

Ўрта аср давлатлари ичида **Франция** феодал муносабатлар энг ривожланган, классик шаклга эга бўлган давлат эди. Франция ҳуқуқи тарихида Фарбий Европа ўрта асрлар ҳуқуқининг типик белгилари ўзининг анча тўлиқ ифодасини топган эди. IX-XI асрларда ҳам Францияда асосан илк ўрта асрлардаги жиноят ва жазо тизими амал қиларди. Жиноят алоҳида шахсларнинг манфаатларига дахлдор хатти-ҳаракат (хусусий озор етказиш) сифатида кўрилган. Жазо эса, аввало, хусусий шахсларга етказилган зиённи қоплашга қаратилган бўлиб, ҳали унча қаттиқ ва шафқатсиз кўриниш олмаган эди. 1789 йилги инқилобга қадар муайян шахснинг жинойий жавобгарлиги унинг қайси табақага мансублиги билан бевосита боғлиқ эди. Абсолютизм даври (XVI—XVIII асрлар)да қонунлар қиролга, давлатга ва католик черковига қарши қаратилган жиноятлар таркибини муфассал ишлаб чиққан. Шу муносабат билан «ҳазрати олийларини ҳақорат қилиш» тушунчасига мос келадиган хатти-ҳаракатлар доираси анча кенгайиб борган. Жумладан, қирол ёки унинг оила-аъзо-

ларига суиқасд қилиш ва давлатга қарши фитна уюштириш энг оғир жиноят ҳисобланиб, асосан бундай жиноятлар энг олий жазога сазовор бўлган.

Ўрта асрлар Франциясида ҳукмлар омма олдида ошкора ижро этиларди. Бунда маҳкумнинг азоб-уқубатлари барча иштирокчиларда қўрқув туғдириш мақсад қилиб қўйиларди. Шу даврда Францияда ўлим жазосининг турли усуллари: отга боғлаб бўлакларга бўлиб ташлаш, тўртга бўлиш, ёқиб юбориш ва шунга ўхшаш бошқа ваҳшиёна шакллари қўлланган. Францияда инқилобдан олдин қонунда қуйидаги 115 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган:

1) Людовик XIV нинг 1666 йилги декларациясига кўра, худога қаттиқ шак келтириш;

2) Людовик XV нинг 1757 йилги декларациясига кўра, динга қарши асарлар ёзиш;

3) ана шу декларацияга кўра, динга қарши асарлар ёзишга мажбур қилувчилар;

4) худди шу декларацияга кўра, динга қарши асарларни чоп этиш;

5) Людовик XIV нинг 1682 йилги эдикти 3-моддасига кўра, шаккоклик (sacrilege), бидъат ва бетавфиқлик билан боғлиқликда;

6) муқаддас нарсаларни таҳқирлаш билан боғлиқ шаккоклик;

7) Карл IX нинг 1561 йилги эдиктига кўра, хочлар ва муқаддас тасвирларни бузиш ва уларга шикаст етказиш;

8) шу эдиктга кўра, жанжал ва ғалаён кўтарилишига олиб келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар;

9) 1724 йилги декларацияга кўра, даҳрийлар қўлда қурол билан йиғилиши;

10) шу декларацияга кўра, протестантлик мазҳаби тарғиботчиларининг ўз вазифаларини бажариши;

11) 1682 йилги декларацияга кўра, жодугарлик ва афсунгарлик;

12) Франциск I нинг 1513 йилги ордонансига кўра, қиролни ўлдириш;

13) шу ордонансга кўра, қирол фарзандлари шахсига қасд қилиш;

14) 1562, 1563 ва 1583 йилги ордонансларга кўра, лигалар ва уюшмалар;

15) шу ордонансларга кўра, ғайриқонуний равишда лашкар тўплаш;

16) 1531 йилги ордонансга кўра, фитна уюштириш;

17) 1477 ва 1534 йилги ордонансларга кўра, фитнани фош қилмаслик;

18) шу ордонансларга кўра, лашкарбошининг рухсатисиз душман билан музокара олиб бориш;

19) шу ордонансларга кўра, душман давлатнинг подшоси ёки сеньоридан нома ёки хабар олганлик ҳақида ўз бошлиғига хабар бермаслик;

20) 1615 йилги қонунга кўра, қирол рухсатсиз лашкар тўплаш;

21) Генрих III нинг 1487 йилги ордонансига ва Блуа ордонансига кўра, ҳар қандай ғайриқонуний йиғилишлар;

22) Франциск I нинг 1546 йилги ордонансига кўра, қирол гарнизони ёки хизматида бўлмаган шахснинг қурол билан юриши;

23) шу ордонансга кўра, ғайриқонуний равишда қурол билан юришга имконият яратиш;

24) Франциск I нинг 1534 йилги ордонансига кўра, дезертирлик;

25) Людовик XIII нинг 1629 йилги ордонансига кўра, пиёда ва отлик аскар учун қурол-аслаҳа ғамлаш;

26) шу ордонансга кўра, рўзғор учун зарур миқдордан кўп порох, кўрғошин, пиликни рухсатсиз харид қилиш;

27) шу ордонансга кўра, ҳар қандай калибрли тўпларни рухсатсиз қуйиш, сақлаб туриш ёки эгаллаш;

28) шу ордонансга кўра, қалъаларни мустаҳкамлаш ёки мустаҳкамланган қалъаларни эгаллаб олиш;

29) Людовик IX нинг 1262 йилги, Филипп III нинг 1273 йилги, Генрих IV нинг 1599 йилги ордонансларига ва Людовик XV нинг 1726 йилги декларациясига кўра, қалбаки пул яшаш;

30) Людовик XV нинг 1718 йилги эдикти ва 1726 йилги декларациясига кўра, қалбаки пул яшашга ёки уни қиролликка олиб киришга кўмаклашиш;

31) Франциск I нинг 1536 ва 1540 йилги ордонансларига кўра, эю ва бошқа тилла ёки кумуш тангани кесиш;

32) Генрих IV нинг 1599 йилги ордонансига кўра, шу кесикларни сотиб олиш;

33) шу ордонансга кўра, танга зарб этувчи ходимлар белгиланган вазн ва пробадаги тангани топширмаслиги;

34) Генрих IV нинг 1599 йилги ордонансига ва Людовик XV нинг 1726 йилги декларациясига кўра, била туриб қалбаки пул тарқатган тўловчи ва олувчилар;

35) Орлеан ордонансига кўра, тилла ва кумуш танга харид қилишда муайян расмийликларни бажармаган судхўрлар;

36) Людовик XV нинг 1726 йилги декларациясига кўра, саёҳат учун керакли миқдордан кўпроқ тилла ва кумушни қиролликдан олиб чиқиб кетиш;

37) қалбаки пул ясовчиларга тилла ва кумуш етказиб бериш;

38) Людовик XV нинг 1726 йилги декларациясига кўра, қалбаки пул яшашга хизмат қилувчи асбоб-ускуналар ясаб берган темирчи-

лар ва бошқа усталар, ҳатто бу асбоб-ускуналардан нима мақсадда фойдаланилиши уларга маълум бўлмаса ҳам;

39) шу декларацияга кўра, танга зарб этиш ишини бошқарадиган амалдор рухсатсиз қалбаки пул ясаш учун яроқли қолиплар ва бошқа асбоблар ясовчилар;

40) қалбаки пул ясашга хизмат қиладиган асбоб-ускуналарни ташиган ва била туриб бу ҳақда бош прокурор ёки интендантга хабар бермаган шахслар;

41) Людовик XIV нинг 1690 йилги декларациясига кўра, умумий ва хусусий даромадларни йиғувчилар, ўз қўлида давлат мол-мулкни сақловчилар, агар 3 минг ливрдан ортиқ маблағни растрата қилган бўлса;

42) Людовик XIV нинг 1701 йилги декларациясига кўра, газна пулини талон-торож қилган ёки улардан ўз шахсий манфаатларида фойдаланган фазначилар, солиқ йиғувчилар ва бошқа приставлар;

43) муайян ҳолатларда судхўрлик;

44) Мулен ва Блуас ордонансига кўра, судьялар, суд амалдорлари, экзекуторлар ва приставларни ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтда ҳақорат қилиш;

45) Франциск II нинг 1559 йилги ордонансига кўра, ўлимга ҳукм қилинган шахсни ўз уйида қабул қилиш ва яшириш;

46) турмадан қочиш;

47) Генрих II нинг 1547 йилги ордонансига кўра, пистирмада пойлаб туриб одам ўлдириш;

48) Блуас ордонансига кўра, одам ўлдирган шахсларга ёрдам бериш;

49) Блуас ордонансига ва 1670 йилги ордонансга кўра, одам ўлдиришга қасд қилиш;

50) Франциск I нинг 1534 йилги ордонансига кўра, катта йўлда қароқчилик қилиш;

51) уйларга қулфини бузиб кириб ўғрилик қилиш;

52) уйдаги ўғрилик;

53) Людовик XIV нинг 1677 йилги декларациясига кўра, қирол уйидаги ўғрилик, ўғирлик мол нархидан қатъий назар;

54) Людовик XV нинг 1724 йилги декларациясига кўра, зарбхонадаги ўғрилик;

55) черковдаги ўғрилик ва бундай ўғриликда иштирокчилик;

56) ўғриларга ёрдам бериш;

57) ўғирланган молни яшириш, агар ўғрининг ўзига ўлим жазоси тайинланган бўлса;

58) тунда қурол билан ўғрилик қилиш;

59) муайян ҳолатларда тунда нарвон ёрдамида ўғрилик қилиш;

- 60) қалбаки калитлар билан ўғрилик қилиш;
- 61) муайян ҳолатларда денгиздаги ўғрилик;
- 62) Людовик XIV нинг 1677 йилги декларациясига кўра, ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш;
- 63) заҳарлаш, у Ўлимга олиб келган-келмаганлигидан қатъий назар;
- 64) заҳар тайёрлаш ва уни ўзга шахсни заҳарлаш учун бериш;
- 65) заҳар тайёрлаб бериш ҳақидаги илтимос ёки заҳар тайёрлаб бериш ҳолати ҳақида билиш ва бу ҳақда бош прокурор ёки унинг субтитрига хабар бермаслик;
- 66) Карл IX нинг 1566 йилги, Людовик XIV нинг 1679 йилги ордонансларига ва Людовик XV нинг 1723 йилги эдиктига кўра, дуэль;
- 67) ўт қўйиш;
- 68) падаркушлик;
- 69) яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлиши;
- 70) аёлни ўғирлаш;
- 71) номусга тегиш;
- 72) муайян ҳолатларда аёлни йўлдан оздириш;
- 73) ота-онаси, васийларининг розилигисиз уйланиш ёки эрга тегишга мажбур қилиш учун қизни озодликдан маҳрум қилиш;
- 74) сеньорларнинг ўз фуқаролари ёки бошқа шахсларни қизларини эрга беришга мажбурлаши;
- 75) ҳомиладорликни яшириш;
- 76) ҳомила тушириш;
- 77) табиатга қарши жиноятлар;
- 78) қасддан зўрлик қилиш;
- 79) Генрих IV нинг 1607 йилги эдиктига ва Людовик XIV нинг 1673 йилги декларациясига кўра, ашаддий банкротлик;
- 80) ғаллага монополия ўрнатиш;
- 81) Людовик XIV нинг 1680 йилги эдиктига кўра мансаб сохтакорлиги;
- 82) канцелярия ҳужжатлари, муҳрларни қалбакилаштириш;
- 83) Людовик XIV нинг 1699 йилги декларациясига кўра, давлат котибларининг муҳрларини қалбакилаштириш;
- 84) Людовик XV нинг 1720 йилги декларациясига кўра, ордонанслар ёки қирол ғазнаси ҳужжатларини ва қирол ёки давлатнинг бошқа ҳужжатларини қалбакилаштириш, ёлғондан тузиш, ўзгартириш;
- 85) солиқ йиғувчилар, ғазначиларга тегишли ҳужжатларни сохталаштириш;
- 86) Франциск I нинг 1532 йилги эдиктига кўра, квитанциялар, ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни сохталаштирган молия ходимлари;
- 87) Людовик XV нинг 1754 йилги декларациясига кўра, ҳужжатларда назорат қилишни ёлғондан кўрсатиш;

88) Людовик XV нинг 1724 йилги декларациясига кўра, откуп тариқасида сотиб олувчиларнинг штемпелларини қалбакилаштириш;

89) Людовик XV нинг 1739 йилги декларациясига кўра, контрамаркалар учун мўлжалланган штемпелларни босиш ваколатини суи-истеъмол қилиш;

90) Франциск I нинг 1531 йилги ордонансига кўра, айбсиз одам ўлимга ҳукм қилинишига олиб келган ёлғон гувоҳлик бериш;

91) Людовик XV нинг 1739 йилги декларациясига кўра, камида беш кишидан иборат қуролланган тўда томонидан тамаки, чит олиб кирилиши;

92) хизматчиларнинг контрабандачилар билан ўзаро тил бирик-тириши;

93) контрабандачилар соқчиларга қарши зўрлик ишлатиши;

94) туз контрабандасида ёки контрабандада иштирок этган амал-дорлар;

95) омборларни назорат қилувчи амалдорларнинг туз сотиши;

96) Людовик XIV нинг 1704 йилги ордонансига кўра, камида беш кишидан иборат қуролланган тўданинг туз билан контрабанда қилиши;

97) Карл IX нинг 1563 йилги ордонанси ва Людовик XIII нинг 1626 йилги декларациясига кўра, белгиланган шаклда рухсат сўра-масдан китоб чоп этиш ва сотиш;

98) Людовик XIV нинг 1681 йилги ордонансига кўра, ўз кемаси-ни душманга берган кема эгаси;

99) ўз кемасини қасддан саёз жойга ўтқизган ёки кеманинг чўкиб кетишига имконият яратган кема эгаси;

100) кемада католик ибодати ўтказилаётган пайтда ғалаён кўтар-ган денгизчилар ёки йўловчилар;

101) ёлғон маълумотни қайд этган мирза;

102) кема ҳалокатига қасддан имконият яратган денгизчи;

103) айна шундай жиноятда айбдор лоцманлар;

104) ичимликлар оқиб кетиши ёки ғалланинг чиришига сабабчи бўлган денгизчи ёки бошқа шахс;

105) кема тешилишига имконият яратган шахс;

106) саёҳатни тўхтатиш мақсадида ғалаён кўтариш;

107) ўз бошлиғига қурол билан ҳужум қилиш;

108) байроғи туширилган ва фрахт ҳужжатлари ёки полислари тақдим этилган ўз фуқаролари ёки иттифоқчиларга тегишли кема-ларнинг капитанларини қамоққа олиш;

109) ушланган кемаларни чўктириш;

110) асирларни оролларга ёки узоқда жойлашган қирғоқларга ташлаб кетиш;

111) кема анжомларини ўғирлаш, агар бу кема ҳалокатига ёки одам ўлишига олиб келган бўлса;

112) кемани жалб қилиш ва ҳалокатга дучор этиш учун денгиз қирғоқлари ва хавфли жойларда тунда сохта машъаллар ёқиш;

113) ҳалокатга учраган кемадагиларнинг ҳаёти ва мол-мулкига қасд қилиш;

114) кема ҳалокатига учраганларга ҳужум қилган аскарлар.

Ўрта асрлардаги Германия жиноят ҳуқуқи ўзининг ҳар жиҳатдан анча такомиллашганлиги билан ажралиб туради. 1532 йилда Карл V нинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари тўплами — «Каролина»нинг нашр қилиниши жиноят ҳуқуқининг умумгерман тамойилини яратишда муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилди. «Каролина»да жиноят ҳуқуқига оид қасд ва эҳтиётсизлик, жавобгарликни истисно қилувчи, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, иштирокчилик каби умумий тушунчалар ўз аксини топган. «Каролина» бўйича, жиноят содир этганлик учун жавобгарлик, одатда айб - қасд ёки эҳтиётсизлик мавжуд бўлганда келиб чиққан. Қонунга биноан, энг олий жазони белгилаш ҳуқуқи расман императорга тегишли эди. Бошқа қадимги ва ўрта аср давлатларидаги каби, бу даврда Германияда ҳам жазоларнинг асосий мақсади — қўрқитиш эди. «Каролина»да жазоларнинг қуйидаги асосий турлари: ўлим жазоси, тан аъзоларидан маҳрум этиш (тилни, қулоқларни ва тананинг бошқа аъзоларини кесиш) жазолари, тан жазолари (хипчин билан савалаш), шарманда қилувчи жазолар (ҳуқуқдан маҳрум этиш, темир бўйинбоғ қўйиш, тамға босиш), ҳайдаб юбориш, турмага қамаш, етказилган зарарни ундириш ва жарима назарда тутилган. Қонунномада ўлим жазоси анчагина жиноятлар учун қўлланилиши мумкинлиги бевосита кўрсатиб қўйилган. У кўп ҳолларда мураккаб шаклда — ёқиб юбориш, тўрт бўлакка бўлиб ташлаш, чархпалакка тортиб ўлдириш, сувга чўктириш, аёлларга нисбатан тириклайин кўмиш каби кўринишларда амалга оширилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўрта асрлар Германиясида эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун ўлимга ҳукм этиш ва тан жазолари тайинлиши мумкин бўлмаган. Айнан шу ҳолат юқорида зикр этилган ўзига хосликнинг ёрқин ифодасидир.

Каролинада ёки Карл V нинг жиноят кодексида қуйидаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилади:

1) худога шак келтириш ва ҳатто одатдаги қарашларга хилоф фикр билдириш, бу фикрлар замирида куфрлик ва бетавфиқлик яширин бўлмаса ҳам, агар улар учинчи марта зикр этилган бўлса;

2) ёлғон қасам ичиш, агар унга асосан айбсиз киши қатл этилган бўлса;

- 3) муайян ҳолатларда қасамни бузиш;
- 4) жодугарлик;
- 5) туҳмат қилиш;
- 6) сохта пул ясаш ёки шундай пулларни айирбошлаш ёхуд уларни эгаллаш ва ўтказиш;
- 7) ўз уйини жиноий иш учун бериш;
- 8) муҳрлар, ҳужжатлар, шартномалар, мажбуриятлар, реестрларни қалбакилаштириш;
- 9) ўлчаш асбоблари, тарозилар ва ҳар хил товарларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш;
- 10) чегара белгиларини қалбакилаштириш ва айрим муҳим ҳолларда уларнинг жойини ўзгартириш;
- 11) ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилиш;
- 12) содом гуноҳи: эркакнинг эркак, аёлнинг аёл билан зино қилиши;
- 13) яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлиши;
- 14) эрли хотинни ёки қизни ўғирлаш, ҳатто уларнинг розилиги билан ҳам;
- 15) номусга тегиш;
- 16) зино қилиш;
- 17) қўш хотинлилик;
- 18) эрнинг хотини ёки боласи фоҳишалик қилишига имконият яратиши;
- 19) хоинлик;
- 20) уй, ўрмон, пичан ва шу кабиларга ўт қўйиш;
- 21) катта йўлда қароқчилик қилиш;
- 22) ғалаён ва исён кўтариш;
- 23) дайдиликнинг муайян кўринишлари;
- 24) қўрқитишнинг муайян турлари;
- 25) заҳарлаш, ҳатто у муваффақиятсиз тугаган бўлса ҳам, шунингдек шу мақсадда заҳар тайёрлаш ва заҳар билан таъминлаш;
- 26) муайян ҳолларда бу ҳақда хабар бермаслик;
- 27) фарзандкушлик;
- 28) болани қаровсиз қолдириш натижасида унинг ўлиши;
- 29) ҳомила тушириш (аёлнинг ўзи томонидан ҳам, бегона шахс томонидан ҳам);
- 30) эркак ёки аёлни бепушт қилиб қўйиш;
- 31) беморни қасддан ногўғри даволаб ўлдирган табиб;
- 32) одам ўлдириш, ҳатто бу жаҳл устида содир этилган бўлса ҳам;
- 33) қулнинг ўз эгасини ўлдириши ҳамда ўз қариндошини ўлдириш;
- 34) муштлашиш пайтида одам ўлдириш;
- 35) қулфни бузиб кириб ёки қўлда қурол билан ўғрилиқ, ўғирлик мол баҳосидан қатъий назар;

36) беш дукатдан ортиқ миқдорда ўғрилик;

37) беш дукатгача миқдорда учинчи марта содир этилган оддий ўғрилик;

38) далада ўғрилик ва умуман ҳосилни ўғирлаш, агар у айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилган бўлса;

39) айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда балиқ ўғирлаш;

40) фирибгарлик;

41) шаккокликнинг ҳар хил турлари;

42) жиноят содир этишда ёрдамчилик;

43) жиноят содир этишга қасд қилиш;

44) жиноятчига қамоқдан қочишга ёрдам бериш ёки уни қамоқдан чиқариб юбориш.

Санаб ўтилган жиноятлар Германияда XVI, XVII ва қисман XVIII асрларда ўлим жазоси тайинланган жиноятларнинг барча турларини қамраб олмайди: хусусан, Каролинада бидъат, ҳар хил уставларга, масалан, божхона уставига қарши жиноятлар тўғрисида сўз юритилмайди; ўша даврда бир неча турга бўлинган давлатга қарши жиноятлар ҳақида мазкур кодексда қисқача тўхталиб ўтилади.

Ўрта асрларга келиб, Германияда шаҳарга «корпорация» - фуқароларнинг ягона бир бутун йиғиндиси мақоми ва шу тариқа юридик шахс ҳуқуқи берилган. Шаҳар жиноят ҳуқуқи «шаҳар тинчлиги»ни муҳофаза қилиб, жазоларнинг жуда оддий турларини белгилаган. Одам ўлдириш ёки ўлимга сабаб бўлувчи тан жароҳати етказиш, зўрлаб номусга тегиш, бировнинг уйига бостириб кириш каби жиноятларни содир қилган шахсларнинг боши кесилган. Бировнинг мулкига атайлаб «инсофсизлик» билан тажовуз қилиш — кечаси ўғрилик қилиш ёки ухлаб ётган кишига нисбатан ўғрилик қилиш пайтида қўлга тушиб қолган жиноятчига нисбатан осиб ўлдириш ва уйини бузиб ташлаш каби жазолар тайинланган.

Пруссияда 1791 йилнинг бошида Жазолар тўғрисидаги тузук эълон қилишга тайёрланди. Аммо 1792 йил Фармони билан уни амалга киритиш номуайян муддатга тўхтатиб қўйилди, 1793 йил Фармони билан эса Тузукни қайта тузиш ва аввалги қонунларга мос келмайдиган янги қарорлар қабул қилинишини истисно этиш белгиланди. Қайта тузилган Тузук 1794 йили эълон қилинди. Унда қуйидаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилди:

1) давлатга хиёнат;

2) ушбу жиноят иштирокчилари ва ёрдамчилари;

3) давлатнинг ташқи хавфсизлигига қасд қилиш, ҳатто у содир этишдан олдин фош қилинган бўлса ҳам, мазкур жиноятда иштирокчилик ва ёрдамчилик;

4) душманларга ўз режаларини амалга оширишда ёрдам бериш;

- 5) шаҳарлар ва дўконларга ўт қўйиш;
- 6) жосуслик;
- 7) давлат ҳомийлиги остидаги шахсни душман давлат қўлига топшириш;
- 8) давлатга хиёнат қилган шахсни қамоқдан озод қилиш;
- 9) исён пайтида содир этилган одам ўлдириш;
- 10) подшони ҳақорат қилиш, гарчи бу унинг ҳаёти ва эркинлигига таҳдид солган бўлмаса ҳам;
- 11) амалдорнинг ғазнани ёки унинг бир қисмини ўғирлаб қочиши;
- 12) дезертирликка учинчи марта имконият яратиш;
- 13) бир томоннинг ўлимига олиб келган дуэль;
- 14) аёлнинг ҳомиласини тушириш;
- 15) оддий одам ўлдириш;
- 16) ёмон муносабатда бўлиш орқали одам ўлдириш;
- 17) қасддан одам ўлдириш;
- 18) шайканинг одам ўлдириши;
- 19) муштлашиш пайтида одам ўлдириш;
- 20) одам ўлдиришга ёки одам ўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларга даъват этиш;
- 21) заҳарлаш, заҳар тайёрлаш ва бериш;
- 22) ўз ота-онаси, фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа яқин қариндошларини оддий ва қасддан ўлдириш;
- 23) чақалоқни ўлдириш, шунингдек уни овқатсиз ёки овлоқ жойда қолдириш, агар бу унинг ўлимига олиб келган бўлса ҳамда аёл жазмани, отаси ёки онасининг чақалоқни ўлдиришга даъват этиши;
- 24) номусга тегиш йўли билан одам ўлдириш;
- 25) аёлни ўғирлаш, агар бу унинг ўлимига олиб келган бўлса;
- 26) босқинчилик пайтида етказилган жароҳатдан вафот этиш;
- 27) босқинчилик пайтида шахсни ўлдириш мақсадида унга жароҳат етказиш, башарти мазкур шахс муайян сабабга кўра тирик қолган бўлса;
- 28) босқинчининг қасддан эмас, балки қаршилик кўрсатиш ва ўзини ҳимоя қилиш пайтида одам ўлдириши;
- 29) катта йўлдаги қароқчилик, агар шахснинг жароҳатланиши ва соғлиғига шикаст етишига олиб келган бўлса;
- 30) шайка томонидан содир этилган одам ўлдиришга кўмаклашиш;
- 31) шайка томонидан зўрлик ишлатиш йўли билан содир этилган ўғрилиқ, бунда шайка бошлиғигина ўлим жазосига тортилади;
- 32) ўз уйида ўлим жазосига лойиқ босқинчилик ёки одам ўлдириш содир этилишига имконият яратган шахс;

33) айбсиз киши қатл қилинишига олиб келган ёлғон гувоҳлик бериш;

34) айбсиз киши қатл қилинишига олиб келган ёлғон айблов;

35) озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиш, агар бу бировнинг ўлимига олиб келган бўлса;

36) қасддан ўт қўйиш, агар бу бир кишининг ёки кўпчиликнинг ҳаётига ёхуд шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларга хавф солган бўлса;

37) турар жойга ва тунда ўт қўйиш, агар бу одамларнинг ўлимига ёки соғлиғини йўқотишига олиб келган бўлса;

38) ўт қўйиш жинояти такроран содир этилган бўлса;

39) сув иншоотини вайрон қилиш ва сув тошишига сабабчи бўлиш;

40) қасддан сув тошириш.

Австрияда Иосиф II ўлимидан кейин, 1794 йилда икки олий марказий идора: сиёсий ишларни бошқариш маҳкамаси ва адлия маҳкамаси, ҳар бири мустақил тарзда, рўй бераётган сиёсий воқеаларга таянган ҳолда, ёш император Франц II га давлатга хиёнат учун ўлим жазосини тиклаш зарурлиги ҳақида тақдимнома бердилар. Ушбу тақдимнома 1795 йил 2 январда император Патенти билан тасдиқланди. 1801 йилда уч олий маҳкама аъзолари қалбаки пул яшаш учун ўлим жазоси жорий этиш зарурлиги тўғрисида тақдимнома бердилар. Аммо мазкур таклифни, шунингдек бошқа жиноятлар, чунончи: одам ўлдириш ва ўт қўйишнинг айрим турлари учун ўлим жазосини жорий этиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш чўзилиб кетди ва кейинчалик Умумий жиноят кодексини қабул қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга қўшилди. 1803 йилда қабул қилинган мазкур кодексда қуйидаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилди:

1) давлат бошлиғининг шахсий хавфсизлигига қасд қилиш;

2) давлат конституциясини ўзгартириш ёки инқилоб қилиш мақсадидаги хатти-ҳаракатлар;

3) давлатга сиртдан хавф солинишига сабабчи бўлиш ва шунга ўхшаш бошқа хатти-ҳаракатлар;

4) юқорида зикр этилган уч жиноят турини қамраб олувчи давлатга хиёнатга оддий қасд қилиш, агар у кутилган оқибатларга олиб келган бўлмаса ҳам;

5) ғалаён кўтариш;

6) қалбаки пул яшаш; бунда асосий айбдор ҳам, бошқа иштирокчилар ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинади;

7) қалбаки пулларни била туриб тарқатиш;

8) заҳарлаш йўли билан ва бошқа воситалар ёрдамида қасддан одам ўлдириш;

9) бировнинг буйруғига кўра одам ўлдириш;

10) бировнинг бойлигини эгаллаш мақсадида одам ўлдириш;

- 11) оддий одам ўлдириш;
 - 12) босқинчилик билан боғлиқ одам ўлдириш;
 - 13) ўт қўйиш, агар у одам ўлишига олиб келган бўлса.
- 1810 йилда қабул қилинган Франция кодексида қуйидаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган:
- 1) ўз ватанига қарши қурол кўтариш;
 - 2) чет давлатни ўз ватанига қарши уруш очишга даъват этиш мақсадида у билан тил бириктириш;
 - 3) душман Франция ҳудудига киришини енгиллаштириш мақсадида у билан тил бириктириш ёки унга шаҳар, қалъа ва шу кабиларни топшириш ёки унга одамлар, пуллар ва ҳоказо билан ёрдам кўрсатиш;
 - 4) айна шу ҳаракатлар, агар умумий душманга қарши ҳаракат қилаётган Франция иттифоқчиларига қарши содир этилган бўлса;
 - 5) амалдор ёки бошқа шахснинг душман ёки чет давлат агентларига музокаралар ёки экспедиция сирини ошкор этиши;
 - 6) амалдор ёки бошқа ҳукумат ходимининг қалъа тархини ва шу кабиларни ошкор этиши;
 - 7) бошқа ҳар қандай шахснинг пора, алдаш ёки зўрлик ишлатиш йўли билан ана шу тархларни эгаллаши ва уларни душманга топшириши;
 - 8) жосуслиги аён бўлган шахсларни яшириш;
 - 9) император ҳаётига ёки шахсига қарши тажовуз ёки фитна;
 - 10) император оиласи аъзоларининг ҳаётига ёки шахсига қарши тажовуз ёки фитна;
 - 11) ҳукуматни ағдариб ташлаш ёки давлат тартибини ёки тахтни мерос қолдириш тартибини ўзгартириш мақсадида тажовуз ёки фитна;
 - 12) мазкур жиноятларни содир этишга қасд қилиш, агар улар ижро этилган бўлмаса ҳам;
 - 13) икки ёки ундан ортиқ шахснинг фитна уюштириш мақсадида тил бириктириши, агар фитна амалга оширилган бўлмаса ҳам;
 - 14) ўзаро уруш чиқариш, одам ўлдириш, талончилик қўзғатиш мақсадида тажовуз ёки фитна;
 - 15) қонуний ҳокимият рухсатисиз лашкар тўплаш ёки уни қурол билан таъминлаш;
 - 16) тегишли ҳуқуқсиз ва қонуний сабабсиз қўшинга ёки унинг бир қисмига ёхуд флотга қўмондонликни қабул қилиш;
 - 17) ҳокимиятга эга шахснинг лашкар тўплашга қаршилиқ кўрсатиши, агар бу қаршилиқ муайян оқибатларга олиб келган бўлса;
 - 18) давлатга тегишли бинолар ва кемаларга ўт қўйиш ёки уларни миналар ёрдамида вайрон қилиш;
 - 19) давлат ва фуқаролар мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида қуролли тўда тузиш, унга бошчилик қилиш, шунингдек ана шундай тўдаларда иштирок этиш ва уларга ёрдам бериш;

- 20) 9, 10, 11 ва 14 бандларда қайд этилган жиноятларда ҳар қандай иштирокчилик;
- 21) амалдорлар ёки ҳокимият вакиллари давлатнинг ички хавфсизлигига қарши тил бириктириши;
- 22) Франциянинг тилла ёки кумуш тангасини қалбакилаштириш, уни ясаш ёки тарқатишда иштирок этиш ёки олиб киришга кўмаклашиш;
- 23) давлат муҳрини, шунингдек давлат фазнаси қимматли қоғозларини, штемпеллари ва банк билетларини қалбакилаштириш ёки улардан фойдаланиш;
- 24) ўз вазифасини бажараётган амалдорга қарши зўрлик ишла-тиш, агар бу 40 кун ичида амалдорнинг ўлимига олиб келган бўлса;
- 25) амалдорни ўлдириш мақсадида жароҳатлаш;
- 26) падаркушлик;
- 27) қасддан одам ўлдириш (assassinat);
- 28) заҳарлаш;
- 29) оддий одам ўлдириш (meurtre), агар ундан олдин, у билан бир-га ёки ундан кейин бошқа бир жиноий қилмиш содир этилган бўлса;
- 30) фарзандкушлик;
- 31) шахсни бичиб қўйиш, агар бу 40 кун ичида бичилган шахс-нинг ўлимига олиб келган бўлса;
- 32) шахсни ҳукумат идорасининг руҳсатисиз ғайриқонуний қамоққа олиш: а) агар бу сохта кийимларда, сохта ном билан ва сохта буйрққа биноан амалга оширилган бўлса; б) агар қамоққа олинган шахс ўлди-риш билан қўрқитилган бўлса; в) агар у қийноққа солинган бўлса;
- 33) айбсиз кишининг қатл этилишига олиб келган ёлғон гувоҳ-лик бериш;
- 34) гувоҳларни пора эвазига оғдириш, агар уларнинг ёлғон гу-воҳлик бериши айбсиз шахсга умрбод қамоқ жазоси ёки ўлим жазо-си тайинланишига олиб келган бўлса;
- 35) жавобгарликни огирлаштирадиган қуйидаги ҳолатларда ўғри-лик: а) агар у тунда содир этилган бўлса; б) агар у икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган бўлса; в) агар айбдорлар ёки улардан биттаси қуролланган бўлса; г) агар ўғрилиқ қулфни бузиб ки-риш, деразадан ошиб кириш, сохта калитлар ёрдамида турар жойда ёки ўзини амалдор қилиб кўрсатиш орқали содир этилган бўлса; д) агар у зўрлик ишлатиш ёки қурол ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса;
- 36) уйлар, кемалар, дўконлар, ўрмонлар, экинлар ва ҳоказоларга ўт қўйиш;
- 37) бинолар ёки кемаларни миналар портлатиш йўли билан вай-рон қилиш;

38) бино, кўприк, тўғонни ёки унинг бир қисмини вайрон қилиш, агар бу бировнинг ўлимига олиб келган бўлса.

Пруссия, Австрия ва Франция кодексларида ўлим жазоси назарда тутилган жиноятларнинг баён этилган рўйхати XVIII аср охирида ва XIX аср бошида Европа қонунчиларининг ўлим жазосига муносабати ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу рўйхат шуни кўрсатадики, ўша даврда ҳукм сурган реакцияга қарамай, динга қарши ва маънавиятга қарши жиноятлар учун ўлим жазоси бутунлай бекор қилинган. Бундан ташқари, ўғриликнинг деярли барча турлари (зўрлик ишлатиш ёки одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган ўғриликдан ташқари) ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар қаторидан чиқариб ташланган. Мазкур кодексларда ҳатто давлатга қарши жиноятларнинг айрим турлари учун ҳам ўлим жазоси назарда тутилмаган. Давлатга қарши жиноят ҳақида хабар бермаслик шулардан бири бўлиб, ислоҳотга қадар барча қонун ҳужжатларида уни содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Австрия кодексига кўра, подшони ҳақорат қилганлик учун ўлим жазоси назарда тутилмаган. Пруссия кодексига қалбаки пул ясаш кўриб чиқиладиган жиноятлар қаторидан чиқариб ташланган. Австрия кодексига мазкур жиноятнинг фақат бир тури — кредит билетларини қалбакилаштириш учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Англия феодал ҳуқуқи ҳам ўзининг мураккаблиги, чалкашлиги билан алоҳида ажралиб туради. Англияда ўрта асрлар жиноят ҳуқуқи меъёрларининг яратилишига суд амалиётининг таъсири бениҳоя катта бўлган. XIII асрга келиб инглиз жиноят ҳуқуқида фелония⁵⁹ тушунчаси пайдо бўлган. Фелония тушунчаси ўлим жазоси билан бир қаторда мол-мулкни мусодара қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни англатади. Фелониялар қаторига оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш, «оддий одам ўлдириш», фелония содир этиш мақсадида бировнинг уйига зўрлик билан бостириб кириш, мол-мулкни ўғирлаш ва бошқа шу каби оғир жиноятлар ҳам кирган. Энг оғир жиноят хиёнат ҳисобланган. Хиёнат «умумий ҳуқуқ» бўйича ёки фуқаролар томонидан қиролга содиқлик бурчини бузиш орқали ёки тобе кишининг ўз хўжайинига содиқлигини бузиш йўли билан содир этилиши мумкин эди. Демак, *фелония* тушунчасининг мазмун моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги жиной ҳаракатларга нисбатан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси билан бир қаторда ўлим жазоси ҳам тайинланган.

Англияда Генрих VIII ва Елизавета I даврида дайдилар ва тиланчиларга қарши шундай қонунлар чиқарилдики, бу қонунлар маз-

⁵⁹ Фелония — лугатга қ.

кур шахсларга нисбатан оғир жазолар белгилангани билан тавсифланади. 1530 йилги қонунда дайди ва тиланчиларга нисбатан табақалаштирилган жазолар назарда тутилган. Унга кўра, шундай ҳаракатни содир этган шахслар биринчи марта ўласи қилиб урилган, иккинчи марта қулоғи кесилган, учинчи марта эса қатл этилган. Бундай қонунчилик Англия тарихида «Қонли қонунчилик» номини олди. Жазонинг мақсадлари инглиз феодал ҳукуқи ривожланишининг ҳар бир босқичида ўзгариб турган. Дастлаб жазонинг асосий мақсади жабрланувчи ва унинг қариндошларини етказилган зарарни ундириш билан қаноатлантириш бўлган бўлса, кейинчалик қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш учун қўрқитиш бўлиб қолган. Кейинги мақсадда жуда оғир жазо турларидан, масалан, тирик тандан ичак-чавоқларни суғуриб олиш, ўлгунча дарра билан савалаш ва бошқа шу кабилардан кенг фойдаланилган. XVII асрда Англияда 50 га яқин жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган эди. Ўлим жазоси турли шаклларда амалга оширилган: ўтда куйдириш, осиб ўлдириш, тўрт бўлакка бўлиб ташлаш, чархпалакка тортиб ўлдириш ва бошқалар. Қироллик тинчлигини бузганлик учун, черковда одам ўлдирганлик учун, ўз хўжайинини ўлдирганлик учун ва турли ўғриликлар содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Англияда қонунда ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар анча кўп бўлган. Блэкстон гувоҳлик беришича (1765 йил), унинг даврида 160 жиноят учун шак-шубҳасиз ўлим жазоси тайинланган. XX асрнинг биринчи чорагида ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар бир тоифа олимларнинг ҳисоб-китобига кўра 150 тага, иккинчи тоифа олимларнинг ҳисоб-китобига кўра — 223 тага, учинчи тоифа олимларнинг ҳисоб-китобига кўра эса — 240 тага етган. Статутларда қайд этилган ўлим жазоси билан боғлиқ барча ҳолатларни қўшган немис турмашуноси Юлиуснинг ҳисоб-китобини эътиборга олсак, ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар 6 минг 789 тага етади. Бу ерда уларнинг айримларинигина қайд этиб ўтамиз:

- 1) дарахтларни қасддан кесиш ёки нобуд қилиш;
- 2) ҳайвонларга қасддан шикаст етказиш;
- 3) ўрмонда, ҳайвонот боғида ёки йўлда қурол билан ушланган ҳар ким;
- 4) бир шиллингдан ортиқ пулни ўғирлаш, агар у черковда, бутхонада ёки дўконда ярмарка пайтида ёки, ниҳоят, бировнинг уйида, қулфни бузиб кириб ёки уй эгаларини қўрқитиб содир этилган бўлса;
- 5) фирибгарлик;
- 6) одатдаги вақтда дўконда камида беш шиллинг миқдордаги ўғрилик;
- 7) турар жойда камида қирқ шиллинг миқдордаги ўғрилик;
- 8) от, мол ва қўй ўғирлаш;

- 9) хат ўғирлаш;
- 10) зиғир мануфактураларидаги ўғрилик;
- 11) сохта банкротлик;
- 12) минораларни вайрон қилиш;
- 13) дўқ-пўписа қилиб хат ёзиш;
- 14) озодликдан маҳрум қилиш жойларидан жиноятчиларнинг қочиши;
- 15) бесоқолбозлик;
- 16) ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилиш;
- 17) қалбаки пул ясаш;
- 18) қалбаки пул ясашга ёрдам бериш;
- 19) қалбаки пул ясаш асбобларини сотиш, сотиб олиш ва ўзга тарзда эгаллаш ёки уларни зарбхонадан олиб чиқиб кетиш;
- 20) кумуш тангани тилла танга рангига бўйаш ёки мис тангага кумуш танга тусини бериш;
- 21) муҳрлар, штемпеллар, банк билетлари, қимматли қоғозлар ва ҳар хил ҳужжатларни сохталаштириш.

Тарихдан маълумки, IV асрнинг охирида Рим империясининг шарқий қисмидан **Византия давлати** ажралиб чиқди ва минг йилдан ортиқ, яъни 1453 йилда унинг пойтахти — Константинополь турклар томонидан босиб олингунга қадар яшади. Минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Византия ҳуқуқи ўрта аср Европаси учун ноёб ҳодиса эди. У нисбатан юқори даражада барқарорлиги, турғунлиги, мустақамлиги, ички яхлитлиги, шунингдек ўзгариб боровчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларга мослашувчанлиги билан тавсифланади. Византия ҳуқуқида Юстиниан қонунлар тўплами катта аҳамият касб этган. Суд амалиёти эҳтиёжлари Юстиниан қонунлар тўпламини қайта ишлаб чиқишни, уни қисқа ва тушунарли тарзда баён қилишни тақозо этди. 726-йилда (баъзи маълумотлар бўйича 741 йилда) император — «бутга қарши курашувчи» Лев III Исаврнинг (717—740) кўрсатмаси бўйича Эклога («танланган қонунлар») нашр этилади. Эклогада давлатга қарши жиноятлар: душман тарафига қочиб ўтиш, қалбаки пул ясаш ва бошқалар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар мавжуд бўлган. Айниқса, императорга қарши кўзғолон кўтарувчи ёки унга ёхуд давлатга қарши исёнда қатнашувчи шахслар ҳақида гапирилган модда алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бундай шахслар «ҳамма нарсани бузишни» мақсад қилганлар сифатида ўша вақтнинг ўзидаёқ ўлимга маҳкум этилганлар. Эклогада жазолар тизими Юстиниан қонунларига нисбатан анча мукамал ишлаб чиқилганлиги ва жуда қаттиқлиги билан ажралиб турган. Унда ўлим жазосини назарда тутувчи ҳолатлар талайгина эди. Деҳқончилик қонунинда оловнинг чорвасини, қишлоқ хўжалик ускуналарини ўғрилаганлик

учун, бировнинг ўрмонини кесганлик ва ҳоказолар учун жавобгарликлар ўрнатувчи моддалар жуда чигал тарзда ифодаланган. Кўп ҳолларда ёки бировнинг мулкани нобуд қилиш учун аввало, фақат етказилган зарарни ундириш мақсадида мулккий жарималар назарда тутилган, бироқ, агар етказилган зарар анча катта бўлса ва хусусий мулкчилик тартибларига хавф туғдирса, тана аъзоларини майиб қилиш, тан жазолари ва ҳатто ўлим жазоси қўлланилган. Агар бировнинг усти берк хирмонига қасддан ўт қўйилса ёки қуллар томонидан ўғрилиқ содир этилса, уларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилган.

Ўрта асрларда Хитойда Суй (VI аср) ва Тан (VII аср) сулолалари ҳукмронлиги даврида қонунларни тизимга солиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Суй сулоласи даврида ва Тан ҳукмронлигининг дастлабки даврида кодекслар ҳар бир подшолик томонидан қайтадан кўриб чиқилган. Шу даврда Хитойда қонунчиликнинг шаклланишига Конфуцийлик таълимотининг таъсири сезиларли бўлган. Масалан, Конфуцийлик таълимотига биноан, маҳкумнинг ўз ота-онаси ва қариндошлари устидан чақимчилиги муқаддас «сяо» принципининг бузилиши ҳисобланган. Айнан мазкур таълимотнинг бевосита таъсирида Тан кодексида биринчи ва иккинчи авлодга оид тўғридан-тўғри қариндошлар устидан чақимчилик қилганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Ўрта асрлар Хитой ҳуқуқига айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам маълум. Тан кодекси бўйича, одатда, уч тоифа шахслар: «қариялар ва ўсмирлар», шунингдек ногиронлар содир этган жиноятлар учун жазо енгиллаштирилиши мумкин бўлган. Кўпинча жиноятчининг болалари қулликка сотилар, аёллар эса қатл этилиши мумкин эди, лекин сургун қилинмасди. Ҳомиладор аёлни қатл этиш боласи туғилгач юз кундан кейин амалга оширилиши лозим эди.

Хитой анъанавий ҳуқуқида Конфуцийлик таълимоти нуқтаи назаридан жиноятларни уларнинг ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаш қадимдаёқ вужудга келган «Ўн ёвузлик» тамойилига асосан амалга оширилган. «Ўн ёвузлик»нинг биринчиси «подшоҳга қарши исён кўтариш ҳақидаги фитна» эди. Бу гуруҳ жиноятларга императорга ҳар қандай зарар етказиш ҳақида тил бириктириш кирарди. Ушбу туркумдаги жиноятларда асосийси — жиноий тажовузнинг императорга, «осмон ўғли»га, табиий «осмон» қонунларига қарши қаратилганлиги эди. «Буюк бўйсунмаслик», мавжуд тартиблар ва ахлоққа қарши исён кўтариш иккинчи ёвузлик ҳисобланган. Бу туркум жиноятлар император авлодларининг масканлари ва қабрларини ёки императорнинг қароргоҳини бузишга қасд қилишга уриниш каби ҳаракатларни қамраб олган. Учинчи ёвузлик — «фитна, хиёнат» императорга, давлатга хиёнат қилиш, душман томонига ўтиш,

исён кўтариш, мамлакатдан қочиш ёки қамал қилинган шаҳардан қочишга ҳаракат қилиш каби жиноятларни ўз ичига олган. Юқоридаги уч ёвузликка оид жиноятларни содир этган шахслар, шунингдек уларнинг оила аъзолари «фуқаролик мажбуриятини бажармаганлар» деб ҳисобланган ва жиноятчилар, уларнинг оталари ҳамда 16 ёшдан катта ўғиллари ўлимга ҳукм этилган, яъни уларнинг боши танасидан жудо қилинган.

«Ўн ёвузлик»ка кирган жиноятлар кечирилмаган. Кўзғолонларда қатнашгани ва хиёнат қилгани учун нафақат жиноятчининг ўзи, ҳатто унинг қариндош-уруғлари ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб, уларнинг боши танасидан жудо қилинган.

Бошқа жиноятлар орасида ҳамма даврларда муайян инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар ажралиб турган. Қасддан одам ўлдириш учун энг оғир жазо — бошини танасидан жудо қилиш назарда тутилган. Куллар ва буцуйлар (қарам кишилар) нинг ўз хўжайинини ўлдириш ниятида тил бириктиришнинг ўзиёқ уларга нисбатан олий жазо — ўлимга жазоси қўлланилишига олиб келган. Қароқчи ва талончиларнинг ҳам боши кесилган.

X—XI асрларда Хитойда ўлим жазосига жиноятчининг мурдасини бўлақларга бўлиш жазоси қўшимча қилинган. Ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм император томонидан тасдиқланган. Қатл этилган жиноятчиларнинг жасадлари, танадан ажратилган аъзолари жамоат жойларига осиб қўйилган. Ўлимга ҳукм этилган оддий кишилар бозор майдонида, амалдорлар эса уйда қатл этилган.

Ўрта асрлардаги Япония ҳуқуқига муайян жамоаларда амалда бўлган ёхуд муайян табақавий гуруҳда қарор топган одат ҳуқуқи нормаларининг кенг тарқалиши хос эди. Ҳуқуқий нормаларнинг биринчи ёзма нусхалари, масалан, 604 йилги Сётоку-тайси конституцияси панд-насихат, йўл-йўриқ, ҳукмдорларнинг ўз мансабдорларига ахлоқий ўғитлари тарзида ифодаланган эди. Япониянинг биринчи кодекси «Тайхо рё» ҳисобланади. У «Ёро рицу риё» — «Ёро йиллари жиноий ва маъмурий кодекси» дегани эди. Бу кодекс мамлакатдаги сиёсий барқарорлик муносабати билан 757 йилда амалга киритилди. «Тайхо» ва «Ёро» кодекслари ўз даврининг ягона қонунлар тўпламини ташкил этади. Лекин жиноят-ҳуқуқий нормаларда жиноятчи ёки жабрланувчи табақавий мансублигига ёки бошқа сабабларга кўра, содир қилинган жиноятлар учун бешта оғир жиноий жазо (ўлим жазосидан тортиб таёқ билан уриш жазоларигача) назарда тутилмаган эди. Бу жиноятлар махсус кодекс — «**Таёхо рицу рё**»да алоҳида ажратиб кўрсатилган. Вассал-жангчи билан унинг сюзерени (хўжайини, бошлиги) ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида эмас, сохта қариндошлик, оилавий асосларда, ота ва ўғил муносабат-

лари тарзида бўлган. Вассал бунда ўз хўжайинининг ўзбошимчалигига қарши ҳеч қандай кафолатларга эга эмас эди. Бундай деб ўйлашнинг ўзи ҳақоратли ҳисобланган. Самурайларнинг⁶⁰ ҳар қандай кўринишда ҳақоратланиши, бадном бўлиши ўзини ўзи ўлдириш (харакири) билан тугаган. Бировнинг уйига кечаси бостириб кирган шахсни уй эгаси «чақирилмаган меҳмон» сифатида ўлдириш ҳуқуқига эга бўлган. Оддий кишиларнинг ўлим жазоси шаҳар майдонида амалга оширилган. Аёллар ва мансабдор шахслар халқ олдида қатл этилмаган. Юқори даражали мансабдор шахсларга ўзини ўзи ўлдиришга имконият берилган. Жазодан, ҳатто ўлим жазосидан (қадимги урф-одат инъоми сифатида) пул тўлаб қутулиб кетиш мумкин эди. Лекин бундай имконият ҳокимиятнинг хоҳишига боғлиқ эди. Ушбу жиҳат, бизнингча, Япония жазо тизимининг ўзига хос хусусияти тарзида намоён бўлади. Сёгунат⁶¹ (XII аср) ўрнатилгандан кейин жазолар қўллашнинг деярли барча «қонуний» чегаралари емирилиб, ҳуқуқсиз жазолаш ёки «ножўя одатлар» шакллари қўллана бошлаган. Масалан, самурай ўзини ҳақорат қилган оддий кишини судсиз ўлдириши мумкин эди. Ҳуқуқда одам ўлдириш учун албатта жазо бериш қондаси ўрнатилмаган эди. Масалан, эрнинг бевафо хотинини ва унинг жазманини ўлдириши жиноят ҳисобланмаган, жиноят содир қилган жойида жиноятчини ўлдиришга ёки отасини ўлдирган шахсни қасос тариқасида ўлдиришга рухсат этилган. Японияда ўрта асрларда ўз болаларини судсиз ўлдириш амалиёти кенг тарқалган эди. Бу, айниқса, деҳқонларнинг оилаларида «ортиқча оғизлар»дан қутулиш учун тез-тез бўлиб турадиган бир салбий ҳолат эди.

Японияда жазолар асосан ўта шафқатсиз усулларда ижро этилган. Жумладан, япон манбаларида эътироф этилишича, жиноятчини кўпинча йўлнинг ўтиш жойида бўйнигача тирик ҳолда кўмиб, олдига ёғоч арра қўйиб қўйилган ва бу аррадан унинг ёнидан ўтиб кетаётган ҳар бир киши уни бошини танасидан ажратиш учун фойдаланиши мумкин бўлган.

Кодексда катта миқдордаги ўғрилиқ учун жиноятчининг бошини кесиш ва мурдани майда бўлақларга бўлиб, топтаб, бошини ҳамма кўрадиган жойга осиб қўйиш билан қатл этиш жазоси назарда тутилган. Рецидивист томонидан майда ўғрилиқ содир этилган бўлса ҳам, унга ўлим жазоси берилиши мумкин эди.

Ўрта асрларда Ҳиндистон ҳуқуқий тизимида мусулмон ҳуқуқи таъсирида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Мусулмонлар ўртасида ҳамда ҳуқуқий муносабатда қатнашаётган томонлардан бири мусулмон

⁶⁰ Самурайлар — Япониядаги майда дворянлар табақаси; *луғатга қ.*

⁶¹ Сёгунат — XII асрда Японияда ўрнатилган бошқарувнинг янги шакли; *луғатга қ.*

бўлган ҳолларда ишлар мусулмон ҳуқуқи асосида, ҳинду, браҳма-низм динидагиларнинг ишлари эса Ману қонунлари ва бошқа қонунлар асосида кўрилган. Жиноят ишлари мусулмон ҳуқуқи нормалари асосида мусулмон судьялари — қозилар томонидан ҳал этилган. Жазонинг асосий тури жарима ва турма қамоғи ҳисобланган. Бобурийлар даврида қатл этиш жазоси фақат император тасдиғи билан берилиши мумкин эди. Аммо, шунга қарамай, бу жазо жойлардаги судлар томонидан ҳам қўлланиларди. Мусулмон ҳуқуқи нормалари 1832 йилда мустамлакачи давлат томонидан мусулмон ҳуқуқи нормаларининг барча номусулмонларга нисбатан қўллашнинг бекор қилиниши ҳақидаги қонун қабул қилингунга қадар амал қилган.

Тарихан ўлим жазоси кенг қўлланиши билан бирга, кишилиқ жамиятида жиноий жазо сифатида ўлим жазосини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам унинг узок тарихига бориб тақалади. Бир неча асрлардан бери олимлар, жамоат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар, ёзувчилар ва фуқаролар ўртасида ушбу муаммо юзасидан кўплаб баҳс ва мунозаралар давом этиб келмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: «ўлим»ни жазо тури сифатида қўллашнинг моҳияти нимадан иборат? Ўлим жазосини жиноятчиликнинг олдини олиш чораси сифатида қўллаш қай даражада мантиқий ва асосланган? Мазкур жазо инсон ҳуқуқларини поймол қилмайдими? Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида уни қўллаш ёки ундан воз кечиш керакми? Давлат ушбу жазони қўллаш ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурий чораси эканлигини исботлай оладими? Бизнингча, шу ва шу каби бошқа саволларга фақатгина ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида қандай мақсад ва вазифаларни кўзлаганини атрофлича ўрганиб, чуқур таҳлил қилиш натижасидагина жавоб топиш мумкин. **Айнан шу ерда ўлим жазосининг мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлиги ойдинлашган ҳолда, жамиятда унга нисбатан муносабат шаклланади, деб ўйлаймиз.**

Агар ўлим жазоси устидаги мунозараларга тарихий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ушбу жазо тури билан боғлиқ муаммолар атрофидаги тортишувлар бир неча юз йилликлар билан ўлчанадиган ҳар бир даврда тобора қизғин ва фаол тус олиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Зеро, тарихий манбалар ўлим жазоси билан боғлиқ масалалар антик давлатлар давридаёқ анча кенг муҳокама қилина бошланганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Жумладан, Қадимги Юнонистонда Пелопонесс уруши даврида Лесбос оролида жойлашган Миттилен шаҳри аҳолиси Афинага қарши чиққани ҳолда душ-

ман тарафига ўтиб кетади. Бундан ғазабланган афиналиклар Миттилен шаҳрини забт қилиб, ушбу шаҳардаги аёллар ва ёш болаларни қулга айлантириб, барча эркакларни эса ўлим жазосига ҳукм қилмоқчи бўлишган. Миттилен аҳолисининг тақдирини ҳал қилиш жараёнида Халқ Мажлисида бу масала юзасидан баҳс келиб чиқиб, иккита қарама-қарши фикр юзага келади. Афиналик Клеон бир қанча ишончли асосларни важ қилиб келтирган ҳолда миттиленчиларга нисбатан ўлим жазосини қўллашни ёқлаб чиқади. Диодот эса бу масалага ўзгача ёндашади. Мана, унинг машҳур юнон тарихчиси Фукидид томонидан қайд этилган нутқидан бир лавҳа: «Табиатан барча инсонларда ноўрин хатти-ҳаракатлар содир этишга мойиллик мавжуд ва ҳеч қандай қонун уларни бундай ножоиз хатти-ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиб туришга мажбур қила олмайди. Давлат жиной қилмишлардан камроқ зарар кўриш мақсадида жинойтчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган барча жазо чораларини узлуксиз кучайтирган ҳолда қўллаб кўрди. Ҳайратланарлисиз шундаки, қадимда ҳатто оғир жинойтлар учун ҳам жазолар нисбатан енгилроқ бўлган, аммо вақт ўтиши ва қонунлар бузилиши муттасил равишда ўсиб борганлиги сабабли деярли барча жазолар ўлим жазоси билан алмаштирилди. Бироқ, бу чоранинг татбиқ этилиши ҳам жинойтчиликнинг камайишига таъсир қила олмади. Балки, бу ҳолатда, бошқа янада оғирроқ жазо чорасини ўйлаб топиш ёхуд жинойтчини ҳеч қандай жазо билан қўрқитиш ёки тўхтатиш мумкин эмаслигини тан олиш зарурдир?!»

Ушбу тарихий далил, бундан 2500 йил аввал ҳам ўлим жазоси мунозарали масала бўлганлигидан гувоҳлик беради. Клеон ва Диодот ўртасидаги ўзаро баҳсда Диодот ғолиб чиқди ва Афинанинг Халқ Мажлиси Миттилен эркак аҳолисининг қатл этилишига қарши овоз берди. Буни қарангки, орадан жуда кўп вақт ўтишига, инсониятнинг барча жабҳалардаги юксак тараққиётига, жумладан, илмий, амалий, назарий ва умуман, ҳар тарафлама ўзининг аниқ ва изчил мазмун-моҳиятига эга бўлган қонунчилик соҳаси вужудга келётганлигига қарамай, ушбу муаммо ҳамон ўзининг **долзарблигини** ва **сермунозаралигини** йўқотгани йўқ.

Қадим замонларданоқ ўлим жазосининг юридик моҳияти жамиятдаги умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилишнинг зарурий чораси сифатида талқин қилиниб келинган. Шу моҳиятдан келиб чиқиб, ҳуқуқий тизимларнинг нисбатан такомиллашиши, ҳуқуқ нормаларининг шаклланиши, ҳуқуқий ҳужжатларда эса жазонинг мақсади, кейинчалик эса қўрқитиш, даҳшатга солиш мақсади акс эта бошланганини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур деб ўйлаймиз.

3. ЖАЗО ТИЗИМИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон ҳаёти бу бебаҳо ва ҳеч бир нарса билан таққослаш мумкин бўлмаган энг олий неъматдир. Ўлим — ҳаётнинг якуний қисми бўлиб, у билан чамбарчас боғлиқ, яъни ҳаёт борки, ўлим муқаррардир. Ҳаётнинг қиёфаси ижтимоий-иқтисодий ва руҳий-ижтимоий омиллар мажмуидир.

Ҳаёт — олам яшаши ва намоён бўлишининг энг мураккаб шакллари билан бири. Ҳаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутаяди. Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. У инсон руҳияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир одамга бир мартагина ҳаёт кечириш имконияти берилаяди. Инсоннинг қадр-қиммати шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади. Одамнинг табиати ва ҳаёти у яшаётган жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам боғлиқ. Барқарор жамиятда одамлар сермазмун ҳаёт кечиради, нотинч даврда эса умр самарасиз ўтади. Демак, жамият қанчалик барқарор ва фаровон бўлса, унда яшайдиган одамларнинг, келгуси авлодларнинг ҳаёти ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади.

Ҳаётнинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар, файласуфлар бир фикрга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти бетакрор ва ўзига хосдир. Масалан, дастгоҳнинг бир детали ўрнига бошқа детални қўйиш мумкин. Ёки бир ишчининг ўрнига бошқа ишчини қўйиш билан дастгоҳ тўхтаб қолмайди. Аммо ҳар бир одам бетакрор ва ўз ўрнида қадрли, инсонни, унинг ҳаётини қадрлаш муҳим ижтимоий вазифадир.

Инсон — ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория. Инсон тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларини аниқлаш зарур. Инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили борлиги билан ажралиб туради. Ахлоқ нормалари инсонни ҳайвондан фарқ қилувчи энг муҳим хусусиятлардан биридир. Масалан, қадим замонлардан буён ҳайвонларга хос қуйидаги қилиқлар, одатлар мутлақо тақиқланади:

- ўзининг яқин қавм-қариндоши билан жинсий алоқада бўлиш;
- энг яқин кишисига қўл кўтариш, танига жароҳат етказиш;
- ўзининг яқин кишилари жонига суиқасд қилиш.

Бундай номақбул хатти-ҳаракатлар ҳайвонларга хос бўлгани учун ҳам қаттиқ қораланган. Қадимги ахлоқий нормалар ҳали такомиллашмаган, ўта оддий эди. Шунга қарамасдан, бундай нормалар инсонийликнинг энг оддий кўринишлари пайдо бўлаётганидан дало-

лат берарди. Улар аста-секин ривожланиб, умуминсоний қадриятларнинг вужудга келишига замин ҳозирлади. Оддий ахлоқий нормалар ёрдамида ибтидоий жамоа ўз аъзоларини барчага мақбул бўлган тартиб-интизом қоидаларини бажаришга мажбур қилди. Худди шу ҳолат инсоннинг ҳайвондан узил-кесил ажралиб чиққанлигидан далолат берарди. Одамнинг меҳнат қилишни, меҳнат қуроллари яшашни ўргангани, ахлоқ нормаларига риоя эта бошлагани улкан неолитик инқилоб эди. Мазкур инқилоб туфайли одам аста-секин ижтимоийлашиб борди.

Ислом таълимотига кўра, инсонга тан, жон, руҳ каби унсурлар хосдир. Руҳ арабча, жон форсча сўз бўлса-да, деярли 14 асрдан буён тилимизда кенг қўлланилиб, ўзлашиб, жонли сўзлашувда кўп янги-янги маъноларни англатиб келмоқда. Буюк аллома имом Абу Ҳомид Фаззолийнинг таъкидлашича, одамда жисмоний жон ва қалбий жон бўлиб, одам вафот этгач, ундаги жисмоний жон тугайди, жонсиз жасад тупроққа айланиб кетади. Лекин одам шу билан батамом тугаб, йўқликка учрамайди. Одам жисмонан вафот этади, холос. Ундаги қалбий жон жасадни тарк этса-да, мангу яшаб қолаверади. Албатта, инсон ҳаёти ҳақидаги бундай талқин диний нуқтаи назардандир. Бироқ илмий фанда бу масалага бошқачароқ ёндашилади.

Ўлим тушунчасини ҳаёт тушунчасидан ажратиб бўлмайди. Бу иккала тушунча қарама-қаршилиқлар бирлиги қонуниятига бўйсуннади. Ўлим, ўлиш, вафот этиш, жон бериш, қазо — организмдаги ҳаёт фаолиятининг тўхташи, тугаши, тирик организм ҳаётининг битиши демак. Организм ўлими — ҳаёт фаолиятининг табиий ҳолати. Бинобарин, ҳаёт бор жойда ўлим ҳам бор.

Ҳозирда ўлим тушунчаси умумий тиббий жиҳатдан икки хил маънони англатади. Биринчидан, организмнинг яхлит ўлиши, яъни юрак уришининг мутлақо тўхтаб қолиши, бу эса (шифокор учун) касаллик тарихида «ўлди» деб ёзишга асос бўла олади. Иккинчидан, организмнинг ўлиши аста-секин ҳаёт тўхташи орқали тафовут этилади. Тўқима ва органларда бирдан эмас, балки аста-секин, кетма-кет ҳаёт фаолиятининг йўқолиши билан тавсифланади. Яъни ўлим жараёнида орган ва тўқималар турли динамикага эга бўлиб, унинг текширилиши суд тиббиётида катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, биологик ўлим, сувда ўлиш, кутилмаган ўлим, клиник ўлим, хаёлий (мавҳум) ўлим, ғайритабиий ўлим, табиий ўлим, тўсатдан ўлиш фарқланади.

Биологик ўлим. Одатда нафас олиш, юрак уриши тўхтаб қолиб, 5—6 дақиқа ўтгандан сўнг биологик ўлим юзага келади. Ушбу ўлим организмни, тўқима ва органларни қайтадан тирилтириш мумкин бўлмаслиги билан тавсифланади.

Сувда ўлиш — сувда ўлимнинг содир бўлиши. Киши сувда ўлиши нафақат чўккандан кейин, балки бошқа сабаблар туфайли ҳам бўлиши мумкин (масалан, мияга қон қуйилишидан, аорта аневризмасининг ёрилишидан, гардан умуртқа поғоналарининг синиши ва бошқалардан).

Кутилмаган ўлим. Мазкур ўлим касаллик асосида, яъни ташхис қўйилган касаллик, аммо ўзининг оқими билан ҳаёт учун хавф туғдирмай, бирдан оғирлашиб ёки ўткир ҳолатга ўтиб, кишини ўлдириши билан фарқланади.

Клиник ўлим. Агонал даврдан сўнг келадиган ҳолат клиник ўлим деб аталади. Мазкур ҳолат ҳаётдан ўлим чегарасига ўтиши билан фарқланади. Демак, клиник ўлим ҳаёт ва ўлим оралиғи даврини ўз ичига олади. Ушбу давр ичида энг чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Улар марказий нерв системасидан узунчоқ мияга ўтиб, нафас олиш, қон айланиш фаолиятининг йўқолиши билан тавсифланади. Аммо ҳаёт белгилари сиртдан кўринмай, организмда, тўқима ва органларда ҳаёт кам миқдорда бўлса ҳам мавжуд бўлади. Моддалар алмашишуви жараёнининг мавжудлиги ҳам кузатилади. Ушбу давр ичида тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ҳаёт фаолиятини тиклаш мумкин. Клиник ўлим даврининг вақти ўрта ҳисобда 5—6 минутга тенг. Клиник даврдан кейин биологик ўлим даври келади ва бу даврда организмнинг ҳаёт фаолиятини қайтадан тиклаб бўлмайди, яъни қайтмас, узил-кесил ўлим рўй беради.

Ҳаёлий (мавҳум) ўлим. Тиббиётда ҳаёлий (мавҳум) ўлим деган тушунча бор. Унинг мазмуни шундан иборатки, айрим ҳолларда организмнинг ҳаёт фаолияти шу қадар пасайган (чуқур ва кўп муддатли беҳушлик, ҳушдан кетиш, летаргик ҳолат ва б.) бўладики, сиртдан қараганда киши ҳақиқатан ўлгандай бўлиб туюлади. Бундай ҳолларда юрак уриши, нафас олиши сезилмайди, айрим вақтларда (жуда кам учрайди) шифокор хатога йўл қўйиб, ўлим қайд этади. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида касалхоналардан мурда фақат икки соатдан кейин патанатомик бўлимга юборилади. Ушбу вақт ичида дастлабки, шубҳасиз мурда белгилари пайдо бўлади.

Адлия-суд тиббиёти назариясига кўра, ўлим тоифаси бўйича иккига бўлинади — 1) ғайритабиий, зўрланишли ўлимлар; 2) табиий, зўрланишсиз ўлимлар. Ташқи муҳит таъсири натижасида организм ҳаёт фаолиятини йўқотса, бу *ғайритабиий ўлим* деб аталади. Бундай ўлимга механик, кимёвий, термик, электрик ва бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин. Турли касалликлар натижасида вужудга келган ўлим *табиий ўлим* деб аталади. Табиий ўлим хиллари юрак-томирлар, нафас олиш органлари, марказий нерв, ҳазм системалари касаллиги, хавфли ўсмалар, инфекциялар, сийдик ажратув, таносил ва бошқа система

касалликларига бўлинади. Яширин ёки жуда енгил ўтаётган, ҳаёт учун хавфли бўлмаган касаллик маълум бир шароитда организмни ўлим даражасига олиб келса, унда атрофдаги кишиларда шубҳа уйғотади. Улар бу кутилмаган, тўсатдан рўй берган ўлимни фожиали ўлим, яъни файритабийий ўлим деб гумонсирайдиган ва шу туфайли бундай мурдалар тиббиёт муассасаларига экспертизага юборилади.

Файритабийий ўлим уч турга бўлинади — одам ўлдириш, ўз-ўзини ўлдириш ва бахтсиз ҳодиса. Табийий ўлимнинг эса икки тури фарқланади — тўсатдан ўлим ва кутилмаган ўлим.

Инсон биологик келиб чиқишга эга бўлганлиги боис биосоциал туркумга кирувчи мавжудот ҳисобланади, бироқ ҳаёт фаолияти давомидагина у шахс сифатида шаклланади. Шундай экан, ҳуқуқий тизимда муҳофаза қилинувчи барча ижтимоий қадриятлар қаторида инсон ҳаёти ва унинг шахсияти етакчи ўринни эгаллаши лозим. Сабаби, энг аввало, инсон, айнан ўз ижтимоий борлигининг ранг-баранг қирралари билангина жамиятда ижтимоий нуқтаи назардан нодир ва қимматли, аксинча унинг ҳаётидан маҳрум бўлиши табиатнинг биологик нуқтаи назардан ўрнини қоплаб бўлмайдиган инъикоси ҳисобланади. Бу эса, инсон, ҳар қандай жонли мавжудот сингари, унинг ижтимоий индивидуаллигини белгилаб берувчи бетакрор жисмоний ва руҳий сифатларга эгаллиги билан тавсифланади.

Инсон жамият ҳаётида иштирок этиши жараёнидагина шахс сифатида шаклланади, ривожланади ва ўзининг турли-туман имкониятларини намоён қилади. Дарҳақиқат, шахс ижтимоий муносабатларнинг асосий ва бирламчи қатнашчиси ҳисобланади, сабаби у мазкур муносабатларнинг ягона яратувчиси бўлиб, ушбу муносабатларга узвий равишда боғлангандир.

Кишилиқ жамияти тадрижий ривожланиши натижасида инсон ҳуқуқлари ғояси шаклланди. Инсон ҳуқуқлари — инсоннинг давлат билан муносабатидаги ҳуқуқий мақомини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имкониятлари ҳамда даъволарини тавсифловчи тушунча. Инсоният ўз тараққиёти жараёнида инсон ҳуқуқларига оид бўлган махсус қонунчилик тизимини яратган. Бу тизим ўз тараққиётида учта катта босқични босиб ўтган. Биринчи босқич 1789 йилги Франция инқилобининг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганидан бошланиб, Биринчи жаҳон урушига қадар (1914 йил) бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги, шахс дахлсизлиги, хусусий мулкка эгалик, сайлаш ва сайланиш каби шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар билан боғлиқ масалалар тартибга солинган. Иккинчи босқичда (1914-1950 йиллар) инсонларнинг турли ғоя ва ҳаракатлар таъсирида меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий ёрдам олиш билан боғлиқ ижти-

мой-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик ривожланди. Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда тинч яшаш, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳит тозалигига эришиш, ахборот олиш ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар фаол муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш йўллари қидирилмоқда. Шу даврда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро қонунчилик тизими шаклланди. БМТ томонидан етмишга яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан бир юз олти мишдан зиёд, ЮНЕСКОда етмишдан ортиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан ўттиздан кўпроқ инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд.

Инсон ҳуқуқларини эркин ва самарали амалга ошириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Инсон ҳуқуқларини мутлақ ва нисбийга ажратиш қабул қилинган. Яшаш ҳуқуқи, қийноқларга, зўравонликка, инсон шаънини ерга урадиган бошқа хил муомалага ёки жазога дучор этилмаслик ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ва оилавий сир сақлаш ҳуқуқи, ўз шаъни ҳамда яхши номини ҳимоя этиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқи, шунингдек, суд томонидан ҳимоя қилиниш ва одил судлов ҳуқуқи ҳамда шулар билан боғлиқ энг муҳим процессуал ҳуқуқлар мутлақ инсон ҳуқуқларига киради. Қолган барча инсон ҳуқуқлари нисбий бўлиб, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат тартиби жорий қилинган вазиятда чеклаб ёки тўхта-тиб қўйилиши мумкин. Демократик давлатда мутлақ инсон ҳуқуқларини ҳар қандай вазиятда ҳам чеклашга ёки вақтинча тўхтатишга (бекор қилишга) йўл қўйилмайди.

Инсон ҳуқуқлари миллий истиқлол ғоясининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жумладан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб қўйилган (18-52-моддалар). Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар (18-модда). Ҳар ким эркинлик ва шахсий жаҳлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши, қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас

(25-26-моддалар). Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга (27-29-моддалар)⁶².

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Тоталитар тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан ҳуқуқий меъёрлар сари кескин бурилиш ясалди. Республика қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, бу ҳужжатлар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар шу ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизми яратилди.

Инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида диққат-эътибор кучаяётган бир даврда инсон ҳаёти, яъни яшаш ҳуқуқи масаласи энг долзарб ва аҳамиятга молик бўлган воқелик сифатида намоён бўлмоқда. Яшаш ҳуқуқи нафақат мазкур ҳуқуқнинг ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажралмаслигини, балки инсоннинг Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кафолатланган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг ибтидоий шарти эканлигини ҳам англатади.

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт» нинг 6-моддаси 1-бандида эса бунга кенг таъриф берилади: «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди». Бинобарин, Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон, унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тўлиқ мустаҳкамланган. Жумладан, Конституциямизнинг VII боб, 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб таъкидланади. Ҳақиқатдан ҳам шахсни бу неъматдан маҳрум этиш ёки ундан маҳрум этишга уриниш энг оғир жиноятдир.

Демак, инсон ҳаёти шу қадар бебаҳо ва қимматли экан, унда жазолар ичида айнан инсонни ушбу бебаҳо неъматидан маҳрум қилувчи «ўлим жазоси» масаласини қандай тушуниш мумкин?

⁶² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2003. — 6—8-бетлар.

Маълумки, содир этилган жиноят учун ҳуқуқий чораларнинг энг муҳими сифатида давлат томонидан қонун билан белгиланган тартибда жиноятчига нисбатан жиноий жазо қўлланилади. Жазо қонун билан белгиланган ҳуқуқий чекловларнинг йиғиндисидир ёки бошқача таърифлайдиган бўлсак, жазо — жиноятчига содир қилган жинояти учун изтироб беришдан иборат бўлиб, унинг муайян доирада у ёки бу ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳамда имтиёзларини чеклашдир. Одатда, жазонинг оғир ёки енгиллиги жиноятчига етказиладиган изтиробнинг даражаси, белгиланган доирада ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилишнинг ҳажми орқали белгиланади. Жазо чораси жиноятчиликка қарши курашда муҳим бўлса-да, лекин ягона ва асосий восита эмас.

Жазоларнинг энг оғири ва юқориси, яъни энг олий жазо ўлим жазосидир. Бу жазо натижасида инсон унга берилган энг олий неъмат — ҳаётдан маҳрум этилади. Албатта, ҳаёти билан бирга инсон ўзига берилган бошқа барча ҳуқуқлардан ҳам бутунлай маҳрум бўлади. Ўлим жазосидан енгил бўлган бошқа жазо чораларида, масалан, озодликдан маҳрум қилишда фақат унинг озодликка нисбатан ҳуқуқи маълум бир вақт мобайнида чекланади, оиласи, фарзандлари билан мулоқотда бўлиш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан белгиланган тартибда маҳрум бўлади, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинганда жазо чораси қўлланган давр мобайнида мажбурий меҳнатга жалб қилинади ва назорат остида бўлади, унга нисбатан тегишли чекловлар амал қилади, **ўлим жазоси қўлланган вақтда эса маҳкум умуман барча ҳуқуқларидан ва муайян муддатга эмас, балки бутунлай, абадий маҳрум бўлади.**

Жиноий жазоларни қўллашнинг пировард мақсади жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, жамиятга хавф солиши мумкин бўлган ҳаракатлардан уларни тийиш ва ўз ҳаракатларини жамият учун фойдали томонга буриш учун керакли бўлган тарбияни бериш ҳисобланади. Аммо бу ерда ўлим жазосини қўллаш жиноий жазо мақсадини қайсидир маънода истисно этишини кўришимиз мумкин.

Ўлим жазоси муаммолари бўйича жуда кўп илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, уларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда «оқ доғлар» ҳали анчагина. Хусусан, олиб борилган илмий изланишлар ва тадқиқотларнинг деярли ҳеч бирида ўлим жазоси тушунчаси ҳақидаги масала тўлиқ ёритиб берилмаган.

Бир қарашда, ўлим жазоси нималиги ойдек равшан бўлиб туюлиши мумкин. Ўлим жазоси бу инсонни ҳаётдан маҳрум этиш демакдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон ҳар хил сабабларга кўра ҳаётдан маҳрум бўлиши мумкин. Ҳатто табиий (касаллик, қари-

лик туфайли) ўлим ҳолатларини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, ғайритабиий ўлим ҳолатларининг жуда кўп сабабларини қайд этиш мумкин. Жуда кўп одамлар табиат кучлари (сув тошиши, ер қимирлаши, ўпирилишлар, яшин уриши ва ш.к.) таъсирида, очликдан, совуқдан, кундалик турмуш ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан, ўз эҳтиётсизлиги орқасида ҳалок бўлади. Турмушимизда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам анча кўп учрайди.

Одамлар ҳар хил жиноятлар содир этилиши натижасида, қасддан одам ўлдириш, инсон ўлимига олиб келувчи эҳтиётсиз ҳаракатлар, чунончи: техника хавфсизлиги, йўл ҳаракати, турли хавфли моддалар ва предметлар (масалан, портловчи, радиоактив, тез ўт олувчи моддалар, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ва ш.к.) билан муомалада бўлиш қоидаларининг бузилиши оқибатида ҳалок бўладилар. Урушлар, миллий можаролар пайтида, қонли ўч олиш заминидан одамлар бир-бирларини шафқатсиз ўлдирадилар. Аммо ҳаётдан маҳрум этишнинг ушбу ҳолатлари ижтимоий ва юридик жиҳатдан ўлим жазоси билан бир хил эмас. Хўш, ўлим жазоси нима?

Ўлим жазоси — бу давлат томонидан, қонунга мувофиқ, суд ҳукми билан белгиланган тартибда инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш демакдир.

Ўлим жазосининг қуйида келтириладиган белгилари уни жазо тизимидаги жазолар орасида ўзига хослигини англашга ёрдам беради.

Ўлим жазосининг энг муҳим ва биринчи белгиси жазолашдир. Бу унга айнан ана шу давлат мажбурлов чорасини тавсифловчи жиҳатлар хослигини англатади.

Рус ҳуқуқшунос олими Н. А. Стручков жазони муайян жазо турини қўллашда қонун билан аниқ белгиланган ҳуқуқий чеклашлар мажмуи, деб таърифлайди⁶³. Ушбу фикрни тўлдирган ва аниқлаштирган ҳолда биз шуни айтишимиз мумкинки, **жазо инсоннинг ҳуқуқлари ёки манфаатларидан маҳрум қилиниши, улар ҳажмининг камайтирилиши ёхуд уларни амалга оширишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши, жазолаш билан боғлиқ бўлган ва одатда бошқа фуқароларга юкланмайдиган мажбуриятларнинг белгиланиши демакдир.**

Ўлим жазосининг **иккинчи белгиси** қуйидагидан иборат. Жазони тадқиқ қилувчи барча олимлар унинг *азоб-уқубатлар* келтириб чиқаришини қайд этадилар. Тўғри, бу ҳар қандай жазонинг белгиси, аммо ўлим жазосига нисбатан у ўзига хос хусусият қасб этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс ўзига ҳукм чиқарилган ва афв этишни сўраб ёзган илтимосномасига жавоб келишини кутиб ётган пайтда муайян даражада азоб чекади.

⁶³ Стручков Н. А. Курс исправительно-трудового права: Проблемы Общей части. М., 1984. — 22—23-бетлар.

Аксарият маҳкумларда бу ўлимдан кўрқиб, ўзининг чорасиз аҳволда эканлигини ҳис этиш, баъзан ўз айбини англаб етиш, виждонан қийналиш ва шу кабилар билан уйғунликда кечади. Гарчи бу азоб-укубатлар бошқа жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг азоб-укубатлари билан тенг бўлмаса-да, ҳукм ижро этилган пайтда маълум сабабларга кўра улар барҳам топади. Бунда жамият жиноятчининг азоб чекишини кўзламайди, чунки ўлим жазоси ўз олдига жиноятчини ахлоқан тузатиш, уни нимагадир ишонтириш ёки ниманидир исботлаш вазифасини қўймайди.

Ўлим жазосининг кўрқитувчи (тийиб турувчи) таъсири — ўлим жазоси ҳақидаги баҳсларда марказий муаммо. Ушбу гуруҳ тадқиқотчилари ўлим жазосининг турли жиҳатлари қандай қилиб ҳақиқий кўрқитувчи таъсир кўрсатишини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Мазкур гуруҳга кирувчи тадқиқотларнинг ярмидан кўпроғи эмпирик хусусиятга эга. Ўлим жазосининг кўрқитувчи таъсирини ўлчашга нисбатан тўрт асосий ёндашув мавжуд:

1) одам ўлдиришлар коэффиценти⁶⁴ билан ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмнинг ижро этилиши ўртасидаги ковариацияни⁶⁵ тадқиқ қилувчи узоқ муддатли тадқиқотлар ёки қисқа муддатли тадқиқотлар мажмуи;

2) жиноятчилик коэффицентини, айниқса, одам ўлдиришлар коэффицентини бир минтақа доирасида ўлим жазоси бекор қилинганидан ёки тикланганидан кейин солиштириш, бунда одам ўлдиришлар коэффицентигаги ўзгаришлар тадқиқ қилинади ва қонунчиликдаги ўзгаришлар билан тушунтирилади;

3) ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмлар ижро этилишининг қисқа муддатли таъсири. Бу ерда ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм ижро этилганидан кейинги қисқа давр ичида маълум бўлган одам ўлдиришлар сонидаги ўзгаришлар ўрганилади;

4) гуруҳлараро таққослашлар. Бу ерда ўлим жазосини бекор қилган ёки сақлаб қолган мамлакатлар ёки минтақалардаги одам ўлдиришларнинг коэффицентлари ўрганилади.

Айрим тадқиқотлар ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмнинг ижро этилиши ва одам ўлдиришлар коэффиценти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳодисалар эканлигини, ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар одам ўлдиришларга нисбатан қатллар сонига қараганда кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

⁶⁴ Одам ўлдиришлар коэффиценти — одам ўлдириш жиноятлари тарқалганлигининг статистик кўрсаткичи; маълум бўлган одам ўлдиришлар миқдорининг ҳар 10 000 ёки 100 000 аҳолига нисбати тарзида ҳисобланади.

⁶⁵ Ковариация — икки тасодифий катталиқ биргаликда тақсимланишининг миқдорий тавсифи бўлиб, унинг ёрдамида корреляция коэффиценти аниқланади.

Ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижасида ўлим жазоси жиноятчиликнинг камайишига бошқа жазо турларига қараганда кучлироқ таъсир кўрсатишининг ишончли далиллари тўплашга муваффақ бўлинмади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1988 йилда ўтказган ва 2002 йилда тўлдирилган охири шундай тадқиқотда ўлим жазоси ва одам ўлдиришлар миқдори ўртасидаги алоқа ўрганилди. Тадқиқотчилар ўлим жазоси одам ўлдиришлар миқдорининг камайишига умрбод қамоқ жазосига қараганда кўпроқ таъсир кўрсатади, деган фаразни қабул қилиш тўғри эмас эди, деган хулосага келдилар⁶⁶.

Айрим гуруҳлараро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одам ўлдиришлар коэффиценти ошганидан кейин кўпинча ўлим жазоси бекор қилинади. Бошқа томондан, тадқиқотларнинг бир қисмида ўлим жазоси кўрқитишга асосланадиган тийиб турувчи таъсир кўрсатиши ёки, ҳеч бўлмаса, одам ўлдиришлар коэффицентига қисқа муддатли таъсир кўрсатиши қайд этилади.

Тадқиқотларнинг аксариятида ўлим жазосининг кўрқитувчи таъсирини ўлчашда одам ўлдиришлар коэффицентидан кўрсаткич сифатида фойдаланилади. Бунда бошқа кўрсаткичлардан фойдаланишга кам эътибор берилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1988 йилда ўтказган ва 2002 йилда тўлдирилган, ўлим жазоси қўлланилишининг жиноятчилик даражасига таъсири ўрганилган тадқиқот натижалари бўйича чиқарилган хулосаларда, жумладан, шундай дейилади: «Статистик тенденциялар ўзгаришсиз қолаётгани давлатлар ўлим жазосини камроқ қўллаган ҳолда жиноятчилик эгри чизигининг кутилмаган ва кучли сакрашлари рўй бермаслигининг ишончли далилидир»⁶⁷.

Аболиционист давлатлардан олинган янги статистик маълумотлар ўлим жазосининг бекор қилиниши салбий оқибатларга олиб келганини кўрсатмайди. Масалан, Канадада 1975 йилда (ўлим жазоси бекор қилинишидан бир йил олдин) одам ўлдиришлар сони ҳар 100000 аҳолига 3,09 тани ташкил этган бўлса, 1980 йилда 2,41 тагача камайган ва кейинчалик ка-

⁶⁶ Roger Hood. The Death Penalty: A Worldwide Perspective. Oxford University Press, third edition, 2002, 230-бет.

⁶⁷ <http://www.amnesty.org.ru/report2004/hragenda-5-rus> сайти материали.

майинда давом этган. 2002 йилда, ўлим жазоси бекор қилинганидан кейин 26 йил ўтгач, одам ўлдиришлар сони ҳар 100000 аҳолига 1,85 тани ташкил қилганки, бу 1975 йилдагидан 40% камдир⁶⁸.

Мазкур гуруҳ тадқиқотлари ўлим жазосининг кўрқитувчи (тийиб турувчи) таъсири мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигининг эмпирик далилларини тақозо этгани учун мазкур таъсирни ўлчаш билан боғлиқ методологик масалалар ҳам олимлар эътиборини ўзига жалб қилади. Методологиянинг баъзи бир асосий муаммоларини қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

а) агар ҳатто ўлим жазоси билан одам ўлдиришлар коэффициенти ўртасида ковариация аниқланган бўлса ҳам, бу мазкур ҳодисалар ўртасида сабабий алоқалар мавжудлигини кўрсатмаслиги мумкин. Зеро, иккала ҳодисага ҳам ҳисобга олинмаган омиллар таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд. Одам ўлдиришлар коэффициентидаги ўзгаришларни солиштириш методларидан фойдаланилган ҳолларда ўлим жазоси омилининг таъсирига унча катта баҳо бермаслик керак. Миқдорий таҳлил методлари қўлланиб, одам ўлдиришлар коэффициентидаги ўзгаришлар статистик жиҳатдан ўлим жазоси омилининг таъсири билан изоҳланади, деган тўхтамга келинган бўлса, бу асло мазкур тадқиқотларга асос қилиб олинган назарий моделлар тўғри эканлигини англатмайди;

б) баъзан таҳлил учун керакли маълумотлар олишнинг иложи бўлмайди; бундан ташқари, таҳлилда тўлиқ бўлмаган маълумотлардан ёки миқдор ва сифатга қўйилган талабларга жавоб бермайдиган маълумотлардан фойдаланилиши мумкин;

в) юқорида қайд этиб ўтилганидек, ўлим жазосининг кўрқитувчи (тийиб турувчи) таъсирини ўлчаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тадқиқот мақсадига уларнинг мувофиқлиги нуқтаи назардан доим ҳам пухта танлаб олинавермайди;

г) тадқиқотнинг муҳокама қилинаётган предмети учун тегишли назорат экспериментлари ўтказишнинг иложи йўқ. Текшириш квазиэкспериментал ҳолатда фақат маълум даражада ўхшаш тарзда ривожланувчи вазиятни кузатишгагина таянади;

д) ўлим жазосининг кўрқитувчи (тийиб турувчи) таъсири мавжудлиги ҳақидаги фаразларда асосий тахмин шундан иборатки, потенциал жиноятчилар жиноят содир этишдан олдин ундан кўришари мумкин бўлган фойда ва зарарларни тарозига солиб кўрувчи

⁶⁸ <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материали.

рационалистлардир. Бироқ мазкур тахмин ўз ҳолича ҳам, ўлим жазосининг қўрқитувчи (тийиб турувчи) таъсирининг кўрсаткичи сифатида одам ўлдиришлар коэффицентидан фойдаланилган ҳолда ҳам шак-шубҳасиз эмас, чунки бундай жиноятларнинг содир этилиши билан боғлиқ аксарият ҳолларда эмоциялар муҳим рол ўйнаши аниқланган.

Кўриб чиқилган тадқиқотларнинг натижалари асосан ўлим жазосининг қўрқитувчи (тийиб турувчи) таъсири мавжуд эмаслигини кўрсатса-да, улар мазкур масала юзасидан кетаётган мунозарага нуқта қўймайди. Ушбу мунозара назарий далиллар учун ҳам, методологик фикр-мулоҳазалар учун ҳам очик. Статистик маълумотларга асосланган, уларнинг бевосита ифодаси доирасидан четга чиқувчи натижалардан ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим.

Ўлим жазосининг фойдасига унинг қўрқитувчи аҳамияти, халқнинг адолатпарварлик туйғусини қаноатлантириш учун ўлим жазоси зарурлиги, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш турларида унинг зарурлиги далил қилиб келтирилади.

Ўлим жазоси энг кучли қўрқитувчи таъсирга эга ва шу сабабли жамиятни яхши ҳимоя қилади, ўлим жазосидан қўрқиш жиноят содир этишга мойил шахсларни ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга мажбур этади, чунки бу жазо унинг энг катта бойлиги — ҳаётига дахл қилади, деган далиллар билан ўлим жазосини оқлашга ҳаракат қиладилар. Ўлим жазосининг қўрқитувчи таъсири ҳақидаги далилни муҳокама қилишда икки ҳолатни: ўлим жазоси хавфининг қўрқитувчи таъсирини ва ўлим жазосини ижро этишнинг қўрқитувчи таъсирини фарқлаш лозим.

Жиноят содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсга ўлим жазоси хавфининг қўрқитувчи таъсири унча катта бўлмайди, чунки ўлим жазоси хавфи билан унинг амалда ижро этилиши ўртасида тубсиз жарлик ётади; ўлим жазосидан бўйин товлаш имкониятлари жуда ҳам кўп; судлар томонидан чиқарилган ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларнинг ўндан бири ҳам ижро этилмайди; ҳукм чиқарилиши учун эса, энг аввало, айбдор ушланиши, жавобгарликка тортилиши, айби исботланиши лозим; ҳуллас, ўлим жазоси хавф соладиган минг кишидан беш-олтитаси, нари борса ўнтаси амалда ўлимга ҳукм қилинади. Ўлим жазоси хавфининг бутун аҳоли учун қўрқитувчи аҳамияти лозим даражада исботланмаган; қонунчи мазкур жазони назарда тутмаган жойларда жиноятлар миқдори ошмайди ва аксинча. Боз устига, қайси қилмишлар учун қонунда ўлим жазоси назарда тutilганини аҳоли яхши билмайди; айрим ҳолларда ўлим жазосини тайинлаш шартлари юридик жиҳатдан шу қадар мураккаб таърифланадики, олий маълумотсиз одам уларни тушуна олмайди.

Ўлим жазосини *ижро этишнинг* қўрқитувчи аҳамияти масаласига келсак, унинг, бир томондан, жазоланувчига, иккинчи томондан эса — аҳолига таъсирини фарқлаш керак. *Жазоланувчига* у даҳшатли таъсир кўрсатади: ўлим жазоси ҳақида ҳукм чиқарилишининг ўзиёқ шахснинг маънавиятида жуда чуқур из қолдиради. Аммо бунда у ҳар хил тарзда намоён бўлиши мумкин. Баъзан киши яқин ўлим таъсирида ўз айбидан пушаймон бўлади, Худо ва одамлардан кечирим сўрайди; бу қўрқитиш таъсир этганидан далолат беради ва шунда мазкур шахсни қатл этиш адолатдан бўлмайди. Баъзан кишида умрининг сўнгги дақиқаларида ҳайвоний яшаш, ўлимдан қўрқиш ҳисси пайдо бўлади; шундай қўрқув таъсирида маҳкум жаллод билан олишган ҳоллар ҳам бўлган. Хуллас, ўлим жазосини ижро этиш жараёни маҳкум учун даҳшатли экани шубҳасиз. Бу — қоида. Аммо истисноли ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, киши ўз эътиқодига кўра, муайян ғояга мутаассибларча хизмат қилиб, маълум жиноят содир этади. Бундай ҳолларда ўз жонини қурбон қилиш маҳкум учун олий мақсад ҳисобланади ва уни ўз кўз ўнгида юксак чўққиларга кўтаради. Айни ҳолда ўлим жазоси ҳеч қандай қўрқитувчи аҳамиятга эга бўлмайди.

Ўлим жазосини ижро этишнинг *аҳолига* қўрқитувчи таъсири масаласига келсак, бу борада анча қизиқарли кузатишлар мавжуд. Масалан, Англияда ўлим жазоси ижро этилган майдонга киссавурлар тўпланган ва ўғрилиқ учун маҳкумни осишаётган пайтда оломон орасида ўғрилиқ содир этган. Англия қамоқхоналарининг айрим руҳонийлари берган гувоҳликларга қараганда, бобоси, отаси ва ўғли жаллод қўлида жон берган, бинобарин, ўлим жазоси ҳеч қандай қўрқитувчи таъсир кўрсатмаган оилалар бўлган. Боз устига, ўлим жазоси жамиятга, одамлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатган. Масалан, Францияда гильотина⁶⁹ фаол ишлаган пайтларда ўлим жазосини ижро этишнинг мазкур воситаси ўйинчоқ тарзида ҳар бир оилادا бўлган; болалар эрмакка кушлар, итлар, мушукларни гильотинадан ўтказган. Буларнинг барчаси ўлим жазоси ундан кутилганидан батамом тескари таъсир этишини кўрсатади. Шундай қилиб, яқиндан тадқиқ қилиш ўлим жазоси аҳолига қўрқитувчи таъсир этади, деган фикрнинг асосизлигини кўрсатади. Ўлим жазосини ижро этиш усулида рўй берган тўнтариш ҳам шу билан изоҳланади. Илгари ўлим жазоси оломон кўз ўнгида, майдонга ўрнатилган баланд эшафотда ижро этилар эди. Ҳатто халқ майдонга қатл маросимида иштирок этиш учун ҳайдаб келинарди. Бугунги кунда маърифатли давлатлар ўлим жазосини оммага кўрсатиб ижро этишдан воз кечган. Бу янги тартибга Шимолий Америка Иттифоқининг бир неча штатлари асос

⁶⁹ Гильотина — ўлимга ҳукм қилинганларнинг бошини танасидан жудо этишга мўлжалланган махсус мослама; *луғатга қ.*

солди. Ўлим жазосини оммага кўрсатмасдан ижро этиш тартиби аста-секин Европа мамлакатларида ҳам жорий этилди: 1857 йилда бу тартибни Пруссия қабул қилди, унга бошқа герман давлатлари ҳам қўшилди; 1868 йилдан бу тартиб Англияда, 1881 йилдан эса — Россияда қўлланилади. Ўлим жазосини оммага кўрсатмай ижро этишга ўтилиши қонунчининг мазкур жазога муносабатида туб ўзгариш рўй берганини кўрсатади. Бу ўлим жазосининг кўрқитувчи таъсирига бўлган ишонч йўқолганини, у оммага зарарли таъсир кўрсатиши англаб етилганини исботлайди.

Тўғри, ушбу жазо турини тадқиқ қилганларнинг кўпчилиги ўлим жазоси кўрқувни олиб келишини алоҳида таъкидлашади. Лекин ўлимга ҳукм қилинган жиноятчининг кўрқуви энди жамият учун керак эмас. Сабаби, ўлим жазоси жиноятчини тарбиялаш вазифасини кўзламайди. Бу жазо натижасида жамият уни ўз сафидан ўчиради.

Бу, ўз навбатида, жазо мақсадлари билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим саволни келтириб чиқаради: жамият шунчаки инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш, ўзини ва ўз фуқароларини унинг янги жиноятларидан сақлашни кўзлайдими ёки унга қилмишига яраша жазо бериш, содир этган жинояти учун ундан қасос олиш, уни қўшимча азоб-уқубатларга дучор этиш, яъни сўзнинг ўз маъносида жазолашга ҳаракат қиладими?

Жиноят ҳуқуқининг тарихий тараққиётида бу масалага ҳар хил ёндашилиб келинмоқда. Кўпгина мамлакатларда ўлим жазосини ижро этишнинг ҳар хил кескин ва ваҳший усуллари қўлланиладики,⁷⁰ бу жазо усуллари маҳқумни қўшимча ва жуда оғир жисмоний азоб-уқубатларга дучор этади. Айни ҳолда жамиятнинг бошқа беқарор шахсларини кўрқитиш билан боғлиқ умумий превентив (огоҳлантириш, олдини олиш) мақсади ҳам кўзланади: ўлим жазоси мавжудлигини билган бундай шахслар қонунда айни жазо назарда тутилган қилмишларни содир этишдан ўзларини тийишлари мумкин.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда юқоридагилар билан бир қаторда қўшимча мақсад — маҳқумнинг қадр-қимматини камситиш ҳам кўзланади. Лекин, шуни қайд этиш керакки, у кўпинча жазонинг мустақил мақсади ҳисобланади.

Ўлим жазосига ҳукм қилиш келтириб чиқарадиган азоб-уқубатлар ҳақида сўз юритганда, *маҳқумнинг қариндошлари ва яқинларининг азоб-уқубатларини* ҳам эътиборга олиш керак. Агар маҳқумнинг азоб-уқубатлари ҳукм ижро этилган пайтда барҳам топса, унинг яқинлари жудолик аламини айнан шу пайтда жуда кучли ҳис қиладилар. Ушбу ҳолатга ўлим жазосининг **учинчи белгиси** сифатида қараш мумкин.

⁷⁰ Бу ҳақда III боб, 2-параграфда бағафсилроқ қаранг.

Юқорида қайд этилганлар, ўз навбатида, ўлим жазосининг **тўртинчи белгисини** таърифлаш имконини беради: ўлим жазоси энг оғир жазодир. **Бизнингча, жазолар ичида айнан ўлим жазоси мисолида жазо ўзини тўла даражада намоён қилади.** Бу, энг аввало, шу билан белгиланадики, маҳкум инсоннинг энг азиз неъматини — ҳаётдан маҳрум бўлади. Табиийки, у айна вақтда бошқа барча ҳуқуқлари ва манфатларидан ҳам маҳрум бўлади. Айнан шу сабаб аксарият маҳкумларга кўпроқ азоб беради.

Ўлим жазосининг **бешинчи белгиси** шундан иборатки, у, бошқа жазолар сингари, мажбурлов чораси сифатида, *маҳкумнинг хоҳиши-иродасидан қатъий назар* ва, қоида тариқасида, *унга зид равишда қўлланади.* Агар айбдор, ўз айбидан пушаймон бўлиб, ҳаётдан кетишга ўзи қарор қилса (бундай ҳолатлар кам бўлса ҳам учраб туради) ва бу қарорини амалга оширишга муваффақ бўлса, бу жазо эмас, балки ўз жонига қасд қилиш ҳисобланади.

Ўлим жазосининг **олтинчи белгиси** шуки, у *давлат номидан қўлланади.* Суд ҳар қандай ҳукми, шу жумладан, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукми ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-моддасига кўра «Ўзбекистон Республикаси номидан» чиқаради. Бу демак, давлат ўз ҳокимият ваколатларига кўра, тегишли судга унинг номидан ҳукм чиқаришга рухсат беради ёки буни бошқача талқин қиладиган бўлсак, ушбу ҳукм бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эгаллиги англашилади. Ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги ҳам давлатнинг махсус органлари томонидан текширилади. Шу боис, судсиз жазолаш ва ҳатто зарурий мудофаа натижасида ёки ўта зарур ҳолда одам ўлдириш ҳолатлари ҳам ўлим жазоси ҳисоблана олмайди. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ушлаш учун зарур бўлган чоралар чегарасидан четга чиқмаган ҳолда ўлдирилиши ҳам ўлим жазоси бўлиши мумкин эмас.

Ўлим жазосининг **еттинчи белгиси** шундаки, у *фақат жиноят учун, яъни Жиноят кодексига назарда тутилган қилмиш учунгина тайинланиши мумкин.* Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилмаган қилмиш учун ўлим жазоси (шунингдек, бошқа жазолар ҳам) тайинланиши мумкин эмас. Айна вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда, 2-қисм) ва терроризм (155-модда, 3-қисм) жиноятлари учунгина ўлим жазоси тайинланиши мумкин.

Амалда ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун, шунда ҳам фақат жиноят ўта оғир оқибатларга олиб келган ҳоллардагина тайинланади. Ўзбекистон

Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 27-бандида «...Ўлим жазоси асосан одам ўлдиришда айбланган жиноятчиларнинг жуда оз қисмига, ижтимоий хавфлилик даражаси жуда юқори бўлган шахсларгагина тайинланади. Ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ва шу билан бирга айбдорнинг жамият учун мутлақ хавфли шахс эканлигини тавсифловчи маълумотларнинг мавжудлиги унинг тайинланиши шартлигини тақозо этган алоҳида ҳоллардагина қўлланиши мумкин», деб таъкидланади. Шу билан бирга, «Ўлим жазосини қўллаш сабаблари ҳар доим содир этилган жиноят юзасидан аниқланган ҳолатларга ва айбдор ҳамда жабрланувчи шахсини тавсифловчи батафсил маълумотларга таянган ҳолда ҳукмда асослантирилмоғи лозим...»

Мисол учун, статистик маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, 1998 йилда Россияда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирилганлик учун (ўлим жазоси фақат шундай жиноятлар учун тайинланиши мумкин) 5514 киши ҳукм қилинган. Олий жазо 115 кишига, яъни юқорида зикр этилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг 2,1% га тайинланган. Ўлим жазосини тайинлаш масаласини ҳал қилишда судлар ҳатто одам ўлдирилган жиноятчилар ишининг ҳолатларини ҳам қанчалик синчиклаб кўриб чиқиши юқорида келтирилган маълумотларнинг ўзиданоқ яққол кўриниб турибди. Ўлим жазоси асосан одам ўлдиришда айбланган жиноятчиларнинг жуда оз қисмига, ижтимоий хавфлилик даражаси жуда юқори бўлган шахсларгагина тайинланади.

Ўлим жазосининг **саккизинчи белгиси** шу билан боғлиқки, у *фақат қасддан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларгагина тайинланиши мумкин*. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 21-моддаси биринчи қисмига асосан, Жиноят кодекси моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноятлар қасддан содир этилган деб топилади. Мазкур белги аксарият жазоларга хос бўлиб, аммо ўлим жазосига татбиқан у ўзига хос тарзда намоён бўлади. Маълумки, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун, ҳатто улар анча оғир оқибатларга олиб келган бўлса ҳам, ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, мазкур жазо аксарият давлатларнинг жиноят қонунчилиги бўйича фақат ўта оғир жиноятлар учун белгиланади. Бинобарин, ЎЗР ЖК 15-моддасининг

бешинчи қисмига мувофиқ, ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Дарҳақиқат, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилмаганлиги, бизнингча, ҳам жиний-ҳуқуқий, ҳам криминологик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқдир.

Ўлим жазосининг яна бир, **тўққизинчи белгиси** — унинг жазо сифатида сўнгги вақтларда, айниқса, охириги ўн йилликда жаҳон мамлакатлари томонидан *анча кам қўлланилишидир*.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ўлим жазоси жаҳоннинг аксарият мамлакатлари қонунчилик тизимларида назарда тутилган бўлсада, лекин амалда жуда кам қўлланиладиган жазолар қаторига қиради. Ҳозирда Ўзбекистонга хос бўлган ўлим жазосининг камдан-кам қўлланилиши белгиси жаҳоннинг барча мамлакатларига бўлмаса ҳам, аксариятига хосдир.

Ўлим жазосининг **ўнинчи белгиси** ундан кўзланган мақсадлар билан боғлиқ. Бошқа ҳар қандай жазо сингари, ўлим жазоси ҳам *хусусий превенцияга эришиш* мақсадини кўзлайди. У маҳкумлар янги жиноятлар содир этишига йўл қўймаслиги керак. Шу боис ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс то ҳукм ижро этилгунга қадар махсус шароитда сақланади. Ҳукм ижро этилганидан кейин, табиийки, қатл этилган шахс томонидан янги жиноятлар содир этилиши хавфи туғилмайди.

Ўлим жазосининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, у маҳкумни тарбиялаш, ахлоқан тузатиш мақсадини кўзламайди. Унинг жисмонан йўқ қилиниши бундай мақсадга эришиш масаласининг қўйилишини ҳам истисно этади.

Ўлим жазосининг **ўн биринчи белгисига** унинг *истисно тариқасида қўлланилишини*, яъни жазолар ичида ушбу жазони тайинлашда унга *энг охириги зарурий чора* сифатида қаралишини киритиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, жазолашдан кўзланган мақсадга ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Бу тавсиф юқорида зикр этилган барча белгилар билан асосланади.

Бугунги кунда биз ўлим жазосининг Ўзбекистонда асосан сўнгги йилларда намоён бўлган **ўн иккинчи белгисини** ҳам кўрсатишимиз мумкин — бу мазкур жазога *ҳукм қилинганларни афв этишнинг кенг қўлланилишидир*. Айнан ўлим жазосига ҳукм қилинганларга нисбатан афв этиш нисбатан кенг доирада қўлланилади.

Ўлим жазосининг жиноий-ҳуқуқий фанда ва амалиётда энг сермунозара ва узоқ йиллардан бери давом этиб келаётганини, ҳаттоки сиёсий хусусият ҳам касб этаётганини унинг кейинги ва сўнги, яъни **ўн учинчи белгиси** сифатида шартли равишда киритиш мумкин.

Ўлим жазосининг юқоридаги белгилари билан бир қаторда унинг криминалогик ва ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиқиш, бизнингча, ушбу жазо турини атрофлича тавсифлаш имкониятини яратади.

Хўш, турли мамлакатларнинг қонунчилигида ва турли замонларда нима учун ўлим жазоси назарда тутилган? Бир қарашда, ўлим жазоси қонунда фақат бошқа одамни ҳаётдан маҳрум этганлик учун назарда тутилиши лозим. Энг аввало шунинг учунки, қонга қон, жонга жон деган фикр (ўтмишда — қонунчилик принципи) асрдан асрга ўтиб келади. Бу фикр диний қарашлар билан ҳам боғлиқ. Жонга жон деган принцип бўлиши кераклигига ҳозир ҳам кўпчиликнинг ишончи комил. Умуман олганда шундай, одам ўлдириш учун аксарият ҳолларда қонунларда ўлим жазоси назарда тутилган. Бироқ олимлар, уларнинг кетидан эса — қонунчилар ҳаёт (ва қонун)нинг мазкур «оддий» қондасини чуқурроқ тадқиқ қила бошлагач, бу улар ўйлаганидек оддий иш эмаслиги аён бўлиб қолди. Одам ўлдиришда ҳам одам ўлдириш борлиги, ҳар қандай одам ўлдириш учун ҳам айбдорни ўлим жазосига ҳукм этиш мумкин эмаслиги англашилди. Шундай одам ўлдиришлар бўладики, улар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилади. Масалан, икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш, болани ёки жамоат тартибини кўриқлаётган шахсни ўлдириш, геноцидда иштирок этиш ва ҳоказо. Бундай ҳолларнинг аксариятида ҳеч қандай савол туғилмайди. Аммо баъзан бошқа ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан, кўпгина мамлакатларда руҳонийнинг ҳаётига тажовуз қилиш одам ўлдиришнинг оғирроқ тури ҳисобланади. Фарзанднинг ўз отаси ёки онасини ўлдириши ҳам шундай баҳоланади. Ушбу вазиятда ўлдириш ҳолатининг ўзи асос қилиб олинади. Бундай одам ўлдиришларга туртки берган сабабларни қонунчи (ва ахлоқ) эътибордан четда қолдиради. Ваҳоланки, бу тўғри эмас. Ахир, руҳоний ҳам бошқа одамларда ўзига нисбатан нафрат уйғотадиган тарзда ҳаракат қилиши мумкин-ку. Ота ёки она ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳаётда бундай ҳолатлар кам бўлса-да, лекин учраб туради. Хўш, бундай ҳолларда содир этилган одам ўлдириш учун ўлим жазосини назарда тутиш тўғри бўладими? Бундан ташқари, жонидан тўйган хотин, болалари золим эр ва отани ўлдирган ҳолатлар ҳам ҳаётда учраб туради. Хўш, бундай қилмиш учун доим ўлим жазоси тайинланиши лозимми? Бунда одам ўлдириш билан боғлиқ муайян ҳара-

катларга қонун чиқарувчи ва жамоатчилик фикри берган баҳо ҳар хил бўлиши мумкин.

Шу сабабли турли мамлакатларда қонунчилик одам ўлдиришни табақалайтиради. Бугунги кунда одам ўлдириш учун ўлим жазоси умуммажбурий эмас. Аммо жамоатчилик фикри ҳозиргача буни доим ҳам тушунавермайди. Унинг одам ўлдиришга муносабати бир хил ва узил-кесил: жонга жон. Одам ўлдириш учун доим ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас, деган фикрни қабул қилишга у ҳали тайёр эмас. Хўш, бу билан ҳисоблашиш керакми? Бизнингча, ҳисоблашиш керак. Аммо шу ернинг ўзида жамоатчилик фикри билан қай даражада ҳисоблашиш керак, деган савол туғилади. Балки (яна муаммо!) қонунчи юриспруденцияни яхши тушунмайдиган одамлардан «ақллироқ» ва бундай ҳолларда нима қилишни улардан «яхшироқ» биледи, деган презумпциядан келиб чиқиб, жамоатчилик фикрини умуман ҳисобга олмаслик керакдир? Жаҳонда қонунчилар қанча «ақлли», лекин амал қилмайдиган қонунларни қабул қилганлар! Аҳоли тушунмайдиган ва ҳатто қоралайдиган қонунлар ҳам қанча! Саволлар, саволлар...

Бироқ, ўлим жазоси турли мамлакатларда фақат одам ўлдириш учун назарда тутилмаган. Дарвоқе, қасддан одам ўлдиришдан ташқари, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ҳоллари ҳам учраб туради. Қоида тариқасида, улар учун ўлим жазоси назарда тутилмайди ва бу ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам, маънавият нуқтаи назаридан ҳам жуда тўғри. Аммо ҳозирги вақтда шундай эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш жиноятлари пайдо бўлдики, уларнинг оқибатлари қасддан одам ўлдиришнинг оқибатларидан оғирроқдир. Бунга, айтайлик, Чернобиль ҳалокатини мисол қилиб келтириш мумкин. Маълумки, бу ерда авария рўй берган заҳоти ўлганлар ва ундан биров вақт ўтгач ҳаётдан кўз юмганлар бор. Аммо мазкур ҳалокатнинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган узоқ муддатли оқибатлари ҳам мавжуд. Балки, бундай ҳолларда ўлим жазоси тайинлаш ўринли бўлар? Жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўровлар шундай фикр мавжудлигини кўрсатади.

Ўлим жазоси билан илгари мулкий хусусиятга эга бўлган жиноятлар, чунончи, жуда кўп миқдордаги давлат мулки, жамоат мулки ва шахсий мулкни талон-торож қилиш жазоланар эди ва айрим мамлакатларда ҳозир ҳам жазоланади. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олиш учун ҳам шундай жазо назарда тутилади. Айрим мамлакатларнинг қонунчилигида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда зўрлик ишлатиш йўли билан содир этилган қароқчилик ёки контрабанда учун ўлим жазоси назарда тутилган. Бунда жиноятчилар мазкур жиноятлар натижасида эгаллайдиган пуллар

миқдори анча катта бўлиши жамоатчилик фикрини ғазаблантиради. Ўз-ўзидан бундай жиноятчиларга «огирроқ» жазо бериш ва ҳатто уларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш талаби туғилади. Айни ҳолда жиноятчи ўзганинг мол-мулкани қўриқлашга бурчли бўлган органлардан «ақллироқ» бўлиб чиққани учун унга огир жазо тайинланади. Тўғри, бу фикр жаҳоннинг аксарият мамлакатлари жиноят ҳуқуқи тарихида анча баҳсли эканлигини кўрсатади.

Мулкка қарши жиноятлар учун ўлим жазосини назарда тутиш муаммосида бир муҳим масала мавжуд: нима қимматроқ — ҳар қандай мол-мулк, ҳар қанча пулми ёки инсон ҳаёtimi? Бизнинг назаримизда, инсон ҳаёти қимматроқ. Шу боис барча давлатлар мулкка қарши жиноятлар учун ўлим жазосини назарда тутишдан қатъий воз кечиш керак. Агар анқов хўжалик юритувчининг тумшуғи тагида чаққон фирибгар миллионлаб сўм пулни ўзлаштиришни уддалаган бўлса, уни ўлим жазосига эмас, балки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этиш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида моддий бойликлар ишлаб чиқарувчи бирон-бир корхонага бошлиқ қилиб қўйиш ва шу ерда ишлаб, талон-торож қилган пулни давлатга қайтаришни талаб қилиш кифоя деб ўйлаймиз.

Агар ўлим жазоси, жинойий жазо тури сифатида, илғор жамиятда ўринли бўлмаса, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкани талон-торож қилганлик учун ўлим жазосига тортиш бизни олис ўтмишга улоқтириб юборувчи ижтимоий атавизмдир. Зеро, инсон ҳаёти ҳар қандай мол-мулк ва пулдан қимматроқдир⁷¹.

Жуда кўп миқдорда пора олганлар билан иш бирмунча қийинроқ. Гарчи пора олиш ҳам мулкка қарши жиноят бўлса-да, у жамиятдаги муҳитга салбий таъсир этадиган шахснинг қаттиқ бузилиши далолати эмас. Нима қимматроқ — инсон ҳаёtimi ёки пулми, деган савол бу ерда ҳам амал қилади. Зеро, порахўрлик муайян бир шахснинг эмас, балки уни ўз чангалида маҳкам ушлаб турган бутун бир тизимнинг маънавий бузилиши оқибати бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда жамият манфаатларида амалга оширилиши лозим бўлган биринчи вазифа — одамларни йўлдан оздираётган ана шу чирик тизимни бузиш. Ўз-ўзидан равшанки, ўлим жазосини қўллаш ва фақат унга таяниш билан бундай тизимни бузиб бўлмайди. Энг аввало бундай қилмишларни фаолият тарзи, хўжалик юритиш ёки сиёсий ва бошқа масалаларни ҳал қилиш усули сифатида қоралаш, ҳар қандай даражадаги ва ҳар қандай жабҳадаги инсон қилмишлари қаторидан уларни чиқариб ташлаш лозим. Фақат ўлим жазосига таяниш ва «уш-

⁷¹ Каракетов Ю., Фиглин Г. Казнить или миловать. «Правда Востока», 1994 й. 18 январь.

ланган» одамни (ёки ушлашни «хоҳлашган» одамларни) ўлимга ҳукм этиш иккиюзламачилик ва риёкорликдан, одамлар тақдирига бепи-сандликдан бошқа нарса эмас. Баъзан ўлим жазоси билан қўрқитиш порахўрларни жиноятдан тийиб туради, дейишади. Ҳаёт бу фикр-нинг асосизлигини кўрсатади. Порахўрлик иллати жамият ҳаёти-нинг барча жабҳаларига кириб борган. Пора олган ҳаммани ўлим жазосига ҳукм қилиш мумкин эмас. «Танлаш» асосида ўлимга ҳукм қилиш эса одил судлов эмас, балки ваколатли мансабдор шахслар ихтиёрига қараб ҳукм этиш демакдир. Хўш, порахўрлик учун ўлим жазоси керакми ё керак эмасми?!

Ўлим жазоси турли мамлакатларда бошқа жиноятлар учун, масалан, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш учун ҳам назарда тутилади. Аксарият мамлакатларда, хусусан, «тилла учбурчак»ка кирувчи мамлакатларда ўлим жазоси зикр этилган жиноят учун кенг қўлланилади. Тўғри, аҳолини гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишга жалб қилишни кўплаб одамларнинг ёстиғини қуритиш деб баҳолаш мумкин. Бу ҳатто геноцид жиноятини амалга ошириш воситаси бўлиши ҳам мумкин. Аммо қонунда ўлим жазосининг мавжудлиги гиёҳвандлик шахарлар ва мамлакатлар бўйлаб шитоб билан тарқалишини тўхтата олмайди. Мазкур «вабо»га қарши кураш соҳасидаги жазолаш амалиёти нафақат зиддиятли, балки қарама-қарши ҳамдир: масалан, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш жарима солишдан ўлим жазосига қадар жазоланади. Нафсиламбрини айтганда, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилганлик учун жинойий жавобгарлик гиёҳвандликни даволашнинг самарали воситаларини ҳанузгача топмаган тиббиёт ходимлари ишига монелик қилувчи жазо чорасидир. Гиёҳвандлик касаллик эканлиги эса шубҳасиз. Аммо касалликни қамоқ билан, боз устига, ўлим жазоси билан тузатиб бўлмайди. Врачлар эса, гиёҳвандликни жиноят деб ҳисоблаб, уни даволашнинг самарали усулларини излаш билан яхши шуғулланмаяпти. Ушбу «вабо»ни тарқатувчиларга, жинойий бизнесни пул топиш воситасига айлантирган шахсларга нисбатан оғир жазоларни ва, балки, ўлим жазосини ҳам назарда тутиш ўринли бўлса (зеро, гиёҳвандлик воситалари одамлар ёстиғини қуритмоқда), гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларни, «вабо» тарқатувчилар қурбони бўлган, касал, бахтиқаро одамларни ўлим жазосига ҳукм қилиш тўғри эмас.

Ўлим жазосини инсоният Худога шак келтириш учун ҳам, бошқача фикрлаш учун ҳам, ҳатто илмий эътиқодлар учун ҳам қўллаган. Бугунги кунда буларнинг бари ўтмишда қолган, аммо бошқача фикрлаш, айниқса, сиёсий йўсиндаги бошқача фикрлаш ҳозиргача ғазаб, нафрат ва жазолашга чорлашга сабаб бўлаётир. Бошқача фикрлай-

диган одамларга ҳар хил ёрлиқлар ёпиштирилмоқда. Бунда ўлим жазолари билан яқунланган жазолаш «компания»лари кўпинча сиёсий ёрлиқлар ёпиштиришдан бошланганини одамлар унутиб қўймоқда. Бунга мисол — Сталин давридаги оммавий қатағонлар. Умуман олганда, нафақат бизнинг мамлакатимиз тарихида, балки жаҳондаги деярли барча давлатлар тарихида ҳам қатағонларнинг авж олиши, ҳокимият учун курашда ҳақиқий ва сохта рақибларга қарши ўлим жазосининг кенг қўлланилиши сиёсий айблар қўйиш ва норозилик учун таъқиб қилишдан бошланганини унутмаслик керак. Ўлим жазоси тарихда кўпинча сиёсий кураш ёки диний гуруҳлар кураши оқибати тарзида пайдо бўлган.

Аммо одамларни куч билан, ҳатто ўлим жазосини қўллаш билан қўрқитиб, «ўз этиқодига ўтказиш»га уринишлар даври ўтиб кетди. Инсон онгига ҳеч қандай ғояни куч билан сингдириш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Инсонпарвар жамият ва инсонпарвар ҳуқуқ одамини тарбиялаш воситаси сифатида фақат ишонтириш, исботлашни қўллаши мумкин. Бундай ҳолларда ўлим жазосини қўллаш мумкин эмас.

Айни вақтда, кўпгина мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида хиёнаткорлик жиноятлари учун ўлим жазоси назарда тутилган. Турли мамлакатларда улар ҳар хил аталади: давлатга қарши жиноятлар, қиролга (қироличага) қарши жиноятлар, ватанга хиёнат ва ҳоказо. Мазкур жиноятлар гуруҳига муайян жиноий қилмишлар, хусусан, жосуслик, душман томонига ўтиш ва бошқалар ҳам киради. Бундай қонунчилик давлатни унинг ташқи душманларидан ҳимоя қилиш, ё олий ҳокимиятни, ё давлат суверенитетини ҳимоя қилиш ғоясидан келиб чиқади. Аммо бу ерда ҳам иккиюзламачилик унсурлари йўқ эмас. Ахир, барча давлатлар бир-бирига қарши разведка фаолиятини олиб боради, ҳар бир давлат бошқа мамлакатнинг махфий маълумотлардан хабардор вакиллари билан алоқа боғлашга ҳаракат қилади. Жосус фош қилинганидан кейин эса, унинг ортида манфаатдор давлат турганига қарамай, у ўлим жазосига ҳукм қилинади (тўғри, жосусликда фош қилинган фуқароларни мамлакатлар ўртасида алмашиш амалиёти ҳам бизга маълум; аммо бундай ҳолларда фақат омади чопган одамларгина тирик қолади). Бир тараф бундай одамларни қаҳрамонлар қаторига қўяди, иккинчи тараф эса — ўлимга ҳукм қилади.

Бироқ, ватанга хиёнат ҳар доим оғир жиноят ҳисобланади, чунки у давлат учун ҳам, одамлар тақдири учун ҳам жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бугунги кунга келиб фан-техника тараққиёти жосусларни энг янги технологик ва техник воситалар билан қуроллантириб, жосуслик муаммосини янада кучайтирди. Шу боис ватан хоинларини ўлимга ҳукм қилишдан воз кечишга тайёр мамлакатлар

кам топилса керак. Давлатлар ўртасида бундай ахлоққа зид ва жиноий қилмишларга чек қўядиган муҳит вужудга келиши учун инсоният ҳали узоқ йўл босиб ўтиши лозим.

Тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар учун ўлим жазосини тайинлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Агрессия⁷² жиноят деб эътироф этилгунга қадар инсоният анча узоқ йўл босиб ўтишига тўғри келди. Кўп йиллар мобайнида ер юзида «уруш сиёсатни бошқа воситалар ёрдамида давом эттириш демак», деган «буюк» қоида амал қилди. Бу қоида нафақат урушни, оммавий қирғинбаротни, балки одам ўлдиришларни ёритувчи сиёсатни ҳам қонунийлаштирар эди. Бу ерда биз «уруш қилиш ҳуқуқи» ҳақидаги масаланинг сиёсий ва юридик жиҳатларига тўхталиб ўтирмаймиз. Тўғри, урушлар ҳам ҳар хил бўлади. Сохта пацифизм⁷³ тарихда ҳеч кимга ёрдам бермаган, ёрдам бермайди ҳам. Аммо ҳозир биз уруш ва тинчлик муаммоларига бошқача нуқтаи назардан ёндашмоқдамиз. Янгича фикрлаш энг аввало урушсиз тил топиш мумкин, уруш сиёсатни давом эттириш воситаси эмас, балки инсониятни ҳалокатга олиб келадиган оммавий қирғин қуроли, деган ғоя билан боғлиқ. Зеро, ядро урушида ғолиблар бўлмайди. Шунинг учун ҳам тинчликни ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш масаласи жуда долзарб аҳамиятга эга. Миллатлар, халқларнинг қирилишига, маданиятлар ҳалокатига олиб келувчи урушларга чек қўйиш зарурлигини англаб етишга инсоният босиб ўтган узоқ йўл 1946 йилда Нюрнбергда ҳарбий жиноятчилар устидан инсоният тарихида биринчи Халқлар Суди пайдо бўлишига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушининг ташкилотчилари ва илҳомчилари ўлимга ҳукм қилиниши улар амалга оширган ёвузликлар учун муносиб жазо бўлди⁷⁴.

Ер юзида уруш оловини ёқишга тайёр бўлган кучлар ва муайян кишилар ҳозир ҳам йўқ эмас. Тараққийпарвар сиёсий кучлар ва ҳаракатлар уларга қарши фаол кураш олиб бормоқда. Бу курашда ҳуқуқ ҳам ўзининг огоҳлантирувчи ролини бажариши лозим. Тинчликка қарши жиноятлар энг оғир жазога лойиқ. Бошқа мамлакатларга ҳужум қилиш, ядро қуролини биринчи бўлиб қўллаш нияти бўлмаган давлат тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар учун энг оғир жазоларни назарда тутишдан қўрқмаслиги керак.

⁷² Агрессия — бир давлат (давлатлар гуруҳи)нинг бошқа давлатга қарши халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид равишда куч ишлатиши; *луғатга қ.*

⁷³ Пацифизм — урушга қарши ҳаракат; *луғатга қ.*

⁷⁴ Нюрнберг суд жараёни — асосий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан ўтказилган суд жараёни; *луғатга қ.*

4. ЎЛИМ ЖАЗОСИ ВА ДИН

Ўлим жазоси қадим замонларда «қонга қон, жонга жон» деган диний қоидани амалга ошириш воситаси сифатида вужудга келди. Қонли ўч, бировни ўлдирган айбдор ўлимга маҳкумлигига ишонч ана шундан келиб чиқади.

Инсон борки, эътиқод ҳам мавжуддир. Инсон фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш ҳамда онгга, ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган ва шулар туфайли бошқа барча мавжудоту махлуқотдан устун турувчи олий зотдир. Эътиқод эса ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собит-қадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишониш демакдир. Эътиқод тушунчаси инсон ҳаётининг маъносини, унинг ўзига хослигини ва моҳиятини англаш билан боғлиқ. Ўз навбатида, диний эътиқод онгнинг асосий хусусиятини ифода этиб, динга сиғинишни, диндорнинг кечинмалари ва хулқ-атворини белгилайди.

Дин — худо ёки худолар, ғайритабиий кучлар мавжудлигига ишониш. Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Дин — ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида биридир. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ ва шунга ўхшашларни) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган. Ҳозирги вақтда дин маънавиятнинг бир тури ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Дин дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқиши, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга ўзича жавоб беради. Диннинг нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умуман олганда дин — ишонмоқлик туйғусидир. Бундай туйғу бўлмаган халқ йўқ. Чунки бирон-бир халқ динсиз, эътиқодсиз яшай олмайди. Дин инсониятнинг энг теран, энг гўзал маънавий-руҳий эҳтиёжларидан биридир. Дунёвий илм нуқтаи назаридан дин кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида биридир. Бу дунёқараш жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитларидаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади.

Диннинг пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. Ислом дини таълимотига кўра, дин — Оллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айни вақтда инсонга тўғри, ҳақиқий

ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир.

Инсоният тарихида дин турли шаклларда намоён бўлган. Диннинг дастлабки кўринишлари фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик ва бошқалардир. Дин аввалига кўпхудолик (политеистик), сўнгра яккахудолик (монотеистик) кўринишида бўлган. Динларни шартли равишда қуйидаги турларга бўлиш мумкин: уруғ-қабила динлари (фетишизм, сеҳргарлик, тотемизм, анимизм ва бошқалар); халқ—миллий динлари (иудаизм, ҳиндуизм, зардуштийлик, синтоизм, конфуцийлик ва бошқалар); жаҳон динлари (буддавийлар — 2,5 миллиард киши атрофида, христианлар — 2 миллиардга яқин, мусулмонлар — 1 миллиарддан ошиқ). Ҳар бир дин диний дунёқараш, диний маросим, диний туйғу ва сиғиниш объектларини ўз ичига олади. Ҳар қандай жамиятда дин маълум ижтимоий, маънавий ва руҳий вазифаларни бажаради. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучлидир. Ҳар бир дин диндорларини ўз таълимоти доирасида сақлашга ҳаракат қилади, ўз қавмлари учун тасалли берувчи, овуғувчилик вазифасини ўтайди. Динлар ўз маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб кўяди, шунингдек ўз қавмларининг бирлигини, жамият ва шахснинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлашга интилади. Дин инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмуни, бу дунё ва у дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туради. У умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб, хулқ-атвор қоидасига айлантиради. Маданият ривожига катта таъсир кўрсатиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиш ишига ёрдам беради.

Динларнинг ўзаро муносабатлари ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилади. Бундай муносабатларининг сабабларидан бири ҳозирги вақтда дунёда умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг мамлакат, халқ ва синфлар манфаатлари ҳамда қадриятларидан устун туришидадир.

Мустақил Ўзбекистонда барча динларга тўла эркинлик берилган. Аҳолининг асосий қисми ислом дини ва христианликнинг православия мазҳабига эътиқод қилса-да, улар билан бир қаторда католиклар, протестантлар, бошқа мазҳаб вакиллари ҳам истиқомат қилдилар. Уларнинг асосий фаолият йўсини — давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъмин этишга хизмат қилиш, бунинг учун эса, турли динларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришдир.

Дин ҳар бир жамият, давлат, мамлакатнинг маданий, маънавий, руҳий ҳаётида ҳамма вақт маълум ўринни тутган ва, тарих кўрсатадики, тутажақ.

Ўлим жазосини мусулмонлар ҳам, христианлар ҳам қўллаганлар, католик черкови томонидан амалга оширилган инквизиция судининг минглаб айбсиз қурбонлари барчага яхши маълум. Ўлим жазосига бўлган муносабат юзасидан дунё динлари аъзолари ўртасида сўров ўтказилганда, 27% христианлар, 10% мусулмонлар ва 14% буддавийлар ўлим жазоси тарафдорлари эканлигини кўрсатишди.

Зардуштийлик динида ўлим жазоси. Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг араблар истилосигача диний ва дунёвий мафкурасини ўзида акс эттирган зардуштийликнинг бебаҳо манбаси — «Авесто»-даги маълумотлар жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Авесто, Ўзбекистон ҳудудида, умуман Марказий Осиё минтақасида милоддан аввалги минг йилликларда яшаган халқларнинг энг қадимги даврдан бошланган ижтимоий—иқтисодий ҳаёти, диний эътиқодлари ҳамда оламни билиш ҳақидаги тушунчалари, урф-одатлари, маданий ривожланиш даражасини ўзида акс эттиради.

Авесто (парфиёнча: *apastak* — матн, кўпинча «Зенд-Авесто», яъни «тафсир қилинган матн» деб аталади) — зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Авесто Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида вужудга келган. Авестода келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Унда келтирилган маълумотларнинг энг қадимги қисмлари милоддан аввалги II минг йиллик охири — I —минг йиллик бошига оид ва улар «Гоҳлар» ва «Яштлар» номлари билан маълум бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда Авесто таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар қўшилиб борган. Авестони Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган. Дастлабки ёзма нусхаси эса 12 минг мол терисига битилган деб ривоят қилинади. У Персеполда сақланган. Александр (Македониялик Искандар) Эронни забт этганда, бу нусха куйдириб юборилган. Аршакийлардан Вологес I даври (51-78 йиллар)да қайта китоб қилинган, лекин у сақланмаган. Сосонийлар даври (3-7-аср)да яхлит китоб ҳолига келтирилган.

Авесто 21 насқ (қисм)дан иборат бўлган. Авесто ҳажми катта китоб бўлганлиги сабабли диндорлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун унинг ихчамлаштирилган шакли — «Кичик Авесто» (Хурдак Авесто) яратилган. Араблар Эронни фатҳ этгач (7-аср), зардуштий руҳонийларининг бир қисми Ҳиндистонга кўчиб ўтган. Уларнинг авлодлари (парслар) Бомбай шаҳрида ўз жамоаларида ҳозиргача Авестонинг асл нусхасини сақлаб келмоқдалар. Француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон зардуштийлар жамоасида яшаб, Авесто тили ва ёзувини ўрганиб, уни таржима қилиб нашр этган (1771 йил). Авес-

тонинг бу нусхаси 27 жилддан иборат бўлиб, асарнинг еттидан бир қисмидир. У Ясна, Висперед, Вендилад, Гатлар ва Яштлар номи билан юритиладиган китобларни ўз ичига олади. Аҳамонийлар даврида ушбу китобнинг 12 минг қора мол терисига битилган қадимги нусхаси бўлган ва унинг катта қисми грек-македонлар босқини даврида ёндириб юборилган. Авестонинг ҳозирги кунда фанда маълум бўлган матни милоднинг IV асрларида Сосонийлар ҳукмдори Хусрав I даврида ёзиб олинган. Сосонийларнинг иккинчи шоҳи Шопур I даврида китобга астрономия, табобат, география, фалсафа ҳамда бошқа илмларга оид маълумотлар қўшилгани қайд этилган. Паҳлавий ёзувида битилган ва 21 қисмдан иборат бўлган китобнинг янги матнига «Зенд Авесто» деб ном берилган ва Европада шу ном билан тарқалган.

Авесто ўзбек, умуман, Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини ўрганишда муҳим ва ягона манба. Шу жумладан, Авестода жиноят ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинган. Жиноятлар қуйидаги турларга бўлинган: динга қарши жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар, оилага қарши жиноятлар, ҳайвонларга қарши жиноятлар, мулккий жиноятлар, ахлоққа қарши жиноятлар, табиатга қарши жиноятлар ва ҳоказо. Авестода жиноят субъектлари сифатида одам ҳам, ҳайвон ҳам эътироф этилган. Жиноят субъектлари тушунчаси замирида шахснинг бирон-бир динга мансублиги ётган. Одамлар жиноят субъектлари сифатида диндор — маздапарастлар ва бошқа фикрловчиларга бўлинган.

Авестода жазолашнинг маълум тизими белгиланган:

- а) ўлим жазоси;
- б) қамоқхонага маҳкум этиш;
- в) жисмоний жазо;
- г) гуноҳни ювиш;
- д) қондошлик ўчи.

Авестони ўрганиш жиноятларни қуйидагича таснифлашни таклиф этишга имкон беради: *

1. Динга қарши жиноятлар.
2. Шахсга қарши жиноятлар.
3. Ҳайвонларга қарши жиноятлар.
4. Мулккий жиноятлар.
5. Ахлоққа қарши жиноятлар.
6. Табиат кучларига қарши жиноятлар.

Диний жиноятлар сирасига Авесто диндорнинг ўзга диндаги билан никоҳини, жиноятқорона қонунга ўқитишни, покловчи вазифаларининг ноқонуний бажарилишини киритади, биринчи марта жи-

ноят содир қилган сектантлар учун **Ўлим жазосини белгилайди**, бунда «темир кески» билан танани кесиб ташлашни, танани темир кишанлар билан сиқиб ташлашни, «бошни кесиб ташлашни» аниқ-равшан кўрсатиб ўтади.

Энг аввалло, ёвузлик илоҳи Анҳра Ману (Ахриман) тарафдорлари ва маздапарастларга қарши бошқа курашаётганлар «девларнинг деви эмас, балки тўғридан-тўғри қотил» деб таърифланади. Шу боис ҳам эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал қоидаларини бузган ва ёвуз фикрловчиларга нисбатан **Ўлим жазоси белгиланган**.

Қасддан қилинган жиноятлар ва такрорий жиноятлар учун айниса қаттиқ жазо белгиланган: «Кимда ким бировни урмоқ қасдида отланса — унинг гуноҳи «оширимта» дейилган, яъни бир кишини урмоқ қасдида қўлига қурол-аслаҳа олган шахс жинояти шундай деб юритилган» («Вандидод», 4-фаргард, 17-банд). «Кимда ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи «авауйрайшта», яъни жаҳл устида қўлга қурол олиб бировни урмоқчи бўлган шахснинг жинояти шундай юритилган». «Кимда ким фарз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи «аридуш» бўлиб, қасд қилган мазлум қўлидаги қурол билан урмайди, бордию урган тақдирда унинг заҳми уч кун ичида тузалиши керак». «Кимда ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса, у «пишавтану», яъни гуноҳлари эвазига **Ўлим жазосига маҳкум этилади**».

Авестода гуноҳга ботиб, **пишавтану**, яъни арзон ўлимга мустаҳиқ бўлган кимсалар пушаймонлик ёхуд товон тўлаш билан ҳам кечирилмайдиган гуноҳларнинг сони бештадир.

Биринчи, кимки кўриб била туриб, бегона дин ва ғалат эътиқодни бир ашаванга ўргатса. Бу гуноҳ пишавтану, яъни **арзон ўлимдир**.

Иккинчи, кимки қаттиқ суякни ёхуд бениҳоят қайноқ хўракни гала ёки хонаки итга берса. Агар ўша суяк ит тишлари ёхуд томоғига тикилиб қолса, ёки қайноқ хўрак унинг тил ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи пишавтану, яъни **арзон ўлимдир**.

Учинчи, кимки бўғоз итни урса ёхуд қувиб, ёхуд қичқириб, оёқ-қўллари билан унга таҳдид солиб кўрқитса. Агар ўша бўғоз ит бирор чуқурга, чоҳга, жарликка, дарё ёхуд анҳорга йиқилиб, шикаст топса ва ниҳоят ўлса, гуноҳкорнинг амали пишавтану, яъни **арзон ўлимдир**.

Бундан ташқари, Авесто бўйича аёлга ҳомиладорликнинг охирги ойларида ва бола туғилгандан кейинги биринчи ойларда жинсий алоқада бўлиш ман қилинади. Агар ана шу гигиеник қонун-қоидаларни бузсалар, эркак ҳам, хотин ҳам **Ўлим жазосига маҳкум этилади** ёки от терисидан тўқилган ёхуд тиканакли қамчинлар билан саваланади: «Тўртинчи, қай бир эр ҳайз кўрган хотин билан хоҳ табиий, хоҳ нотабиий бўлсин алоқа қилса, унинг гуноҳи пишавтану, яъни **арзон ўлимдир**».

Бешинчи, қай бир эр қорнида боласи бор хотин билан алоқа қилса (кўксига сут хоҳ келган, хоҳ келмаган бўлсин), хотинга шикаст етса ва гўдак нобуд бўлса, гуноҳкор эрнинг амали пишавтану бўлиб, **арзон ўлимдир**.

Авестода ахлоққа қарши жиноятлар кечирилмайдиган жиноят деб таърифланади. Жумладан, зинокорлик ва баччабозлик жиноятини содир этган шахсга ҳеч қандай далил-исботсиз ва гувоҳсиз ҳамда коҳин — судьянинг ҳукмисиз **ўлим жазоси белгиланган**. Авестода шундай дейилади: «Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Агар бир эр бошқа бир эр билан зўрлик қасдида баччабозлик қилса, жазоси қандай бўлади? Аҳура Мазда жавоб берди: — Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга ҳеч қандай товон ҳам йўқ».

Авестода мулкий жиноятлар қаторига ўғрилик, босқинчилик, фирибгарлик киритилган. Бундай жиноятларни содир этганларга оловда қиздирилган темир қуруллар босиш жазоси билан бирга **ўлим жазоси** ҳам қўлланилган.

Авестода табиат унсурлари — ер, сув, олов, ҳавони ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ерга кўмиш, сувга оқишиш, оловда ёқиш оғир гуноҳлар қаторига киритилган. Бундай жиноятларни содир этганлар 400-800 қамчин уриб жазоланган. Агар қилган жинояти оғирроқ бўлса, яъни покиза сув ва муқаддас олов қаршисида густоҳлик қилса, бу одамнинг жазоси дунёнинг жамики дарду азобларидан мудҳиши — **ўлим жазосидир**. Масалан, «мурдор ёқгувчилар» тоифаси хусусида Авестода қуйидаги ривоят бор:

Зардушт Аҳура Маздадан сўрайди:

«Агар йўлда бораётган ёхуд суворий ё аравада кетаётган маздапараст ўлик ёқилаётган ё пиширилаётган оловга дуч келсалар нима қилишлари керак?»

Аҳура Мазда жавоб берди: «Улар ўликни ёқаётган кишини ўлдиришлари лозим. Ўлик ёқаётганни сўзсиз **ўлдирадилар**».

Зардуштийлик таълимотига кўра, ўликни (мурдор) ёқмоқ ё пиширмоқ гоят катта гуноҳ саналган. Бу таълимотга кўра, тўрт тоифа одамлар далил—дастаксиз жойида **ўлдирилади**. Улар ўлик ёқгувчилар, қароқчилар, баччабозлар ва ҳар нечук жиноят устида қўлга тушган жиноятчилар.

Авестода маздапарастларнинг яқин қариндошлар ва ўзга диндагилар билан оила қуриши зардуштийлик одат қонуни бўйича қатъиян ман этилганлиги қайд этилган. Кимки бу қонунни бузса, олий жазо — **ўлим жазосига маҳкум этилган**. Шунингдек аёл ҳомиласини олдириш ва тушириш ҳам гуноҳ деб ҳисобланган. Ҳомиладор аёл ҳомиласини «аборт» қилдириши ёки «жонзот»ни бошқа йўл билан тушириши гуноҳ ҳисобланиб, аёл ва ҳомилани бунёд этган эркак, болани туширган кимса **ўлим жазосига маҳкум этилган**:

«Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ у турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа қилса ва ўша қиз ё жувон ҳомиладор бўлгач, одамлардан номус қилиб, тириклик меваси бўлмиш бачадонидаги бир парча гўштни нобуд қилса, одам ўлдириш гуноҳи аёл ва эрнинг гарданидадир. Улар ошкора қатл этиладилар.

Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ у турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлгач, эрга деса: «Сен мени ҳомиладор қилдинг!» Эр унга жавобан: «Бир қария кампирни қидириб топ. Токи у ҳомилангни туширсин!», деса. ...Ва қиз ё жувон кампирнинг ҳузурига йўл олса ва кампирга қорнидаги ҳомилани туширмоқни буюрса. Қария банга, шаита, ғнон, фраспота ва бошқа дорилар ёрдамида болани тушириб берса-да, эр унга деса: «Тириклигинг мевасини олисларга элтиб ташла!» Қиз ё жувон тириклик мевасини узоқларга элтиб ташласа, бу гуноҳнинг юки ҳар учовининг гарданида: эр, аёл, қария кампир». Уларнинг учовлари ҳам **қатл этилган**.

Шу билан бирга, аёл ёки оила бошлиғи ҳисобланган эркак фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб сарсон-саргардон қилса, зинога берилган аёл ёки эркак каби қамчин ва дарра билан калтаклаш, ҳатто **ўлим жазоси қўлланилган**.

Ислом динида ўлим жазоси. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг араблар истилосигача диний ва дунёвий мафқурасида зардуштийлик дини асосий ва бирламчи аҳамиятга эга бўлган бўлса, араблар истилосидан кейин эса Ислом дини ўз таъсирини ошириб борди ва асосий динга айланди.

VII асрда ташкил топиб, XIII асргача ҳукм сурган Араб халифалиги инсоният тарихида жуда чуқур из қолдирган. Араб халифалигининг давлат тузуми ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқий тизими — мусулмон ҳуқуқи Европа, Осиё ва Шимолий Африка ҳудудларига тарқалган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам VII асрдан XX асргача ислом давлатчилиги ва мусулмон ҳуқуқи амалда бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи — шариат ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациясининг жуда катта ҳодисаси ҳисобланган. Бу ҳуқуқий тизим Араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин халқаро аҳамият касб этиб борган. Унинг ривожланиш жараёни араб давлатчилигининг VII аср бошида (Муҳаммад салоллоху алайҳи вассаллам даврида) кичик патриархал диний жамоадан VIII—X асрларда (Уммавийлар ва Аббосийлар даврида) йирик империялардан бирига ўсиб ўтиши жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Араб халифалиги қулагандан сўнг мусулмон ҳуқуқи ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотиш ўрнига янада тараққий этди, худди ўрта

асрларда Европадаги Рим ҳуқуқи сингари «иккинчи маротаба дунёга келди» ҳамда ўрта асрлардаги Осиё ва Африканинг у ёки бу даражада исломни қабул қилган бир қатор мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Усманийлар империяси ва бошқа кўпгина давлатлар)нинг амалдаги ҳуқуқида ҳам мусулмон ҳуқуқи араб истилосидан бошлаб то «Қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар муҳим ўзгаришларсиз амалда бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи ўзидан олдинги Шарқ ҳуқуқий маданиятининг кўпгина элементларини, жумладан, исломга қадар Арабистонда ва араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда амал қилган ҳуқуқий одатлар ва анъаналарни ўзида акс эттирди. Шариатнинг вужудга келишида Муҳаммад (С.А.В.) ва дастлабки тўртта халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али)нинг ўрни жуда катта бўлган. Айнан уларнинг ҳукмронлиги даврида мусулмонларнинг муқаддас китоблари - Қуръони Карим ва Сунна тузилган.

Шариат энг бошидан қатъий диний ҳуқуқ сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ислом илоҳиёти билан узвий кўшилиб кетди, унинг диний-ахлоқий тасаввурларини мужассам этди. Ислом таълимоти бўйича диний қоидалар ягона Аллоҳ томонидан ўрнатилган тартиб ва қонунларнинг бир қисми ҳисобланади. Айниқса, дастлабки вақтларда умуман шариат ва хусусан фикҳ (фикҳ — бу арабча тушуниш, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳасидир) ўзида фақат ҳуқуқий қоидаларни акс эттирибгина қолмай, балки диний таълимот ва ахлоқни ҳам мужассам этган. Шариатда дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай кўшилиб кетганлиги, бир-биридан ажралмаганлиги, бўлинмаганлиги ўзига хос ифодасини шундан топган эдики, унинг нормалари бир томондан ижтимоий муносабатларни тартибга солган, иккинчи томондан эса — мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабатларини белгилаган.

Шариатнинг илоҳий татбиқ этилиши ва диний-ахлоқий асослари ҳуқуқни тушунишнинг, шунингдек қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатга баҳо беришнинг ўзига хослигида ўз аксини топган.

Мусулмон ҳуқуқида жиноят ҳуқуқи нормалари қадимийлиги, эскириб қолганлиги, юридик техникаси жиҳатидан нисбатан унча ривожланмаганлиги билан ажралиб туради. Шариатда жиноят тушунчасининг асосини диний ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоидалар ташкил этади. Бинобарин, «Ҳидоя» асарида⁷⁵ жиноят деб, қонун тилида — шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади, деб кўрсатила-

⁷⁵ Ҳидоя — шариат қўлланмаси (кодекси); *луғатга* қ.

ди. «Жиноят» сўзининг ўзи ҳам араб тилидан ўтган бўлиб, луғавий маъноси тақиқланган ҳаракатнинг содир этилишини англатади. Кўплаб фикхшунослар жиноят деганда фақат шахсга қарши қаратилган жинойи хатти-ҳаракат эмас, балки кенг маънода шариат қоидалари ҳамда қонунларда тақиқланган ҳаракатларни содир этиш тушунилишини изоҳлайдилар.

Ақддан озиш ёки хушини йўқотиш, мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жинойи жавобгарликдан озод қилинган, лекин маст қилувчи ичимлик ичган шахслар жавобгарликдан озод этилмаган.

Шариат ҳуқуқига кўра, фақат жисмоний ва тирик шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланиб, жинойи жавобгарликка тортилган. Жумладан, ақли расо, соғлом, вояга етган шахс жиноят субъекти ҳисобланиб, 15—16 ёшгача бўлган ўсмирлар алоҳида мажбурлов чорасига тортилган.

Ўрта асрлардаги мусулмон ҳуқуқшунослари барча жиноятларни уч гуруҳга ажратадилар. Биринчи гуруҳга бевосита Муҳаммад (С. А. В.) нинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган жиноятлар киритилади. Улар «Аллоҳнинг ҳуқуқлари»га тажовуз қиладиган жиноятлар сифатида талқин қилинган ва афв этилмаган. Бунга биринчи навбатда исломдан қайтиш жинояти киритилган. Бунинг учун **Ўлим жазоси** назарда тутилган. Бошқариш тартиботига қарши қаратилган жиноятлар — исён ва давлат ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш каби жиноятлар ҳам оғир жазоланган. Оғир диний гуноҳ деб эълон қилинган ушбу гуруҳ жиноятларга яна ўғрилик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, зинокорлик, шунингдек зинокорликда айблаб туҳмат қилиш кабилар ҳам кирган.

Иккинчи гуруҳ жиноятларини бутун мусулмонлар жамоасига эмас, балки алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар ташкил этган. Уларни тартибга солувчи нормалар уруғдошлик тузуми одатларидан келиб чиққан, жумладан қасос олиш ҳуқуқини белгилаган. Масалан, қасддан одам ўлдириш ёки тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган шахсларга «жиноятга тенг жазо» (талион) тамойили асосида жазо назарда тутилган.

Мусулмон ҳуқуқи устида кўплаб тадқиқотлар олиб борган олимлар Л. Р. Сюкияйнен ҳамда В. А. Лихачевлар фанда тарқалган ва тан олинган фикрлардан келиб чиқиб, жиноятларни уч асосий гуруҳга бўладилар:

1. Худо ва барча мусулмонлар жамоасининг ҳуқуқларига тажовуз қиладиган жиноятлар, бундай жиноятлар аниқ жазо — ҳад билан жазоланади.

2. Алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини бузадиган ва аниқ қасос, кавад ҳамда дия — хун ҳақи қоидалари асосида жазо бериладиган жиноятлар.

3. Бошқа тоифадаги жиноятлар — таъзир⁷⁶.

Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, жиноятларни қисқача қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) **динга ва давлатга қарши қаратилган жиноятлар.** Куръон ва ҳадисларда аниқ жазо белгилаб қўйилган — ҳадд жиноятлар гуруҳи: ўғрилиқ, талончилик (ғасб), бузғунчилик, исён, ахлоқ ва қадр-қимматга қарши қаратилган жиноятлар; таҳқирлаш, ёлғон гувоҳлик бериш, тухмат қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, қўшмачилик қилиш, савдо қоидаларини бузиш, айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қимор ўйинларини ўйнаш, фирибгарлик. Бундай жиноятларда томонларнинг кечирилиши, афв этилиши, ярашишлари мумкин бўлмаган. Уларга бериладиган жазо «ҳадд» деб аталиб, фақат суд ҳукми билан берилган, кўпинча қатл этиш, тошбўрон қилиш, осиб ўлдириш, бўлақларга бўлиб ташлаш ва бошқа шаклларда берилган ёки қамчи, таёқ билан 40—100 дарра уриш билан жазоланган. Ундан кейин тавба қилиб, гуноҳини ювиш лозим бўлган. Булардан ташқари, озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкни мусодара қилиш, зиндонга қамаш, сургун ва бадарға жазолари берилган. Ҳадд асосан жамоат жойлари, бозор ёки арк майдонларида ижро этилган;

б) **шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган «қасос» ёки «дия» гуруҳидаги жиноятлар.** Бунга одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш жиноятлари кириб, шариат ҳуқуқида қасддан одам ўлдириш жиноятидаги қасднинг уч шакли: мутлақ қасд, мутлақ бўлмаган қасд ва аралаш қасд шакллари бир-биридан фарқланган. Бундай жиноятларга қасос олиш, хун олиш белгиланган;

в) Куръон ва ҳадисларда жазо кўрсатилмаган жиноятлар. Шариатда ўғрилиқ жинояти муқаддас ҳисобланган мулк ҳуқуқига тажовуз қилинишини назарда тутганлиги учун ҳам тан жазолари билан таъқиб қилинган.

Ўғрилиқ деб, ақли расо кимса томонидан иккинчи бир кишининг баҳоси ўн дирҳам тангалик молини яширин ёки зулм билан олиб қўйиш тушунилган. Биринчи марта ўғрилиқ қилганлик учун ўнг қўлининг бош бармоғи қолдирилиб, тўртта бармоғини кесишга ҳукм қилинган. Иккинчи марта ўғрилиқ учун чап қўлининг тирсағи ўртасидан қирқилиши талаб этилган. Учинчи марта эса умрбод зин-

⁷⁶ Мусульманское право (Структура и основные институты). М., «Наука», 1984. — 78-бет.

донга ташлаш, тўртинчи марта ўғрилиқ учун **қатл этиш** жазоси назарда тутилган.

Қасос ёки товон жазо турлари шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар, хусусан, одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятларига нисбатан қўлланилган. Бу ҳол шариятда «жиноятга тенг жазо» қондасига риоя қилиш, деб юритилади. Жумладан, Қуръони Каримда шундай дейилади: «(Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди...» (Бақара сураси, 178-оят). Бундан ташқари Қуръони Каримда этироф этилишича: «Ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам ўша меъёрда тажовуз қилинг!» (Бақара сураси, 194-оят) дейилади. Шунингдек, Қуръони Каримда одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари учун «жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва жароҳатларга қасос (олинур)» деб белгиланган (Моида сураси, 45-оят). Демак, қасос олишда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган айбдорга **Ўлим жазоси**, агар у ёки бу даражада тан жароҳат етказилган бўлса, айбдорнинг ҳам баданига етказилган жароҳат даражасида қасос — тенг жазо қўлланилган.

Қуръони Каримнинг Нисо сураси 89-оятда кўрсатилишича: «Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишларингизни истайдилар. Бас, сизлар то Оллоҳ йўлида ҳижрат қилмагунларича уларни дўст тутманглар! Агар юз ўғирсалар, уларни топган жойингизда тутиб **ўлдиригиз** ва улардан на бир дўст ва на бир ёрдамчи олмангиз!» Бу ерда мусулмонлар орасига келганларида ўзларини мўмин қилиб кўрсатиб, ўз қавмларига қайтгач эса яна кофирликка қайтиб, мусулмонлар билан қилган аҳд-паймонларини бузадиган шахслар ҳақида гап кетмоқда. Ушбу суранинг (Нисо) 91-оятда эса шундай дейилади: «(У мунофиқлардан) бошқа бир тоифасининг эса сизлардан ҳам, ўз қавмларидан ҳам тинч-хотиржам бўлишни кўзлаётганларини кўрасизлар. Қачонки фитнага (яъни куфрга) қайтишга тўғри келса, ўзларини унга ташлайдилар. Бас, агар улар сизлардан четланмас, сизларга сулҳ таклиф қилмас ва қўлларини тиймас эканлар, уларни топган жойингизда тутиб **ўлдиригиз**».

Қуръони Каримни биринчи марта ўзбек тилига таржима қилган Алоуддин Мансурнинг Нур сураси 1-оятига берган изоҳида шундай дейилади: «Бу ҳукмда бўйдоқ ёки тул ва бева (яъни оиласиз) зинкорларнинг жазосидир. Агар оилали эркак ва хотинлар зинкорлик қилсалар, уларнинг жазolari — **тошбўрон қилиб ўлдирилмоқдир**». А. Мансурнинг ушбу сура (Нур) 5-оятига изоҳида эса: «Биронта гувоҳсиз ўз хотинини бузуққа чиқарган эр бу даъвонинг рост эканли-

гига Оллоҳ номига тўрт марта қасам ичиши гўё унинг учун тўртта гувоҳнинг ўрнига ўтади ва бешинчисида агар хотинига туҳмат қилган бўлса, Оллоҳнинг лаънатиغا дучор бўлишини айтади. Мана шу қасамлари билан у саксон даррадан қутулади ва навбат бадном қилинган хотинга келади. Энди у зино жазосига дучор бўлмаслиги учун қуйидаги икки оятда⁷⁷ зикр қилинган қасамни ичиши лозим, акс ҳолда, зинокор деб топилиб, жазоланади».

Шундай қилиб, шариатда жазолар ўрта асрларга хос бўлган шафқатсизлиги ва қаттиқлиги билан ажралиб турган. Жазонинг асосий мақсади кўрқитиш бўлган. Масалан, **Ўлим жазоси** кўп ҳолларда омма олдида осий ёки тўрт бўлакка бўлиш, сувга чўктириш, тириклайин кўмиш каби усуллар орқали ижро этилган.

Ҳадисларда ўлим жазоси. Қуръони Каримда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаб ўқитиш учун Муҳаммад пайгамбар ўз ҳадисларини айтган. Бу ҳадисларни пайгамбарнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қилган. Расулulloҳ ҳаётлик чоғларида саҳобаларнинг Қуръони Каримга ҳадисларни аралаштириб юборишларидан кўрқиб, ҳадисларни ёзишдан қайтарар эди. Расулulloҳ вафотларидан сўнг ҳадисларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат билан бир гуруҳ мусулмонлар Муҳаммад пайгамбар ҳадисларига бегона сўз аралашиб қолишидан ва ҳадис нақл қилувчи саҳобалар вафот этишлари билан ҳадис зое бўлишидан кўрқиб, уни ёзма шаклда тўплай бошлаганлар. Бу одамлар турли юртларга тарқалиб кетган. VII аср ўрталаридан бошлаб уларни топиб, ҳадисларни оғизларидан ёзиб олишга ҳаракат қилинган. Бунда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган муҳаддислар катта хизмат қилишган. Имом Бухорий, Имом Термизий ана шундай машҳур муҳаддислардандир. Шундай қилиб, ҳадис (араб. — «хабар», «янгилик»), ҳадислар — Муҳаммад пайгамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлардир. Ўлим жазоси билан боғлиқ қуйидаги ҳадислар Абу Исо Термизий тўплаган «Саҳиҳи Термизий» ҳадислар китобининг «Хун ҳақи китоби» қисмидан олинган.

⁷⁷ Қуръони Карим Нур сураси 8-оят: «У (аёлдан) азоб — жазони: «У (яъни эри), шак-шубҳасиз, ёлгончилардан», деб Оллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши даф қилур».

Қуръони Карим Нур сураси 9-оят: «У аёлнинг бешинчи (гувоҳлиги эса) агар эри (ростгўйлардан бўлса, ўзининг устига Оллоҳнинг ғазаби тушишини сўрамоқлигидир)».

Амр ибн Ишайб ўз отаси ва бобосидан ривоят қилишича, Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: «Кимки бир мўъминни қасддан ўлдирса, у ўлдирилганининг қариндошларига топширилади, агар хоҳласалар ўлдирадилар, хоҳласалар хун ҳақи, товон оладилар. Хун ҳақи — ўттизта уч яшар туя, ўттизта бир яшар қўй ва қирқта қўзи, ёки бўғалоқ ва нимага келишсалар, ўша бўлур, бу иш қариндошлик алоқасини кучайтириш учун қилинади».

Самура (ибн Жундуб)нинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) бундоқ деганлар: «Кимки ўз қулини ўлдирса, уни ўлдирамиз ва кимки ўз қулининг бурнини кесса, унинг бурнини кесамиз».

Христианлик динида ўлим жазоси. Ўлим жазоси тарихида аҳамиятга молик бўлган биринчи муҳим ҳодиса христианликнинг пайдо бўлишидир. Тўғри, Исо Масиҳ⁷⁸ ўлим жазосига нисбатан умумий қарашни ҳеч қаерда билдирмаган. Исо Масиҳ таълимоти инсонга муҳаббат ва раҳм-шафқат туйғулари билан суғорилган. Унинг ўзи - қулларнинг ва умуман камбағалларнинг устози ва ҳимоячиси бўлган. Лекин Исо Масиҳ жинойтчи ва ўлим жазосига қандай муносабатда бўлганини қуйидаги ҳикояда кўришимиз мумкин. Мутаассиблар ва фарзийлар⁷⁹ зино қилган аёлни Исо Масиҳ олдига келтирадилар ва Моисей қонунига биноан уни тошбўрон қилиб ўлдиришга изн сўрайдилар. Шунда Исо Масиҳ ўзини мутлақо бегуноҳ деб билган одам биринчи бўлиб тош отсин, дейди. Бу ҳикоядан христиан динининг асосчиси жинойтчига тўғри йўлга кириш ва одамлар жамиятига қўшилишга қодир мавжудот деб қарагани кўринади. Илк христианлар ўз пайғамбарининг таълимотини айнан шу маънода тушунганлар. Ўлим жазоси уларда даҳшатли туйғулар уйғотган. Улар ҳеч қачон ўлим жазосини ижро этиш маросимларида қатнашмаганлар, чунки буни ўзлари учун гуноҳ деб билганлар. Жинойтчиларни суд қилиш ва ўлим жазосига тортиш мажбурияти билан боғлиқ лавозимларни улар ўзлари амал қилган таълимотга зид деб ҳисоблаганлар. Христианлик Рим империясининг ҳукмрон динига айланганидан сўнг, епископлар одатда императорларга жинойтчиларни ўлим жазосидан озод қилишни сўраб мурожаат этганлар. Сўнгра Собор-

⁷⁸ Масиҳ — *луғатга қ.*

⁷⁹ Фарзийлар — яҳудийликнинг фарзу суннатларини ўта синчковлик билан адо этган қадимги мазҳабга мансуб кишилар; Исо Масиҳга кўп қаршилик қилганлар. Инжилда ўзига ишонганлик, мутаассиблик, кўр-кўрона диндорлик намунаси.

лар бундай илтимоснома беришни епископларнинг мажбуриятлари қаторига киритган. Шунгача бориб етганки, айрим христианлар ўлим жазосига ҳукм қилинган жиноятчиларни одил судлов қўлидан тортиб олганлар. Амалдаги қонунларга зид бўлган бундай хатти-ҳаракатлар император Феодосий Буюкни ўлим жазосига ҳукм қилинган жиноятчиларни одил судлов қўлидан тортиб олган монахларга қарши қонун чиқаришга мажбур қилган. Илк асрларда черков раҳбарлари ўз асарларида ўлим жазосига қарши фикр билдирганлар. Масалан, авлиё Августин⁸⁰ проконсул Агриппага ёзган хатида айбдорларга ўлим жазоси тайинламасликни буюради. Трибун Марцелинга айрим сектаторлар томонидан католик руҳонийларнинг ўлдирилиши юзасидан ёзган бошқа иккита хатида Августин айбдорларга нисбатан қасос қонунини қўллашни талаб қилмайди, балки уларни қамоқ жазосига ҳукм этишни, айбдорларнинг жинойий ғайратини фойдали меҳнатга жалб қилишни сўрайди. Тертуллиан ҳам шу ғояга эътиқод қилган. Ўша даврда муайян шахснинг айбдорлиги ҳақида ҳукм чиқарган черков судлари, биринчидан, ҳукмни ўзлари ижро этмаган, балки буни дунёвий ҳокимият ихтиёрига берган; иккинчидан, чиқарилган ҳар бир ҳукмга айбланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш ҳақида илтимоснома илова қилинган.

Бироқ, кейинчалик илк христианларнинг бу умумий руҳи унутилди. Ўлим жазосининг ноҳақлиги ҳақидаги ғоя четга суриб қўйилди ва амалий натижалар келтирмади. У Фарбда Исо Масих таълимотининг дастлабки софлигини тиклашга интилиш билан бирга яна пайдо бўлди. XVI асрда диний мутафаккир Социн Исо Масихнинг турли фикрларини мисол қилиб келтириб, Швейцария, Германия ва Польшада ўлим жазосининг ноҳақлигини ва христианликка зидлигини исботлашга ҳаракат қилди. XVII асрда ўлим жазосини рад этган секталар Англияда ҳам пайдо бўлди. XVII асрда яшаган англиялик машҳур квакерлардан бири, Пенсильвания штати асосчиси Вильям Пен 1681 йилда ўзи асос солган колония учун чиқарилган қонунларда фақат қасддан одам ўлдириш учунгина ўлим жазосини қолдирди.

Ўлим жазоси ҳақида жуда кўп ҳар хил фикрлар билдирилган, аммо уларнинг аксарияти эмоцияларга ёки шубҳали фалсафий-социологик қарашларга асосланади. Бироқ, ўлим жазоси ҳақидаги саволларга аниқ ва узил-кесил жавоблар топиш мумкин бўлган манба мавжуд. Бу — Инжил. Ҳатто аксарият атеистлар ҳам бу китобни жуда доно ва оқил китоб ҳисоблайдилар, христиан диндорлари учун эса у ҳақиқатнинг чўққиси ҳисобланади. Инжил — Иисус Христос (Исо

⁸⁰ Авлиё Августин — христиан дини илоҳиётчиси; *луғатга қ.*

Масих) ҳақида ҳикоя қилувчи христианлик асарларининг умумий номи. Яҳудийларнинг «Қадимги аҳд»идан фарқ қилиш учун Инжил «Янги аҳд» деб номланган. Қонунлаштирилган (черков томонидан «Янги аҳд» таркибига киритилган) ва қонунлаштирилмаган (ибодат чоғида қўлланилмайдиган) асарларга бўлинади. Инжил юнон тилида яратилган. II асрлардан бошлаб юз йилликлар давомида таркиб топа борган. IV аср бошида яхлит ҳолга келган ва черков томонидан христианларнинг муқаддас китоби деб эълон қилинган. Асосий қисми апостоллар (ҳаворийлар)дан Матфей, Марк, Лука ва Иоаннинг Исо Масих ҳаёти ва таълимоти ёритилган Инжиллардан иборат. Инжилларда Иисус сиймосида инсонлар узоқ кутган ва уларга нажот йўлини кўрсатиб берган мессия (масихо)нинг дунёга келиши, ўз диний қарашларини тарғиб этиши, кўрсатган мўъжизалари, одам зотининг гуноҳларини ювиш учун чеккан уқубатлари, хиёнат туфайли айбланиб, чормих қилиниши ва сўнг қайта тирилиши ҳақидаги ривоят ҳамда хотиралар келтирилган. Айрим ривоятларда, Иисус инсон ва масих сифатида талқин қилинса, бошқаларда инсон қиёфасидаги Худо, тирилгандан сўнг эса ота-Худо ҳузурига қайтиб борган ўғил-Худо деб таъкидланади. Инжилда унинг таржимаи ҳолига оид воқеалар билан ёнма-ён пайғамбарона ҳикматли сўзлари, ибратомуз масаллари юксак бадиий услубда баён этилади. Шунингдек, икки улуғ ҳаворий — Пётр ва Павелнинг яҳудийлар ва мажусийлар орасида динни ёйиш мақсадида амалга оширган ишлари, кўрган машаққатлари тўғрисидаги ҳикоялар, Қадимги Римдаги айрим йирик шаҳарларнинг фуқароларига, диний жамоаларнинг пешволарига йўлланган мактублари ва бошқалар ўрин олган. Фаластин ва эллинлар диёрида Инжилнинг тарқала бориши, Рим императори Нерон замонида христианларнинг қувғинга учраши каби тарихий воқеалар ҳам ўз аксини топган.

Қуръони Каримда Инжил илоҳий китоблар қаторига киритилади ва Аллоҳ таоло Исо Масихга йўллаган китоб, деб таърифланади. Қуръонга кўра, Инжилда Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилиши башорат қилинган, аммо христианлар Инжилнинг асл матнини бузишган.

Инжил энг қадимги адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насихатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ишқий ва фалсафий дostonлар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан иборат. Инжилда, бир ёқдан, одамзоднинг гуноҳкор бўлиб Худо томонидан рад этилиши, абадий ҳалокатга маҳкум қилиниши тўғрисида сўз юритилса, иккинчи ёқдан, Худо инсонни қутқариш учун қандай режалар тузгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Инжил Фарб маънавияти ва маданияти тарихида чуқур из қолдирган, жаҳонда энг кўп тарқалган ва таржима қилинган асарлар қаторига киради. У жаҳон бўйлаб кенг тарқалган, асрлар мобайнида кўпгина халқларнинг ахлоқи, маънавияти, маданияти, адабиёти, мусиқа ва рангтавир санъатига сезиларли таъсир кўрсатган.

Христиан дини ўлим жазосини ёқламайди деган қараш дастлаб фарб черковининг *ecclesia abhocret sanguinem* — черков қон тўкилишига қарши тамойилига асосланган ижобий ҳуқуқида ўз ифодасини топган эди. Аммо мазкур тамойил христиан черкови томонидан у таъқиб қилинаётганлар орасида бўлган даврда илгари сурилган; фарбда христианлик ҳукмрон динга айлангач, у мазкур тамойилни аста-секин унута бошлади; у ҳатто ўлим жазосидан динсизларга қарши қурол сифатида ҳам фойдаланди. Тўғри, шу даврда ҳам у ўз қўлини қонга булғамасди, балки ўз содиқ кули ва барча ҳукмларининг ижрочиси бўлган давлатни ишга солди. Давлат ўлим жазосидан нафақат черков мақсадлари учун, балки ўз мақсадларида ҳам фойдаланар эди. Христиан динининг айрим мазҳаблари шундан кейин ҳам вақти-вақти билан давлатнинг ўлим жазосини қўллаш ҳуқуқига қарши бош кўтариб турдилар. Масалан, XIII асрда вальденликлар мазҳаби ўлим жазосини рад этишни ўз диний эътиқодининг асосий қоидаларидан бири деб эълон қилди; XV асрда диний сектант Социн ўлим жазоси ноҳақ жазо эканлигини исботлашга ҳаракат қилди ва унга қарши шу қадар кескин фикрлар билдирдики, машҳур немис криминалисти Карпцов унга эътироз билдиришни ўз бурчи деб ҳисоблади; XVII асрда инглиз сектантлари ўлим жазосига қарши бош кўтардилар ва одамни ҳаётдан маҳрум қилиш ёлғиз Худонинг ҳуқуқи, бинобарин, давлат бу ҳуқуқни ўзлаштиришга ҳақли эмас, боз устига, ўлим жазоси жиноятчини ўз айбини ювиш имкониятидан маҳрум қилади, деган фикрни илгари сурдилар. Аммо давлатнинг ўлим жазосини тайинлаш ҳуқуқи масаласи учун бу далиллар жиддий аҳамиятга эга эмас эди.

Бошқа динларнинг муқаддас китобларида бўлганидек, Инжилда ҳам ўлим жазоси ҳақида тўхталиб ўтилган. Хўш, Инжилда бу масала хусусида нималар дейилган? Инжилга кўра, ўлим жазоси — давлатнинг биринчи ва энг зарур вазифасидир. Боз устига, давлат институтининг ўзи даставвал айнан ўлим жазосини ижро этиш учун тузилган эди, деб таъкидлашади баъзи муаллифлар. Диний манбаларда эъгироф этилишича, Буюк Тўфонгача (дунёни сув босгунга қадар) давлат институти мавжуд бўлмаган ёки умуман, Тўфонгача нафақат давлат, балки ўлим жазоси ҳам мавжуд бўлмаган. Худованд инсониятга ўзига хос ижтимоий эксперимент ўтказиш — реал анархия ша-

роитида, давлат институтларисиз яшашга рухсат берган. Инсоният анархия шароитида қандай яшаш мумкинлигини намоиш этган. Инжилда келтирилган инсониятнинг Тўфонга қадар ҳаёти тавсифидан кўринадики, қабоҳат, зўравонлик ва бузуқлик шу даражада кучайганки, бунга Худонинг қаҳри келиб, Тўфон кўтарган ва дунёни сувга бостирган. Тўфон тўхтаганидан кейин Нуҳ пайғамбарга бошқа бир амр берилган: «Ким одам қонини тўкса, унинг қони одам қўли билан тўкилур. Зеро, одам Худо суратида яратилгандир» (Ибтидо, 9:6). Яъни, Тўфондан кейин бутунлай бошқа принцип — одам ўлдирши учун ўч олиш принципи эълон қилинган. Одамлар доим бири-бирига ёмонлик қилган, ёмонлик қилмоқда ва ёмонлик қилади. Инсониятнинг Тўфонга қадар ҳаёт тажрибаси юқорида зикр этилган ҳолатга қарши турилмаса, у даҳшатли даражада кучайиши ва пировард натижада одамлар бири-бирини қириб ташлашига олиб келиши мумкинлигини кўрсатди.

Хўш, бунга қандай қилиб қаршилик кўрсатиш мумкин? Одамлар бири-бирига қилган ёмонлиги учун ўзаро «ҳисоб-китоб» қилгудек бўлсалар, бундан яхши иш чиқмайди: қонли ўч олиш ваҳшийлик ва ёввойилик белгисидир. Соф «назарий» жиҳатдан буни тушуниш мумкин: кўпинча биринчи бўлиб ҳужум қилган одам, яъни ёмонликнинг сабабчиси ютиб чиқади. Ўч олиш ўринсиз эканлиги Инжилдаги бошқа бир амрда ифодаланган: «Ёмонга қарши чиқма. Ким сенинг ўнг чаккангга урса, унга иккинчисини ҳам ўгир» (Матто (Матфей) китоби, 5:39). Ёки: «Қилич кўтарган бари қиличдан ҳалок бўлур» (Матто китоби, 26:52).

Ёмонликка ёмонлик билан жавоб берган одам, моҳият эътибори билан, ўзи ҳам жиноятчига айланади. Шу сабабли ёмонликка фақат давлат институти ёрдамида муайян даражада самарали қаршилик кўрсатиш мумкин. Жамиятда одамларнинг муайян бир қисми бировга ёмонлик қилганларни жазолаш функциясини бажаради, яъни одамларни суд қилувчи «учинчи куч» ҳисобланади. Инжилда бу ҳақда шундай дейилади: «Халқ орасидан қобилиятли, Худодан қўрқадиган, адолатли, тамагирликдан нафратланадиган одамларни танлаб, уларни халқ устига қўй... Улар одамларнинг ишларини ажрим қилсинлар...» (Чиқиш, 18:21).

Давлат институти вужудга келиши билан ўз яқинларига ёмонлик қилишга мойил одамларда давлатнинг жазолашидан қўрқиш ҳисси уйғонади ва ана шу қўрқиш дунёда ёмонлик тарқалишини тийиб турувчи асосий омил ҳисобланади. Нафсиламбрини айтганда, Тўфондан кейинги даврда бутун инсоният ҳаёти жиноятчиларнинг давлат жазолашидан қўрқишига асосланади. Аммо жиноятчи чиндан ҳам қўрқиши учун давлат ўзининг Худо олдидаги асосий бурчини бажара

риши — жиноятчиларни қилган ёмонлигига яраша муносиб жазолаши лозим.

Инжилда ўлим жазоси хусусида яна қуйидаги сўзларни ҳам ўқиш мумкин: «Бировнинг молини ўлдирган одам унга ҳақ тўлаши керак; бировни ўлдирган одам ўлдирилиши керак» (Левит, 24:21). «...Кимки ўз яқинини қасддан ўлдирган бўлса, бандамнинг ҳам ҳаётини олгин» (Чиқиш, 22:14). «Ким бировни темир қурол билан уриб ўлдирган бўлса, у қотилдир: қотил ўлдирилиши лозим; Ким бировни тош билан уриб ўлдирган бўлса, у қотилдир: қотил ўлдирилиши лозим; Ким бировни ёғочдан ясалган қурол билан уриб ўлдирган бўлса, у қотилдир: қотил ўлдирилиши лозим; Хун ҳақини олувчи қасоскор ўзи қотилни ўлдириши мумкин; Кимки бировни нафрат билан қаттиқ туртиб ёки қасддан унинг устига бирор нарсани ташлаб ёки қўли билан уриб ўлдирган бўлса, у қотилдир: қотил ўлдирилиши лозим; Хун ҳақини олувчи қасоскор ўзи қотилни ўлдириши мумкин» (Сонлар, 35:17—21).

Ўлим жазосига қарши анча жиддий далилларга турли диний таълимотларда дуч келиш мумкин. Масалан, ер юзидаги биринчи жиноятчи — Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдиргани учун худонинг қарғишига учраган, аммо ўлдирилмаган. Боз устига, худо Қобилни ўлдиришни тақиқлаган: «Худованд: — Агар кимки Қобилни ўлдирса, ундан етти карра ўч олинар, — деди-ю, Қобилни ҳар бир йўлиққан урмаслиги учун унга бир нишона қўйди» (Ибтидо, 4:15).

Ўз вақтида христианлар муқаддас китоблардаги тегишли амрларни унутиб, худо номи билан жуда даҳшатли ёвузликлар содир этган, инквизиция эса ўлим жазосини ўзининг асосий қуролига айлантирган.

Диний муассасалар ва диндорлар ўлим жазосига доим ҳам қарши бўлмаганлар. Бунга мисол тариқасида инквизицияни эслаш кифоя. Тўғри, даҳрий деб топилган шахсларни дунёвий ҳокимият гулханда куйдирган, аммо уларни ўлдиришга фатвони черков берган, яъни даҳрий деб топилган шахсларнинг черковдан четлатилиши уларга ўлим жазоси тайинланишига асос бўлган. Масалан, «буюк инквизитор» Торквемада 18 йиллик фаолияти мобайнида 10220 кишини гулханда куйдиришга фатво берган, 6860 киши ўлимидан (шу жумладан қийноқлардан ва силласи қуриши натижасида) кейин ёки йўқлиги туфайли рамзий куйдирилган, 97321 киши сазойи қилиниб, фахрли унвон ва лавозимлардан маҳрум этилган. Инквизициянинг узоқ йиллик ҳукмронлиги даврида жами 31912 киши тириклайин гулханда куйдирилган.

Таниқли рус ҳуқуқшуноси ва криминологи М. Н. Гернет Россияда руҳонийлар Русь христианликни қабул қилганидан кейин, князь

Владимир давридаёқ ўлим жазосини ёқлаб чиққанларини қайд этади. Россия олий диний идораларининг кўпгина намоёндалари XIX—XX асрларда ҳам ўлим жазосини сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида фикр билдирганлар. Масалан, иеромонах Иллиодор граф Виттени янги сиёсий тузум вужудга келишида айбдор деб кўрсатиб, уни оломон кўз ўнгида осиб ўлдиришни талаб қилган. Шундан бери ўтган давр ичида христиан черкови ва унинг намоёндаларининг ўлим жазосига муносабати анча ўзгарди.

Ўлим жазосига қарши ҳозирги диний далиллар инсонга ҳаётни худо беради ва унинг ўзидан бошқа ҳеч ким инсонни ҳаётдан маҳрум этишга ҳақли эмас, деган фикрга асосланади. Бундай жазога қурбонлик қилиш деб қараш ҳам тўғри бўлмайти, чунки бундай қурбонликни барча учун Исо Масих келтирган. Буни инкор этиш — Исо Масихнинг сўзлари ва ишларини инкор этиш, бинобарин, христиан динига хиёнат қилиш демак. «Ўлдирма», деган амр нафақат жиноятчига, балки барча одамларга тегишли.

Яҳудийлик динида ўлим жазоси. Яҳудийларда динга қарши қуйидаги жиноятлар учун **ўлим жазоси** назарда тутилган: 1) бутпарастлик; 2) муқаддас нарсаларни таҳқирлаш; 3) худога шак келтириш; 4) Худо номини тилга олиш; 5) шанба ва бошқа байрам кунлари удумига риоя қилмаслик; 6) диний урф-одатларга ҳурматсизлик; 7) қасамхўрлик; 8) жодугарлик.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ўлим жазоси диний жиноятлар учун қўлланганлигини ушбу ўринда тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ўлим жазоси Фарбий Европа халқларида диний жиноятлар учун тайинланадиган одатдаги жазо ҳисобланган. Юнонларда ўлим жазоси қуйидаги жиноятлар учун назарда тутилган: 1) ибодатхонани булғаш; 2) мистериялар очиш⁸¹; 3) муқаддас жойнинг нафақат қасддан, балки билмасдан, ҳатто болалар ва ақли паст одамлар томонидан моддий таҳқирланиши; 4) қасамхўрлик; 5) ҳукмрон динга қарши таълимотни тарқатиш; 6) муқаддас нарсаларни таҳқирлаш.

Римликларда мажусийлик даврида бундай жиноятлар қаторига қуйидагилар киритилган: ўғрилиқ, жодугарлик ва афсунгарлик, ҳукмрон динга қарши таълимотни тарқатиш. Қадимги Римда қоҳинлар жуда катта ҳокимиятга эга бўлган. Улар ҳатто одатдаги жиноятларни суд қилганлар. Рим адлияси секуляризация⁸² қилинганидан кейин қоҳинларда фақат соф диний жиноятларни суд қилиш ҳуқуқи қолдирилган. Рим империясида христиан дини ҳукм сурган даврда динга

⁸¹ Мистериялар — яширин диний маросимлар; *лугатга қ.*

⁸² Секуляризация — диний ҳокимият ваколатларининг дунёвий ҳокимиятга ўтказилиши; *лугатга қ.*

қарши жиноятлар учун ўлим жазоси тайинлангани ҳақида аниқ маълумотлар бизгача етиб келган. Бу даврда қуйидаги жиноятлар учун **ўлим жазоси** назарда тутилган: 1) худога шак келтириш, худонинг номини ҳурматсизлик билан тилга олиш; 2) диндан қайтиш (Феодосий ва Валентиниан қонунларига кўра); 3) бидъатнинг айрим турлари; 4) жодугарлик ва афсунгарлик (Константин қонунларига кўра); 5) ибодатни ва черковдан бошпана топиш ҳуқуқини бузиш; 6) мазорни таҳқирлашнинг айрим турлари; 7) муқаддас нарсаларни таҳқирлаш.

Янги Европа халқларининг қонунчилиги яҳудийлар ва Рим қонунчилигининг диний жиноятларга оид қоидаларини ўзлаштирди. Бу жиҳатдан ўрта асрлардаги барча қонунчиликлар бирлиги кузатилади. Уларда қуйидаги жазолар учун **ўлим жазоси** (асосан гулханда куйдириш тариқасида) назарда тутилади:

1) худога шак келтириш: Франция, Англия, Германия, Россия ва Швейцарияда;

2) бидъат: Франция, Испания, Швейцария, Германия ва Россияда;

3) муқаддас нарсаларни таҳқирлаш: Франция, Англия ва Россияда;

4) диндан қайтиш: Франция, Англия ва Россияда;

5) ибодатни бузиш: Россия ва Францияда;

6) жодугарлик ва афсунгарлик;

7) муқаддас нарсаларни таҳқирлаш: Франция, Англия, Германия ва Россияда;

8) қасамхўрлик.

Диний ҳокимиятнинг вужудга келиши ва кучайиши билан оғир жиноий қилмишлар қаторига киритилган хатти-ҳаракатларнинг яна бир турини маънавиятга қарши жиноятлар ташкил этади. Тўғри, мазкур жиноятларнинг вужудга келиши ва улар учун ўлим жазосининг назарда тутилиши қисман оила бошлиғи оила аъзолари устидан мутлақ ҳокимиятга эга бўлган олдинги даврга тааллуқли. Аммо мазкур ибтидоий даврда кейинчалик маънавиятга қарши жиноятлар деб ном олган қилмишлар, чунончи: зино қилиш, аёлни йўлдан оздириш, ўғирлаш бошқача хусусиятга эга бўлган, яъни айни ҳолда оила бошлиғининг устувор ҳуқуқлари бузилган. Бундай ҳуқуқлар доираси унча кенг бўлмаган. Диний ҳокимият ҳукмронлиги даврида эса айни шу хатти-ҳаракатлар бошқача мазмун касб этган: умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларини бузиш деб ҳисобланган. Барча халқлар бу жиноятларга бир хил кўз билан қараган. Шу сабабли қонунларда жиноятларни таърифлашда ҳам, жазоларни тавсифлашда ҳам муайян ўхшашлик мавжуд.

Ўлим жазоси назарда тутилган маънавиятга қарши жиноятлар қаторига қўйидагилар киритилган:

1) зино қилиш: яҳудийларда, римликларда, Францияда, Германияда, Испанияда;

2) қўш хотинлилик: Римда, Англияда, Германияда;

3) яқин қариндошлари билан жинсий алоқада бўлиш: яҳудийларда, Римда, Франция, Германия ва Россияда;

4) бесоқолбозлик ва ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилиш: яҳудийларда, Римда, Франция, Англия, Германия ва Россияда;

5) қўшмачилик: Римда, Францияда, Испанияда;

6) номусга тегиш;

7) аёлнинг сууюқоеқлиги, ота-онанинг ўз қизини, эрнинг ўз хотинини бузуқ йўлга киришига имконият яратиши, йўлдан оздириши ва шу кабилар: яҳудийларда, Римда, Испанияда, Францияда, Германияда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дин ва давлат фаолияти бир-бирини тўлдирса-да, улар тамоман бошқа-бошқа йўлдадир. Давлат - дунёвий институт. Унинг вазифаси — дунёвий мақсадларга хизмат қилиш. Агар дунёвий мақсадларга эришиш учун муайян жазо чораларини қўллаш зарур бўлса, қайси чоралар маъқуллиги ҳақидаги масала фақат уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги асосида ҳал қилиниши мумкин. Ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш зарурлиги ҳақидаги диний ақидаларни бирон-бир кодексга асос қилиб олиб бўлмайди.

II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ ВА УНИНГ ЖАЗО ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

1. ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЁДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Ўлим жазоси жазонинг энг қадимгиларидан бири бўлиб, сон-саноқсиз кишилар ушбу жазога гирифтор бўлган. Ўлим жазоси деярли барча давлатларда ва даврларда, жумладан Ўзбекистон тарихида ҳам кенг қўлланилган жиноий жазо туридир.

Маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тарихда жуда кўплаб давлат тузилмалари ташкил топган ва ривожланган. Ушбу давлат тузилмаларининг ҳар бирида уларнинг ўзига хос ва умумий жиҳатларини кўришимиз мумкин. Биз қуйида ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган баъзи давлатларнинг жазо қонунчилигида ўлим жазосига муносабат ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Тарихий манбаларда эътироф этилишича, бугунги Ўзбекистон ҳудудида миллоддан аввалги VII асрларда ташкил топган илк давлат бирлашмалари Катта Хоразм ва Бақтрия давлатлари эди.

Катта Хоразм ва Бақтрия давлатларида ўлим жазоси (мил.ав. VII асрда ташкил топган). Қадимги давр Марказий Осиё халқлари ҳуқуқини ўрганишда «Авесто» катта аҳамиятга эга бўлган. Ва бундан айнан ушбу давлатлар жазо сиёсатини олиб боришда, аниқроғи, ўлим жазосини тайинлаш борасида ҳам бевосита Авестога мурожаат этганлиги ҳақида мантиқий хулоса чиқариш мумкин. Биз Авестода ўлим жазосига муносабат ҳақида I боб 4-параграфда батафсил баён қилдик. Шу сабабли, бу ҳақда тўхталиб ўтишни жоиз деб топмадик.

Шу билан бирга бу даврда мавжуд бўлган давлат тузилмаларида одат ҳуқуқлари, Аҳамонийлар даврида ёзма ҳуқуқий манбалар, Александр Макелонский ва Юнон-Бақтрия, Салавкийлар давлати, Парфияда эса Юнон-Рим ҳуқуқи ҳам қисман амал қилган бўлиши мумкин. Рим ҳуқуқида ўлим жазоси ҳақида юқорида (I боб 2-параграфда) тўхталиб ўтганимиз боис, бу ерда яна тақрорлаш лозим эмас деб ўйлаймиз.

Қадимги туркийларда ўлим жазоси (мил.ав. IV аср охири ва милодий IV аср). Туркийларда ҳуқуқ нормалари маълум бир жойда ёзиб қўйилмаган, балки оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган ижтимоий расм-русумлар ва тартиблардан келиб чиқадиган қоидалар йиғиндисидан иборат одат ҳуқуқи амалда бўлган.

Туркий халқлардаги одат ҳуқуқлари илмий-юридик адабиётларда қисман бўлса-да ишлаб чиқилган, аммо бажарилган ишларнинг кўпчилиги XIX асрга ва фақат жиноят-ҳуқуқий одатларни ўрганишга бағишланган. Қадимги даврлар эса деярли ўрганилмай қоляпти. Чунки бизда қадимги давлатларнинг ёзма қонунчилиги бўйича етарли маълумотлар мавжуд эмас. Аммо ҳозирги Ўзбекистон доирасида зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик кўп тарқалган динлар бўлганлиги учун уларнинг муқаддас китоблари маълум даражада ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган, деб хулоса чиқаришга имкон беради. Туркий халқларда кўпроқ одат ҳуқуқлари кенг тарқалган ва бизгача Хитой манбалари орқали етиб келган.

Кўплаб тарихий манбаларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкин-ки, туркийларнинг қадимги аجدодлари ҳисобланган хуннларда ёзма қонунчилик бўлмаган ва қонунлар оғзаки эълон қилиб турилган. Қонун (дао) деганда, «улар тартиб ва ободончиликни ҳамда давлат бошқарувини» тушунишган.

Қадимги туркийларнинг жазо тизимида ҳам ибтидоий жамоа тузумининг қолдиқлари учрайди. Шунингдек, жиноят қонунчилиги ўзининг қаттиқлиги, жиноят учун жамоавий жавобгарликнинг назарда тутилганлиги билан характерлидир.

Н.Я.Бичуриннинг асарларида туркларнинг қадимги аجدодларига тааллуқли одат ҳуқуқлари, оила ва никоҳ, кўпроқ жиноят ҳуқуқи бўйича баъзи парчалар келтирилган⁸³.

Мотун ҳоқон ҳақидаги маълумотларда кўрсатилишича, ўткир қуролни қинидан чиқарганлик, фут (темирдан ясалган оғир қурол) билан ўқтаганлик, одам ўлдирганлик ва бошқа оғир жиноятлар учун **ўлим жазоси назарда тутилган**⁸⁴.

Дунху (ёки Ухуан) қабилаларида ҳам ўзига хос жиноят қонунлари мавжуд эди. Жумладан, оқсоқолларнинг буйруқларига бўйсунмаслик учун **ўлим жазоси берилган**. Қочоқ ва хоинлар, оқсоқоллар томонидан таъқиб қилинаётган кишиларни ҳеч ким ўтовига қўйиши мумкин эмас эди. Улар қум-саҳроларга қувиб юборилган (остракизм), бу эса кўпинча **ўлим жазоси билан тенг эди**.

Шу ўринда қадимги хакасларнинг турк-мўғул қабилаларидан бири бўлганлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқ тарихи учун ҳеч ўхшаши бўлмаган маълумотларни келтирамиз. Хитойларнинг Тханшу сулоласи тарихи орқали бизгача етиб келган маълумотлардан, уларнинг қонунлари ниҳоятда қаттиқ бўлганлиги англашилади. Жумладан, «Элчилик топшириқларини бажармаганлиги, хонга ақлсиз (нотўғри) масла-

⁸³ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., Адолат, 2003. — 48-бет.

⁸⁴ Ўша ерда.

ҳат берганлиги учун **ўлим жазосига ҳукм қилинган**». Ўғрилиқ жиноятини содир қилган шахсларнинг боши танасидан жудо қилинган ва ўғрининг отаси ҳаёт бўлса, ўғлининг танасидан жудо қилинган боши унинг бўйнига осиб қўйилиши, отаси уни умрбод тақиб юриши лозим бўлган. Бу ниҳоятда қаттиқ ва азобли, таҳқирли жазо ҳисобланган.

Турк ҳоқонлигида ўлим жазоси (487—567 йиллар). Бизгача Турк ҳоқонлиги давридаги ҳуқуқ манбаларига оид камроқ маълумотлар етиб келган. Лекин ўша вақтда ҳукмрон бўлган туркий халқлар ичида қайси динга эътиқод қилишига қараб, зардуштийлик, будда, манихейлик динларининг муқаддас китоблари, одат ҳуқуқлари, ҳоқон ва жабғуларнинг буйруқ ва фармонлари ва бошқа ҳужжатларнинг бўлганлиги, улар асосида турли ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.

Турк ҳоқонлигида қадимий туркларнинг одатига кўра, аёл киши — она ниҳоятда қадрланган. Турк одат ҳуқуқларига кўра, хотин-қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлганлар — қонун аёлларни қаттиқ ҳимоя қилган. Агар бирор эркак аёлнинг номусига тегса, эркак **ўлимга** маҳкум қилинган. Кўзғолончилар, хоинлик қилган шахслар, одам ўлдириш каби жиноятларни содир этганлар ҳам **ўлим жазосига** ҳукм қилинганлар.

Самарқандда «Турк қонунномаси» амалда бўлиб, у ибодатхонада сақланган. Жазо бериш вақтида қонуннома қўлга олиниб, шунга асосан жазо тайинланган. Оғир жиноятлар учун бутун уруғ, унча муҳим бўлмаганлари учун эса жиноятчининг ўзи қатл этилган.

Сомонийлар давлатида ўлим жазоси (874—999 йиллар). Исмоил Сомоний асос солган ушбу давлат ўз даврининг энг кучли империяларидан бири эди. Сомонийлар давлатида мусулмон динига асосланган шариат ҳуқуқи тизими ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлган. Албатта, асосан содир қилинган жиноятлар учун жазо шариат қонунлари асосида тайинланган. Ўлим жазоси ҳам шулар жумласидандир. Яъни оғир жиноят содир қилганлар ўлим жазосига ёки узоқ муддат қамоқ жазосига маҳкум этилганлар. Вилоятларда оғир жиноят содир этганлар қозикалон ва амир ҳукмига ҳавола этилган. Ўлим жазосини бошқаларга ибрат бўлиши учун Бухоро Регистонида, кўпчилик олдида ижро этишган.

2. ЎРТА АСР ДАВЛАТЛАРИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Ғазнавийлар (962—1186), Салжуқийлар (1040—1160 йиллар), Қорахонийлар (990—1212 йиллар), Хоразмшоҳлар (1097—1231 йиллар) давлатларида ўлим жазоси. Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари ҳарбий демократияга таянган импе-

рия кўринишидаги мусулмон давлатлари эди. Бу давлатларнинг бири-бирига ўхшаш умумий ва ўзига хос томонлари бўлган. Жумладан, империя кўринишига эга бўлиш, мусулмон ва одат ҳуқуқларининг мавжудлиги, ҳарбий демократияга таяниш уларнинг барчасига хосдир.

Фазнавийлар, Салжуқийлар (туркий халқлар орасида одат ҳуқуқлари), Қорахонийлар (ўтроқ, яъни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида мусулмон ҳуқуқи, кўчманчи халқ орасида эса одат ҳуқуқи), Хоразмшоҳлар (давлат ва армия ҳамда қисман оила, никоҳ ҳуқуқи масалаларида одат ҳуқуқлари) давлатларида шариат ҳуқуқи ва одат ҳуқуқи амал қилган.

Демак, ушбу давлатларда жазо тайинлашда, жумладан ўлим жазосига ҳукм қилишда мусулмон ҳуқуқи нормаларига риоя этилган. Кўчманчи халқ орасида жазолар қандай тартибда тайинланганлиги ҳақида маълумот мавжуд эмас. Фикримизча, уларда ўлим жазосини ва умуман жазо тайинлаш масаласида талион принципи амал қилган бўлиши мумкин.

Афросиёб харобаларини ўрганган олимлар шаҳар марказида Қорахонийлар ибодатхонаси бўлганлиги, унда қонуннома сақланганлигини тахмин қиладилар, аммо у ҳозиргача топилган эмас. Қорахоний ҳукмдорларидан Иброҳим ибн Наср Тамғач Буғрохоннинг қонунчиликини, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш борасидаги хатти-ҳаракатлари тўғрисида турли ҳикоялар етиб келган. Айниқса, ўғрилик жинояти қаттиқ қораланган. Айтишларича, бир кунги ўғри талончилар унинг бу ҳаракатларига жавобан Самарқанд арки дарвозасига: «Биз — худди пиёздек, қанчалик кўп қирсалар, шунчалик кўп ўсиб кетаверамиз», деб ёзиб кетганлар. Бунга жавобан эса, Иброҳим Тамғачхон: «Мен бу ерда боғбонга ўхшаб турибман, сиз қанчалик ўссангиз ҳам, сизни суғириб ташлайман», деб ёзиб қўйишни буюрган экан⁸⁵.

Мўғуллар (1219—1370) давлатида ўлим жазоси. XII асрнинг охири — XIII аср бошларида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳамда маданий тараққиётнинг қуйи босқичида бўлган мўғул қавм ва қабилалари катта, буюк ва қудратли мўғул давлатини барпо қилиш учун кураш олиб бордилар. Ҳокимият учун қавм ва қабилалар ўртасида олиб борилган курашда Чингизхон ғалаба қозонади ва 1204-1205 йилларда кучли мўғул давлатига асос солади.

⁸⁵ В. В. Бартольд. Очерк истории Семиречья. Соч. Т. II. ч. II. М., 1963. — 374—376-бетлар.

1206 йилда у ўзининг давлат ҳукмронлигини қонунлаштириш мақсадида Онон дарёсининг юқори қисмида қурултой чақиради ва ушбу қурултойда машҳур қонунлар қабул қилинади. Жумладан, диний ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган Чингизхоннинг «Ясо» қонуни ҳозирги Ўзбекистон доирасида мўғуллар ҳукмронлиги йилларида амалда бўлган. Ўтроқ ерли халқларда эса бу даврда мусулмон ҳуқуқи, чорвадорлар ичида бундан ташқари маҳаллий одатлар ҳам татбиқ этилган.

«Ясо»нинг тўлиқ матни бизгача етиб келмаган, 33 та парчаси ва Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жинойят ҳуқуқларига оид 27 та нутқининг мазмуни — биликлар, парчалар тарзида етиб келган.

Тарихий манбаларда мўғуллар қонунчилигида жуда қаттиқ жазо чоралари қўлланилганлигини кўрсатадиган далиллар мавжуд. Аммо бу кўпроқ ҳарбий жинойтларга оиддир. Мўғулларда жазонинг мақсади ўч олиш, хун ундириш ҳамда кўрқитишдан иборат эди. «Қонунни бузган кишини билиб, билмасликка олиб юрган кишини азобу укубатга мустаҳиқ қилурлар, токи у укубатдан кўрқиб, бирор киши бу йўлга кирмагай», дейилади «Зафарнома»да.

Чингизхон биликларида эса бунинг аксини тасдиқлайдиган кўрсатмалар ҳам бор. Жумладан, агар турк-мўғул уруғларидан бўлган кимдир «Ясо» қонунларини бир марта бузса, унга интизомий жазо сифатида сўз билан танбеҳ бериш, иккинчи марта бузса, биликка кўра жазога тортиш, учинчи марта биликка кўра узоқ Болжин-Сулжур деган жойга сургун қилиш назарда тутилган. Сургундан ҳам фаросатли бўлиб қайтмай, тўртинчи марта «Ясо»ни бузса, оёғига кунда уриб, қоронғи қамоқхонага ташлаганлар. Бешинчи марта ҳам хилоф иш қилса, унинг тақдирини ҳал этиш яқин ва узоқ қариндошларига топширилган. Маст қилувчи ичимликларни сурункасига истеъмол қилиш Чингизхон давлатида жазо таҳдиди билан тақиқланган. Агар ичимлик ичишдан воз кечишнинг иложи бўлмаса, унда фақат биликларга асосан бир ойда уч марта ичишга рухсат этилган, шу чегарадан четга чиқилган заҳоти у жазога муносиб хатти-ҳаракатни содир этган ҳисобланган.

Мирзо Улуғбекнинг кўрсатишича, бир мусулмонни қасддан ўлдирганлик учун озод мўғулни ўлдирган каби 40 болиш кумуш миқдоридан хун ундирилган. Мўғул ва турк қабилаларида хоинлик ва юқори мансабли қариндошларининг ўлими учун хун ўрнига **қонли қасос** олинган. Бу ёғоч эшакка миҳлаб қатл қилиш шаклида ижро этилган. «Зафарнома» асарининг муқаддимасида келтирилган қуйидаги маълумотлар, айниқса, диққатга сазовордир: «Ҳеч бир зот ҳазорада (минглик) думчасидан ва садасидан (юзлигидан) ўзгага бора олмайди, бошқа бировдан паноҳ излай олмайди ва бирор кишини ўз паноҳига

олишга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Агар (кимса) бу (тартибга) хилоф иш қилса, ул кимсани халойиқ олдида қатл қиладилар. Токи ўзгаларга ибрат бўлсин деб». Бунда биз аскарларнинг ҳарбий қарамлик тарзида ёки ўз хўжайинлари, аскар бўлинмаларининг бошлиқларига авлоддан авлодга ўтиб борадиган ҳолда бириктириб қўйилганлигини кўрамиз. Бошқа бировнинг паноҳига қочиб борган киши учун **Ўлим жазоси** белгиланган. Уни қабул қилган киши ҳам жазога тортилган⁸⁶.

«Ясо» кўрсатмаларини бажармаганлик учун ҳарбийлар томонидан, айниқса, ҳарбий амалиётлар даврида тақиқланган 36 хил ҳаракатдан 13 тасига **Ўлим жазоси** бериш белгиланган. Жумладан, бошлиққа итоатсизлик, белгиланган жойга қўйилган бошлиқнинг ўз жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, ўз бошлиғининг буйруғини бажармаслик, махсус буйруқ берилмаган ҳолда душманни талон-торож қилиш, жанг вақтида қочиш, келишмай туриб чекиниш, сотқинлик ва хоинлик, қочоқ қулни эгасига қайтармаганлик ҳамда асирга олинган кишига асирга олувчининг ижозатисиз ёрдам бериш каби жиноятларга фақат бир жазо — **Ўлим жазоси** берилган.

Булардан ташқари, айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, ахлоқсиз одамлар, табиатни ифлослантирувчилар, вази-фасидан фойдаланиб пора олувчилар, фоҳишалар ва қўшмачиларга **Ўлим жазоси** тайинланган.

Мол-мулкка қарши қаратилган жиноятлардан майда ўғрилик учун ўғирланган нарсанинг уч баравари (баъзи ҳолларда 9 баравари) миқдориди жарима ундириш, агар уни тўлай олмаса, 7—700 мартагача қамчи билан уриш, кўп миқдорда ўғрилик учун эса **Ўлим жазоси** белгиланган.

Агар ўғри чорвани ўғирласа у чорванинг ҳақини тўққиз баробар қилиб тўлаши лозим. Тўлаш имконияти бўлмаса, ўғрининг фарзандлари асоратга солиниши, фарзандлари ва маблағлари бўлмаган тақдирда эса у ўлим жазосига маққум этиларди.

Мўғулларнинг жинойи жазо сиёсатида амал қилган дин — буддавийлик ҳуқуқий мафкураси таъсири сезилиб туради. Масалан, ёлгон кўрсатма берганлик, сувни, ўтни (яйловни) ифлослантирганлик ҳамда сут (муқалдас ичимлик)ни ерга тўкканлик учун **қатл этиш жазоси** белгиланган.

Умуман олганда ўлим жазоси мўғул ҳарбий-феодал давлати тузумини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир самарали воситаси ҳисобланган.

Темурийлар давлатида ўлим жазоси (XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошлари). Ўрта аср якка ҳокимлигини ташкил қилган

⁸⁶ Муҳимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., Адолат, 2003. — 138-бет.

бундай улкан давлат механизми ички тартиб ва интизомни таъминлаб турадиган қонунчиликсиз фаолият кўрсатиб туриши мумкин эмасди. Соҳибқирон Амир Темур давлати мусулмон давлати бўлиб, унинг таркибига кирган халқлар асосан шу динга эътиқод қилганлиги учун ҳам ҳуқуқнинг бош манбаи мусулмон ҳуқуқи ҳисобланган. Амир Темур давлати доирасида асосан унинг туркий халқлар ичида кенг ёйилган ҳанафийлик мазҳаби⁸⁷ мустаҳкам қарор топди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, мусулмон ҳуқуқи барча исломий давлатларда, жумладан Темурбек давлатида ҳам ўзгаришсиз, бир хилда амалда бўлган, деб бўлмайди. Чунки бу ерда мусулмон ҳуқуқи худди «Темур тузуқлари» сингари дунёвий қонунчилик нормалари билан тўлдирилиб борилган.

Бу давлат Ўзбекистон ҳуқуқи тарихида яна шу билан тавсифланадики, у ҳозирча бизгача етиб келган ягона дунёвий ҳуқуқ манбаи — «Темур тузуқлари»ни берди. Соҳибқирон турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва унинг ҳукми билан қонун даражасига кўтарилган қоидалардан иборат тўплам тарихий асарларда турли тилдаги таржималарга мос ҳолда «Темур тузуқлари», «Тузуки Темурий», «Темурнинг айтганлари», «Воқеоти Темурий» (форсчада), «Уложение Темура» (русчада) деб юритилган. «Тузуқ» сўзи асли эски ўзбек тилида «қонун-қоидалар тўплами», «низом» каби ҳуқуқшуносликка оид маъноларни англатган.

«Темур тузуқлари» - подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисола. У XIV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишга оид Темур салтанати, унинг давлат тузуми, бошқариш, суд тизимига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида жамлаган тарихий ҳужжатдир. Ёки, юридик тилда айтганда, маъмурий-сиёсий ва ҳарбий кодексдир. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёши (1342)дан то вафотига (1405 йил 18 февраль) қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон, бутун Европага қўрқув ва даҳшат солган Туркия султони Боязид Йилдиримга қарши ва, ниҳоят, буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

⁸⁷ Ҳанафийлик — суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири; *луғатга қ.*

Иккинчи қисм Соҳибқироннинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насиҳатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқа хусусида сўз юритилади. «Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатда бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим», деб ёзилади тузуқларда. Асарнинг фақат бир ўрнидагина жазо — тан жазоси ва ўлим жазоси тўғрисида очиқ-ойдин сўз юритилади. Бу мамлакатлар, қўшинлар ва аҳоли аҳволидан хабардор бўлиб туриш тузугидир. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ ўзининг ва ёт-бегона лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилиқ билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгундай бўлсалар, [бўлиб ўтган] воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи сипоҳ ишларини яшириб, хабарига бошқа либос кийгизиб (ёлғон) ёзган бўлса, унда ҳам қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни туҳмат ёки бирон ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар»⁸⁸.

«Тузуқлар»да жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноятларга жазо бериш, ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона — доруламорат ташкил қилиш, қози аскар, аҳтоз ва райият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб ҳуқуқий муносабатлар ўз аксини топган.

Темур давлатида қадимий турк-мўғул анъаналари, удумларига риоя қилинганлиги боис Чингизхоннинг Ясо қонунлари ҳам ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилганми ёки унинг айрим қоидалари ўзлаштириб олинганми, деган масала ҳам ҳуқуқ тарихи фанида мавжуд. Чингизхон билан Туркистонга келган мўғуллар ва туркий қабилалар дастлаб мусулмон бўлишмаган, шунинг учун улар мусулмончиликни қабул

⁸⁸ Темур тузуқлари. Т., «Фафур Фулом» номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. — 95-бет.

қилгунларича «Ясо» ва ҳуқуқий одатлар ҳуқуқнинг асосий манбаини ташкил қилган. Темур давлати эса мусулмон давлати эди. Шунинг учун «Ясо»га ҳаракатдаги ҳуқуқ манбаи деб қаралиши шариат ҳуқуқига хилоф ҳисобланарди. Аммо жиноят ва жазо масалаларида «Ясо»га ҳам амал қилинганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, «Тузуқлар»да: «Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса, Ясо бўйича жазолансин», дейилган⁸⁹. Демак, бундан шуни тушуниш мумкинки, Темур давлатида ҳам мол-мулкка қарши қаратилган жиноятлардан майда ўғрилик учун ўғирланган нарсанинг уч баравари (баъзи ҳолларда 9 баравари) миқдорида жарима ундирилган, агар уни тўлай олмаса, 7—700 дарра қамчи билан уриш жазоси, кўп миқдорда ўғрилик учун эса **ўлим жазоси** белгиланган.

3. ХОНЛИКЛАР ДАВРИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Бухоро хонлиги (амирлиги)да ўлим жазоси. Бухоро ислом давлати бўлганлиги учун жиноят ва жазо масалалари мусулмон ҳуқуқи асосида ҳал этиларди. Аммо Бухоро амирлигига турли йилларда элчи, жосус ёки сайёҳ бўлиб келган кишиларнинг хабар беришларича, бу соҳада ўзига хос хусусиятлар намоён бўлиб, ушбу ўзига хослик жазони ижро этиш усулларида кўринади. Маълумки, Қуръонда содир қилинган ўғрилик учун дастлаб тан жазоси бериш назарда тутилган. Сайёҳ Филипп Ефремовнинг хабар беришича, XVIII асрнинг 20-йилларида Бухоро амирлигида ўғрилик учун эркак киши осиб ўлдирилган, аёл киши эса кўкрагигача кўмилиб, тошбўрон қилиб қатл этилган. Агар одам ўлдириш ёки тан жароҳат етказиш жинояти содир этилган бўлса, оталиқ томонидан айбдорни тутиб, ўлдирилган ёки уни ярадор қилинган одамнинг қариндошларига ушлаб берилган. Улар эса айбдорни мусулмон ҳуқуқидаги «хун ҳақи» қондасига кўра жазолаганлар, ярадор етган бўлса, ярадор қилишган, ўлдирган бўлса, қатл этишган⁹⁰.

Агар эр хотинини бошқа бир шахс билан жинсий алоқа устида топиб, уни гувоҳлантирса, зинокорларнинг иккиси ҳам ўлдирилиб, уларнинг қариндошларига хабар берилган. Оғир жиноятларга асосан судсиз, терговсиз жазо белгиланган.

«Мен Бухорода бўлган вақтимда, — деб ёзади П. И. Демизон, — икки киши, бири одам ўлдирганлиги, бири ўғрилик қилганлиги учун осиб ўлдириш йўли билан қатл этилди. Одатга кўра, осидан олдин

⁸⁹ Темур тузуқлари. Т., «Фафур Фулом» номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. — 95-бет.

⁹⁰ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., «Адолат», 2003. — 232—233-бетлар.

аввал ҳалқумини қирқиб, кейин дорга торгадилар. Агар ҳукм ижро этилиши олдидан «бўғилсин» деб юборилса, тўғридан-тўғри дорга тортишади»⁹¹.

Алоҳида ҳолларда амир бирон-бир жиноятнинг содир этилмаслиги учун қўрқув ҳиссини уйғотмоқчи бўлса, Мир Араб мадрасаси олдидаги Минораи Калондан улоқтириш йўли билан қатл этишга ҳукм қилган. Одам ўлдирганлик ва яқин қариндошлари билан жинсий алоқа қилганлик учун қўлланилган мана шундай жазонинг ижро этилишини П.И.Демизон ўз кўзи билан кўрган. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар жазони «битхона», «канахона» деб аталувчи хоналарда ўтайдики, бу ҳам ўлим билан баробардир, чунки Бухоро турмалари даҳшатли чаёнлар ва чақадиган бошқа заҳарли ҳашаротларга тўлдириларди, ана шундай хоналарга ташланган маҳбуслар 2—3 кунда ҳалок бўларди.

1836 йилда Бухорога элчи бўлиб келган П. И. Виткевич хонликда калтак билан жазолаш кенг қўлланилганлигини таъкидлайди. Унинг гувоҳлик беришича, жазолаш йўғон калтак билан уриб амалга оширилган, яна шу даражадаки, маҳкумнинг суяклари синарди ёки ўларди. П.И.Виткевич итариб юбориш жазосини ўз кўзи билан кўрганини айтади. Бухоро шаҳрининг деворлари мустаҳкам, дарвозадан кириш жойида, девор устида майдонча бўлиб, икки киши ўгрилик қилганлиги учун унинг кўзи олдида шу ердан итариб юборилган. Улардан бирининг қўли синиб, иккинчисининг эса баданлари моматалоқ бўлиб кетган. Буларнинг ҳаммаси фақат Бухоро амирлигига эмас, балки ўзбек хонликларининг барчасига хос жазолаш тизими эди. Яъни жиноят ва жазо масалаларида маҳаллий ҳукмдорлар фақат шариат кўрсатмаларигагина амал қилиб қолмай, ўзлари маъқул деб ҳисоблаган жазоларга, уни ижро этиш усулларига ҳам ҳукм қилганлар. Юқорида келтирилган жиноий жазоларнинг кўпгина турлари мусулмон ҳуқуқининг бирон-бир манбаида кўрсатилмаган бўлса-да, муфти ва қозилар уларни тарғиб этиб, фатво бериб ҳукм қилганлар. Чунки жазонинг асосий мақсади етказилган зарарни қоплаш, ўч олиш, хун ундириш, қўрқитишдан иборат эди⁹².

Хива хонлигида ўлим жазоси. Бу хонлик ҳам мусулмон дини ҳукмрон давлат бўлганлиги учун унда ўша даврдаги мусулмон ҳуқуқининг барча манбалари амал қилган. Бундан ташқари, хонларнинг фармон ва билгалари, туркман, қozoқ, қорақалпоқларнинг ўз одат ҳуқуқлари ҳам ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган. Хонлар олий судья ваколатини давлат ҳокимияти ваколати билан қўшиб олиб борганлар, баъзан

⁹¹ Записки о Бухарском ханстве. М., «Наука», 1983. — 58-бет.

⁹² Муҳимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., «Адолат», 2003. — 234—235-бетлар.

тарихий манбаларда, улар асоссиз равишда қаттиқ жазо қўллаганликлари ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, тарихчи Абулғози Хива ҳукмдори Али Султон ҳақида шундай хабар беради: «Бир каррат султон отланиб, полизнинг каноридан ўтиб бортурғонда бир чухра отудан тушиб, икки қовун олиб турур. Қовун эгаси югуриб бориб султонга арз қилиб турур, султон шул ерда чухрани келтуруб, бир улуғ ёғочни кўмдуруб, чухрани остуруб жони чиққандин кестуруб турур»⁹³.

Хива хонлигида ҳам ўлим жазоси худди Бухоро амирлигига ўхшаганлиги боис ва жазолаш шариат қонунлари асосида амалга оширилганлиги сабабли алоҳида тўхталиб ўтишни ва деярли такрорлашни жоиз деб топмадик.

Қўқон хонлигида ўлим жазоси. Бу ерда ҳам асосий ҳуқуқ манбаи шариат бўлиб, қозоқ ва қирғизлар яшайдиган жойларда одат ҳуқуқларининг аҳамияти кучли эди. Ер, сув, давлат хизмати билан боғлиқ баъзи масалалар хонларнинг фармонлари билан ҳам тартибга солинишига қарамасдан, ер, сув, оила ва никоҳ, ворислик ҳуқуқлари деярли барча хонликларда бир хил бўлган. Аммо жиноят ва жазо масалаларида ҳар бир хонликда шариатга зид кўпгина ўзига хос усуллар ҳам қўлланилган. Уларнинг барчасида, жумладан, Қўқон хонлигида ҳам қонунсизлик илдиз отган. Чунки ҳукумат ишида шариатдан бошқа мунтазам қоидалар бўлмагани ҳолда, уларга зид равишда фуқаролар давлат бошлиқларининг қули саналиб, пули ва моли ҳам давлатникидек ҳисобланар эди. «Агар бирор одамни ўз хоҳишларига кўра гуноҳкор топсалар, — деб ёзган эди бу ҳақда Маҳдум Ҳожи, — ани уруб ва қаттиқ азобга ҳукм қилиб, тамом молу амволини подшоликка деб олур эдилар. Балки ул гуноҳкорнинг гуноҳсиз хешу ақраболари ҳам ул гуноҳидан холи бўлмас эди»⁹⁴. Бундан кўриниб турибдики, азоблаш (тан жазоси), қатл этиш, мол-мулкни мусодара қилиш каби уч хил жазо бирданига қўлланилган, жавобгарлик гуноҳкорнинг қариндошларига нисбатан ҳам амал қилган.

Жиноятлар давлатга қарши қаратилган, диний, мулкка, шахсга, оилага қарши қаратилган жиноятларга бўлинган. Давлат жиноятлари диний жиноятлар билан чатишганлиги билан ҳар бир давлат жинояти диний жиноят ҳисобланган. Уларга ҳукмни фақат хон чиқариб, деярли барча ҳолларда ўлим жазоси берилган.

Давлат жиноятчиларига тайинланган ўлим жазоси баъзи ҳолларда сазойи қилиш билан бирга бўлиб, осиб ўлдириш шаклида ижро этилган.

⁹³ Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. Т., «Чўлпон», 1992. — 146-бет.

⁹⁴ Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон, 105—106-бетлар.

«Давлатга қарши исёнда айбланган Мукулмонқул асирга олиниб... бир неча давлат ходимлари билан Ҳўқандга юбориб, икки одам бўйи балад тахт барпо этиб, Мукулмонқулни ул тахтга узасига ўтқазиб, халойиққа ибрат бўлсин деб, бир неча кун тутқизуб, охири хонинг амири ила дорға осдилар»⁹⁵.

Маълумки, эмпале, яъни қозиққа ўтқизиш жазоси асосан, Ўрта аср Шарқий Европа давлатларида мавжуд эди. Аммо Қўқон хонлигида баъзи ҳокимликларнинг ана шу жазони қўллаганликларига гувоҳлик берувчи маълумот Маҳдум Ҳожининг асарида учрайди: «Баъзи бир ҳокимлар гуноҳкорнинг остига қозиқ қоқиб, тириклай ҳолда устига ўтқузуб, ул бечора бир неча кун ходанинг устида азоб тортиб, жон берар экан»⁹⁶.

Дин билан боғлиқ жиноятларга даҳрийлик, бошқа динни қабул қилиш, диний кўрсатмаларни бузиш, диндан қайтиш, хон тузумини танқид қилиш, бошқа диндаги киши билан никоҳга кириш, шариат тақиқлаган овқатларни ейиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлгондан қасам ичиш кабилар кириб, уларга нисбатан дарра билан уриш, мамлакатдан қувиб юбориш ва қатл этиш каби жазолар қўлланилган.

4. ЧОР РОССИЯСИ ВА СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Империяга таркибига кирган Туркистон ўлкасининг ҳуқуқ манбалари тизими ўзига хос кўринишда эди. Ҳуқуқ манбалари икки катта гуруҳга бўлинган: 1) империя ҳуқуқи; 2) шариат ҳуқуқи. Ўз навбатида империя ҳуқуқи ҳам икки қисмдан — умумимперия қонунлари ва мустамлакачилик ҳуқуқларидан иборат бўлиб, биринчисига 1835 йилги «Фуқаролик қонунлари тўплами», Векселлар тўғрисидаги Устав, 1866 йилдаги «Жиноий ва тузатувчи жазолар ҳақида»ги Низомнома, шунингдек 1864 йилги Суд уставларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўлкада Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг кучайиши билан 1906 йилда ҳарбий дала судлари тузилди. Таркибида фақат подшо армиясининг зобитлари қатнашган бу судларда иш 24 соат ичида кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Улар асосан қатл этиш жазоси тайинлаш бўйича ҳукмлар чиқарган.

⁹⁵ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., «Адолат», 2003.

⁹⁶ Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон, 65—66-бетлар.

Маҳаллий халқлар орасида бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар, подшо маъмурларига қарши исёнлар ҳам тез-тез юз бериб турган. Аммо улар шафқатсиз бостирилган. Бу жиноятларга нисбатан тутилган қоида ўч олиш, кўрқитиш, шафқатсизликдан иборат эди. Дукчи Эшон кўзғолони бунга яққол мисол бўла олади. Фарғона губернаторлиги Андижон уезди маъмурларининг ўзбек ва қирғизлар ерларини рус мужикларига тақсимлаб беришлари ва бошқа ўзбошимчаликлари уларнинг Дукчи Эшон бошчилигидаги кўзғолонига сабаб бўлиб, 1898 йил 11 майда Андижон казармасига ҳужум қилиниши 23 рус аскарининг ўлими билан якунланган⁹⁷.

Бунга жавобан Туркистон генерал-губернатори Духовский ва Фарғона губернатори Чайковский кўзғолончиларидангина эмас, балки бутун Фарғона халқи, аҳолисидан ўч олган. «Уларнинг бундан муддаолари, — деб ёзади бу ҳақда Фозилбек Отабек ўғли ўз китобида, — фуқарога сиёсат кўрсатиб, юракларида кўрқинч тугдириш ва истибдод салтанати тахтида узун замонлар беташвиш ҳукм суришдан иборат эди»⁹⁸. Подшо маъмурлари тинч аҳолидан юзларча кишини отиб ўлдирган, икки минг кишини қамоққа олган. Дукчи эшон яқинларидан 15 киши осиб ўлдирилган, ҳатто унинг қишлоғи, юрган йўллари тўпга тутилиб, йўқ қилиб ташланган. Унинг жуда кўп яқин кишилари, сафдошларининг иши Фарғона генерал-губернатори — раис ва 5 аъзодан иборат таркибдаги ҳарбий судда 1898 йил 13 майда кўрилиб, улар осиб ўлдиришга, жазони янги шаҳар тупроқ кўргони олдидаги майдонда халқни мажбурий тарзда тўплаб, ҳамманинг кўз ўнгида ижро этишга ҳукм қилинган⁹⁹.

1916 йилда Туркистонда бутун ўлкани подшо амалдорлари ва унинг зулмкор сиёсатига қарши кўзғолон чулғаб олди. Кўзғолонни бостиришда минглаб кишилар отиб ташланган бўлса-да, шундан кейин 3 минг киши подшо судларига берилди. 1917 йил январида подшо судларининг Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган ҳукмига биноан 347 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди¹⁰⁰.

⁹⁷ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. Т., «Чўлпон», 1991. — 48-бет.

⁹⁸ Ўша ерда. — 35-бет.

⁹⁹ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.

¹⁰⁰ Сулайманова Х.С. Собрание сочинений. Т. I. Т., «Ўқитувчи», 1987. — 81-бет.

Одам ўлдириш, талончилик, исён, ҳокимиятга қарши қаратилган жиноятларга кўпинча ўлим жазоси берилиб, қушбеги томонидан тасдиқланган ва дарҳол амирга етказилган. Бухоро амирлигида бу даврда қуйидаги асосий жазолар қўлланилган: а) пул жарималари; б) таёқ билан уриб тан жазоси бериш; в) қамоқ ёки амлоқдорхонага қамаш; г) беклик марказидаги қамоқхона — турмага қамаш; д) умр-бод ҳарбий хизматга ёзиш; е) қарзлари учун қарамликка бериш; ж) қатл этиш.

Россия билан 1873 йилда тузилган тинчлик шартномасига кўра, Хива хонлиги XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россия давлати ҳомийлиги (протекторати) остидаги давлатга айланди. Хива ҳуқуқ тизими тўғрисида айтиш лозимки, фақат Туркистон генерал-губернаторлиги доирасидагина эмас, балки Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида ҳам маҳаллий халқ учун ҳуқуқнинг асосий манбаи шариат ҳуқуқи, шунингдек, одат ҳуқуқлари бўлиб қолаверган. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқи масалаларида хоннинг фармонлари ҳам ҳуқуқ манбаига айланган. Ҳатто ана шу ҳужжатлар асосида шариатда кўрсатилмаган жазолар ҳам тайинланган.

Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда ўлим жазосидан воз кечишга уриниш уч марта қайд этилди. 1917 йил 26 октябрда II Бутунроссия Советлар съезди декрети билан ўлим жазоси бекор қилинган ҳақида эълон қилинди. Аммо 1918 йил 21 февралдаёқ Халқ Комиссарлар Кенгашининг «Социалистик ватан хавф остида» номли декрети билан анча кўп қилмишлар, чунончи: жосуслик, чайқовчилик, безорилик, аксилинқилобий тарғибот ва бошқалар учун, ҳатто судсиз — ушланган жойнинг ўзида отув жазосини қўллашга рухсат этилди. Бундай чексиз ҳуқуқлар Бутунроссия Фавқулудда комиссияси (ВЧК)га берилди ва у ўзига берилган мазкур ҳуқуқлардан жуда кенг фойдаланди.

Ўлим жазоси **иккинчи марта** 1920 йил 17 январда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси «Олий жазо (отув) қўлланилишини бекор қилиш тўғрисида»ги қарори билан бекор қилинди. Украинада ўлим жазоси бекор қилинмади. Украина инқилобий қўмитаси 1920 йил 2 февралда чиқарган қарорида совет ҳокимиятига хавф солувчи ҳолатлар ҳали тугатилганича йўқ ва душман Қизил Армияга қаршилик кўрсатяпти деган хулосага келди.

Ўлим жазоси Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1920 йил 11 майдаги «Айрим губернияларда ҳарбий ҳолат эълон қилиш тўғрисида»ги қарори ва 1920 йил 28 майдаги декрети билан яна тикланди. Шу ўринда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси 1920 йил 22 майда қабул қилган «Ҳарбий ҳолат эълон қилинган жойлар-

да, шунингдек фронтлар инқилобий ҳарбий кенгашлари ҳоқимияти амал қиладиган жойларда губерния инқилобий трибуналлари томонидан олий жазо ҳақидаги ҳукмларни ижро этиш тартиби тўғрисида»ги декретни қайд этиб ўтиш лозим. Ушбу ҳужжат губерния инқилобий трибуналларига «маҳаллий губерния инқилобий қўмитасига ёки унинг ҳайъатига ёки маҳаллий инқилобий қўмитага трибунал кассация шикоятга ёки афв этиш ҳақида илтимоснома олган пайтдан бошлаб 24 соат ичида уларни ўтказмаслик ва ҳукми зудлик билан ижро этишга қаратиш тўғрисида тақдимнома киритиш» ҳуқуқини берар эди. Бунинг учун фақат трибунал «иш шубҳасиз аниқ, содир этилган қилмиш ҳамда губерниядаги сиёсий вазият оғир бўлгани учун ҳукм зудлик билан ижро этилиши керак» деб топиши талаб қилинарди. Шундай қилиб, маҳкумни шикоят бериш ва афв этилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ҳукм зудлик билан ижро этилиши учун губерния ижроия қўмитасининг қарори кифоя қиларди.

Юқоридагилардан истисно тарзда, 20-йилларда отувни амнистия тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш чораси ҳам қўлланилди. Мисол учун, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми 1927 йил 2 ноябрда қабул қилган Октябрь инқилобининг 10 йиллиги шарафига амнистия эълон қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ижтимоий ҳимоя олий чораси (отув)га ҳукм қилинган барча шахсларга, давлат жиноятлари ва ҳарбий жиноятлар, шунингдек қуролли босқинчиликда айбдор шахслардан ташқари, ижро этилмаган жиноятлар бўйича отув мол-мулк мусодара қилиниб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилди.

Шу ўринда 30-йилларда судсиз отув ҳам кенг қўлланилганини қайд этиб ўтиш керак. Бундай ҳуқуқдан Фавқулодда комиссия (ЧК) совет ҳоқимиятининг дастлабки йилларида фойдаланган эди. Лекин ўша пайтда ҳоқимият вакиллари бунинг фуқаролар уруши шароити, чет эл ҳарбий интервенцияси ва бошқа фавқулодда ҳолатлар билан оқлашга ҳаракат қилгандилар. Ваҳоланки, 30-йилларда фуқаролар уруши йўқ эди. Шунга қарамай, 1934 йил 5 ноябрда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Кенгаши қарори билан СССР Ички ишлар Халқ комиссарлиги ҳузурида Маҳсус кенгаш ташкил этилди¹⁰¹. Бу орган расман сургун қилиш, муайян ҳудуддан чиқариб юбориш ва лагерь қамоғига ҳукм этиш ҳуқуқига эга. Лекин амалда Маҳсус кенгаш, жойларда ташкил қилинган «учликлар», «бешликлар» ва шу каби минглаб кишиларни айбини кўриб чиқмасдан ва исботламасдан, ҳатто айбланувчини чақирмасдан отувга ҳукм қиларди.

¹⁰¹ Собрание законодательства СССР. 1935. №11. 84-бет.

Кейинчалик қабул қилинган бир қанча қонун ҳужжатлари билан ғайриинқилобий жиноятлар ҳақидаги ишларни тергов қилиш ва кўриб чиқиш таомилига ўзгартишлар киритди, ҳукмлар, шу жумладан, отув ҳукмлари устидан шикоят бериш ҳуқуқи бекор қилинди, ишларни судда томонлар, яъни ҳимоя иштирокисиз кўриш тартиби ўрнатилди, олий жазо ҳақидаги ҳукми у эълон қилинган заҳоти зудлик билан ижро этиш тартиби жорий этилди. 30-йилларда ва ундан кейинги даврда террорнинг кучайиши натижасида миллионлаб одамлар ҳалок бўлди; отиб ташланганлар ва лагерларда ҳалок бўлганларнинг аниқ миқдори ҳанузгача аниқланмаган, 20, 30 миллион ва ундан кўпроқ одамлар ҳалок бўлган, деган тахминлар мавжуд. Террор ва оммавий қатағон Сталиннинг ағдарилган синфлар қаршилигининг кучайиши назарияси билан асосланарди. Ваҳоланки, амалда ўша даврга келиб қаршилиқ ҳам, қайд этилган синфларнинг ўзи ҳам қолмаган эди.

Сталинча террорнинг авж олиши 1932 йил 1 декабрга тўғри келади. Шу куни С.М.Кировнинг ўлдирилганлиги баҳонаси билан ХКСнинг «Иттифоқ республикалари Жиноят ва Жиноят-процессуал Кодексларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. 5 декабрда эса шу қарор асосида Ички ишлар Ҳалқ комиссарлиги (НКВД) қошида махсус бўлим ташкил қилиниб, унга ижтимоий хавфли деб топилган шахсларга нисбатан судсиз тартибда сургун, бадарға қилиш ва лагерга юбориш каби жиноий жазоларни қўллаш ваколатлари берилган. Жазони ижро этиш жойларида эса чидаб бўлмас шароитларнинг яратилиши натижасида миллионлаб одамлар нобуд бўлган. Расмий равишда инсон ва унинг ҳуқуқлари энг катта бойлик сифатида тан олинган бўлса-да, аслида инсоннинг кадр-қиммати ерга урилиши ва камситилиши одатий ҳолга айланган эди. Ҳеч кимда репрессия ва қувғинлардан қочиб қутулиш кафолати йўқ эди. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, репрессия йилларида 20 миллионга яқин одам отиб ташланган ёки бошқача усуллар билан йўқ қилинган.

Учинчи марта ўлим жазоси СССР Олий Кенгаши Президиуми 1947 йил 26 майда қабул қилган «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонига биноан бекор қилинди. Мазкур ҳужжат тинчлик даврида ўлим жазосини қўллашни бекор қилди ва унинг ўрнига 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тақлиф этди. Орадан кўп ўтмай, 1949 йилда Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида барча давлатларда ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида тақлиф киритди. Аммо ўша даврда бу тақлиф қўллаб-қувватланмади.

Шу нарса диққатга сазоворки, ўлим жазоси расман бекор қилинган йилларда ҳам ғайриинқилобий жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича

Давлат хавфсизлиги вазирлигининг махсус судлари мазкур жазони қўллаши мумкинлиги ҳақидаги махфий кўрсатма амал қилди¹⁰².

Бироқ, 1950 йилда расман амал қилган тақиқ ҳам бекор қилинди, Ватан хоинлари, жосуслар, кўпоровчи-диверсантларга нисбатан, 1954 йилдан эса — жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун ҳам ўлим жазосини қўллашга рухсат этилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг юқоридаги 1947 йил 26 майда Иттифоқ Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ ўлим жазоси бекор қилинган ва унинг ўрнига 25 йилга озодликдан маҳрум қилиши жазоси белгиланган. Лекин уч йил ўтар-ўтмас, 1950 йил 12 январда Олий Кенгаш Президиумининг «Ватан хоинларига, жосусларга ва кўпоровчи диверсиантларга ўлим жазосини қўллаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. 1954 йил 30 апрелда эса қасддан одам ўлдириш учун ҳам ўлим жазоси қайта тикланган. 1961 йил 5 майда жуда кўп миқдорда талон-тарож қилганлик, валюта қимматликлари билан муомалада суиистеъмолчиликларга йўл қўйганлик, жазони ижро этиш муассасалари ишини издан чиқарганлик учун, 1962 йил 15 февралда милиция ёки халқ дружиначисининг ҳаётига суиқасд қилганлик, пора олганлик, номусга текканлик учун, 1973 йил январда эса ҳаво кемасини олиб қочганлик учун ўлим жазоси киритилган.

Шу тариқа кейинги йилларда ҳам ўлим жазоси ҳарбий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда «халқ душманлари»га қарши курашни кучайтириш баҳонаси билан қайта тикланиб турган. Қайд этиш керакки, «халқ душмани» термини ўша йиллардаги расмий ҳужжатларда ва юридик адабиётда жуда кенг талқин қилинган. Жумладан, СССР Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ Комиссарлари Кенгаши 1932 йил 7 августда қабул қилган «Давлат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва матлубот жамиятларининг мол-мулкни кўриқлаш ва ижтимоий (социалистик) мулкни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарориди социалистик мулкни талон-торож қилувчиларни халқ душманларига тенглаштириш ва уларга нисбатан отув жазосини қўллаш ҳуқуқи назарда тутилган¹⁰³.

Ўлим жазоси жинойий жазо тури сифатида совет давлатининг бутун тарихи мобайнида мавжуд бўлган. Аммо, мазкур жазо амалда қанчалик кенг қўлланишидан қатъий назар, у вақтинчалик хусусиятга эга эканлиги қонунда муттасил қайд этилган. Собиқ совет ҳукуматининг ўлим жазосига нисбатан муносабати бир хил бўлмаган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ таркибига 1924 йил аъзо бўлган бўлса-да, лекин Иттифоқнинг 1917 йил октябрь «инқи-

¹⁰² Шишов О. Ф. Смертная казнь в истории Советского государства. Смертная казнь: за и против. М., 1989. — 124-бет.

¹⁰³ Собрание законодательства СССР. 1932. №62. 360-бет.

лоби»дан сўнги сиёсати кейинчалик ҳам кўп йиллар мобайнида республикамиз ҳаётига ўз салбий таъсирини ўтказиб келди.

1922 йил 24 майда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодекси социалистик давлатнинг биринчи Жиноят кодекси бўлиб, у Умумий ва Махсус қисмлардан иборат эди. Унда олий жазо «Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан бекор қилингунга қадар» амал қилувчи вақтинчалик чора деб эълон қилинди (33-модда). Ушбу кодексни Туркистон республикаси ҳудудида жорий қилиш тўғрисида ТуркМИК 1922 йил 21 июлда қарор чиқаради.

Бу кодекс 1924 йилнинг февраль ойида Бухоро Халқ Республикаси ва ана шу йилнинг октябрь ойида Хоразм Халқ Республикаси ҳудудида ҳам жорий қилинган.

Отув жазосининг вақтинчалик хусусияти СССР ва иттифоқдош республикаларнинг 1924 йилги Жиноят ҳақидаги қонун ҳужжатлари асосларида, 1926 йилги Жиноят кодексиди ҳам қайд этиб ўтилди. 1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1926 йил 1 июлидан кучга киритилган. ЎзССР Жиноят кодекси 4 бўлим ва 10 боб ҳамда 293 моддадан иборат бўлиб, умумий ва махсус қисмларга ажратилган.

1926 йилгача республикамиз ҳудудида РСФСРнинг 1922 йилги Жиноят кодекси қўлланилиб келинган эди. У ЎзССР ЖКнинг амалга киритилиши билан республикамиз ҳудудида ўз кучини йўқотган.

Иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР 1959 йил 21 майда Республика Олий Советининг бешинчи чақриқ 2-сессиясида ўз Жиноят кодексини қабул қилди ва бу кодекс 1960 йил 1 январдан бошлаб 1995 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилди. Ушбу Жиноят кодексиди ўлим жазоси жазолаш тизимига киритилмаган. Бундан жинойи жазо чораси сифатида ўлим жазоси мавжуд эмас деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо навбат бўйича кейинги модда ўлим жазосига бағишланган эди, яъни ўлим жазоси то «у батамом бекор қилингунга қадар фавқулодда жазо чораси» сифатида қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди (22-модда). Ўзбекистон Республикаси қонунчилари мазкур жазо турини жазо тизимига киритиб (ЖК 43-моддаси) жуда тўғри қилган¹⁰⁴.

Кодекс Махсус қисмининг санкцияларида ўлим жазоси тайинлаши мумкин бўлган жиноятлар рўйхати унга янги жиноят турлари киритилиши ҳисобига анча кенгайди. Ўлим жазосини тайинлаш имконияти назарда тутилган жиноят таркиблари 30 дан ошиб кетди.

¹⁰⁴ Каракетов Ю., Фиглин Г. Казнить или миловать. «Правда Востока», 1994 й. 18 январь.

90-йилларнинг бошида ўлим жазоси тариқасидаги жазони иқтисодий ва бошқа нозўравонлик жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларнинг санкцияларидан чиқариб ташлашга йўналтирилган тескари жараён бошланди. Шунга қарамай, 1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси амал қилиш муддатининг охирига келиб, унда ўлим жазоси назарда тутилган 33 санкция мавжуд эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу даврга оид маълумотларни таҳлил қилиш, собиқ Иттифоқда ўлим жазосидан асосан ҳурфикрлиги билан ажралиб турган, совет мафкурасига қарши кайфиятда бўлган шахсларни «ватан хоинлари» деб эълон қилиш курали сифатида фойдаланилган деган аянчли ва жирканч хулосани келтириб чиқаради¹⁰⁵.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил сентябрда ўз мустақиллигини эълон қилди. Лекин эндигина мустақилликка эришган ватанимизда асосан эски совет мафкурасига асосланган ва у билан йўғрилган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар мерос қолиб, ҳамон амал қилмоқда эди. Шунга кўра, 1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси(1988 йил 1 январгача киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар олиб тузилган)га биноан 34 та моддасида ўлим жазоси назарда тутилганди. Ушбу Жиноят кодексида қуйидаги жиноятларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган эди:

- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 54-моддаси биринчи қисм. «Ватанга хиёнат қилиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 55-моддаси «Жосуслик»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисм. «Террористик акт»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 57-моддаси биринчи қисм. «Чет эл давлат вакилига қарши террористик акт»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 58-моддаси «Қўпоровчилик»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 62-моддаси «Давлатга қарши алоҳида хавфли жиноятларни қилишга қаратилган ташкилий фаолият, шунингдек советларга қарши ташкилотларда иштирок этиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 63-моддаси «Бошқа меҳнаткашлар давлатига қарши содир этилган алоҳида хавфли жиноятлар»;

¹⁰⁵ Русецкий А. У. Смертная казнь. <http://www.rusetsky.com/death.htm>

- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 67-моддаси «Бандитизм»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 67¹-моддаси, иккинчи қисм. «Меҳнат-ахлоқ тузатиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 71-моддаси иккинчи қисм. «Сафарбарлик бўйича чақирилишдан бош тортиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 77-моддаси иккинчи қисм. «Қалбаки пул ёки қимматдор қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 78-моддаси иккинчи қисм. «Валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 80-моддаси биринчи қисм. «Айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 94-моддаси тўртинчи қисм. «Номусга тегиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 119¹-моддаси «Давлат ёки жамоат мулкани жуда кўп миқдорда талон-тарож қилиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 152-моддаси учинчи қисм. «Пора олиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 194¹-моддаси «Милитсия ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 209³-моддаси учинчи қисм. «Ҳаво кемасини олиб қочиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 226-моддаси в-қисм. «Итоатсизлик»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 228-моддаси в-қисм. «Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни ўз хизмат вазифаларини бузиб бажаришга мажбур этиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 230-моддаси б-қисм. «Бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 235-моддаси б, г-қисмлар. «Дезертирлик»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 236-моддаси «Жанг вазиятида ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш»;

- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 237-моддаси б-қисм. «Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа йўллар билан ҳарбий хизматдан бўйин товлаш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 239-моддаси в-қисм. «Ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 243-моддаси е-қисм. «Қоровул хизмати устави қоидаларини бузиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 245-моддаси г-қисм. «Жанговар навбатчилиқни ўташ қоидаларини бузиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 248-моддаси в-қисм. «Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимиятдан четга чиқиш ёки ҳокимиятда ҳаракатсизлик кўрсатиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 249-моддаси «Уруш олиб бориш воситаларини душманга топшириш ёки қолдириш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 250-моддаси б-қисм. «Ҳалок бўлаётган кемани ташлаб кетиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 251-моддаси «Жанг майдонини ўзбошимчалиқ билан ташлаб кетиш ёки қурол билан ҳаракат қилишдан бош тортиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 252-моддаси «Ўз ихтиёри билан асирга тушиш»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 254-моддаси «Мародёрлик»;
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 255-моддаси «Уруш ҳаракатлари районида аҳолига зўравонлик ишлатиш».

5. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ ВА УНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ЖАРАЁНИ

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб белгиланди. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида яшаш ҳуқуқи, нафақат мазкур ҳуқуқнинг ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажралмас эканлиги, балки инсоннинг Конституцияда берилган ва кафолатланган ҳамда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан ҳимоя қилинадиган барча мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг дастлабки шarti ва гарови ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида бунга кенг таъриф берилади: «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди».

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг энг асосийси ҳисобланмиш яшаш ҳуқуқининг конституция даражасида мустақамланиши ўз навбатида давлат олдига инсон ҳаётини ҳимоялаш ва унга бўладиган турли хил ижтимоий хавфли тажовузларнинг олдини олишнинг амалдаги механизмини яратишдек ўта масъулиятли вазифани қўяди.

Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Жиноят кодекси инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасида ўзига хос ўрин тутиб, яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги нормаларнинг 26% муайян даражада фуқаролар ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиний жавобгарликни назарда тутишини таъкидлаш бизнингча етарли. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъий назар, фуқаролар ҳаёти жиноят қонунлари билан муҳофазаланади. Чунончи, хоҳ гўдак, хоҳ қария, хоҳ жисмонан соғлом, хоҳ ногирон, хоҳ руҳий норасо бўлсин, умуман, барчасининг ҳаётини муҳофазалашга қаратилган.

Муайян даражада инсон ўлимига сабаб бўладиган қилмишлар жиноят қонунлари томонидан ижтимоий хавфли деб тан олинади, чунки ҳар бир инсон ҳаёти ижтимоий қадрият ҳисобланади. Одамлар эса, ўз навбатида, ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, мазкур муносабатлар инсонлар иштирокисиз реал мазмунга эга бўлмаган мавҳумликка айланади.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Жиноят кодексида 13 та модда бўйича, яъни:

- жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда иккинчи қисми),
- номусга тегиш (118-модда тўртинчи қисми),
- жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда тўртинчи қисми),
- агрессия (151-модда иккинчи қисми),
- урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда),

- геноцид (153-модда),
- терроризм (15-модда учинчи қисми),
- давлатга хоинлик қилиш (157-модда биринчи қисми),
- Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модда биринчи қисми),
- жосуслик (160-модда биринчи қисми),
- жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда биринчи қисми),
- контрабанда (246-модда биринчи қисми),
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (272-модда иккинчи қисми) жиноятлари бўйича ўлим жазоси қолдирилди холос.

Бу ҳолат эндигина мустақил бўлган ва ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган республиканинг эҳтиёжларига мос келар эди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Парламентга мурожаатида шундай деб таъкидлаган эди: «Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради»¹⁰⁶.

Ўлим жазосининг қонунда қолдирилиши ёки бекор қилиниши фақат давлатнинг маданийлашганлиги ёки демократлашганлиги масаласи эмас. Ушбу масаланинг ечими, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ҳеч қандай молиявий харажатлар билан боғлиқ эмас. Ўлим жазосини қўллашнинг моҳияти жуда чуқур, таъбир жоиз бўлса, онг ости соҳасида ётадики, уни қонун тили билан ифодалаш ёки бирон-бир ташқи йўсинда чегаралаш мумкин эмас. Ушбу муаммо ижтимоий жиҳатга эга. Жиноий жазо ижтимоий адолатни тиклашнинг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий усулидир. Халқда бу сезги қанча кучли бўлса, жазо шунча оғир бўлади. Шу боис давлатлар ўлим жазосини фақат энг оғир жиноятлар учун қўллайдилар, бошқа жиноятлар учун мазкур жазонинг қўлланилиши имкониятини эса чеклайдилар.

Ҳозирда ўлим жазосини қўллаш доирасини торайтириш билан боғлиқ дунё миқёсидаги жараёнлардан мамлакатимиз орқада қолаётгани йўқ. Президент Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди. Эндиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасдан одам ўлдир-

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Парламентга мурожаати, 2001 йил 29 август.

ганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган»¹⁰⁷. Ваҳоланки, яқин ўтмишда Ўзбекистонда ўлим жазоси нафақат бир қанча давлатга қарши ва ҳарбий жиноятлар, шахсга қарши ўта оғир жиноятлар учун, балки давлат ва жамоат мол-мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилганлик, масъул мансабдор шахснинг пора олиши ёки жуда кўп миқдорда пора олиш, шунингдек, айрим бошқа жиноятлар учун ҳам назарда тутилган эди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг **1998 йил 29 августда** бўлиб ўтган ўн иккинчи сессиясида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 8 тагача¹⁰⁸ қисқартирилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, яна 5 та жиноят (ЖКнинг 119-моддаси тўртинчи қисми, 152-моддаси, 158-модданинг биринчи қисми, 160-модданинг биринчи қисми, 246-модданинг биринчи қисми) санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президент И. А. Каримов томонидан қилинган «Адолат қонун устуворлигида» номли маърузада жиноят қонунчилигимизга оид сиёсатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш истиқболлари белгилаб берилди. Шу сессияда **2001 йил 29 августда** Олий Мажлис томонидан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга мувофиқ яна ўлим жазоси санкциясида белгиланган жиноятлар рўйхати 4 тагача¹⁰⁹ камайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 118-моддаси тўртинчи қисми, 157-моддаси биринчи қисми, 242-моддаси биринчи қисми, 272-моддаси иккинчи қисми санкциясидан ўлим жазоси олиб ташланди.

Ва ниҳоят, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг **2003 йил 12 декабрида** бўлиб ўтган ўн учинчи сессия-

¹⁰⁷ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. —Т., «Ўзбекистон», 2005. — 48—49-бетлар.

¹⁰⁸ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август Қонуни билан.

¹⁰⁹ «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан.

сида Жиноят кодексидаги яна 2 та жиноят (ЖКнинг 151-моддаси иккинчи қисми, 153-моддаси) санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди. Шу билан БМТ Бош ассамблеясининг 32 сессияси 1977 йил 9 декабрда қабул қилган 32/61-сон резолюция қўллаб-қувватланди, десак хато бўлмайти. Бу резолюцияда жумладан шундай дейилади: «Ўлим жазоси тўғрисидаги масалада кўзланиши лозим бўлган асосий мақсад мазкур жазони бекор қилиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар сонини мумкин қадар камайтиришдан иборат»¹¹⁰.

Шундай қилиб, ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модда иккинчи қисми) ва терроризм (155-модда учинчи қисми) учун ўлим жазоси назарда тутилган, холос¹¹¹. Мазкур жиноятлар энг оғир жиноятлар эканлиги шубҳасиз, боиси буни бутун жаҳон ҳамжамияти эътироф этган. Масалан, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш деярли ҳаммаёқда ўлим жазоси билан жазоланади.

Миллий жиноят қонунчилигимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддасининг иккинчи қисми бўйича ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда ўлим жазосининг қўлланилиши жаҳондаги тенденцияларга мувофиқ аста-секин, босқичма-босқич камайиб бораётганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейинги 12 йил ичида ўлим жазосини тайинлаш имконияти 15 баравардан кўпроқ камайди. Ўлим жазосини тайинлаш имконияти назарда тутилган жиноятлар ҳозир Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан жазоланувчи қилмишлар умумий миқдорининг бир фоизига яқинини ташкил этади. Ваҳоланки, айрим илғор, демократик, иқтисодий ривожланган мамлакатлар (масалан, АҚШ, Тайланд ва б.) ҳали бу босқичга қадам қўйгани йўқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бу жазо туридан яқин йиллардаёқ бутунлай воз кечиш имконини яратиши мумкинми? Бу борада Республикаимиз Президенти 2005 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

¹¹⁰ Права человека и судопроизводство. Собрание международных документов. Варшава. 1994. — 204-бет.

¹¹¹ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь Қонунин билан.

қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган муҳим масалалардан бири — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир¹¹², деб, шунингдек, «Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда»¹¹³, дея таъкидлаб, ўзининг бу жазо турига муносабатини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 августда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида кўра Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январдан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этиладиган бўлди.

Ўлим жазоси бекор қилинар экан, бекор қилингунга қадар ушбу жазо билан боғлиқ муносабатларда қуйидаги ўзгартиришларни амалга ошириш зарур:

— биринчидан, ўлим жазосининг процедураси, ўлим жазоси тайинланган шахслар сони ва бошқа маълумотларни мумкин қадар ошқор тарзда халқимиз муҳокамасига қўйиш;

— иккинчидан, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш шароитларини бирмунча яхшилаш;

— учинчидан, маҳкумнинг яқин қариндошлари томонидан маҳкумнинг сақланиш жойи, маҳкумнинг апелляция шикоятларига берилган жавоблар, рад этиш асослари ҳақида ахборотга эга бўлишни таъминлаш;

— тўртинчидан, яқин қариндошларга маҳкум билан жазони ижро қилишдан олдин хайрлашиш имконини яратиш;

— бешинчидан, судлар томонидан ўлим жазосини тайинлашнинг расмий мезонларини белгилаш ва уларга амал қилинишини таъминлаш;

— олтинчидан, ўлим жазосига ҳукм қилинганларни афв этишни тақлиф қилувчи комиссия фаолиятини такомиллаштириш, адвокат томонидан комиссиянинг маълумотларидан эркин фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини билдириш имкониятини яратиш, комиссиянинг қарорига ушбу қарор Президент томонидан кўриб чиқилгунга қадар шикоят билдириш учун етарли имконият яратиш ва ҳоказо.

¹¹² Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., «Ўзбекистон», 2005. — 48-бет.

¹¹³ Уша ерда.

III боб. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ ВА УНИ ИЖРО ЭТИШ УСУЛЛАРИ

1. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ ЖАЗОНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

Ўлим жазоси минг йиллардан бери мавжуд. Унинг қурбонлари миллионлар билан ўлчанади. Ўлим жазоси деярли ҳар бир давлатда, илғор давлатларда ҳам, мустабид деб эътироф этилган давлатларда ҳам, Европа давлатларида ҳам, Шарқда ҳам қўлланилган. Ушбу жазо турини мусулмонлар ҳам, христианлар ҳам қўллаганлар.

Аммо бугунги кунда ўлим жазосининг тарафдорлари сони камайиб бормоқда. Зеро, инсон ҳаёти қиммагининг эътироф этилиши мазкур жазо турига бошқача назар ташлашга мажбур қилмоқда. Ўлимни жазо тури сифатида қўллашга қаршилар ўлим жазоси жиноятчиликни тўхтатишга ва жамиятнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга қодир эмаслигига инсоният ўз тажрибасида иқрор бўлмоқда, деб эътироф этишмоқда.

Охирги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакатда барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинмоқда. Тарихда биринчи бўлиб ўлим жазоси АҚШнинг Мичиган штатида 1846 йилда бекор қилинган эди. Европада эса 1867 йилда Португалияда ушбу жазо бекор қилинди¹¹⁴.

1999 йили бўлиб ўтган ўлим жазосини бекор қилиш масалалари бўйича Бутунроссия конференциясида эълон қилинган маълумотларга кўра, 1999 йилнинг апрелигача БМТга аъзо 185 мамлакатдан 112 таси ўлим жазосини бекор қилган, қолган 73 мамлакатдан 40 тасигина бу жазони охирги бир йил ичида амалда ижро этган¹¹⁵.

«Халқаро амнистия» ташкилотининг охирги маълумотларига кўра:

- 80 давлат барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилган;
- 15 давлат фавқулодда ҳолатлардан (масалан, ҳарбий жиноятлардан) ташқари, ҳар қандай жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилган;
- 23 давлатни аболиционист деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур мамлакатлар қонунчилигида ўлим жазоси назарда тутилган, аммо

¹¹⁴ Дмитрий Чиркин. Смертная казнь в России: за и против. <http://pravda.ru/main>

¹¹⁵ Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни, Москва, 3—4 июня 1999 г. М., 2000. — 119-бет. (Сержио Делиа (Италия) маърузаси).

охирги ўн йил ёки ундан кўпроқ вақт мобайнида ўлим жазоси ҳақидаги биронта ҳам ҳукм ижро этилмаган; шунингдек ушбу мамлакатларда бундай ҳукмларни ижро этмаслик сиёсати ёки шаклланган амалиёти мавжуд. Шунга кўра, ўлим жазосини қонун йўли билан бекор қилган ёки амалда қўлламайдиган давлатлар сони 118 тага етади;

- қолган 78 давлат ва ҳудудий тузилмалар ўлим жазосини сақлаб қолмоқда ва уни амалда қўлламоқда. Аммо маҳкумларни муайян йил давомида амалда қатл этган мамлакатлар сони анча кам¹¹⁶.

Ўтган ўн йилликда жаҳонда ўрта ҳисобда йилига учтадан давлат барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилди. 1990 йилдан 35 дан ортиқ давлат ва ҳудудий тузилма барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилди. Улар орасида Африка давлатлари (масалан, Ангола, Кот-Д'Ивуар, Маврикий, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси), Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари (Канада, Парагвай), Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари (Бутан, Гонконг, Непал, Самоа, Туркменистон), шунингдек Европа ва Жанубий Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Грузия, Кипр, Польша, Сербия ва Черногория, Украина) бор¹¹⁷.

Чунончи, энг демократик давлатлардан бири бўлган АҚШнинг 50 штатидан 38 тасида ўлим жазоси назарда тутилган. Ушбу мамлакатлар сиёсий эркинлик даражаси, анъаналари ва маданияти, иқтисодиёт ва ҳуқуқ тизимларининг ривожланиш даражасига кўра бири-бирдан жиддий фарқ қилади, аммо уларнинг барчасини ўлим жазоси сақланганлиги бирлаштириб туради.

1965 йилдан жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатлари ўзларининг жиноят қонунчилигида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар доирасини кенгайтирди. 22 та давлат «давлат хавфсизлиги» билан боғлиқ жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилишини лозим деб топди. Булар орасида сезиларли қисмини сиёсий жиноятлар ташкил қилади. Дунёнинг 13 мамлакати ўлим жазосини терроризм учун белгилади. Шу билан бир қаторда одамлар ўлимига сабаб бўлган самолётни олиб қочиш, гаров сифатида ушланган шахсларни ўлдириш (Миср, Қувайт, Индонезия, Япония ва АҚШ) учун ўлим жазоси тайинланганлиги шулар жумласидандир. 12 та мамлакатда эса ўлим жазосини жинсий жиноятлар учун; Покистонда товон олиш мақсадида одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар учун, шунингдек тамагирлик ниятида бола ўғирлаш, хиёнат қилганлик учун, Тунисда, Тайланд ва Сомалида ҳам — хиёнат қилганлик учун, айнан шу

¹¹⁶ <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари.

¹¹⁷ Ўша жойда.

мамлакатларда ва Миср, Жанубий Корея ҳамда ЖАРда — номусга тегиш жинояти учун, Сирияда эса вояга етмаган шахсни жинсий таҳқирлаш, мусулмон бўлмаганлар билан жинсий алоқа қилганларга нисбатан қўлланилган.

Жаҳон мамлакатлари ичида 22 та давлат гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний равишда савдо-сотик (наркобизнес) учун ўлим жазоси ўрнатган (Хитой, Эрон, Миср, Малайзия, Сингапур, Бирма, Индонезия ва бошқалар). Таъкидлаш жоизки, 1979 йилга келиб бундай мамлакатлар сони 10 тага етган.

Баъзи мамлакатларда ўлим жазоси одамларни ўғирлашга (Малайзия), жамоат тартибини бузиш, безорилик, фоҳишахона сақлаш, порнографик маҳсулотларни, яъни турли хилда порнографик расмлар, кинофильмлар савдоси билан шуғулланиш ёки уларни намойиш этишга (Хитой), одамлар ўлимига сабаб бўлган транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқаришга (Болгария), Ливияда эса алкоғоли ичимликларни суиистеъмол қилган шахсларга нисбатан қўлланилган. Дунёнинг 15 давлатида (Болгария, Гана, Эрон, Нигерия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Сомали, ЖАР, Судан ва бошқаларда) ўлим жазоси иқтисодий жиноятлар учун, жумладан, коррупция, давлат мулкани талон-торож қилиш, божхона хизматчиларига хужум қилиш, қуролли босқинчилик каби жиноятлар учун қўлланилган. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу давлатларнинг 7 тасида ўлим жазоси кўп миқдорда талон-торож қилганлик ва пора олганлик учун ҳам тайинланган. Айрим Шарқ мамлакатларида ўлим жазоси зино қилиш, номусга тегиш, бесоқолбозлик, номусулмон эркак ва мусулмон аёл ўртасидаги жинсий алоқа учун назарда тутилган. Яқинда бу жазо Ливияда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш учун белгилангани ҳақида маълумот берилди¹¹⁸.

1996 йилдан буён БМТ комиссияси ўлим жазосининг олиб ташланиши муаммоси бўйича изланишлар олиб бормоқда ва бу борада муайян натижаларга эришмоқда. 1989 йилдан 1995 йилгача 25 давлат ушбу жазо турини бекор қилди. 1995 йилнинг охирида 72 давлат уни бекор қилган эди. 1990 йиллар ўртасида ўлим жазосидан воз кечган давлатлар сирасига Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария ва Греция каби давлатларни киритиш мумкин. 1993 йилга келиб Болгария давлати ўлим жазосига нисбатан мораторий эълон қилди. 1995 йилда Испания, Молдова ва ЖАР, 1996 йилда Болтиқбўйи давлатлари, хусусан, Литва ва Латвия ўлим жазосига мораторий эълон қилди. 1997 йилнинг бошида Эстонияда ўлим жазоси бекор қилинганлиги эълон қилинди.

¹¹⁸ Российская газета. 1996 й. 7 июнь.

Шу билан бирга бунга қарама-қарши ҳоллар ҳам мавжуд. Ўлим жазосини бекор қилган мамлакатларнинг тўрттасигина олий жазони қайта тиклаган. Шу давлатлардан бири — Непал ҳозирда ўлим жазосини яна бекор қилди; тагин бир давлат (Филиппин) аввал ўлим жазосини тиклади, сўнгра ҳукмларнинг ижро этилишини яна тўхта-тиб қўйди. Қолган икки давлат (Гамбия, Папуа Янги Гвинея)да ўлим жазосини тайинлаш ҳолатлари қайд этилмаган¹¹⁹.

1965 йилдан бошлаб 50 дан ортиқ мамлакат ўлим жазоси тайин-ланиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатини кенгайтирди. Булар жумласига, Хитой(1979 йилги Хитой Жиноят кодексида 15 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, 1982—1983 йилларга келиб уларнинг сонига яна 14 та жиноят қўшилди), Корея, Саудия Арабистони каби давлатларни киритиш мумкин.

Энди юқоридаги ва бошқа жаҳоннинг турли давлатларида ўлим жазосининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатларни умумлаштирган ҳолда батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Адабиётларда мамлакатларни ўлим жазосини қўллаш амалиётига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш қабул қилинган:

1. **Қонунчилигида ҳеч қандай жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилмаган мамлакатлар.** Бу гуруҳга 1989 йилда 35 давлат кирган бўлса, 1995 йил охирига келиб бундай мамлакатлар сони 60 тага яқинлашган. Буларга Европа мамлакатлари (Австрия, Германия, Дания, Исландия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Франция, Чехия, Швеция), шунингдек Австралия ҳамда Лотин Америкасидаги айрим мамлакатлар киради. Шундан кейин ўтган давр ичида ўлим жазосидан воз кечган мамлакатлар рўйхатига энг аввало бир қанча Европа мамлакатлари (Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Греция, Грузия, Венгрия, Ирландия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Македония, Молдова, Польша, Руминия, Словакия, Словения, Эстония) қўшилди. 1999 йил охирига келиб бу рўйхатдаги мамлакатлар сони 80 тадан ошиб кетди¹²⁰. Бунда 1983 йил 28 апрелда «Инсон ҳуқуқларини ва унинг асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1950 йил 4 ноябрь Европа конвенциясига 6-сон Баённома қабул қилган Европа Кенгаши муҳим рол ўйнади. Гарчи бу Баённома 1983 йилда қабул қилинган бўлса-да, юқорида зикр этилган мамлакатларнинг аксарияти унга охириги 3—5 йил ичида қўшилди ва ўлим жазосини бекор қилди. Шунинг ўзидаёқ дунё мамлакатларида

¹¹⁹ <http://www.belamnesty.narod.ru> сайтига қаранг

¹²⁰ *Квашис В. Е.* Смертная казнь: мифологические представления и криминологические реалии. Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни. — 8-бет; шунингдек 33—34-бетлар. (Европа Кенгаши Бош котиби Даниэль Гаршис маърузаси).

ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган тенденция бирданга қучайганлиги намоён бўлади.

Ўтган давр ичида Европа мамлакатларидан ташқари бошқа айрим мамлакатларда, хусусан, Ангола, Маврикий, Мозамбик, Намибия, Жанубий Африка республикаси ва бошқа бир қатор давлатларда ҳам ўлим жазоси бекор қилинди.

2. **Ўлим жазоси фақат ўта оғир жиноятлар ёки алоҳида вазиятларда, масалан, уруш пайтида содир этилган жиноятлар учун тайинланиши мумкин бўлган мамлакатлар.** Бу гуруҳга 1995 йилда 14 мамлакат, шу жумладан Буюк Британия, Греция, Кипр, Мальта, Непал каби Европа мамлакатлари, шунингдек бошқа мамлакатлар (Аргентина, Бразилия, Исроил, Канада, Мексика) кирар эди. 1989 йилда уларнинг сони 18 тани ташкил этди. Лекин кейинчалик уларнинг бир қисми, масалан, Испания, Италия, Швейцария ўлим жазосини бутунлай бекор қилиб, биринчи гуруҳга ўтди.

3. 1999 йилгача олинган маълумотларга кўра, 25 тага яқин мамлакат ва ҳудудлар ўз қонунчилигида ўлим жазосини сақлаб қолган, лекин охириги 10 йил ва ундан кўпроқ вақтдан бери уни амалда қўлламаётган давлатлар гуруҳи (Чили, Конго, Гватемала, Туркия ва бошқалар)ни ташкил этади. Бундай мамлакатлар рўйхатида сезиларли ўзгариш содир бўлганича йўқ. 1989 йили учинчи гуруҳга 27 мамлакат ва ҳудудлар кирган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 30 тага етди. Сўнгги йилларда бу гуруҳга кирган айрим мамлакатлар (Болгария, Латвия, Литва, Эстония, Озарбайжон, Грузия, Арманистон) ўлим жазосини бутунлай бекор қилди.

4. Ниҳоят, 1999 йилда 87 мамлакат умумий жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаган. Улар қаторига собиқ Иттифоқнинг айрим республикалари, Вьетнам, Куба, шунингдек Осиёнинг бир қанча мамлакатлари (Афғонистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Жанубий Корея, Шимолий Корея, Қувайт, Покистон, Япония ва бошқалар), Африка давлатлари гуруҳи (Замбия, Зимбабве, Кения, Нигерия ва бошқалар), барча араб давлатлари (Миср, Ливия, Иордания, Ироқ, Эрон, Сурия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар) кирази. Америка Қўшма Штатларида ўлим жазоси 38 штатда белгиланган. 1995 йили бундай мамлакатларнинг умумий сони 90 тани ташкил этди.

Сўнгги йилларда кўпгина мамлакатларда аболуционистлар — ўлим жазоси тўла бекор қилиниши тарафдорларининг ҳаракати кенгайиб бормоқда. Бунда «Халқаро амнистия» ташкилоти катта рол ўйнамоқда. Бу ноҳукумат ташкилот дунёда жуда катта обрўга эга бўлиб, унинг вакиллари кўпгина давлатларда иш олиб боради. Ташкилот фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — турли давлат-

лар қонунчилиги ва уларда ўлим жазосининг қўлланилиши ҳақида материаллар тўплаш ва уларни эълон қилиш ҳисобланади.

1989 йили Москвада «Халқаро амнистия» ташкилотининг кўриб чиқиладиган масалага оид маърузаси¹²¹ эълон қилинди. Унда 1989 йилнинг 1 январигача тўпланган статистик маълумотлар келтирилди. 1996 йили Лондонда нашр этилган Рожер Худнинг монографиясида муаллиф «Халқаро амнистия» ташкилотидан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан олган ўлим жазоси тариқасидаги жазонинг қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар (1995 йилнинг охиригача бўлган ҳолатга кўра) муфассал баён этилди¹²². Бу икки манбадаги маълумотларни қиёсий ўрганиш ўлим жазосини қўллашдан воз кечган мамлакатлар сони кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўлим жазосининг қўлланилишини таҳлил қилар эканмиз, жаҳоннинг йирик давлатлари — Россия ва АҚШ қонунчилигини солиштирсак, методик жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки уларнинг аҳолисига нисбатан жиноятчилик даражаси деярли тенг. Охириги 10 йил ичида жиноятчилик даражаси иккала мамлакатда ҳам ўсиб бормоқда. Тегишинча озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар миқдори ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, 3,5 йил ичида (1993 йил 1 январдан 1996 йил 1 июлгача) маҳкумлар ва эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган шахслар сони¹²³ АҚШда¹²⁴ (минг киши ҳисобида) 1295,1 дан 1639,9 га (26% га), Россияда¹²⁵ эса — 750,2 дан 1045,4 га (40% га) кўпайди.

Кўриб турганимиздек, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги шахслар миқдори АҚШда Россиядагидан 1,5 барабар кўпроқ (тегишинча 1,6 ва тахминан 1 млн киши) бўлса-да, бу икки давлатда криминоген вазият деярли бир хил деб хулоса чиқариш учун асослар мавжуд. Шу боис биз АҚШда ўлим жазосининг қўлланилишига муфассалроқ тўхталиш керак деб ҳисоблаймиз.

¹²¹ Когда убивает государство... Смертная казнь против прав человека. М., 1989.

¹²² Қаранг: Hood R. The Death Penalty. Oxford, 1996.

¹²³ АҚШ статистик ҳисоботида маҳкумлар ва эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган шахслар ҳақида умумий маълумотлар келтирилади. Шу боис Россиядаги маҳкумлар ҳақидаги маълумотларни АҚШ ҳақидаги маълумотларга солиштиришнинг иложи йўқ.

¹²⁴ Prison and Jail Inmates at Midyear 1996. U.S. Department of Justice. Bureau of Justice Statistics. Bulletin. Washington. January. 1997. P. 1. Федерал турмалар, штатларнинг турмалари ва маҳаллий турмаларга оид маълумотлар умумлаштирилган.

¹²⁵ Информационный бюллетень ГУИН МВД России. 1996. №32. — 135-бет. Ахлоқ тузатиш ва тарбия колониялари, турмалар ва тергов ҳибсхоналарига оид маълумотлар умумлаштирилган.

АҚШнинг федерал жинойт қонунчилигида санкцияларига ўлим жазоси киритилган 70 та жинойт таркиби назарда тутилган¹²⁶. Уларнинг аксарияти одам ўлдириш ёки инсоннинг ўлими билан боғлиқ бошқа жинойтларнинг ҳар хил турларидир. Бундан ташқари, ўлим жазоси жосуслик, одам ўғирлаш ва хоинлик учун назарда тутилган.

Бугунги кунда ўлим жазоси АҚШнинг 38 штати жинойт кодексларида назарда тутилади.

Алабама штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 18 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Айдахо штатида ўлим жазоси биринчи даражали (оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларсиз) қасддан одам ўлдирганлик ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўғирлаганлик учун тайинланади.

Арканзас штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 9 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик ва хоинлик учун тайинланади.

Аризона штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 ҳолатда биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Вайоминг штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Виржиния штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 9 ҳолатда биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Делавэр штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Жоржия штатида ўлим жазоси қасддан одам ўлдирганлик, соғлиғига зиён етказиб ёки ўлдириш билан қўрқитиб товон тўлашни талаб қилган ҳолда одам ўғирлаганлик, самолётни олиб қочганлик, хоинлик учун тайинланади.

Иллинойс штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 15 ҳолатда биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Индиана штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 14 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади. Ақли норасо шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Калифорния штатида ўта оғир ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик, поезд ҳалокатига олиб келган хатти-ҳаракатларни қасддан содир этганлик, хиёнат, ўлим жазоси тайинланишига олиб келган ёлғон кўрсатув берганлик учун тайинланади.

¹²⁶ *Квашиш В. Е.* Смертная казнь и общественное мнение. Право и политика. 2000. №1. — 66-бет.

Канзас штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 7 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади. Ақли норасо шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Кентукки штатида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик, шундай ҳолатларда одам ўғирлаганлик учун тайинланади.

Колорадо штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 13 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик, шунингдек хоинлик учун тайинланади. Ақли норасо шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Коннектикут штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда одам ўлдиришнинг 9 тури билан уйғунликда оғир фелония учун тайинланади.

Луизиана штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда 12 ёшга тўлмаган қизнинг номусига текканлик, хоинлик учун тайинланади.

Миссисипи штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик, шундай ҳолатда номусга текканлик, самолётни олиб қочганлик учун тайинланади.

Миссури штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Монтана штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Мэриленд штатида ўлим жазоси қасддан ёки фелония чоғида одам ўлдирганлик учун тайинланади (жазони ижро этиш усулини маҳкум ўзи танлаши мумкин).

Небраска штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Невада штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Нью-Жерси штатида ўлим жазоси изчил ёки онгли равишда қасддан одам ўлдирганлик, ёлланма қотиллик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилувчи ташкилот раҳбари томонидан қасддан одам у ўлдирганлик чун тайинланади.

Нью-Йорк штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади. Ақли норасо шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Нью-Мехико штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Нью-Гемпшир штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Огайо штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 8 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Оклахома штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 8 ҳолатда биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Орегон штатида ўлим жазоси қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Пенсильвания штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 16 ҳолатда биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Шимолий Каролина штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Тенесси штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Техас штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 8 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Флорида штатида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик; қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ оғир фелония; гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун тайинланади.

Жанубий Каролина штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Жанубий Дакота штатида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Юта штатида ўлим жазоси қасддан одам ўлдирганлик; умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан соғлиғига жиддий зиён етказган ҳолда ҳужум қилганлик учун тайинланади.

Колумбия федерал округида ўлим жазоси биринчи даражали қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланади.

Жамоатчилик фикрини тадқиқ қилиш ўлим жазоси тарафдорларининг асосий мақсадларидан биридир. Исталган давлатда ўлим жазоси нафақат жиноят ҳуқуқининг институти ёки жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсат қуроли, балки ижтимоий-маданий ҳодиса ҳам ҳисобланади. Ушбу институтга муносабат ўзаро мураккаб сиёсий, тарихий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий ҳамкорликлар асосида шаклланади.

АҚШда бу масалага нисбатан жамият муносабати ёки, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жамоатчилик фикрини тадқиқ қилиш кенг олиб борилмоқда. АҚШда олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, 1936 йилдан 1957 йилгача бўлган ораликда ўлим жазосининг тарафдорлари 1972 йилга нисбатан 50% кам бўлган. 1976

йилдан (АҚШ Олий Суди ўлим жазосини Конституцияга зид эмас деб топгандан сўнг) ва охиригга йигирма йилликда унинг тарафдорлари доимий равишда ўсиб борди ҳамда 1995 йилда аҳолининг 77 % ни ташкил этди. Олиб борилган тадқиқотларни икки даврга бўладиган бўлсак, 1936 йилдан 1966 йилгача бўлган даврда ўлим жазоси тарафдорлари 61% дан 42 % га қисқарди, 1966 йилдан 1995 йилгача эса унинг тарафдорлари яна 77 % га ўсди.

АҚШ аҳолисининг ўлим жазосига муносабати қўйилаётган саволга қараб турли хил кўрсаткичларни ташкил қилади. Ўлим жазосини тўлалигича сақлашга доир тадқиқотлар бўйича аҳоли фикри қуйидагича бўлган (унга қаршилар миқдори қавс ичида берилган):

1978 йилда — 62 % (27 %);

1981 йилда — 66 % (25 %);

1985 йилда — 72 % (20 %);

1987 йилда — 79 % (16 %);

1991 йилда — 76 % (18 %);

1994 йилда — 80 % (16 %);

1995 йилда — 77 % (13 %).

1995 йилнинг охирида ўтказилган тадқиқотларда савол «Қайси жазо афзалроқ — ўлим жазосими ёки умрбод қамоқ?» шаклида қўйилганда, фоизлар сони бутунлай ўзгарди. Яъни сўровда қатнашганларнинг 50 фоизи ўлим жазосини кўрсатган бўлса, 32 фоизи умрбод қамоқ жазоси тарафдори бўлган.

Кейинги тадқиқотларнинг турли ижтимоий гуруҳлар орасида ўтказилиши алоҳида эътиборга моликдир. Сабаби, тадқиқотлар натижасида қора танли аҳоли орасида оқ танли аҳолига нисбатан ўлим жазоси тарафдорлари 2,5 баробар камчиликни ташкил этди. Бу ерда жинсий адлия тизимида, айниқса, ўлим жазосини тайинлашда ирқий камситиш муаммоси тадқиқотчилар эътиборини тортган. Айрим тадқиқотларда илгари Кўшма Штатларда қора танлиларга нисбатан ўлим жазоси анча кўп тайинлангани статистик таҳлил асосида исботлаб берилган. Айрим тадқиқотларда эса ўлим жазосини тайинлашга айбланувчининг ирқий мансублиги эмас, балки жабрланувчининг ирқи жиддий таъсир кўрсатиши исботланган. Баъзан ўлим жазосини тайинлаш жараёнида айбланувчининг ирқи эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳал қилувчи омил бўлади. Ўлим жазосининг тайинланишига жабрланувчи ва айбланувчининг жинси ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиши аниқланган. Шунингдек, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларда жўғрофий фарқлар ҳам аниқланган. Шундай қилиб, аксарият тадқиқотларда жинсий адлия тизимида муайян камситиш мавжуд, деган хулосага келинади.

Бундан ташқари, АҚШ жанубининг аксарият аҳолиси ўлим жазоси тарафдорлари ҳисобланади. Охириги йигирма йилликда ўлим жазосининг 80 фоизи АҚШ жанубидаги 9 та штатга тўғри келган. Масалан, 1994 йилда ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг 306 тасидан 197 таси АҚШ жанубига тўғри келган. 1996 йилда Теннесси штатида америкалик олимлар Д.Уайтхэд ва М.Робберс жиноий адлия ходимлари ўртасида сўров ўтказди. Ушбу сўров натижасида уларнинг 90 фоизи ўлим жазоси тарафдорлари эканлиги аниқланди. Мазкур штатда ўлим жазосини қонунчиларнинг 95 фоизи, давлат айбловчиларининг 91 фоизи ва адвокатларнинг 21 фоизи қўллаб-қувватлаган.

АҚШ билан бир қаторда ЖАРда ўтказилган тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти бу давлатда аҳолининг кўпайиши ва жазони қўллашнинг кенг тарқалганлиги билан изоҳланади. Ушбу жазо кенг доирада қўлланилаётганлигига қарамасдан сўров даврида ўлим жазосини қўллаш лозимлигини аҳолининг 48 фоизи ёқлаб чиқди. Шу билан бир қаторда сўровда қатнашганларнинг 51 фоизи ўлим жазоси бекор қилинишининг асосий сабаби суд хатоси бўлиши мумкинлигини кўрсатган бўлсалар, 45 фоизи эса ирқчиликнинг яққол намоён бўлишидадир, деб кўрсатганлар (1990 йилда ўлим жазосига ҳукм қилинган 300 кишининг 270 таси қора танлилар ва бор йўғи 30 таси оқ танлилар эди). 1995 йилда ЖАР Конституциявий суди ўлим жазосининг бекор қилинишига асосий ва бирламчи сабаб сифатида айнан ирқчилик масаласи хизмат қилганини алоҳида таъкидлаган. Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ЖАР аҳолиси ўлим жазосини умрбод қамоқ жазосига нисбатан, иқтисодий аҳвол оғирлиги сабабли, арзонроқ ва тежамли деб қарайди.

Шарқий Европа мамлакатларидаги тадқиқотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, Литвада, масалан, 1996 йилда «Балтийос тиримай» компанияси томонидан ўтказилган охириги ижтимоий сўров натижалари аҳолининг 75 фоизи ўлим жазоси сақланишининг тарафдори ва бор-йўғи 15 фоизи уни бекор қилиш тарафдори эканлигини кўрсатди. Польша, Латвия, Эстонияда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам деярли юқоридаги кўрсаткичларга мос тушди. Ушбу масалада Россия ҳақида гапирадиган бўлсак, ўнлаб йиллар мобайнида аҳолининг ушбу жазо турига нисбатан муносабати ҳақида ишончли маълумотлар деярли бўлмаган. 1988 йилда Г. М. Миньковский томонидан қаерда, қачон ва қай тарзда ушбу сўров ўтказилганини кўрсатмаган ҳолда аҳолининг 80—85 фоизи ўлим жазоси бекор қилинишига қарши эканлиги ҳақидаги далил келтирилди.

Ўлим жазоси амал қилиши мумкин бўлган шахслар доираси масаласи турли мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида ҳар хил ҳал

қилинган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро битимларга мувофиқ, жиноят содир этган вақтда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга ўлим жазосини тайинлаш тақиқланган. Тегишли қоидалар Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенциясида ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда мустақамлаб қўйилган. Қонунчилигида муайян жиноят турлари учун олий жазо назарда тутилган 110 дан ортиқ давлатда вояга етмаган жиноятчиларни қатл этишни тақиқловчи қоидалар амал қилади ёки бу мамлакатларда вояга етмаган жиноятчилар қатл этилмайди, деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд, чунки улар юқорида зикр этилган халқаро битимларнинг бири ёки ундан кўпроғига аъзо бўлган мамлакатлардир¹²⁷.

1990 йилдан бери жиноят содир этган пайтгача ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкумларни қатл этган саккиз давлат ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу Конго Демократик Республикаси, Эрон, Яман, Хитой, Нигерия, Покистон, Саудия Арабистони ва АҚШ. Бугунги кунда Хитой, Покистон ва Яман ўлим жазосини қўллашнинг қуйи чегарасини 18 ёшгача кўтарди, Эронда мазкур жараён бошланди, аммо ҳали охирига етказилгани йўқ. Вояга етмаган жиноятчилар энг кўп қатл этилган мамлакат бу АҚШдир (1990 йилдан бери 19 ҳолат)¹²⁸.

2003 йилда «Халқаро амнистия» ташкилоти вояга етмаган жиноятчиларнинг қатл этилиши билан боғлиқ икки ҳолатдан хабар топди (бири Хитойда, иккинчиси — АҚШда). 2004 йилда Эронда иккита шундай ҳолат қайд этилди¹²⁹.

Бизнинг жиноят қонунчилигимизга мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Ўлим жазосига нисбатан эса бу чегара ўн саккиз ёшгача кўтарилган. Аммо яқин ўтмишда суд ҳукмига биноан ўн беш яшар ўсмирлар ўлимга ҳукм қилинган ва қонундан бундай четга чиқиш содир этилган қилмишнинг ўта оғирлиги билан тушунтирилган ҳоллар ҳам бўлган. Бундай ёндашувни тўғри деб бўлмайди, у қонунга зид. Тўғри, вояга етмаганлар баъзан жуда шафқатсиз бўлади. Аммо уларни ким шундай қилиб тарбиялаган? Катталар. Жамиятда яшашга мослашмаган одамни ўлимга ҳукм қилиш мумкин эмас. Қадимда сиёсий мухолифларнинг, даҳрийларнинг фарзандлари қатл қилинган. Аммо биз ҳозир маърифатли XXI асрда яшайпмиз. Вояга етмаганларга энг оғир жазони назарда тутиш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, ўлим жазосини бекор қилишни

¹²⁷ <http://www.belamnesty.narod.ru> сайтига қаранг.

¹²⁸ Ўша жойда.

¹²⁹ Ўша жойда.

ўсмирлардан, вояга етмаган фуқаролардан бошлаш керак. Уларни жиноят содир этишга, айтайлик, одам ўлдиришга оғдирган кимсаларни эса энг оғир жазога тортиш лозим. Бу адолатдан бўлади.

Шуни назарда тутмоқ керакки, БМТга аъзо кўпчилик мамлакатлар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазосини қўлламастикни ёқлаб чиқишмоқда. Шу билан бирга бу фикрни қўлаб-қувватлайдиган давлатлар ҳам йўқ эмас. Халқаро амнистия ташкилоти 18 ёшдан бошлаб ўлим жазосини қўллаётган 72 та давлатни мисол қилиб келтирган. Айрим давлатларда эса ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган ёш чегараси 20 ёшдан (Болгария, Венгрия, Куба), 21 ёшдан (Греция (ўлим жазоси бекор қилинган)) ва 22 ёшдан (Парагвай) қилиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан 18 ёш — бу ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган энг минимал халқаро стандарт ёшдир.

Лекин бир қатор давлатларда 18 ёшга тўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўллашга нафақат қонунчиликда рухсат этилган, балки амалиётда қўлланиляпти ҳам. Халқаро амнистия ташкилоти маълумотларига кўра, бундай мамлакатлар қаторига Бангладеш, Покистон, Барбадосс, АҚШ, Ироқ ва Эронни киритиш мумкин.

Аммо жаҳоннинг айрим мамлакатларида одатга мутлақо хилоф ҳолатни кузатиш мумкин. Яъни Жанубий Корея, Бирма, Судан, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия каби мамлакатларда ўлим жазосига нисбатан субъект ёши чегараси қонунчиликда умуман белгиланмаган бўлса, Зимбабве, Барбадосс ва бошқа бир қатор кичкина мамлакатларда бу ёш чегараси 16 ёш қилиб кўрсатилган.

АҚШнинг 15 штатида ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган энг минимал ёш 12 ёшдан 17 ёшгача деб қонунчиликда қайд этилган бўлса, 11 штат ва федерал округда эса, юқорида зикр этилган айрим давлатлардагидек, бу ёш чегараси аниқлаштирилмаган. АҚШнинг 26 штатидаги ҳолат БМТ томонидан ўрнатилган халқаро стандартларга тўғри келмаслигини кўришимиз мумкин.

Баъзи давлатларнинг вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўллашни бекор қилмаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосининг тарафдорлари ўзларининг фикрларини қуйидагича, яъни «бу каби инсонлар шундай оғир жиноятлар содир этишадик, уларнинг бу хатти-ҳаракатлари уларни жамият ичида яшаш учун лойиқ эмас деб топишга олиб келади», деб асослашга ҳаракат қиладилар. Ушбу масалада олиб борилган текширувлар шуни кўрсатганки, кўпчилик ўта хавfli жиноятчилар ўзларининг «доимий» жинойий фаолиятини вояга етмай туриб бошлашган. Зеро, жиноятчи жиноят содир этишни қанча ёш

бошласа, унинг тарбияланиши ҳам шунчалик қийин кечади. Шундай бўлса-да, бизнингча, вояга етмаганларга нисбатан жазоларни енгиллаштирилган ҳолда қўллаш лозим. Чунки бу ёшдаги инсонлар ҳали тўлиқ вояга етмаган бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларини тўлиқ бошқара олмайди (албатта, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда) ва кўпчилик ҳолларда уларга ўз ақли эмас, балки ҳиссиётлари кўпроқ таъсир кўрсатади ва ушбу психологик категория уларни бошқариб туради. Уларнинг руҳияти ҳали мустаҳкамланмаган, шахси эса тўла шаклланмаган ҳолатда бўлади. Бундай ҳолда катта ёшдагиларга нисбатан қўлланиладиган талабларни уларга ҳам татбиқ этиш адолатдан эмас. Зеро, қонунчилик вояга етиш ёшини бекордан-бекорга 18 ёш қилиб белгилаб қўймаган-ку. Бу ерда қонунчи вояга етганликнинг ёш чегарасини белгилашда шахснинг жисмоний, ақлий, руҳий ва умуман ҳар томонлама ривожланганлик даражасини ҳисобга олган бўлса, не ажаб.

Шу билан бир қаторда, бизнингча, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг қанчалик оғирлигига қарамай, жамият уларга ўз айбини тан олиб, пушаймон бўлиши ва бу каби қилмишларини қайтармаслиги учун имкон бериши керак. Чунки инсон ўзини қанчалик ёлғиз ҳис қилса, шунчалик кўп хатоларга йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларга иложи борица меҳр кўрсатиб, дунёда ҳали улар ўз оиласига, қариндошларига, келажакдаги фарзандларига кераклигини ҳис этишига кўмаклашиш ва шу йўл билан уларни тарбиялаш лозим. Ушбу фикрларга асосланадиган бўлсак, вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш масаласи ҳар бирига нисбатан индивидуал тарзда ёндашиб ҳал қилиниши лозим, деган хулоса келиб чиқади. Бу борада миллий жиноят қонунчилигимизда тўғри йўл танланганлигига ишончимиз қомил.

«Халқаро амнистия» ташкилоти маълумотларига кўра, 1980—1987 йилларда ҳар йили 1160—3209 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган, аммо амалда 743—3278 киши қатл этилган¹³⁰. Нисбатан охириги маълумотларга қараганда, Хитойда 1997 йили 3152 киши ўлим жазосига ҳукм қилиниб, ундан 1700 тага яқин маҳкум қатл этилган, 1998 йили қатл этилганлар сони 1067 кишини ташкил этган¹³¹.

Дерек Эванс берган маълумотларга кўра, 1996 йилда жаҳоннинг турли мамлакатларида 5 мингтадан ортиқ киши қатл этилган¹³². 2003

¹³⁰ Смертная казнь. Анализ мировых тенденций. Международный обзор уголовной политики. ООН. Нью-Йорк, 1990. №38.

¹³¹ Death Sentences and Executions in 1998. Amnesty International Report. Act 51/01/199. April. 1999.

¹³² Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни. — 83-бет.

йилда 28 мамлакатда камида 1146 киши қатл этилган. 63 мамлакатда яна камида 2756 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган¹³³. Бу рақамлар фақат «Халқаро амнистия» ташкилотига маълум ҳолатларнигина акс эттиради. Асл рақамлар тартиби эса, шубҳасиз, анча юқори.

2003 йилда маълум бўлган барча қатлларнинг 84 фоизи Хитой, Эрон, АҚШ ва Вьетнамда амалга оширилган. «Халқаро амнистия» ташкилоти йил охирига қадар бўлган ҳолатга кўра олган тўлиқ бўлмаган ва чекланган маълумотларга кўра, Хитойда камида 726 киши қатл этилган. Амалда бу рақам анча катта деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд: 2004 йил мартда Хитой қонун чиқарувчи ҳокимиятининг юқори мартабали вакили Хитойда ҳар йили «10 000 га яқин киши» қатл этилишини маълум қилди. Эронда камида 108 киши, АҚШда — 65 киши қатл этилган. Вьетнамда камида 64 киши қатл этилган¹³⁴.

Ўлим жазосини қўллаш бўйича 1995 йилда Қозоғистон давлати Хитой, Саудия Арабистони, Нигериядан кейин тўртинчи ўринда бўлган. 2003 йил давомида 28 та давлатда 1146 та маҳкум қатл қилинган. Уларнинг 84 %и Хитой, Эрон, АҚШ ва Вьетнамга тўғри келади.

Хўш, АҚШда ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларнинг амалда ижро этилишида қандай ҳолат кузатилади? АҚШда 2003 йилда ўлим жазосига ҳукм қилинган 65 киши қатл этилди. Натижада йилнинг охирига қадар бўлган ҳолатга кўра 1977 йилдан бери қатл этилганлар сони 885 тага етди. Тўққиз юзинчи маҳкум 2003 йил 3 мартда қатл этилди.

2004 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра 3500 дан ортиқ маҳкум ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмнинг ижро этилишини кутган. АҚШ 50 штатидан 38 тасининг қонунчилигида олий жазо назарда тутилган. Бундан ташқари, ўлим жазоси АҚШнинг фуқаролик ва ҳарбий федерал қонунчилигида ҳам назарда тутилган.

Эълон қилинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 1930 йилдан бошлаб бу мамлакатда 4172 киши қатл этилган. Бундан ташқари, шу давр ичида ҳарбий маҳкама томонидан яна 160 киши қатл этилган. Ҳукмлар 1930—1940 йилларда айниқса қизгин ижро қилинган, ҳар йили 150—200 киши қатл этилган. 1940—1950 йилларда бу кўрсаткич 120—150 кишига камайган. 1950—1960 йилларда у 50—80 кишини ташкил қилган. 60-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошида АҚШда ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларнинг ижро этилиши деярли тўхтатилди. Бунга, хусусан, Фурман ишини кўриб чиқиб, олий жазони АҚШ Конституциясига номувофиқ деб эълон қилган АҚШ

¹³³ <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари.

¹³⁴ Ўша жойда.

Олий суди қарори имконият яратди. Лекин 70-йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ Олий судининг фикри ўзгарди ва Грегг иши ҳамда бошқа ишлар бўйича чиқарган қарорларида у ўлим жазосини конституциявий чора деб топди.

1977 йилдан ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмлар яна ижро этила бошланди ва қатл этилганлар сони аста-секин кўпайиб борди. Расман эълон қилинган статистик маълумотлар¹³⁵ шунни кўрсатадики, 23 йил мобайнида (1973—1995 йилларда) АҚШнинг барча штатларида 5580 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, шулардан 313 таси қатл этилган, бунда охириги ўн йилликда қатл этилганлар сони йиллар бўйича қуйидагича тақсимланади: 1985 йил — 18 киши, 1986 йил — 18, 1987 йил — 25, 1988 йил — 11, 1989 йил — 16, 1990 йил — 23, 1991 йил — 14, 1992 йил — 31, 1993 йил — 38, 1994 йил — 31, 1995 йил — 56 киши. Энг кўп қатллар Техас (104), Флорида (36), Виржиния (29) ва Луизиана (22) штатларида амалга оширилган. Ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг қолган 138 таси турли сабабларга кўра вафот этган, 2075 кишига нисбатан ҳукм енгилроқ жазо билан алмаштирилган (шу жумладан қонун ҳужжатлари ўзгариши ва ҳукм қайта кўрилиши муносабати билан).

Брайан Стивенсон берган маълумотларга кўра, сўнгги йилларда АҚШда 550 та ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм ижро этилган. Элликка яқин аёл ва ўнлаб ўсмирлар ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм ижро этилишини кутмоқда¹³⁶. 1996 йил 1 январгача бўлган ҳолатга кўра, АҚШ турмаларида ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўз тақдири ҳал бўлишини ўлим камерасида кутаётган 3054 киши (яъни 1994 йилгидан 149 кишига ёки 5,1% га кўпроқ) сақланган. Шулардан 87 киши ўлим жазосига 1974—1979 йилларда, 512 киши — 1980—1984 йилларда, 896 киши — 1985—1989 йилларда, 1559 киши — 1990—1995 йилларда ҳукм қилинган. Шундай қилиб, маҳкумларнинг 18 фоизи ўлим камерасида 18 йилдан кўпроқ, 16,8 фоизи — 13 йилдан кўпроқ, 29,3 фоизи — 8 йилдан кўпроқ сақланган, 51,1 фоизи учун бу йўл эндигина бошланган. Уларнинг ҳаммаси қасддан одам ўлдириш учун ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Ҳукм чиқарилганидан то ижро этилгунга қадар қатлни кутишнинг ўртача муддати аста-секин ошиб бормоқда. 70-йилларнинг охири — 80-йиллар бошида бу муддат 51 ойни, 80-йиллар охирида — 86—95 ойни, 1995 йилда — 134 ойни, яъни 5,5 йилдан кўпроқни ташкил этган. 1977—1995 йилларда у ўрта ҳисобда 69 ойга, шу жумладан эркакларда — 70 ойга, аёлларда — 46 ойга тенг бўлган.

¹³⁵ Capital Punishment 1995. U.S. Department of Justice. Bureau of Justice Statistics. Bulletin. Washington. December 1996;

¹³⁶ Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни. — 59-бет.

Бундан қатлни кутиш муддатлари сунъий тарзда чўзиляпти, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Қатлнинг бу қадар узоқ кутилиши шу билан боғлиқки, АҚШда жуда мураккаб, узоқ муддатли ва кўп босқичли апелляциялар тизими амал қилади. Иш барча далилларни қайта текшириш, гувоҳларни қайта сўроқ қилиш ва шу кабилар билан кўп марта қайта кўрилади. Гарчи ушбу қайта кўришларнинг мақсади ҳукм тўғри чиқарилганини синчиклаб текшириш ва қайта текшириш, хатога йўл қўйилишини истисно этиш бўлса-да, бундай кўп йиллик кутиш маҳкум учун жуда оғир қийноқдир.

Хўш, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўз тақдири ҳал бўлишини кутаётган бу 3054 кишининг тафсилотлари қандай?

Ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг жиноят-ҳуқуқий тафсилотлари қуйидагича: илгари фелония содир этганлар — 66,3%, одам ўлдирганлар — 8,5%. Ўлим жазоси тайинланишига олиб келган жиноятни содир этган пайтгача бўлган ҳолатига кўра маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлади: бошқа иш бўйича тергов остида бўлганлар — 6,9%; шартли равишда ҳукм қилинганлар — 30,4%; қамоқдан қочганлар — 1,6%; қамоқ жазосини ўтаётганлар — 2,4%; бошқа мақомга эга бўлганлар — 1,2%; жиноят-ҳуқуқий мақомга эга бўлмаганлар (яъни жиноий жавобгарликка тортилмаганлар) — 57,5%.

Демографик кўрсаткичлар нуқтаи назаридан эса, уларнинг 98,4% - эркаklar, 1,6% — аёллар; 56,7% — оқ танлилар, 41,7% — қора танлилар, 1,6% - бошқа ирқ вакиллари. Бу маҳкумларнинг маълумот даражаси ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор: улар орасида 8 синфгача маълумотлилар 14,7%, 9—11 синф маълумотлилар — 37,2%, олий маълумотлилар — 37,8%, коллежни тамомлаганлар — 10,3%. Оилавий ҳолати: уйланган ёки эрга текканлар — 25,6%; хотини ёки эри билан ажрашган ва оиласидан алоҳида яшовчилар — 21,6%; бевалар — 2,5%; никоҳга кирмаганлар — 50,3%.

Маҳкумларнинг шу гуруҳи ёш таркибига кўра қуйидагича тавсифланади: 17 ёш ва ундан кичкиналар — 1,9%; 18—19 ёшлилар — 9,8%; 20—24 ёшлилар — 27,8%; 25-29 ёшлилар — 23,5%; 30—39 ёшлилар — 26,8%; 40—49 ёшлилар — 8,0%; 50—59 ёшлилар — 1,8%; 60 ёш ва ундан катталар — 0,3%.

1996 йилнинг бошига қадар бўлган ҳолатга кўра ўлим камерасида сақланаётганлар ёш жиҳатидан қуйидагича тақсимланган: 18-19 ёшлилар — 0,8%; 20—24 ёшлилар — 9,7%; 25—29 ёшлилар — 16,1%; 30—39 ёшлилар — 42,5%; 40—49 ёшлилар — 22,7%; 50—59 ёшлилар — 6,8%; 60 ёш ва ундан катталар — 1,5%. Уларнинг энг ёши 18 ёшда, энг қариси — 80 ёшда бўлган. Маҳкумларнинг ёш жиҳатидан

тақсимланишидаги бу ўзгариш уларнинг ўз тақдири ҳал бўлишини кўп йиллар кутиши натижасидир.

Шу ўринда халқаро ташкилотлар қарияларга нисбатан ўлим жазосини қўллашдан воз кечиш таклифини кўп марта берганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 1988 йилнинг август ойида БМТга жиноятчилик ҳақида хабар берувчи Кўмита БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашига аъзо давлатларга қуйидагиларни, яъни «ўлим жазосига ҳукм қилмаслик ва ижро этмаслик ёшининг энг юқори чегарасини» ўрнатишни етказиш таклифи билан мурожаат қилди. Бу каби нормаларни баъзи мамлакатларда учратиш мумкин. Масалан, Монголияда 60 ёшдан ошганлар, Гватемала ва Суданда эса 70 ёшдан ошганлар ўлим жазосига ҳукм этилмайди. И. И. Карпец ҳам 65—70 ёшдан кейин ўлим жазосини қўлламаслик тарафдори эди. Лекин у истисно ҳолда, инсоният хавфсизлиги ва тинчликка қарши содир қилинган жиноятчиларни ўлимга ҳукм қилиш лозимлигини алоҳида қайд этган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 60 ёшдан катта шахсларга ўлим жазоси тайинлаш қонун йўли билан тақиқланган (Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги Жиноят кодекси 51-моддаси иккинчи қисмига биноан ўлим жазоси 60 ёшдан ошган эркакка тайинланиши мумкин эмас). Бу жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги ўлим жазосини қўллаш амалиётига мос келади. Айни ҳолда фақат тинчлик ва инсониятга қарши оғир жиноятлар содир этган кимсаларга нисбатан истисно тариқасида ўлим жазосини назарда тутиш мумкин. Булар ўз жиноятларини айнан етук ёшда онгли тарзда содир этган ваҳший сиёсатчилардир. Умумий жиноятлар масаласига келсак, 60 ёшга бориб одамнинг жинойи фаоллиги сусаяди. Мумкин бўлган айрим истисно ҳолатларни деб инсонпарварлик тамойилларидан чекинмаслик керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддасининг иккинчи қисмига биноан аёлга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас. Лекин баъзи бир ҳолларда амалиётда кам бўлса-да, шундай ҳолатларни учратиш мумкинки, аёллар ўта оғир жинотларни содир этишади. Лекин биз ҳеч қачон аёл зотининг муқаддас эканлигини, қолаверса, бизга ҳаёт бахшида этувчи — она эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Аёллар, албатта, оғир жиноятлар содир этиши, шу жумладан одам ўлдириши ҳам мумкин. Уларнинг сўнгги зикр этилган жиноятни содир этиш усули жуда ўзига хос бўлиб, кўпинча бу заҳарлаш усулидир. Ҳаёт шуни кўрсатадики, аёллар бу оғир жиноятни содир этишига кўпинча эрлари, жазманлари ва бошқаларнинг уларга нисбатан ёмон муносабати туртки беради. Тўғри, ҳозирги вақтда аёллар турғун жинойи гуруҳларга, хусусан, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш билан шуғулланадиган гуруҳларга бошчилик қилган ҳоллар

ҳам учрайди. Бироқ, нима бўлганда ҳам, аёл — энг аввало бугун бўлмаса, эртага бўлажак она эканлигини унутмаслик керак. Шу нуқтаи назардан қонунчиларимиз аёлларга нисбатан ўлим жазосини бекор қилиб жуда тўғри иш тутган.

Афсуски, бу борада Ўзбекистон Республикасининг тутган йўли дунё давлатларининг баъзиларида қўлаб-қувватланмайди. 1966 йил 16 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган «Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактнинг 6-моддасида «Ҳомиладор аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди» деб белгилаб қўйилган. 1949 йилги Женева Конвенциясига қабул қилинган қўшимча протоколда ҳам яқинда бола туққан аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслиги ҳақида тўхталиб ўтилган. Бу ҳолни биз БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан 1984 йил 25 майда қабул қилинган Резолюцияда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, унда шундай дейилган: «Ҳомиладор ва яқинда она бўлганларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди».

Тўғри, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ҳомиладор аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди. Масалан, Қувайтда ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг жазоси умрбод қамоқ билан алмаштирилади. Лекин айрим давлатларда аёл киши ўз фарзандини дунёга келтиргандан сўнггина ўлим жазоси ижро этилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормалар мавжуд. Бирлашган Араб Амирлиги, Жанубий Корея, Туркия каби давлатлар шулар жумласидан.

Яна шундай давлатлар ҳам борки, уларда аёлларга нисбатан ўлим жазоси бола туғилганидан сўнг орадан маълум муддат ўтгач ижро этилади. Жумладан, Индонезияда 40 кундан сўнг, Миср ва Ливияда 2 ойдан сўнг, Яман Араб Республикасида бола туғилганидан 2 йил ўтгандан сўнг ўлим жазоси ижро этилади. Иордания Жиноят кодексига бу масала бир-бирига зид бўлган моддалар билан тартибга солинган. Иордания Жиноят кодексининг 358-моддасида белгиланишича, бола туғилганидан кейин 3 ой ўтгач ўлим жазоси ижро этилиши мумкин, аммо айнан шу кодекснинг 17-моддасига кўра эса ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳомиладор аёлнинг жазоси умрбод каторга¹³⁷ билан алмаштирилади, деб белгиланган. Руминия Жиноят кодексига эса 3 ёшгача боласи бор аёлларга нисбатан ўлим жазосини тайинлаш тақиқланади. Монголия ва Гватемала Жиноят кодексларида эса аёлларга нисбатан ўлим жазосини татбиқ этиш бутунлай ман қилинган. Ҳомиладор аёлларнинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши ҳақидаги хабарлар фақатгина Эрондан келмоқда.

¹³⁷ Каторга — маҳбусларни оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турларидан бири; *луғатга қ.*

Кўриб турганимиздек, кўпгина мамлакатлар ҳомиладор аёлларнинг ўлим жазосига ҳукм қилинишидан норози бўлса-да, лекин аслида амалда ўлим жазосига ҳукм қилинаётганлар сони сезиларлидир.

Ўлим жазосидан воз кечиш тенденцияси МДХ давлатларида ҳам жонлана бошланди. Иттифоқ инқирозидан сўнг, гарчи барча ҳамдўстлик давлатлари ўлим жазосини сақлаб қолган бўлсалар-да, ҳозирга келиб тўққизта давлат уни бекор қилди, тўрттасида эса ўлим жазосига мораторий эълон қилинган. Шунингдек, бу ҳудудда халқаро даражада тан олинмаган Абхазия, Жанубий Осетия ва Молдавиянинг Днестрбўйи Республикасида ҳам ўлим жазоси амал қилмоқда.

Матбуотда эълон қилинган маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, 1950—1990 йилларда ўлим жазосини қўллаш даражаси мазкур чора қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар учун ҳукм қилинган маҳкумлар сонига нисбатан 40 йил мобайнида 5—6% атрофида бўлганлигини кўрсатади. Судлар томонидан қўлланган жазоларнинг умумий тузилишида ўлим жазоси 0,1% ни, 1986—1990 йилларда эса — 0,04% ни ташкил этган¹³⁸. Жумладан, Грузияда ўлим жазоси бекор қилинганлигини, яқин орада Украинада ҳам уни бекор қилишга тайёргарлик кўриляётганлигини, Россия 1996 йилда Европа Кенгашига аъзо бўлиш олдида аъзо бўлган вақтдан эътиборан ўлим жазосининг ижросини тўхтатиш ва уч йил ичида ундан бутунлай воз кечиш мажбуриятини олганлигини фикримизнинг исботи сифатида келтириш мумкин.

Айрим минтақаларда ўлим жазоси ҳақида ишончли статистика мавжуд эмаслиги туфайли, унинг бутун дунё миқёсида ижро этилиши ҳолатларини кузатиш қийин. Шунини таъкидлаш керакки, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларни амалда ижро этиш умумий тенденцияларини тадқиқ қилиш жуда катта куч ва ҳаракатни, шунингдек мазкур масала юзасидан дунё миқёсида ишончли статистика маълумотлари олишни тақозо этади.

2. ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа хорижий мамлакатларда ўлим жазосига нисбатан муносабат узоқ йиллар мобайнида кўп марта ўзгариб борган, у гоҳида кенг қўламда қўлланилган бўлса, гоҳида умуман тайинланмаган.

¹³⁸ Смертная казнь. Чему учит история. Московские новости. 1987. №50. — 15-бет; Социалистическая законность. 1991. №4. — 44—45-бетлар.

Узоқ давр мобайнида ўлим жазосига жиноятчидан ўч олиш, қатл этилаётган шахсни ва жамиятнинг бошқа аъзоларини қўрқитиш воқеаси сифатида қараб келинди. Кейинчалик айбдорнинг ўзига (уни янги жиноятлар содир этиш имкониятидан маҳрум этиш учун) ва жамиятнинг бошқа аъзоларига (улар қатл этилишдан қўрқиб жиноят содир этмаслиги учун) превентив таъсир кўрсатиш биринчи ўринга чиқди.

Аммо қатл этувчилар шунчаки қатл этиш билан кифояланмаган. Ўлим жазосини ижро этишнинг янги-янги турлари кашф этилган. Бунда шафқатсизликнинг чеки бўлмаган, қатл этувчиларнинг аксарияти ўлим жазосига ҳукм қилинганлар бир зумда ўлишини хоҳламаган. Бу уларга осон ўлим бўлиб туялган. Бошқаларни ҳам қўрқитиш керак бўлганлиги боис нафақат «айбдор»нинг ўзи, балки унинг яқин қариндошлари ҳам қатл этилган. Ҳатто болаларга ҳам шафқат қилинмаган. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахснинг ҳамфикрлари, издошлари ёки шунчаки хайрихоҳ кишилар қатл этилган. Аммо бу ҳам етарли бўлмаган. Инсонни ҳаётдан маҳрум этишнинг рангбаранг шакллари ва усуллари ўйлаб топилган. Қатл этиш усули шундай бўлиши керакки, инсон ўлишдан олдин мумкин бўлган барча азоб-уқубатларни бошдан кечирсин, деган фикр уларнинг «фалсафаси» учун умумий бўлган. Улар маҳкумларни жуда секин азоблаб ўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бундан бошқаларни қўрқитишни ҳам кўзлаган. Аммо улар бир нарсани назардан қочирган: шафқатсизлик ҳар доим шафқатсизликни уйғотади. Шундай бўлган, шундай ва шундай бўлиб қолади. Қўрқитиш фақат кучсиз одамларга таъсир этади. Кучлиларда эса зўравонликка зўравонлик билан ва, балки, янада шафқатсизроқ йўсинда жавоб қайтариш исоти тағи туғилади.

Оғир жазолар, қийноқлар ҳам ўлим жазоси, тўғридан-тўғри ўлдириш билан баробар бўлган. Улар бевосита ўлим жазоси ҳисобланмаса-да, аксарият ҳолларда маҳкумнинг ўлими билан тугаган.

Ўлим жазосининг мақсадлари мазкур жазонинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишида, унинг қўлланилиши кўламида, ўлим жазоси тайинланишига олиб келиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатида муайян тарзда ўз аксини топиб келди. Шу ўринда мазкур жазонинг мақсадлари уни қўллаш усулларига бевосита таъсир кўрсатди. Ўлим жазосини ижро этиш усулларида муайян мамлакатдаги қонунийликнинг ҳолати, ҳукмдорлар шахси ёки ижтимоий тузум шакли ўз аксини топади.

Қасос қонунлари амал қилган даврдаёқ ўлим жазосини ижро этишнинг асосий шакллари ишлаб чиқилди: осий, бошни танадан жудо этиш, отув, гулханда куйдириш, қозиққа ўтқизиш, сувга ташлаш,

минора ёки бошқа баланд жойдан ташлаш, от думига боғлаш, ерга тириклайин кўмиш, нимта-нимта қилиш — буларнинг барчаси қадимги халқ поэзияси — эртақлар, афсоналар, кўшиқларда қайд этилган ўлим жазосини ижро этиш шакллари эди. Аини вақтда, уларга давлат ҳокимиятининг ҳукмронлиги даврида ҳам муттасил дуч келиш мумкин.

Ўлим жазосини ижро этишнинг баъзи бир шакллари деярли барча халқларда мавжуд бўлса-да, ўлим жазоси шакллари билан муайян халқ яшайдиган мамлакатнинг табиий хоссалари ўртасида боғлиқлик кўзга ташланади. Масалан, тоғли мамлакат — Юнонистонда жиноятчини тоғдан ташлаш одатдаги ҳол бўлган; фил уй ҳайвони ҳисобланган Ҳиндистонда жиноятчилар филларга бостириб ўлдирилган; қадимги Москвада эса жиноятчилар муз остига ташланган.

Жиноятчини худоларга қурбонлик келтириш ўлим жазосини ижро этишнинг қадимги усулларидан бири ҳисобланади. Бу, энг аввало, жиноят — худога шак келтириш, жиноятчи жазоланишидан худо бевосита манфаатдор, жиноятчини жазосиз қолдириш жамиятни худонинг ғазабига дучор қилиши мумкин, деб қаралган давр билан боғлиқ. Жиноятчини қурбонлик келтириш удуми деярли барча халқларда амал қилган. Фақат жиноятчиларгина қурбонлик келтирилмаган; бу мақсадда халқлар, биринчидан, қуллар ва ҳарбий асирлардан фойдаланганлар, мазкур шахсларни тараққиётнинг қуйи поғонасидаги халқлар айбдор деб ҳисоблаган ва жиноятчиларга тенглаштирган; иккинчидан, айбсиз одамлар, асосан болалар қурбонлик келтирилган, чунки бегуноҳ одамнинг қони худони қаҳридан туширади ва айбдорларни гуноҳдан фориг этади, деб ҳисобланган. Нафсиламбрини айтганда, жиноятчилар қурбонликка келтирилган одамларнинг асосий қисмини ташкил этган. Одамларни қурбонликка келтириш удуми мавжуд бўлган жойда жиноятчилар ҳам қурбонлик келтирилган деб ҳисоблаш мумкин.

Инсонни худога қурбонликка келтириш удумининг излари яҳудий халқида учрайди: Авраам ўз ўглини худога қурбонликка келтирмоқчи бўлади; Иефай ўз қизини амалда худога қурбонликка келтиради. Манбаларда ушбу халқ яшаган жойларда махсус қурбонгоҳлар¹³⁹ бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Қадимги Ҳиндистон қонунларига кўра, бир одамни қурбонлик келтириш худога 1000 йиллик лаззат бахш этади, уч одамни қурбонлик келтириш эса — 3000 йиллик лаззат бахш этади. Кейинчалик одамларни қурбонлик келтириш Ҳиндистонда удумлар қаторидан чиқарилди. Кейинги даврларнинг қонунчилиқ ёдгорликларида (*Bhagavata Purana*) одамни қурбонлик-

¹³⁹ Қурбонгоҳ — Худо шаънига қурбонлик аташга мосланган тош супа; *луғатга* қ.

ка келтирганлар дўзах азобига мустажоб бўлиши қайд этилади. Аммо уларнинг излари Ману қонунларида кўзга ташланади: ушбу қонунларга кўра, ўлим жазосини олган жиноятчи ҳар қандай жиноятдан фориг бўлади. Бундан ташқари, Ману қонунларида қурбонлик қилиш ва бошқа диний удумларни бажо келтириш йўли билан ўз айбини ювиш ҳақида махсус боб мавжуд; бу ерда одам ва жиноятчи ўрнига ҳайвон қурбонлик келтирилади. Хотинлар эрларининг тобути устида ўзига ўт қўйиши удуми узоқ вақт сақланиб қолган. 1803 йилда бундай ўзига ўт қўйиш ҳоллари Ҳиндистонда йилига 30 мингтагача етган. Финикияда — Турэ ва Сидон шаҳарларида, шунингдек унинг колонияларида, Карфагенда одамларни қурбонлик келтириш удуми кенг амал қилган. Финикияликлар бу удумни Сардиния, Родос, Критда ва Ўрта ер денгизининг деярли барча қирғоқларида тарқатганлар. Ўз мамлакатининг удумига кўра болаларини қурбонлик келтиришга мажбур бўлган карфагенлик бойлар бировларнинг болаларини хуфия тарзда сотиб олганлар ва уларни худди ўз болаларидек қурбонлик келтирганлар. Агафокл¹⁴⁰ Карфаген қўшинларини тормор келтириб, шаҳарни қамал қилгач, шаҳар аҳолиси буюк қурбонлик келтириш йўли билан худоларнинг раҳмини келтирмоқчи бўлган. Зодагонларнинг 200 та боласи гулханга ташланган. Бунга жавобан оддий фуқаролар ҳам ўз фарзандларини қурбонлик келтириш учун таклиф қилганлар. Бундай болалар сони 300 тага етган. Шундай қилиб, финикияликлар ва карфагенликлар одатда жиноятчилар ва чет элликларни қурбонлик келтирганлар, халқ бошига мусибат тушган пайтларда эса улар бундан ҳам қимматроқ қурбонлик келтириб, худоларни ғазабдан туширишга ҳаракат қилганлар.

Одамни қурбонлик келтириш удуми қадимги форсларда, мисрликларда ҳамда коҳин ва жаллод сўзлари синоним бўлган бошқа шарқ халқларида мавжуд бўлган. Мазкур удум юнонларда ҳам амал қилган. Юнонлар ўз фарзандларини қурбонлик келтирганлар — Ифигения¹⁴¹ ва бошқалар шу тариқа қурбонликка келтирилган; бундан ташқари, юнонлар асирлар ва ажнабийларни ҳам қурбонлик келтирганлар — масалан, Фемистокл¹⁴² Саламин яқинидаги жангдан олдин қисман худолар марҳаматини эгаллаш, қисман бўлажак жанг тақдирини билиш учун уч нафар форсни қурбонлик келтирган; ниҳоят, юнонлар жиноятчиларни қурбонлик келтирганлар. Сўнгги зикр этилган удум бутун Юнонистонда амал қилган: тарихчи Страбон¹⁴³ гувоҳлик беришича, Левкае оролида ҳар йили бир жиноятчи

¹⁴⁰ Агафокл — Сиракуза ҳукмдори (тирани); *луғатга қ.*

¹⁴¹ Ифигения — юнон мифологиясида подшо Агамемнон қизи; *луғатга қ.*

¹⁴² Фемистокл — афиналик саркарда; *луғатга қ.*

¹⁴³ Страбон — қадимги юнон тарихчиси; *луғатга қ.*

қурбонлик тариқасида тоғдан ташланган; бу удум Родос оролида ҳам амал қилган. Тарихчи Павзаний Юнонистонда жинойтчиларни қурбонлик келтиришнинг қуйидаги ҳолатларини қайд этади: Артемизия-Триқляриядаги Комоито исмли қоҳин аёл ўз худосининг ибодатхонасида ўйнаши билан зино қилгани учун қурбонлик келтирилган. Бундан ташқари, уч шаҳар аҳолисига мазкур жинойтдан тозаланиш учун ҳар йили ўз орасидан энг чиройли қиз ва энг чиройли йигитни қурбонлик келтириш буюрилган. Колмерое исмли қиз қонинга қулоқ солишни хоҳламагани учун Дионисга¹⁴⁴ қурбонликка келтирилган. Дельфия оракули Дионис қоҳинини ўлдиргани учун фивиликларга мазкур худога ўғил болани қурбонлик келтиришни буюрган.

Жинойтчиларни қурбонлик келтириш Юнонистонда одатдаги ҳол бўлганини «анафема» сўзининг дастлабки маъноси ҳам исботлайди; де Местр берган шарҳга қараганда, мазкур сўз дастлаб худога ҳадя тариқасида келтирилган барча нарсаларни англатган; кейинчалик бу сўзнинг маъноси ўзгарган. Римда жинойтчиларни қурбонлик келтириш удуми мавжуд бўлганини **Supplicium** сўзининг маъноси исботлайди. Бу сўз ўз вақтида қурбонлик қилиш деган маънони англатган, кейинчалик жазолаш деган маъно касб этган. Икки ҳаракат бир ном билан аталиши иккала ҳаракат ҳам дастлаб битта ҳаракатни ташкил этганини, ёки, бошқача қилиб айтганда, қадимги Римда ўлим жазоси қурбонлик келтириш тариқасида ижро этилганини англатади. Бизгача етиб келган Рим қонунларида жинойтчи жазо тариқасида худолардан бирига қурбонликка келтирилганини тўғридан-тўғри кўрсатувчи иборалар сақланиб қолган: **sacer alicui deorum, sacer estot, caput Jovi sacratum esset, diis devotus, furiis consignatus** (худолардан бирига бахшида этдик, у қурбонликка қабул қилинмай, унинг ҳаёти Юпитерга¹⁴⁵ бахшида этилмай). Қурбонлик келтириш шакли ва уни амалга ошириш усули жинойтнинг хусусиятига қараб аниқланган. Масалан, диний қонунларни бузган одамлар умуман худоларга бахшида этилган; халқ трибунининг шахсий дахлсизлигига қасд қилган одам Юпитерга қурбонликка келтирилган; муқаддас чегарани бузган одам ҳўкизлар билан бирга чегаралар кўриқчиси Юпитерга (*Jupiter terminalis*) бахшида этилган; ўз ота-онасига қўл кўтарган ўғил уй худоларига қурбон тариқасида келтирилган; бировнинг ҳосилига дахл этган одам ўсимликлар дунёсининг илоҳаси Церерага бахшида этилган. Қоҳинлар ҳукмронлиги барҳам топиб, жинойт адлияси дунёвий ҳокимият қўлига ўтгач, қадимги Рим қонунларининг жинойтчилар-

¹⁴⁴ Дионис — юнон мифологиясидаги узумчилик ҳамда виночилик худоси; *лунатга* қ.

¹⁴⁵ Юпитер — Рим мифологиясидаги олий худо, юнонлар Зевсига тенг.

ни худоларга қурбонлик келтириш ҳақидаги қоидалари узоқ вақт ўз кучини сақлаб қолди, фақат бошқача маъно — жиноятчини қатл этиш маъносини касб этди.

Нафсиламбрини айтганда, одамларни қурбонлик қилиш ҳолатлари римликларда тарихий даврларда ҳам учрайди. Масалан, Галлия ва Пуника урушлари даврида икки галл (эркак ва аёл) ҳамда икки юнон (эркак ва аёл) ерга тириклайин кўмиш йўли билан худоларга бахшида этилган. Дион Кассий бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар ҳақида гувоҳлик беради, Лактанций ва Тертуллиан эса Юпитерга одамларни қурбонлик қилиш Римда ҳатто Константинга¹⁴⁶ қадар давом этганини қайд этади. Умуман олганда, ҳозирги Европа халқларининг барчаси ўзининг олис ўтмишида жиноятчиларни худоларга қурбонлик тариқасида келтирган. Жиноятчиларни қурбонлик қилиш удуми галлар ва скандинавларда айниқса кенг амал қилган. Гап шундаки, мазкур икки халқда қоҳинлар жуда мустаҳкам мазҳабга бирлашган ва мамлакат олий ҳокимиятини ўз кўлида жамлаган.

Галлияда жиноят учун друидлар томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинганлар кўпинча кейинчалик худоларга қурбонлик қилиш учун узоқ йиллар мобайнида сақланган. Қурбонлик қилиш учун асосан жиноятчилардан фойдаланилган, жиноятчилик етишмаган ҳолларда ҳарбий асирлар, қуллар ва ҳатто айбсиз фуқаролар ҳам қурбон қилинган. Қуллар ўз эгалари ёки патронларининг тобутларида қурбонлик қилинган. Жиноятчиларни қурбонлик қилиш қоҳинлар — друидлар кўли билан амалга оширилган, баъзан улар худоларнинг ҳайкаллари ичига қурбонларни жойлаб, уларга ўт қўйганлар. Скандинавларда Оден қоҳинлари — Drottnars ва Blodgodars одамларни қурбонлик қилишни изчил тизимга солишга муваффақ бўлганлар. Уларда жиноятчиларни суд қилиш жойлари қурбонгоҳлар билан ёнма-ён жойлашган ва иккала жой ҳам бир хил ном билан аталган. Жиноятчилар, ҳарбий асирлар, қуллар, баъзан эса — фуқаролар, кўпинча болалар қурбонлик қилинган. Айбланувчи суд давраси ёки ҳалқаси ичига киритилган ва ўша ерда қурбонлик қилишга ҳукм этилган. Мазкур ҳукмга биноан жиноятчининг боши танасидан жудо қилинган ёки у баланд қоядан пастга ташланган ёки дарёга улоқтирилган ёки ўрмонда дарахтга осилган. Упсала яқинида жойлашган муқаддас ўрмонда ҳар бир дарахтга ҳайвон ёки одам Оденга бахшида тарзида қурбон қилинган. XI асрда, Бременлик Адам ҳукмронлиги даврида шу ўрмонда 72 та ҳайвон ва одам қурбонлик қилингани қайд этилган. Римликларда бўлганидек, скандинавларда ҳам қурбонлик қилиш усули қандай жиноят содир этилгани ва қурбон қайси худога бахшида этилганига

¹⁴⁶ Константин — Рим императори; *луғатга қ.*

боғлиқ бўлган. Қурбонлик қилиш маросимлари вақти-вақти билан ўтказиб турилган; улар ҳар 9 ойда ўтказилган ва тўққиз кун давом этган. Шу тўққиз куннинг ҳар бирида тўққизтадан одам қурбонликка келтирилган. Упсаладаги буюк ибодатхонада ҳар тўққиз йилда тантанали қурбонлик қилиш маросими ўтказилган. Мазкур диний байрамлар пайтида баъзан 99 одам, шунча от ва хўроз қурбон қилинган.

Европаликлар томонидан истило қилингунга қадар Мексикада ҳар йили коҳинлар томонидан 20 мингта одам худоларга қурбонлик қилинган.

Одамларни ва, хусусан, жинойтчиларни қурбонлик қилиш Скандинавияда халқ байрами ҳисобланган. Маросим ўтказилган жойга бутун халқ тўпланган, оқсоқоллар ва қироллар ташриф буюрган. Қурбон қилинаётган одамга иззат-икром кўрсатилган, совғалар берилган, у чиройли қилиб безатилган. Халқ кўз ўнгида ўлдирилган одамнинг қони идишга солинган ва маросимларда муқаддас сув сепиладиган чўтка қонга ботириб олиниб, худоларнинг тахтларига, ибодатхонанинг ички ва ташқи деворларига, ниҳоят, тўпланган оломонга сепилган. Қурбонлик қилинган одамнинг гўшти ибодатхонанинг олд қисмида ўтказилган зиёфатда ейилган. Мексикада ҳам айна шу таомил амалга оширилган. Де Местр шоҳидлик беришича, Мексикада коҳин қурбоннинг кўксини ёриб, унинг ҳали уриб турган юрагини суғуриб олган. Буюк коҳин юракни кафтида сиқиб, ундаги бор қонни санамнинг (худо ҳайкалининг) оғзига томизган. Шундан кейин барча коҳинлар қурбон қилинган одамнинг гўштини еганлар.

Шундай қилиб, ўлим жазоси, ижтимоий жазо сифатида, дастлаб жинойтчини қурбонлик қилиш тариқасида ижро этилган. Жинойтчиларни қатл қилиш халқ учун ҳам байрам, ҳам диний маросим ҳисобланган. Ҳозирги халқлар ибодат қилиш учун ибодатхонага қандай йиғилсалар, қадимги одамлар ҳам қурбонлик қилиш маросимида иштирок этишга шундай йиғилганлар. Маросимда қурбон қилинган одамнинг сепилган қони теккан одам ўзини бахтиёр ҳис этган.

Диний ҳокимият ағдарилганидан кейин ўлим жазоси ўзининг олдинги хусусиятини йўқота бошлади. Дунёвий давлат ҳокимияти ўрнатилгач, ўлим жазоси асосан қўрқитувчи хусусият касб этди. Ўлим жазосини ижро этиш усулларини қўллашдан асосан қатл маросими га йиғилган томошабинларни даҳшатга солиш ва улар орасидаги жинойт содир этишга мойил шахсларни бундан ўзини тийишга оғдириш мақсади кўзланди. Ушбу давр қонунларида диний ҳокимият даврининг таъсири сақланиб қолган бўлиб, улар жинойтчиларни асосан «бошқаларга сабоқ бўлсин учун» қатл қилишни амр этади. Римликларда ўлим жазосига ҳукм қилинган одамни *exemplum* деб аталган. Шу даврда ўлим жазоси одамларни қўрқитиш мақсадида оло-

мон кўз ўнгида ижро этилган. Қатл маросими шаҳар марказида, черковлар ва саройлар яқинида, энг гавжум маросимларда ўтказилган. Шарқда ҳам, Европада ҳам дорлар одатда шаҳар дарвозаси яқинида, марказий майдонларда ва йўл ёқасида қурилган. Баъзан ўлим жазоси жиноят содир этилган жойда ёки бошқа жойда ижро қилинган. Бу ҳолда қўпинча қатл этилган жиноятчи танасининг қисмлари: қўллари, оёқлари, боши қатлгоҳга томошага қўйиш учун юборилган. Халқни қатл маросимига чақириш учун черков қўнғироқлари чалинган (масалан, Испанияда даҳрийларни гулханда куйдиришда, Россияда Иван Грозний подшолиги даврида, шунингдек Германияда) ёки жарчилар кўчама-кўча юриб, халқни қатлгоҳга чорлаган. Францияда ва Россияда, асосан Москва пойтахт бўлган даврда қатл маросими ҳақида қарнайлари чалиб дарак берилган. Дорлар ва эшафотлар жуда мустаҳкам қилиб қурилган, жиноятчиларнинг мурдалари баъзан йиллаб дордан олинмаган.

Ўлим жазосига ҳукм қилинганларни қатлгоҳга тўпланган оломон мазаҳлаган ва таҳқирлаган (масалан, Францияда халқ маҳкумга туҳум, лой ва бошқа ифлос нарсаларни отган). Бу нафақат тақиқланмаган, балки қўллаб-қувватланган, чунки бундай маросимларни ҳокимиятнинг ўзи маҳкумларни хўрлаш ва таҳқирлаш мақсадида ўтказган. Қатл маросимига бутун халқ - ялангоёқлардан тортиб зодагонларгача тўпланган (масалан, Испания қироли даҳрийларни гулханда ёқиш маросимида иштирок этган; Англия қироли 1219 йилда Бедлэй исми чеварни қатл қилиш маросимида қатнашган). Кунда-кунора ўтказилиб турилган қатл маросимлари, ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, халқ учун қизиқарли томошага айланиб қолди. Масалан, Римда айбланувчиларни ёввойи ҳайвонларга ейиш учун ташлаш ва уларнинг курашиши, шунингдек маҳкумлар курашда бир-бирини ўлдириши фуқароларнинг энг севимли томошаси эди; Испанияда даҳрийларни гулханда куйдириш маросими кун бўйи давом этар, энг тантанали қатл маросимлари давлат аҳамиятига молик воқеалар, чунончи: подшонинг тахтга ўтириши, қиролларнинг уйланиши, меросхўрнинг туғилиши ёки балоғат ёшига етиши муносабати билан ўтказиларди. Бошқа мамлакатларда ўтказилган қатл маросимларида ҳам халқ ўзини ана шундай тутган. Баъзан қатлгоҳлар ҳақиқий кушхонага айланган, қатл маросимлари бир неча кун давом этган, уларда юзлаб ва ҳатто минглаб одамлар (масалан, қўзғолончилар ва исёнчилар) қатл қилинган. Хитойда ҳозир ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинганлар якка-якка ҳолда эмас, балки ҳаммаси йиғилиб, йилда бир марта қатл этилади. Кўриб чиқиладиган даврда қасос қонунлари амал қилган давр удуми — жиноятчиларнинг уйларини вайрон қилиш ёки уларга ўт қўйиш ҳам сақланиб қолган эди. Масалан, яҳудийлар-

да диндан қайтганлар ўлдирилган, уларнинг бор мол-мулкига эса ўт қўйилган. Францияда одам ўлдириш, давлатга қарши жиноятлар ва бидъатда айбланган жиноятчиларнинг уйлари вайрон қилинган ёки ёқиб юборилган.

XVI аср ўрталарида император Карл V¹⁴⁷ томонидан чиқарилган ва бир қатор Европа мамлакатларида салкам XVIII аср охирларигача амал қилишда давом этган «Каролина» номли жиноят қонунлари тўпламида ўлим жазосини ижро қилишда уларнинг аксариятларини ўта шафқатсиз усуллар: гулханда қуйдириш, чархпалакка тортиб ўлдириш, тўрт бўлакка бўлиш, сувда чўктириш, тириклайин ерга кўмиш орқали амалга ошириш ва бошқа шунга ўхшаш кескин ижро усуллари таъкидлаб ўтилган.

Ўлим жазосини ижро этишнинг *оддий* ва *таснифланган* усуллари фарқлаш мумкин. Оддий усулларнинг вазифаси инсонни ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат бўлса, таснифланган усулларнинг мақсади — ҳаётдан маҳрум қилиш билан бир қаторда, қатл этилаётган шахсга мумкин қадар кўпроқ азоб беришдан иборатдир.

Жумладан, Россияда ўлим жазосининг таснифланган усуллари XVIII асргача қўлланилган. XIII аср бошларида Киев князлари ва юқори мартабали руҳонийлар айбдорларни сувга чўктириш, православ динини ёмонлаганларни эса — қуйдириш йўли билан қатл этганлари маълум. Олов айбдорлардан тарқалувчи «риё»ни қуйдиради деб ҳисобланган. Бу ерда қатл қилинаётганларни азоблашдан ҳам кўра кўпроқ «инсу жинслар»ни йўқ қилиш мақсади кўзланган.

Иван Грозний¹⁴⁸ даврида Москвада, «Лобное место» деган жойда подшога қарши фитнада гумон қилинган боярлар осилган, даҳрийлар ва жодугарлар қуйдирилган, зино қилган аёллар ерга тириклайин кўмилган, ҳар хил жиноятчилар қозиққа ўтқазилган, чархпалакка тортилган, қўл-оёғини, сўнгра бошини кесиб ўлдирилган, сиёсий мухолифларнинг боши танасидан жудо этилган¹⁴⁹.

Иван Грозний ўлим жазосини ижро этишнинг янги-янги турларини ўйлаб топган. Унинг «кашфиётлари»дан бири одамни айқ териси ичига тикиб, итларга талатишдан иборат бўлган. Бир сафар у бир нечта монахни порохли бочкага боғлаб, «улар у дунёга учиши учун» портлатишни буюрган. Ўз вазирларидан бирини устунга боғлатган ва шундан кейин унинг опричниклари вазирнинг танасидан бир бўлакдан гўшт кесиб олганлар. Қатл турларидан бири одам жони узилгунга қадар унинг бошидан навбатма-навбат қайноқ ва муздай

¹⁴⁷ Карл V — Муқаддас Рим империяси императори; *луғатга қ.*

¹⁴⁸ Иван IV Грозний — биринчи рус подшоҳи; *луғатга қ.*

¹⁴⁹ *Степняк-Кравчинский С. М.* Россия под властью царей. М., 1964. — 59—60-бетлар.

сув қуйишни назарда тутган. Тирик одамнинг терисини тилимлаш, уни тўла шилиб олиш, одамни майда-майда қилиб қиймалаш, мой, шароб ёки сувга солиб қайнатиш, калтаклаб ўлдириш ва бошқа ваҳшиёна ўлдириш усуллари қўлланилган¹⁵⁰.

Ўтмишда ўлим жазосини ижро этиш усуллари ҳам муфассал тартибга солинганлиги диққатга сазовордир. Улар юқоридагидек, оддий ва таснифланган турларга бўлинган. Ўлим жазосини ижро этишнинг оддий турларига бошни танадан жудо этиш, осиб ва чўктириш, таснифланган турларига эса — куйдириш, оғизга қўрғошин куйиш, оёқ-қўлни кесиб, сўнгра бошни танадан жудо қилиш, чархпалакка тортиб ўлдириш, елкасигача ерга кўмиб қўйиш, қозиққа ўтқизиш ва бошқалар кирган.

Ўлим жазосининг тури муайян жиноят турига татбиқан барча ҳолларда ҳам тартибга солинавормасди. Кўпинча жазо турини танлаш суд ихтиёрига бериларди. Қатл этилгунга қадар маҳкум руҳонийдан хайрбод оларди. Қатл маросими оломон қаршисида ўтказиларди. Қатл этилганларнинг мурдаси ёки танасининг қисмлари одамларни кўрқитиш учун қатлгоҳга қўйиларди. Бу эса ўша даврда ўлим жазосини қўллашнинг энг асосий мақсади эди.

Ўша даврда яшаган алломалар ва тарихчиларнинг қайд этишича, қатл маросими даҳшатлари жамоатчилик ғазабини кўзғотмаган, одамларда қаршилик ва нафрат ҳисларини уйғотмаган. Жаллод касби ҳатто обрўли касблардан бири ҳисобланган ва бу ҳол барча давлатларга ҳам бирдек хос бўлган.

Пётр I¹⁴⁹ даврида ўлим жазоси янада кенг қўлланилган. Унинг ҳарбий артикулларида ўлим жазоси 123 та жиноят учун назарда тутилган эди. Шуларнинг тахминан ярмида ўлим жазосини ижро этиш усули белгиланган бўлса, қолган жиноятлар учун ижро этиш усулини белгилаш суд ҳукми ихтиёрига берилган эди.

Кейинчалик ҳарбий артикулларда ўлим жазосини ижро этиш усуллари учтагача қисқартирилди: отув, бошни танадан жудо этиш ва осиб.

Отув жазоси фақат ҳарбий хизматчиларга тайинланарди. Унинг қўлланилиши маҳкумни ва унинг қариндошларини шарманда қилиш мақсадини кўзламас эди.

Совет даврида ҳам ўлим жазосини ижро этишнинг деярли ягона усули отув эди. У жазо тариқасида ҳам, судсиз жазолаш усули сифатида ҳам қўлланиларди. Фақат Улуғ Ватан урушининг охирида ватан хоинлари ва фашистларга ёрдам берган шахслар учун осиб ўлдириш

¹⁵⁰ *Кобриш В* Иван Грозный. М., 1989. — 88-бет.

¹⁵¹ Пётр I — рус подшоҳи; *лугатга* қ.

орқали ўлим жазоси жорий этилди, лекин у Жиноят кодексига кiritилмади. Жазони ижро этишнинг ушбу усули уруш охирида жорий этилгани ва фақат ватан хоинлари ва фашистларга ёрдам берган шахсларга тааллуқли бўлгани учун ўлим жазосини ижро этишнинг мазкур усули мақсади умумий превенция билан боғлиқ эмас эди, деб қайд этиш мумкин. Афтидан, ўлим жазосини ижро этишнинг бу усули айбдорни шарманда қилиш ва оккупация йилларида улардан жабр кўрган аҳоли қониқиш ҳиссини тўйиши учун керак бўлган. Отув ҳозиргача ўлим жазосини сақлаб қолган собиқ иттифоқдош давлатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам ўлим жазосини ижро этишнинг бирдан-бир усули бўлиб қолмоқда.

Сталин қатағони йилларида судсиз жазолаш учун отувдан ташқари, ҳаётдан маҳрум қилишнинг ҳар хил турлари қўлланилган: одамлар чўктирилган, осилган, совуқда музлатилган, очликдан ўлдирилган, оғир меҳнатга маҳкум этилган.

Маҳкумнинг боши кундада қилич билан (олдингидек болта билан эмас) **танасидан жудо қилинарди**. Москвада, «Лобное место»даги қатлгоҳда стрелецларнинг шундай қатл маросимларида Пётр I шахсан иштирок этгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Осиб ўлдириш кўплаб давлатларда энг шармандали ва энг қадимги жазо усули ҳисобланган. У оломон қаршисида, махсус қурилган дорда амалга оширилган. Унда баъзан бир нечта маҳкум бирваракай қатл этилган. Қароқчилар йўл четидаги дарахтларга осилган. Одамларни кўрқитиш учун осиб ўлдирилганларнинг мурдалари узоқ вақт дордан олинмаган. Исён ва кўзғолонлар вақтида дорлар кўпинча соллар устига қурилган ва осиб ўлдирилганлар дарё оқими бўйлаб оқизиб юборилган. Осиб ўлдирилганларни мумкин қадар кўпроқ одам кўриши учун шундай қилинган.

XVIII асрнинг 30-йилларида жаҳоннинг турли мамлакатларида ўлим жазосини ижро этишнинг шафқатсиз усуллари яна қўлланила бошланди. Жазо бошни танадан жудо қилиш, осиб, чархпалакка тортиш, қозикқа ўтқазиш ва куйдириш йўли билан ижро этилар эди. Илгари маълум бўлган бу усулларга *маҳкумнинг қовурғасидан илгакка осиб* жазоси қўшилди. Бунда маҳкум жони узилгунча оёғи осмондан бўлиб илгакда осилиб турарди¹⁵².

Кейинчалик бир қатор давлатларда жазони ижро этишнинг маълум усуллари қаторига яна янги усул — маҳкумнинг танасини бешта от билан қисмларга ажратишни (оғир сиёсий жиноятлар учун) қўшиш таклиф қилинди. Ва бу ижро усули айрим тоифадаги оғир жиноятлар учун кенг татбиқ қилина бошланди.

¹⁵² Гернет М. Н. Смертная казнь. М., 1913.

1767 йили Россиянинг навбатдаги императричаси — Екатерина II нинг *Накази* эълон қилинди. Екатерина II умуман олганда ўлим жазосига қарши бўлса-да, уни тўла рад этмас эди. Унинг подшолиги даврида ўлим жазоси, айниқса, Пугачёв кўзғолони бостирилганидан кейин анча кенг қўлланди. Пугачёвнинг ўзи оёқ-қўли кесилиб, сўнгра боши танасидан жудо қилинди. Унинг жуда кўп тарафдорлари осиб ўлдирилди, айримлари эса оёқ-қўли кесилиб, кейин боши танасидан жудо қилинди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида баъзи давлатлар ўз қонунчилигида ўлим жазосининг қўлланилиши чеклади. Уни амалда қўллаш ҳолларининг сони қисқарди. Бир қанча таниқли жамоат арбоблари ўлим жазосини бекор қилиш кераклиги ҳақида фикр билдирдилар. Ўлим жазосини ижро этиш усуллари амалда фақат осиб ва отувдан иборат бўлиб қолди. Ваҳоланки, ўлим жазосини ижро этишнинг бошқа усуллари тақиқланмаган эди. Масалан, Россиядаги декабристлар иши бўйича уларнинг 36 нафарига оёқ-қўлини кесиб, кейин бошини танасидан жудо қилиш тайинланган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги афв этилди, беш нафари эса осиб ўлдирилди.

Шу тариқа жаҳон мамлакатларининг қонунчилигида ўлим жазосини ижро этишнинг таснифланган усуллари ўтмишда қолди, аммо ўлим жазоси, айрим қисқа даврларни ҳисобга олмаганда, қўлланишда давом этди.

Ўлим жазосини ижро этиш усуллари ҳам жуда ранг-баранг бўлган. Тарихдан ўлим жазосини ижро этишнинг жуда кўплаб усуллари маълум. Қатл маросимини мумкин қадар узоқ ва таъсирли ўтказишга ҳаракат қилинган.

Ўлим жазоси устида катта тадқиқотлар олиб борган рус олими А.Ф.Кистяковский ўлим жазосини ижро этишнинг амалда қўлланилган 21 та усулини қайд этади:

- 1) осиб;
- 2) бошини танасидан жудо қилиш;
- 3) қайнаб турган мой, шароб, сувга ташлаш;
- 4) чархпалакка тортиш;
- 5) оёқ-қўлини, сўнгра бошини кесиш, бутидан иккига айириб ташлаш ва майда қисмларга бўлаклаш;
- 6) куйдириш;
- 7) ерга тириклайин кўмиш;
- 8) оддий чўктириш ва оғзи тикилган қопда чўктириш;

- 9) терисини шилиб олиш;
- 10) ичагини суғуриб олиш;
- 11) қозикқа ўтқизиш ва қозик билан қоқиш;
- 12) оғзига кўрғошин қуйиш;
- 13) қоядан ёки бошқа баланд жойдан ташлаш;
- 14) бўғиб ўлдириш;
- 15) йиртқич ҳайвонларга едириш;
- 16) ҳайвонлар туёғи билан тонташ;
- 17) тошбўрон қилиш;
- 18) очлик билан ўлдириш;
- 19) заҳарлаб ўлдириш;
- 20) савалаб ўлдириш;
- 21) отиб ўлдириш¹⁵³.

Лекин яна бошқа бир қатор тарихий манбалар бу рўйхатнинг тўлиқ эмаслигидан гувоҳлик беради.

Жазони ижро этиш усуллари тавсифининг ўзиёқ XXI аср кишининг этини жунжиктиради. Бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун юқорида барча халқларда кенг тарқалган ўлим жазосини ижро этиш усулларига қисқача тавсиф бериб ўтамыз:

1. Осиб ўлдириш. Барча халқларда энг кўп қўлланилган ўлим жазосини ижро этиш усулларида бири. Осишнинг ўзи ҳар хил усулларда амалга оширилган. Аввал айбдорлар дарахтларга, кейинчалик — устунларга, махсус қурилган дорларга, дарвозаларга ва биноларнинг пештоқларига осилган. Осиб ўлдиришнинг тарихий аҳамият касб этган алоҳида тури — хочга бошини пастга ёки тепага қаратиб осиб. Бу усул Шарқда, Юнонистонда ва Римда қўлларга нисбатан кенг қўлланилган. Ҳиндистонда айбдорлар Ирравади дарёсининг қирғоғида шундай осилганки, сув қуйилиши натижасида маҳкум аста-секин сув остида қолган. Хочга осиб ўлдириш мазкур жазо усулининг энг даҳшатли турларидан бири, чунки маҳкум бўғилишдан эмас, балки очлик, ташналик ва ҳар хил қийноқлардан ўлади. Христианларда хоч қўлланилмаган (Исо Масихнинг хочдаги ўлимини эслатгани учун). Германияда жиноятчиларнинг, айниқса, яҳудий миллатига мансуб айбланувчиларнинг ўлимини оғирлаштириш учун улар иккита ит ёки иккита бўри билан бирга осилган; оғир жиноят содир этган ўғриларни осидан олдин кулгили қилиб безашган; содир этилган ўғрилик қанча оғир бўлса, ўғри шунча баланд дорга осилган. Европада осиб ўлдириш ўлим жазосини ижро этишнинг бошқа усуллари, масалан, бошни танадан жудо этишдан оғирроқ ва «обрўсиз-

¹⁵³ Кистяковский А. Ф. Элементарный учебник общего уголовного права. Т. I. Общая часть. Киев, 1875. — 304-бет.

роқ» ҳисобланган. Шу сабабли мазкур жазо асосан қора халқдан чиққан жиноятчиларга нисбатан қўлланган. Имтиёзли табақалардан чиққан жиноятчиларга одатда бошни танадан жудо қилиш жазоси тайинланган. Аёллар осиб ўрнига гулханда куйдирилган ёки сувга чўктирилган. Бундан ташқари, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, осиб ўлдириш ўлим жазосининг энг шармандали тури ҳисобланган. У, юқоридагилардан ташқари, душман томонга қочиб ўтган ҳарбийларга тайинланиши мумкин бўлган. Осиб ўлдириш XVIII аср охирида Европанинг кўпгина давлатларида муомаладан чиқарилди.

2. Бошни танадан жудо қилиш. Қадимда осиб ўлдириш билан бир хилда кўп қўлланган усул. Маҳкумнинг боши қилич, болта ёки маҳсус машина (гильотина) воситасида танасидан жудо қилинади. Фарбий Европада бошни танадан жудо қилиш асосан дворянларга нисбатан қўлланган. Жазони болта ва қилич ёрдамида ижро этиш баъзан зарбанинг ноаниқлиги натижасида маҳкумларни жуда оғир қийноқларга дучор этган: маҳкумнинг боши танасидан ажралгунга қалар жаллод ўн ва ундан ортиқ зарба берган ҳоллар ҳам бўлган. Шу боис XVIII аср охирида Францияда бошни танадан жудо этиш учун маҳсус машинадан фойдаланила бошланди. Бу машина уни таклиф қилган одам — доктор Гийотен номи билан «гильотина» деб аталди (*лугатга қ.*). Бу машина илгари Италия, Англия, Шотландия ва Голландияда ҳам, кам бўлса-да, қўлланилган эди. Гильотина Францияда инқилобий қатллар куралига айланди. Франциядан кейин гильотина Европанинг бошқа давлатлари, чунончи: Саксония, Гессен, Бавария, Веймар, Ганновер, Цюрих, Люцерн, Галлен ва Шафгаузенда ҳам қўлланила бошланди.

3. Мойда, шаробда, сувда қайнатиш. Ушбу усул билан Германияда падаркушлик, ўз қариндошлари ёки хўжайинини ўлдирганлик, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганлик ва, айниқса, қалбаки пул ясашда айбдор жиноятчилар қатл қилинган. Францияда ушбу жазо усули қалбаки пул ясашда айбдорларга нисбатан қўлланган. Россияда Иван Грозний ўзига хиёнат қилган одамларни дошқозонларга солиб қайнатган. Мазкур жазо усули шундан иборат бўлганки, маҳкум сув ёки бошқа модда куйилган қозонга туширилган, қўлига қозоннинг ҳалқалари кийдирилган ва қозоннинг тагига ўт ёқилган; қозондаги сув паст оловда қайнатилган. Ўлимга ҳукм қилинган шахс дошқозонга солиниб, тагидан аста-секин ўт қаланар, сув маҳкум куйиб ўлгунича қайнатилар эди.

4. Чархпалакка тортиб ўлдириш. Ушбу усул Римда императорлик даврида амал қилган; Германияда ҳам мазкур жазо усули анча эрта пайдо бўлган; Францияда чархпалакка тортиб ўлдириш дастлаб удум

тарзида муомалага киритилган, сўнгра Франциск I¹⁵⁴ қонуни билан тасдиқланган; Россияда ушбу жазо XVII асрда қўлланган бўлсада, аммо у Пётр I даврида расмий муомалага киритилган ва Ҳарбий низом эълон қилиниши билан қонуний тасдиқланган. Чархпалакка тортиб ўлдириш усули шундан иборатки, эшафотга икки тўсиндан ясалган Андрей хочи горизонтал ҳолатда боғланган. Хочнинг ҳар бир бўғинида бир-биридан бир фут узоқликда иккита ўйиқ очилган. Мазкур хочга жиноятчи шундай боғланганки, унинг юзи осмонга қараган бўлсин; унинг ҳар бир қўли ва оёғи хочнинг бўғинларидан бири устида ётган ва қўл-оёқларининг ҳар бир бўғими хочга боғланган. Шундан кейин тўртбурчак темир лом билан қуролланган жаллод маҳкум аъзоларининг ўйиқлар устида ётган бўғимларига урган. Шу усулда унинг ҳар бир аъзоси суяклари икки жойдан синдирилган. Жаллод ўз ишини маҳкумнинг қорнига икки ёки уч марта уриш ва умуртқа суягини синдириш билан якунлаган. Шундан сўнг маҳкум горизонтал ҳолатда қўйилган чархпалакка оёқларини бошининг орқа қисми билан туташтириб осиб қўйилган. Маҳкум жони узилгунга қадар шу ҳолатда осилиб турган.

Германияда пистирмада пойлаб туриб одам ўлдирган жиноятчилар, Францияда эса, бундан ташқари, катта йўлда қароқчилик қилган жиноятчилар шу усулда қатл этилган.

5. Тўрт бўлиб қатл қилиш ва тилка-пора қилиш. Жиноятчини отнинг думига боғлаб ўлдириш ибтидоий жамоа даврида жуда кўп халқларга маълум бўлган. Рим императорлари даврида жиноятчиларни тилка-пора қилиб ўлдириш усули қўлланган. Аммо янги Европа халқларида тўрт бўлиб қатл қилиш усули айниқса кенг тарқалган. Бу усул Франция, Англия, Германия, Италия ва Россияда қўлланган. Подшони ҳақорат қилиш, унинг ҳаётига қасд қилиш, баъзан давлатга хиёнат учун айбдорлар ана шу усулда қатл қилинган. Бу энг даҳшатли жазо усули ҳисобланган. Жиноятчи уч ярим дюйм¹⁵⁵ баландликдаги эшафотга чалқанча ётқизилиб, темир кишанлар билан маҳкамланган. Кишанлар маҳкумнинг кўкраги, бўйни, қорнидан пастроғи ва сонларини қамраб олган. Кишанлар эшафотга шу қадар маҳкам боғланганки, маҳкумнинг танаси отларнинг тортиш кучига қаршилик кўрсата олган. Шундан кейин маҳкумнинг қўлига жиноят қуроли боғланган ва олтингугурт қуйиб ёқилган. Сўнгра маҳкум танасининг турли қисмларидан гўшт омбир билан суғуриб олинган ва яраларга кўрғошин, мой, мум ва олтингугурт эритмаси қуйилган. Ниҳоят, унинг ҳар бир аъзоси отга боғланган. Аввал отлар олдинга

¹⁵⁴ Франциск I — Франция қироли; *луғатга қ.*

¹⁵⁵ Дюйм — ўлчов бирлиги; *луғатга қ.*

секин ҳайдалган. Отларнинг ҳар бир олға интилишидан маҳқум қаттиқ азоб чеккан. Шундан сўнг отлар бор кучи билан тортишга мажбур қилинган. Ҳар бир от маҳқум танасининг ўзи боғланган қисмини ажратиб олган. Қўл-оёқни кесиб, кейин бошни танадан жудо этиш давлатга қарши жиноят, хоинлик, ўзини бошқа одам, масалан, подшо деб эълон қилиш учун тайинланарди.

Қатл маросимининг охирида тилкаланган аъзолар эшафотда қолган гавда билан бирга гулханда ташланган. Жиноятчининг кули кўкка совурилган. Францияда 1610 йилда Равальяк, 1757 йилда Дамиен ва айрим бошқа жиноятчилар шу усулда қатл қилинган.

Хитойда сиёсий жиноятлар, падаркушлик ва ўз эрини ўлдирганлик учун Европада **10 минг қисмга тилкалаш** деган ном билан машҳур жазо усули XX аср бошларигача амал қилган. Бунда қип-яланғоч қилиб ечинтирилган маҳқум мрамор стол устига чалқанча ётқизилади ва маҳкам боғланади. Жаллод устига ёпқич ташланган кути ичидан ҳар хил шаклдаги пичоқларни олади. Кутидаги ҳар бир пичоқ маҳқумнинг маълум аъзоси учун мўлжалланган ва бу ҳақда пичоққа белги қўйилган. Масалан, бир пичоқ маҳқумнинг кўзини ўйиб олишга, иккинчи пичоқ — тирноқларини суғуриб олишга, учинчи пичоқ — қўлини кесишга, тўртинчи пичоқ — жинсий аъзоларини кесишга мўлжалланган ва ҳоказо; маҳқумнинг биронта ҳам аъзоси унутилмаган. Жаллод қўлини кути ичига тиқиб, дуч келган пичоқни олади ва унда ёзилган амални бажаради.

6. Гулханда куйдириш. Шарқ ва Ғарб халқларининг деярли барчасида кенг тарқалган жазони ижро этиш усули. Яҳудийларда зино қилганлар ана шу усулда жазоланган. Римликларда сиёсий жиноятлар учун, бундан ташқари — ўт қўйиш, жодугарлик, худога шак келтириш, падаркушлик ва муайян ҳолатларда подшони ҳақорат қилиш учун, хуллас, жами 24 ҳолатда гулханда куйдириш жазоси қўлланган. Янги Европа халқларининг деярли барчасида гулханда куйдириш даҳрийлар ва жодугарлар учун, шунингдек диний хусусиятга эга бўлган жиноятлар, чунончи: худога шак келтириш, бесоқолбозлик, зино қилиш ва шу қабилар учун махсус назарда тутилган жазо ҳисобланган. Диний жиноятчилар куйдириб (гулханда ёки махсус тайёрланган ёғоч деворли қурилмада) ўлдирилган.

Римда, Россияда ва Германияда ўт қўювчилар, шунингдек аёллар осиб ўлдириш ўрнига ёки махсус жиноятлар, масалан, ўз эрини ўлдириш учун гулханда куйдирилган. Мазкур қатл жараёни куйдагилардан иборат бўлган: эгнига фақат олтингугурт эритмасига ботириб олинган қўйлак кийган маҳқум 6 фут баландликда саржин қилиб тахланган ўтин, шох-шабба ва похол орқасидаги устунга темир кишанлар билан маҳкам боғланган. Шундан кейин гулхан ҳар томон-

дан ёқилган. Баъзан маҳкум кўпроқ азоб чекиши учун у паст оловда куйдирилган. Берхгольц кундалигида қайд этилишича, Пётр I подшолиги даврида муқаддас нарсаларни таҳқирлаган бир раскольник ана шундай паст оловда куйдириб ўлдирилган.

7. Тириклайин ерга кўмиш. Ўлим жазосининг мазкур усули аёлларни жазоланг учун махсус мўлжалланган. Аммо бу жазога истисно тариқасида эркаклар ҳам тортилган. Юнонистонда ва Римда амал қилган. Янги Европа халқларида аёллар осиб ўлдириш ва чархпалакка тортиш ўрнига ерга тириклайин кўмилган. Мазкур жазо асосан эрига хиёнат қилиш, зино қилиш, баъзан умуман одам ўлдириш учун, Россияда — эрини ўлдирганлик учун тайинланган. Қадимги германларда кўрқоқлар тириклайин лойга кўмилган ёки ботқоққа чўктирилган. Германияда дор тагига чуқур ўра қазилган: шу ўрага кичитқи ўт ва кўмир чўғи ташланиб, устига маҳкум ётқизилган, сўнг унинг юрагига қозиқ қоқилган. Саксония ҳуқуқига кўра, зино қилган эркак ўрага ўйнаши билан ташланган. Баъзан ўра оғзида кичкина тешик қолдирилган ва у орқали кўмилган маҳкумга маълум вақт овқат бериб турилган.

Россияда ўз эрини ўлдирган аёлни ерга тириклайин кўмишнинг махсус усули амал қилган. Кўли орқасига қилиб боғланган маҳкума ерга елкасигача кўмилган ва унинг атрофидаги ер топталиб шиббаланган. Маҳкумага овқат ҳам, сув ҳам берилмаган ва шу ҳолатда у жони узилгунча сақланган. Унинг ёнига қоровул қўйиларди ва у ҳеч ким маҳкумга овқат ва сув бермаслигини кузатиб турарди. Маҳкумнинг жони бир неча кундан кейин, баъзан ҳатто бир неча ўн кундан кейин узиларди.

Бундай қатл усули Шарқда ҳам мавжуд бўлган, шу фарқ биланки, у ерда маҳкума Россиядаги каби кўриқланмаган, балки атайлаб йиртқич ҳайвонларга едириш учун қолдирилган.

8. Сувга чўктириш. Асосан Юнонистонда қўлланган. Римда падаркушлар оломон кўз ўнгида саваланганидан кейин қопга мушук, маймун ёки илон билан бирга жойланган ва қопнинг оғзи тикилиб, дарёга ташланган. Римда падаркушлик учун назарда тутилган мазкур қатл усули кейинчалик Фарбий Европа халқлари томонидан ўзлаштирилган. Масалан, мазкур жазо усули Германия ва Францияда амал қилган, Литва статутида падаркушлик ва ўз эрини ўлдирганлик учун назарда тутилган, фақат маҳкум билан бирга қопга солинадиган ҳайвонлар ҳар хил бўлган. Мазкур махсус усулдан ташқари, оддий сувга чўктириш усули ҳам қўлланилган. Новгородда маҳкумлар одатда кўприкдан Волхов дарёсига ташланган. Пётр I давригача Россияда жиноятчиларни муз остига ташлаш жазоси амал қилган. Бунинг учун маҳкумлар дарёни муз қоплагунга қадар сақланган. Англия ва Францияда ҳам оддий сувга чўктириш жазоси амал қил-

ган. Шунингдек, кўп одамларни бирваракайига қатл этиш керак бўлган ҳолларда уларни чўктириш усули кенг қўлланилган.

9. Терини шилиб олиш. Ўлим жазосини ижро этишнинг мазкур усули Германия, Франция ва Англияда қўлланилган.

10. Ичакни суғуриб олиш. Кўпинча Германияда қўлланилган қатл усули; деҳқончилик қуроллари ўғирлаганлик ва дарахтларнинг пўстлогини шилиб олганлик учун ана шу жазо усули назарда тутилган. Жануби-ғарбий Россияда асалари ўғрилари шу жазога тортилган. Бунда кесилган қориндан ичакнинг бир учи тортиб чиқарилиб, миҳ билан дарахтга қоқилган ва маҳкум жони узилгунга қадар дарахт атрофида айланишга мажбур қилинган.

11. Қозиққа ўтқизиш ва қозиқ қоқиш. Ҳиндистонда амал қилган. Германияда ҳам от ўғирлаш, номусга тегиш ва фарзандкушлик учун назарда тутилган. Номусга тегиш жиноятини содир этган шахснинг кўксига ёғоч қозиқ қоқилган: дастлабки уч зарбани жиноятдан жабр кўрган аёл, қолган зарбаларни эса — жаллод берган. Россияда давлатга қарши жиноят содир этган шахслар қозиққа ўтқизилган: Иван Грозний шу усул билан боярларни қатл қилган; Пётр I даврида ҳам шу жазо амалда бўлган; 1738 йилда қаллоб Миницкий ва унинг жиний шериги руҳоний Могила қозиққа ўтқизилган. Қозиққа ўтқизиш асосан хоинлар ва исёнчиларга нисбатан тайинланарди. Тананинг оғирлигидан қозиқ аста-секин одамнинг ичига санчилар, уни қаттиқ азоблаб ўлдирарди. Маҳкумнинг жони узилгунча баъзан бир неча кун ўтарди. Айрим ҳолларда бу жараён маҳкумнинг азоб чекишини узайтириш мақсадида ҳар хил мосламалар ёрдамида сунъий тарзда секинлаштириларди.

12. Оғизга кўрғошин қуйиш. Ҳиндистонда, Римда жиноятчилар шу усулда қатл қилинган. Германияда айрим жиноятлар учун ё маҳкумнинг оғзига кўрғошин қуйилган, ё унинг орқа тешигига кўрғошин тиқин ёки ўқ тиқилган. Баъзи давлатларда қалбаки пул ясаган жиноятчиларнинг оғзига кўрғошин қуйилган.

13. Қоядан ёки бошқа баланд жойдан ташлаш. Ўлим жазосини ижро этишнинг мазкур усули Ўрта Осиёда, Юнонистонда ва Римда қўлланилган; бу усул Германияда амал қилгани ҳам маълум.

Ўлим жазосинин ижро этишнинг бундай усули Бухоро амирлигида ҳам қўлланилганлиги ҳақида тарихий далиллар мавжуд. Шахсан амирнинг буйруғи билан баъзи жиноятларни такрор содир қилинмаслиги мақсадида жиноятчи Мир Араб мадраси олдидаги Минораи Калондан улоқтириш йўли билан қатл этишга ҳукм қилган. Бухоро амирлигида одам ўлдирганлик ва яқин қариндошлари билан жинсий алоқа қилганлик учун жазо ижро этилишининг худди шундай тури қўлланилган.

14. Бўғиб ўлдириш. Мазкур усул Юнонистонда ва Римда қўлланилган, Испанияда эса одатдаги қатл усули ҳисобланган.

15. Ўйртқич ҳайвонларга едириш. Шарқда машҳур бўлган қатл усули; пайғамбар Даниил шерларга едирилган. Ману қонунларига кўра, зино қилган одам оч итларга едирилган. Қадимги Пруссияда ҳам зинокорлар ана шу усулда жазоланган. Мазкур қатл усули Юнонистонда ҳам амал қилган. Римда айниқса кенг қўлланилган; бу ерда куллар ва умуман қуйи табақа вакиллари шу усулда қатл қилинган. Мазкур қатл усули германлар ва скандинавларга ҳам маълум бўлган.

16. Ҳайвонларга топтатиш. Ҳиндистон ва Македонияда маҳкумлар филлар ёки отларга, Германияда — отларга топтатиб ўлдирилган.

17. Тошбўрон қилиш. Яҳудийларда одатдаги қатл усули ҳисобланган; юнонлар, скандинавлар ва германларга ҳам маълум бўлган.

18. Очликдан ўлдириш. Юнонистонда очликдан ўлдириш ҳукм қилинган маҳкумнинг азобини кучайтириш учун у бой дастурхон олдига ўтқизилган. Дастурхон устига турли хил ноз-неъматлар қўйилиб, унинг атрофидаги кишилар бу ноз-неъматларни маза қилиб ейишган. Бир неча кундан бери ҳеч нарса емаётган оч-наҳор маҳкум бу ҳолатни кўриб янада азобланган. Табиий равишда, бу усул жиноятчига психологик зарба сифатида хизмат қилган. Мазкур қатл усули янги Европа халқларига ҳам маълум бўлган.

19. Заҳарлаб ўлдириш. Юнонистонда (Сукрот) ва Римда (Сенека) анча кўп қўлланилган қатл усули. У бошқа халқларга ҳам маълум бўлган.

20. Савалаб ўлдириш. Римда энг кўп қўлланилган қатл усули; кейинчалик у уятли усул сифатида Рим фуқаролари учун бекор қилинган. Туркияда эса бу усул одатдаги қатл усули ҳисобланган. Ўрта асрларда Европа халқларида кўп учраган.

21. Отув. Ҳарбийлар учун мўлжалланган қатл усули. Ўлим жазосини ижро этишнинг ушбу усули бизнингча, деярли ҳаммага маълум. Бу ерда, айрим даврларда маҳкумни кўзи боғлиқ ҳолда отилганлигини айтиб ўтиш жоизки, айнан ўлим жазосини ижро этишнинг ушбу туридан фойдаланилганда маҳкумнинг кўзи боғлиқ ҳолда ёки унинг бошига турли хил махсус мосламалар кийгизилган ҳолда амалга оширилган.

Отув усули албатта, ўқотар қуроолар орқали амалга оширилган. Яъни, фақат жонли нишонни уриш, снарядни, ўқни отишда порох газлари кучидан фойдаланиладиган қурооллар ёрдамида маҳкумга қарата ўқ узилган. Албатта, дастлабки ўқотар қурооллар тузилиши жиҳатидан жуда содда бўлган.

Ушбу усул ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, у ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўлим жазосини ижро этишнинг

асосий ва бирдан-бир усули ҳисобланади. Бу масала ҳақида қуйида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Санаб ўтилган ўлим жазосини ижро этиш усуллари шафқатсиз давр ва одатлар ҳақида муайян даражада тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Кўриб турганимиздек, бу усуллар жуда ранг-баранг бўлган: маҳкум камдан-кам ҳолда фақат бир усулда қатл этилган; бир неча қатл усулини бирлаштириш одати мавжуд бўлган. Асосий қатлдан олдин маҳкум оддий ёки махсус қийноққа солинган; у l'amande honorable номи билан маълум удумни бажариши лозим бўлган; шундан кейин унинг бир қўли ёки иккала қўли, тили кесилган, қиздирилган омбир ва темир қисқич билан танасининг энг этили жойлари узиб олинган; осиб ўлдириш усули чархпалакка тортиш ва куйдириш билан бирга қўлланган; маҳкумнинг қорнини ёриш гулханда куйдириш усули билан бирлаштирилган, бунда жаллод маҳкумнинг қорнини ёриб, унинг ички аъзоларини ковлаштирган. Ўша даврда муайян жиноят учун қатл усули қонунда белгилаб қўйилмаган, бу масалани судья удум бўйича ва ўз ихтиёрига кўра ҳал қилган. Ўлим жазосини ижро этишнинг барча ранг-баранг усуллари қонунга боғлиқ бўлмаган ҳолда одат тусини олган деб айтиш мумкин. Кейинчалик бу усулларнинг айримларигина қонун билан тасдиқланган. Аммо шундан кейин ҳам судья жазо усулини танлашда қонунни четлаб ўтишда давом этган. Жиноятнинг оғирлиги, жиноятчининг хулқ-атвори, жиноятнинг такроран содир этилиши судьяга қатл усулини оғирлаштириш, бир усулни бошқаси билан бирлаштириш ва ҳатто янги усулларни «кашф қилиш» ҳуқуқини берган. Юқорида ўзингиз гувоҳи бўлаётганимиздек, ўлим жазосини ижро этиш усуллари ниҳоятда ранг-барангдир.

Ўз навбатида, бизнингча ўлим жазосини ижро этувчи субъектларни иккига ажратиш мумкин. Яъни ўлим жазосини **билвосита ижро этувчилар** ва **бевосита** (тўғридан-тўғри) **ижро этувчилар**.

Ўлим жазосини билвосита ижро этувчи субъект сифатида давлат (давлат томонидан чиқарилган қонунлар, судья давлат номидан ўз ҳукми орқали) қатнашади. Ҳар бир алоҳида мамлакатда ўлим жазосини ижро этишда давлатнинг субъект сифатида иштирокининг ўзига хос механизми мавжуддир. Бу ҳаммага маълум, лекин, ўлим жазосини ижро этувчи бевосита субъект кимлар бўлиши мумкин ёки улар ҳақида муайян даврларда қандай фикрда бўлишган деган масала ҳаммани қизиқтирса керак. Аммо бу масалага ойдинлик киритиш жуда мушкулдир. Боиси, ўлим жазосини бевосита ижро этувчиларнинг шахси ҳар бир даврда ўзига хос тарзда махфий ҳисобланган. Ҳозирда ҳам ушбу «касб» вакиллариининг шахси ҳақидаги маълумотлар сир тутилади.

Қадимги давлатларнинг аксариятида ўлим жазоси жаллодлар томонидан ижро этилган, лекин истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Осиёнинг қадимги монархияларида жаллод вазифасини баъзан подшоҳлар ҳам бажарган. Қадимги битиклардан бирида Эрон шоҳи Доро ўзига қарши ғалаён кўтарган Мидия подшоҳи Фраортни қандай қатл қилгани тўғрисида сўз юритилади. «Уни (Фраортни) ҳибс этиб, қошимга келтирдилар. Мен унинг бурни, қулоқлари, тилини кесиб олдим. Сўнгра уни ва унинг тарафдорларини Эқбатанда чорчўпга осишни амр этдим». Тонга оролларида қабила оқсоқоллари кўпинча жаллод вазифасини ўзлари бажарганлар. Марокашда XVIII асрда подшоҳлар ўз фуқароларини ўзлари қатл қилганлар.

Жаллод Худонинг иродасини бажарувчи одам ҳисобланган ва жаллод вазифасини бажаришни қоҳинлар ёки обрўли мансабдор шахслар ўз зиммасига олган: барча халқлар жинойтчиларни худоларга қурбонлик қилган даврларда жаллод вазифаси қоҳинлик унвонининг ажралмас қисми ҳисобланган. Осиёнинг қадимги монархияларида мазкур вазифа подшо саройининг олий амалдорларидан бирига юкланган. Мазкур амалдор *grand sacrifator* унвонига эга бўлган. Бу унвон жаллод вазифаси буюк қоҳин лавозими билан бирлаштирилганини кўрсатади. Синай тоғидан қайтиб келгач, Моисей олтин бузоққа сиғинишнинг асосий айбдорларини қатл қилишни буюрган; ушбу фармонга кўра, бир кунда левитлар қўли билан уч минг киши қатл қилинган. Римда понтифекс-максимус ҳатто тарихий даврларда ҳам ўлим жазоларини ўз қўли билан ижро этган: Сантилий исмли руҳоний роҳиба билан зино қилгани учун буюк понтифекс томонидан савалаб ўлдирилган. Галлияда друидлар ўзлари қурбонлик қилаётган жинойтчини ўз қўллари билан ўлдирганлар. Скандинавияда Оден қоҳинлари ва уларнинг бошлиғи Упсала буюк қоҳини Дрот, Мексикада эса — буюк қоҳин ҳам жинойтчиларни қурбонлик қилишда жаллод вазифасини ўзлари бажарганлар.

Қоҳинлар ҳокимияти заифлашиб, адлия секуляризация қилинганидан (диний ҳокимият ихтиёридан чиқарилганидан) кейин жаллод вазифаси одил судловни амалга оширишда иштирок этган шахслар қўлига ўтган. Яҳудийларда ўлим жазосини қўйидаги шахслар ижро этган: подшо ворислари ва олий ҳарбий амалдорлар; айбловчи ва гувоҳлар; ўлдирилган шахснинг қариндошлари, баъзан — умуман халқ. Мисрда судья — кади XX асргача ўз ҳукмини ўзи ижро этиб келган. Аристотель жаллодни юнон магистратлари қаторига киритади. Агар ўша даврда жаллод лавозими обрўли лавозимлардан бўлмаганида, буюк файласуф бундай қилмаган бўлар эди. Платоннинг қонунлар ҳақидаги рисоласида магистратлар падаркуш мурдасининг бошига тош отадилар ва шу тариқа бутун давлатни гуноҳдан фориг қилади-

лар. Римда Республиканинг дастлабки даврида илк магистратлар, чунончи: консуллар, трибунлар ва бошқалар ўлим жазоларини шахсан ижро этганлар. Масалан, трибунлар Гарпей тоғидан Манлийни¹⁵⁶ ташлаб ўлдирганлар. Кейинчалик жаллод вазифасини махсус амалдорлар — ликторлар ва триумвирлар бажарган. Ликторлар қўлида қамчи ва ойболта билан доим консуллар ёнида юрган, триумвир лавозими эса давлат ҳокимияти хизматида олий даражага кўтарилишнинг биринчи босқичи ҳисобланган. Янги Фарбий Европа давлатларида ҳам шундай бўлган. Жаллод вазифасини жамиятнинг ўзи ёки унинг вакиллари бажарган. Германиянинг айрим кантонларида ўлим жазосини ижро этиш вазифаси кантоннинг энг ёш вакилига, Стйенденда — суд жойлашган ерга охирги кўчиб келган одамга, Франконияда — охирги уйланган эркакка топширилган. Баъзан шу вазифани судьялардан бири, маслаҳатчиларнинг энг ёши, ўлдирилган одамнинг ёки қотилнинг қариндоши бажарган. Ўлим жазосини ижро этувчининг лавозими касбга айланганидан кейин ҳам жаллод обрўли одамлардан бири бўлиб қолган: Германиянинг айрим кантонларида жаллодларга дворянлик унвони ва имтиёзлар берилган; Францияда улар диний маросимлар ва байрамларда иштирок этганлар, сафнинг олдидан ўрин олганлар. Россияда, Новгородда ўлим жазоси ҳақида ҳукми халқнинг ўзи чиқарган ва ўзи ижро этган. Айрим маълумотларга қараганда, Россиянинг бошқа вилоятларида ҳам ўлим жазолари халқ қўли билан (агар у судда иштирок этган бўлса) ёки одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган амалдорлар томонидан ижро этилган. Масалан, XIV асрда иккита бояр князь амрига кўра бир туҳматчини қатл қилган. Иван Грозний даврида сиёсий ишлар бўйича жаллод вазифасини ўз зиммасига князь Черкасский, подшонинг арзандаси Малюта Скуратов, князь М.Темгрюкович, подшонинг қайниси олган. Пётр I фармонида кўра ўтказилган қатл маросимларида унинг аъёнлари бевосита иштирок этгани ҳам маълум.

Шу нарса диққатга сазоворки, судьялар қатл қилинган одам мол-мулкнинг бир қисмини олган: Францияда маҳкумнинг оти, совути ва бошқа мол-мулки судьяга теккан; маҳкумнинг қиличи, пичоғини ва белидан пастидаги барча кийимларини жаллод олган. Масалан, Исо Масиҳнинг кийим-кечагини жаллодлар қуръа ташлаб бўлишиб олганлар.

Бироқ, вақт ўтиши билан халқларнинг жаллодга муносабати ўзгариб борган. Жаллод касбига ва шахсига жамият нафрат кўзи билан қарай бошлаган. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Францияда бир ёш аёл туққанини яширгани учун осиб ўлдиришга ҳукм

¹⁵⁶ Манлий — римлик саркарда; *луғатга* қ.

қилинган. Аёлнинг ёшлиги ва гўзаллигидан мафтун бўлган жаллод унга уйланиш ниятида эканлигини айтиб, судьялардан маҳкумни афв этишни сўраган. Судьялар рози бўлган, аммо аёл жаллодга хотин бўлишдан ўлимни афзал кўрган. Савдогарлар жаллодга егулик сотишдан бош тортган; халқ нафақат жаллоднинг ўзидан, балки унинг пулидан ҳам ҳазар қилган, жаллоднинг ҳар бир тийини қон билан суғорилган деб ҳисоблаган. Жаллодга ҳеч ким бошпана бермаган. Жаллод лавозими жуда яхши ҳақ тўланадиган лавозимлар қаторига кирган. Масалан, Россияда жаллод ҳар бир маҳкум учун 10 минг рубл олган. Аммо, шунга қарамай, халқда жаллод касбига нафрат шу қадар кучли бўлганки, жаллод лавозимига одам топиш жуда қийин кечган. Натижада аксарият ҳолларда ҳокимият вакиллари мазкур вазифани жиноятчилар зиммасига юклашга ва бунинг эвазига уларни афв этишга мажбур бўлган. Шу нарса диққатга сазоворки, жиноятчиларнинг аксарияти жаллод вазифасини ўз зиммасига олишдан оғир жазога тортилишни маъқул кўрганлар.

Ҳозирги вақтда ҳам жаллодликни ўз бўйнига олишга тайёр виждонли, ҳалол одамни топиш қийин бўлса керак.

Демак, юқорида сиз инсоният тарихида ўлим жазоси ижро этилишининг қандай усуллари қўлланилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлдингиз. **Хўш, ҳозирда ўлим жазосини ижро этишнинг қандай усуллари қўлланилмоқда?**

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳозирда ўлим жазосини ижро этишнинг оддий (таснифланмаган) усуллари қўлланилади. Айбдорларни ҳаётдан маҳрум қилишни зарур деб топган бу мамлакатларнинг қонунчилари мазкур жазони мумкин қадар оғриқсиз, маҳкумларни ортиқча азобламасдан ижро этишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бирга, айрим давлатларда ўлим жазосини ижро этишнинг таснифланган турлари сақланиб қолмоқда. Бунда баъзан қонун ўлим жазосини ижро этиш таомилини маҳкумнинг азоб тортишини узайтириш, унинг жони тез узилишининг олдини олиш мақсадини кўзлаган ҳолда тартибга солмоқда.

Ҳозирги замон қонунчилигида ўлим жазосини ижро этишнинг қуйидаги етти усули маълум:

Отув, ўлим жазосини ижро этиш усули сифатида, порох кашф этилган пайтдан бери маълум. «Халқаро амнистия» ташкилотининг маълумотларига кўра, отув ўлим жазосини ижро этишнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. У ҳозир жаҳоннинг 86 мамлақатида амал қилади. Жазо бир шахс ёки шахслар гуруҳи (ўқчилар бўлинмаси) томонидан ижро этилади. Жазо бир шахс томонидан ижро этилганида, маҳкумнинг бошига яқин масофадан туриб ўқ узилади ва бу унинг ўша заҳоти ҳушини йўқотиши ва тез жони узилишига олиб

келади. Шахслар гуруҳи узоқроқ масофадан туриб ўқ узади. Бу ҳолда, ўқчилар сони кўплигига қарамай, ўқ маҳкумнинг ҳаётини муҳим органи (боши, юраги)га тегиши эҳтимоли камроқ бўлади. Бу масалани тадқиқ қилган Буюк Британия Ўлим жазоси бўйича қироллик комиссияси мазкур жазо ўқчилар бўлинмаси томонидан ижро этилиши ўринли эмаслигини, чунки у маҳкумнинг тез ўлишини кафолатлашмаслигини қайд этди¹⁵⁷.

Осиб ўлдириш 78 мамлакатда қўлланилади. Ўлим жазосини ижро этишнинг бу усули ҳам маҳкум тез ҳушдан кетиши ва ўлишига олиб келадиган усуллардан бири ҳисобланади. Бунга шунинг ҳисобига эришиладики, арқон узунлиги тўғри ҳисобланган тақдирда, қатл этилаётган шахснинг гавдаси йиқилиши натижасида унинг умуртқаси синиши ва илигининг шикастланиши содир бўлади. Арқон узунлиги етарли бўлмаган тақдирда, маҳкум нафас олиш найчаларининг сиқилиши натижасида бўғилиб ўлади. Айрим мамлакатларда (Эрон, Ливия) осиб ўлдириш ҳозир ҳам шу усулда махсус ташкил этилади. Бу ҳолда маҳкумнинг ҳушдан кетиши ва ўлиши дарҳол содир бўлмайди, «унинг азоб чекиши анча узоқ вақт давом этиши мумкин»¹⁵⁸.

Маҳкумнинг бошини танасидан жудо этиш ўлим жазоси бекор қилинганга қадар Францияда қўлланилар эди. Ҳозирда бу жазо Бельгия қонунчилигида назарда тутилган. У мазкур жазони 1950 йилдан бошлаб амалда қўлламаган, кейин эса уни бекор қилди. Мазкур усул яна 6 мамлакатда қўлланган бўлиб, уларда ўлим жазосини маҳкумнинг бошини танасидан жудо қилиш орқали ижро этиш бошқа усуллар билан бир қаторда назарда тутилган. Францияда гильотинадан фойдаланилган, араб мамлакатларида эса — маҳкумнинг боши қилич билан танасидан жудо қилинган. Айрим маълумотларига қараганда, *ҳозир ўлим жазосини ижро этишнинг ушбу усули амалда фақат Саудия Арабистонида қўлланилади*. Бунда маҳкум бир лаҳзада ҳушдан кетиши назарда тутилади, аммо бу жаллод зарбасининг аниқлиги ва кучлилигига боғлиқ бўлади.

Тошбўрон қилиб ўлдириш ўлим жазосини ижро этишнинг маҳкумга энг кўп азоб берадиган усулларида бири ҳисобланади. Маҳкум бўйнигача ерга кўмилади ва шундан кейин у тошбўрон қилинади. Эрон Ислом Республикаси жиноят кодексининг 119-моддасида: «Маҳкум бир-икки зарбадан кейин ўлиб қолмаслиги учун тошлар ҳаддан ташқари катта бўлмаслиги керак; шунингдек улар тош деб атаб бўлмайдиган даражада кичкина ҳам бўлмасин», деб махсус қайд

¹⁵⁷ United Kingdom Royal Commission on Capital Punishment 1949—1953. A report presented to Parliament by command of Her Majesty, Her Majesty's Stationery Office. L., 1953. P. 247.

¹⁵⁸ Когда убивает государство... — 108-бет.

этилган. Кўриниб турибдики, жазони ижро этиш таомили маҳқумга мумкин қадар кўпроқ азоб беришга махсус йўналтирилган. Жазони ижро этишнинг ушбу тури Суданда ва бошқа бир қанча Шарқ мамлакатларида ҳам қўлланилади. Шунингдек, Суданда яқинда ҳам жинойтчилар чорчўпга михланар эди.

АҚШда қонунчи ўлим жазосини ижро этишда бошқа мақсадни кўзлайди. Бу ерда ҳукми ижро этиш усуллари маҳқумга мумкин қадар кам азоб беришга йўналтирилган. Юқорида қайд этиб ўтилган осиб ўлдириш ва отувдан ташқари, бу мамлакатда электр стулида, газ ва захарли инъекция воситасида қатл этиш қўлланилади.

Электр стулида қатл этиш маҳқумнинг танасига махсус уланадиган электродлар ёрдамида жуда кучли ток юбориш орқали амалга оширилади. Токнинг юборилиши натижасида маҳқум ҳушдан кетади, лекин унинг жони маълум вақтдан кейин, баъзан орадан 10-15 минут ўтгач, юрак уришдан тўхташи ва нафас олиш йўллари фалажланиши натижасида узилади. Айни вақтда, маҳқум дарҳол ҳушдан кетмаган ва унинг жони узилгунича токни 5 мартагача юборишга тўғри келган ҳоллар ҳам маълум. Адабиётларда шундай бир ҳолат тавсифланган: ҳукми ижро этиш вақтида маҳқум ўлмаган ва уни такроран қатл этиш Конституцияга зид эмаслиги ҳақида АҚШ Олий суди махсус қарор чиқариши талаб қилинган. Маҳқум орадан бир йил ўтгач қайта қатл қилинган.

Ўлим жазосини ижро этишнинг ушбу усулига баҳо беришда шуни назарда тутиш керакки, унга тайёргарлик кўриш (электродларни улаш, маҳқумни электр стулига боғлаш, токни улаш ҳақида команда бериш ва ҳоказо) онгли ҳолатдаги маҳқум кўз ўнгида содир бўлади. Шу боис мазкур қатл усулининг «инсонпарварлиги» жиддий шубҳа уйғотади. Дарвоқе, АҚШнинг ўзида бу усулнинг «шафқатсизлиги ва инсонпарварлик тамойилларига зидлиги» ҳақида кўп баҳслар бўлган.

Газ билан захарлаш ҳам фақат Америка Қўшма Штатларида (массалан, Аризона ва Калифорнияда) қўлланилади. Маҳқум герметик камерага киритилиб, махсус креслога боғланади. Сўнг камерага кучли таъсир қилувчи газ юборилади. Маҳқум бу газдан нафас олиб, бўғилиб ўлади. Маҳқумнинг кўксига олдиндан стетоскоп маҳкамланади, врач қўшни хонада қатл жараёнини кузатиб туради. Одатда маҳқум тез ҳушдан кетади, аммо нафасини ичига ютадиган ёки секин нафас оладиган бўлса, жони узилишини кечга суриши мумкин. Электр стулида қатл этишдаги каби, бунда ҳам тайёргарлик жараёни (маҳқумни махсус камерага жойлаштириш, креслога боғлаш, кўксига стетоскопни маҳкамлаш ва ҳоказо)ни маҳқум англаб туради.

АҚШнинг бир қанча штатларида ўлим жазоси (1977 йилда Оклахома штати бошлаб берди, кейин унга яна 26 штат қўшилди) **маҳқум**

томирига заҳарли инъекция киритиш, яъни венага ухлатадиган ва фалаж қиладиган дориларни юбориш йўли билан ижро этилади. Препаратлар комбинацияси киритилиши натижасида маҳқум ҳушдан кетади, кейин нафас олиши ва юрак уриши тўхтайтиди. Ўлим жазосини гўёки «эфтаназия» деб аталадиган — раҳм-шафқат юзасидан ўлдириш орқали ижро қилиш тўғрисидаги қонун Оклахома, Техас, Нью-Мексика ва бир қатор штатларда қабул қилинган. Ўлим жазосини ижро этиш ушбу усулининг «инсонпарварлиги» ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ҳам баҳссиз деб бўлмайди: айрим маҳқумлар, айниқса, гиёҳвандларнинг томирлари чандиқланган бўлиши мумкин ва бу ҳолда хирургик аралаштиш талаб этилади. Маҳқум қаршилик кўрсатган тақдирда (чунки у ўзига заҳарли инъекция киритилаётганини биледи) заҳар артерияга ёки мушак тўқимасига кириши мумкин; бундан ташқари, аралашма қуюлиши ва томир йўли беркилиши мумкин — бу ҳолда маҳқум жуда секин ўлади. Ўлим жазосининг ушбу тури врачлар томонидан ижро этилиши лозим. Бу ҳол АҚШда кўп марта тиббий жамоатчиликнинг эътирозларига сабаб бўлган.

Ҳозирги дунёда ўлим жазосининг энг кўп тарқалган турлари: **отиб ўлдириш** ва **осиб ўлдириш**, улардан кейин **электр стулида** ва **инъекция қилиб ўлдириш**, шунингдек **газ камерасида ўлдириш** ва **бошини тана-сидан жудо қилиш** ҳисобланади.

Жазони ижро этишнинг ушбу хилма-хилликлари ҳар бир давлатнинг менталитетига боғлиқ бўлиб, ушбу усуллارни қайси давлатларда қўлланилиши борасидаги баъзи маълумотларни келтириб ўтамыз:

- Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерацияси, Хитой, Покистон, Сьерра-Леони, Сомали, АҚШнинг Айдахо ва Юта штатларида ўлим жазоси **отиб ўлдириш** орқали амалга оширилади.
- АҚШнинг 32 та штатида, Филиппинда олий жазо маҳқумга **инъекция қилиш орқали** амалга оширилади. Бунинг учун маҳқумнинг вена қон томирига учта модданинг — барбитурат (маҳқумни ҳушдан кетказиш учун), мускул релаксанти (маҳқумни диафрагмаси ва ўпкасини ишдан чиқаради) ва хлорли калий (юрак фаолиятини тўхтатади) аралашмаси юборилади. Бундай усул билан АҚШда 2000 йил 594 та маҳқум қатл этилган.
- АҚШнинг 7 та штатида маҳқумлар **газ камерасида** қатл қилинадилар. Бунинг учун маҳқум ҳаво кирмайдиган камерага қамаб қўйилади, сўнгра махсус кислотали идишга калий цианиди ва натрий солинади. Бунинг натижасида ўзига хос заҳарли газ ҳосил бўлиб, у организмнинг гемоглобин ҳосил қилиш функ-

циясини бузади. Оқибатда маҳкум бир неча сониядан сўнг ҳушидан кетади ва бўғилиб ўлади. Бундай усул билан АҚШда 2000 йил 11 та маҳкум қатл қилинган.

- АҚШнинг 11 та штатида маҳкум *электр стули* воситасида қатл қилинади. Дастлаб мисли электродлар билан маҳкам ёпишиб туриши учун бошдаги ва танадаги барча сочлар қириб, тозалаб олинади. Электр токининг кучи маҳкумнинг оғирлигидан келиб чиқиб аниқланади. Маҳкум унинг танасига бир неча марта ток разряди юбориш йўли билан қатл қилинади. Масалан, Жоржия штатида дастлабки тўрт сонияда юбориладиган ток разряди 2 минг вольтга тенг бўлади, кейинги етти сонияда 1 минг вольт ва охирида, икки дақиқа давомида 208 вольтли ток разряди юборилади. Ушбу усул орқали АҚШда 2000 йил 149 та маҳкум қатл қилинган.
- Японияда, Свазилендда, шунингдек АҚШнинг Вашингтон ва Делавер штатларида ўлим жазоси маҳкумни *осиб ўлдириш* орқали амалга оширилади. Осиб ўлдириш Эрон, Бангладеш, Суданда ҳам қўлланилади.
- Ўз навбатида Эрон, Покистон, Бангладеш, Судан ва бошқа баъзи ислом давлатларида осиб ўлдириш ёки отиб ўлдиришдан ташқари бир неча жиноятлар (вафосизлик, никоҳдан ташқари алоқалар) учун *тошбўрон қилиб ўлдириш* қўлланилади. Бунинг учун маҳкум аёллар белигача кўмилади, эркакларнинг кўли ва оёғи боғланади, сўнгра тошбўрон қилинади.
- Афғонистонда бесоқолбозлик (гомосексуализм) учун *маҳкумнинг устидан девор бостириб ўлдирилади*.
- Саудия Арабистонида одам ўлдириш ёки номусга тегиш учун ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг *боши танасидан жудо қилинади*.

АҚШнинг бешта штатида маҳкум штат қонунчилигида назарда тутилган ўлим жазосини ижро этиш усуллари орасидан ўзига маъқулини танлаш ҳуқуқига эга. Штатларнинг қонунчилиги билан ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни ижро этиш усули ҳам тартибга солинган. Заҳарли инъекция киритиш усули энг кўп (32 штатда) қўлланилади, электр стули 11 штатда белгиланган, 7 штатда газ камерасидан фойдаланилади, 4 штатда осиб ўлдириш, фақатгина 3 штатда— отув назарда тутилган. Лекин бир қатор штатларда аниқ бир усул белгиланмаган. Бундай ҳолда айрим штатларда маҳкумга жазони ижро этиш усулини танлашга имконият берилади.

Жаҳоннинг ҳозирги маърифатли мамлакатларида қонун чиқарувчи ўлим жазосини ижро этишда маҳкумга мумкин қадар кам азоб беришга ҳаракат қилади. Лекин айрим мамлакатларда ўлим жазоси-

нинг таснифланган турлари сақланиб қолганки, бундан нафақат маҳкумни ҳаётдан маҳрум қилиш эмас, балки уни қўшимча азоб-уқубатлар чекишга мажбур қилиш мақсади ҳам кўзланади. Бу эса БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан 1984 йил 25 майда 1984/50 сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишини кафолатловчи чора-тадбирлар» ҳужжатида қайд этилган: «Ўлим жазоси ижро этилган ҳолда бу таомил шундай амалга оширилиши керакки, маҳкум мумкин қадар кам азоб чексин»¹⁵⁹, деган қоидага тамоман зиддир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бутун жаҳонда ўлим жазосини ижро этишнинг инсонпарварлашуви жараёнлари рўй бераётир. Аксарият давлатларда ўлим жазосини маҳкум учун мумкин қадар оғриқсиз ижро этишга, уни ортиқча азоб-уқубатларга дучор этмасликка ҳаракат қилинмоқда. Лекин, афсуски, бу тенденция кўзга ташланганига ҳали кўп бўлгани йўқ ва бу жараён жуда секинлик билан рўй бермоқда.

Ўлим жазосининг ижро этилиши ўз ҳолича маҳкумнинг азоб чекмаслигига олиб келмаслиги мумкин эмас. Айрим ҳолларда маҳкумнинг азоб чекиши муқаррар ва энг аввало ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм чиқарилган пайдан то у ижро этилгунга қадар жуда узоқ давр ўтиши билан боғлиқ. Ўлим жазоси зудлик билан ижро этилиши мумкин эмаслиги маърифатли мамлакатларда шубҳа уйғотмайди. Маҳкумга ҳукм устидан шикоят бериш ҳуқуқининг мавжудлиги, ўз навбатида, суд хатоларининг олдини олиш (ёки ҳеч бўлмаса камайтириш) имконини беради. Бинобарин, бундан маҳкум ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Шунингдек, маҳкум афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига ҳам эга. Шикоят ва илтимосномани кўриб чиқиш учун эса вақт керак. Аммо бу давр давомийлигига кўра оқилона бўлиши лозим, чунки ўлим жазосидек оғир жазога ҳукм қилинган маҳкумнинг ҳолатида ноаниқлик ҳар қандай аниқликдан ёмон бўлиши мумкин.

Айни вақтда, шикоятлар ва, айниқса, афв этиш тўғрисидаги илтимосноманинг кўриб чиқилиши баъзан бир неча йилга чўзилади. Айрим мамлакатларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Масалан, Индонезияда икки маҳкум 1985 йилда, ҳукм чиқарилганидан кейин орадан 25 йил ўтгач қатл қилинган. Японияда бир маҳкум ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмнинг ижро этилишини 37 йил кутган ва 1987 йили 95 ёшда ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида вафот этган¹⁶⁰. Саудия Арабистонида эса бу борада ўзига хос қоида белгиланган. Бу ерда маҳкум то

¹⁵⁹ Права человека: Сб. Международных договоров. — 267-бет.

¹⁶⁰ Лаврин А. П. 1001 смерть. М., 1991. — 41-бет.

жабрланувчининг ўғли улғайиб, отасининг қотилини қатл қилиш ёки ундан моддий товон тўлашни талаб қилиш масаласини ҳал қилишга қодир ёшга тўлмагунича ўз тақдири ҳал бўлишини узоқ йиллар кутиши мумкин бўлган. Масалан, шу мамлакатда икки маҳкум юқорида зикр этилган қоидага биноан 1966 ва 1968 йилларда содир этилган одам ўлдириш учун 1983 йилда қатл қилинган¹⁶¹.

Айрим мамлакатларда маълум муддат мобайнида ижро этилмаган ўлим жазоси озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилади. Масалан, Руминияда бундай муддат 2 йилни, Грецияда — 3 йилни ташкил этади¹⁶². АҚШда бундай умумий қоида мавжуд эмас, лекин айрим ҳолларда мазкур тартиб қўлланилади. Масалан, Арканзас штатида бир маҳкумга тайинланган ўлим жазоси орадан 19 йил ўтгач умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган¹⁶³.

Бундай вазият қайси ҳолларда юзага келиши мумкин? Қонунда афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш муддати белгиланмаганлиги туфайли бундай вазият Президент мазкур илтимоснома юзасидан қарор қабул қилмаганлиги муносабати билан юзага келиши мумкин. Аммо амалда бундай ҳолат юзага келиши эҳтимоли жуда ҳам кам. Ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкум ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалиниш эҳтимоли эса бундан ҳам камроқ. Бундай касалликка чалинган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 75-моддасининг биринчи қисмига биноан, шахс ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилинади. Айни вақтда суд унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаши мумкин. Бундай шахслар тuzалганидан кейин Жиноят кодексининг 69-моддасида назарда тутилган ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, жазо ижро этилади. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса, маҳкум жазони ижро этишдан озод қилинади.

Аммо ўлим жазосига ҳукм қилинганлар бундан мустаснодир. Ўзбекистон Республикасида кўриб чиқилагаётган масала Жиноят кодексининг 69-моддасида ҳал қилинган. Унда жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш тартиби бел-

¹⁶¹ Hood R. Op. cit. P. 142.

¹⁶² Смертная казнь. Анализ мировых тенденций. — 41-бет.

¹⁶³ Hood R. Op. cit. P. 137.

гиланган. Ушбу модданинг биринчи қисми «г» бандига мувофиқ, агар ҳукм қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб 15 йил ўтган бўлса, ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган маҳкум жазодан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар ўта оғир жиноятларга кирса-да, лекин Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 69-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топса, ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин. Бироқ, бу ерда суд ўлим жазосини неча йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиради деган савол жиноят қонунчилигимизда очиқ қолган. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ўлим жазоси афв этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин. Лекин юқоридаги ҳолатда суд афв этмаяпти, балки ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини лозим деб топяпти, холос.

Шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасига биноан терроризм учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 69-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ муддатлар ўтиши қўлланилмайди. Шу боис уларга, қанча муддат ўтганидан қатъий назар, ўлим жазоси тайинланиши мумкин.

Ўз тақдири ҳал бўлишини узоқ вақт кутиш маҳкумларга ҳар хил таъсир қилади. Айримлар бунга хотиржам муносабатда бўлади, айримлар тушкунликка (депрессияга) тушади ёки, аксинча, агрессив бўлиб қолади, кимдир динга мурожаат этади, яна кимдир ўз жонига қасд қилишга уринади¹⁶⁴.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилингани ва ҳукм ижро этилиши ҳақида эълон қилинган маҳкумнинг аҳволи бундан ҳам оғirroқ. Айрим мамлакатларда маҳкумга бу ҳақда бевосита қатл олдидан, бошқа мамлакатларда эса — олдиндан хабар берилади. Масалан, Японияда маҳкумга қатл санаси ҳақида 1—2 кун олдин хабар берилади, баъзан умуман маълум қилинмайди. Флорида штатида ҳукмни ижро этишнинг аниқ муддати маҳкумга 4 ҳафта олдин эълон қилинади. Биринчи ҳолда бу жуда оғир давр бўлиб, маҳкум умидсизликда қийналади, иккинчи ҳолда у ўз ҳаёт йўлини онгли

¹⁶⁴ Е. Гоуерс ўлим жазосининг ижро этилишини узоқ кутиш жиноятчини психологик қийнаш деб ҳисоблайди (қаранг: *Gowers E. Op. cit. P. 74*).

тарзда якунлаш учун маъқул деб топган ишларни бажариш (яқинларига хат ёзиш, васиятнома тузиш, руҳоний билан учрашиш ва шу кабилар) имкониятига эга бўлади.

Бу ерда икки масалани кўриб чиқиш керак деб ўйлаймиз. Биринчидан, маҳкумга жазони ижро этишнинг аниқ санаси ҳақида хабар бериш керакми? Баъзи муаллифларнинг фикрича, бундай қилишнинг кераги йўқ, аммо унинг шикоятлари ва афв этиш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилингани ҳақида хабар бериш керак. Бу унга васиятнома тузиш, яқинларига хат ёзиш, руҳоний билан учрашиш ва шу кабиларга имконини беради.

Иккинчи, яъни ўлим жазосининг оммага кўрсатиб ижро этилиши масаласига ҳам тўхталиб ўтиш керак деб ўйлаймиз. Ўрта асрларда ўлим жазоси, қоида тариқасида, оммага кўрсатиб ижро этилган. Унинг асосий мақсади кўрқитиш бўлган. Баъзан ҳатто одамлар қатлгоҳга мажбурий ҳайдаб келинган.

Ҳозирда аксарият мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ўлим жазосини оммага кўрсатиб ижро этишдан воз кечган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят — ижроия кодексининг 140-моддасида ўлим жазоси оммага кўрсатмасдан ижро этилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган. Шунингдек, радио, телевидение орқали ўлим жазосини ижро этишни намоиш қилиш тақиқланади. Бир неча шахсга нисбатан тайинланган ўлим жазосини ижро этиш уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида ва бошқаларига кўрсатмасдан амалга оширилади. Ҳукми ижро этишдан олдин маҳкумнинг руҳий ҳолатида шубҳали белгилар пайдо бўлса, у тиббий-мутахассислар комиссиясига аниқлаш учун топширилади ва бу ҳақда баённома тузилади. Агар маҳкумда ўз-ўзини англай олмайдиган даражадаги руҳий ҳолат пайдо бўлса, ҳукм ижроси тўхтатилади ва баённома ҳукм чиқарган судга жўнатилади. Тиббий комиссиянинг хулосасига асосан суд маҳкумини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 75-моддаси биринчи қисмига кўра жазодан озод этиш масаласини кўриб чиқади, айни вақтда унга нисбатан тиббий йўсиндаги чоралар кўрилади. Маҳкум содир этган жиноятининг оғирлиги ва хавфлилигини ҳисобга олиб, даволаш чоралари махсус назорат остидаги руҳий стационарларда давом эттирилиши мумкин. Бундай шахслар соғайиб кетган тақдирда жазо ижро этилади.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ўлим жазосини ижро этиш махсус мўлжалланган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Уларда ушбу мажбуриятларни бажариш учун алоҳида ходимлар тайинланади. Лекин айрим араб мамлакатлари (Саудия Арабистони ва Эрон)да ўлим жазосини жабрланувчига васийлик қилувчи шахс

ёки унинг манфаатларини ифода этувчи шахс ёхуд у ушбу мақсадда ёллаган бошқа шахс ижро этиши мумкин¹⁶⁵.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида ўлим жазосини ижро этиш чоғида прокурор, жазони ижро этувчи орган бошлиғи ва шифокор иштирок этиши белгиланган бўлиб, қонун ҳукми ижро этиш вақтида иштирок этиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини қатъийлаштиради. Бошқа шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади. Жумладан, ўлим жазосини ижро этиш чоғида журналистлар, маҳкумнинг қариндошлари, жабрланувчи ва бошқа шахслар иштирок этиши мумкин эмас.

Маҳкумнинг ўлганлиги шифокор томонидан қайд қилинади. Ҳукм ижро этилганлиги тўғрисида акт тузилиб, уни юқорида кўрсатилган шахслар имзолайдилар. Жазони ижро этган орган маъмурияти ўлим жазоси ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кунлик муддат ичида хабар қилиши шарт. Маҳкумнинг яқин қариндошларини воқеадан суд хабардор қилади.

Маҳкумнинг яқин қариндошлари унинг ўлими тўғрисида гувоҳнома олишлари мумкин. Жиноят — ижроия кодекси 140-моддасининг тўртинчи қисмида марҳумнинг жасади дафн қилиш учун берилмаслиги қайд этилган. Марҳумни дафн этиш жазони ижро этган орган томонидан амалга оширилади. Дафн этилган жой маълум қилинмайди.

Шу ўринда, қариндошларининг илтимосига биноан маҳкумнинг жасадини дафн қилиш учун бериш ҳақидаги масала ҳам диққатга сазовордир. Бизнингча, марҳумнинг жасадини дафн қилиш учун қариндошларига берилмаслиги қуйидаги фикр-мулоҳазаларга кўра рад этилган. Маълумки, ўлим жазосига фақат одам ўлдирган жиноятчилар (ЖК 97-моддаси иккинчи қисми, 155-моддаси учинчи қисми) ҳукм қилинади. Шу нуқтаи назардан жабрланувчиларнинг яқинлари ва қариндошларининг маҳкумга муносабатини тушуниш мумкин. Бинобарин, улар қатл этилган шахснинг жасадини таҳқирлашга ҳаракат қилиши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди. Айни вақтда, ҳар хил ўғрибошилар ва шу кабилар тантана билан дафн этилиши ҳам мумкин. Маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан иккала ҳолга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида ўлим жазосини ижро этишнинг юқоридаги тартиби назарда тутилган бўлса, бир қанча мамлакатларда бошқача қоидалар амал қилади. Жаҳоннинг энг маърифатли давлатларидан бири Францияда ўлим жазоси-

¹⁶⁵ Hood R. Op. cit. P. 134.

га ҳукм қилинганларни оммага кўрсатиб қатл этиш ҳоллари 1939 йилгача учраб турган бўлса, XX асрнинг 80-йилларигача «Озодлик ороли» деб аталган Кубада маҳкумни қатл қилиш телевидение орқали намойиш этилган. АҚШнинг баъзи бир штатларида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахснинг қариндошлари ва дўстлари қонуний қатл маросимида иштирок этишлари мумкин. Маҳкумни оммага кўрсатиб қатл қилиш айрим мусулмон мамлакатларида ҳам амал қилаётир. Бу ерда ҳатто эрига хиёнат қилганлик учун ҳам айбдорлар тошбўрон қилиб ўлдирилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 1980-1990 йилларда камида 22 мамлакатда (бу ҳақда расман эълон қилинган) ўлим жазоси оммага кўрсатиб ижро этилган. Хитой, Покистон, Африканинг бир қанча мамлакатлари (Сомали, Мавритания, Нигерия), Яқин Шарқ мамлакатлари (Эрон, Яман Араб Республикаси, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Сурия) шундай мамлакатлар жумласидандир.

Айрим мамлакатларда ўлим жазосининг ижро этилиши ҳатто телевидение орқали намойиш этиладики, буни ўринли деб бўлмайди. Бундай ҳолатлар Хитойда (1979 й.), Габонда (1982 й.), Ливияда (1984 й.), Қозоғистонда (1995 й.) рўй бергани матбуотда эълон қилинган. Россия Федерациясида бундай ҳодиса Чеченистонда (1997 й.) рўй берди.

Юқорида ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, ўлим жазосини ижро этиш усуллари жуда хилма-хилдир. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу усуллар ичида баъзилари қадимдан то ҳозирги вақтгача қўлланилиб келинаётган бўлса, айрим усуллар эса ўлим жазосини ижро этиш усулларининг ривожланиш тарихида бир маротабагина қўлланган, холос. Биз қуйида ўлим жазосини ижро этишнинг инсониятга маълум бўлган юқоридаги иккала мезонга ҳам мос тушадиган усулларни санаб ўтамыз:

- «оддий» (бўйнидан) осиб усули;
- темир крестга қовурғасидан осиб қўйиш усули;
- бошини танасидан жудо қилиб ўлдириш усули;
- тилни қиздирилган темир билан куйдириш, сўнгра бошини кесиш орқали қатл этиш усули;
- бошни танадан жудо қилиш усули, лекин «оддий бошни танадан жудо қилиш»дан фарқли равишда жиноятчининг (ўғрининг) отаси ҳаёт бўлса, ўғлининг танасидан жудо қилинган боши унинг бўйнига осиб қўйилиши, отаси уни умрбод тақиб юриши лозим бўлган;
- оёқ-қўлини, сўнгра бошини кесиш, бутидан иккига айириб ташлаш усули;

- маҳқумнинг танасини бешта от билан қисмларга ажратиб ўлдириш усули;
- оғзига эритилган қўрғошин ёки темир қуйиш усули;
- бўғиб ўлдириш усули;
- ичагини суғуриб ташлаш усули;
- терисини шилиб олиш усули;
- минг бўлакка майдалаш усули;
- хивчин билан савалаб ёки йўғон калтак билан уриб ўлдириш усули;
- ерга тириклайн қўмиб қатл қилиш усули;
- «оддий чўктириш» усули;
- ботқоққа чўктириб ўлдириш усули
- оғзи тикилган қопда чўктириб ўлдириш усули;
- муз остига ташлаб ўлдириш усули;
- совуқда музлатиб ўлдириш усули;
- чархпалакка тортиб қатл этиш усули;
- қайнаб турган мой, шароб, сувга ташлаш усули;
- одамни жони узилгунга қадар унинг бошидан навбатма-навбат қайноқ ва муздай сув қуйиб ўлдириш усули;
- гулханда куйдириш усули;
- қозиққа ўтқазиш ва қозиқ билан қоқиш усули;
- тоғли мамлакатларда — жиноятчини тоғдан ташлаб қатл этиш усули;
- филлар ёки бошқа ҳайвонлар туёғи билан топтаб ўлдириш усули;
- йиртқич ҳайвонларга едириш усули;
- одамни айиқ териси ичига тикиб, итларга талатиб ўлдириш усули;
- тошбўрон қилиш усули;
- очлик билан ўлдириш усули;
- жиноятчини қум-саҳроларга қувиб юбориш (остракизм)ни ҳам ўлим жазосини ижро этиш усули сифатида кўрсатишимиз мумкин, сабаби жиноятчи бунинг оқибатида сўзсиз (очнаҳорликдан, сувсизликдан, совуқдан ёки иссиқдан) ўлим топарди;
- бит ва каналарга ем қилиб ўлдириш усули, бунда озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар жазони «битхона», «канахона» деб аталувчи хоналарда ўтаган ва бу ҳам ўлим билан баробар жазо ҳисобланган, сабаби бундай жазога маҳқум қилинганларнинг деярли барчаси тез фурсатларда ўлган;
- заҳарлаб ўлдириш усули;

- ёғоч эшакка михлаб қатл қилиш усули;
- дор тагига чуқур ўра қазиб, шу ўрага қичитқи ўт ва кўмир чўғи ташланиб, устига маҳқум ётқизиблиб, сўнг унинг юрагига қозиқ қоқиб ўлдириш усули;
- маҳқумнинг устидан девор бостириб ўлдириш усули;
- отиб ўлдириш усули;
- электр стулида қатл этиш усули;
- газ билан заҳарлаш орқали қатл этиш усули;
- маҳқум томирига заҳарли инъекция киритиш, яъни венага ухлатадиган ва фалаж қиладиган дориларни юбориш йўли билан ўлдириш усули.

Ўлим жазосини ижро этиш усуллари ва ҳозирги вақтда уларни қўллаш амалиётининг таҳлили яна бир ҳолатни қайд этиш имконини беради: ҳаётдан маҳрум қилишнинг шафқатсиз усуллари сақланиб қолган ва жуда кенг, лекин асосан судсиз жазолаш ва одамларни оммавий қатағон қилиш учун қўлланилади. Суд ҳукмига биноан эса, ўлим жазосини барча маърифатли мамлакатларда жиноятчини ортиқча қийнамасдан ижро этишга ҳаракат қилинмоқда. Ўлим жазосини ижро этишнинг оғриқсиз усули эса ҳали кашф қилинганича йўқ.

IV боб. ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ТАВСИФИ


1. ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Инсонга ҳаётни табиат беради ва бошқа одам ёки жамият ундан бу ҳаётни тартиб олишга ҳақли эмас. Яшаш инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлиги тўғрисида сўз юритилганида, айнан шу назарда тутилади. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида фақат умрбод озодликдан маҳрум қилишгина ўлим жазосига муқобил жазо бўлиши мумкинлиги жаҳоннинг аксарият мамлакатлари томонидан эътироф этилмоқда.


Шу ўринда ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг психологик, социологик ва криминологик хусусиятларини таҳлил қилиш ва таснифлаш бизга бу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларини батафсилроқ ўрганишга имконият яратади. Мазкур мавзуга оид тадқиқотларнинг барчаси жамоатчилик ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар билан маълум даражада алоқа қилиш имкониятига эга бўлган АҚШда ўтказилган. Мавжуд бир неча тадқиқотларда жиноятчилик статистикасидан, юридик муассаса доирасида олиб борилган кузатишлардан ва ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар билан интервьюдан олинган ахборот жамланган. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларда бепарқлик, апатия, иродасизлик каби психологик хусусиятлар ва руҳий касалликлар мавжудлиги таъкидланади. Мазкур тадқиқотларда маҳкумлар соғлигининг ҳолатини аниқлаш ҳозирги юридик таомиллари ҳам ўрганилган. Бунга руҳий касалликларга чалинган маҳкумлар сони кўплиги ҳақидаги маълумотлар ва инсон ҳуқуқларини кўриқлаш муфассал таомилини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар туртки берган. Бундан ташқари, ўлим жазосини ижро этиш маросимида жамоатчилик ва матбуот вакиллариининг иштирок этиши масаласи, шунингдек маҳкумларнинг ҳуқуқлари муаммоси ҳам тадқиқотчилар эътиборини жалб қилган.

Табиийки, ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқий ҳолати қадимда умуман тартибга солинмаган. Чунки мазкур жазони ижро этишни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ўша даврда мавжуд бўлмаган.

Маълумки, ўлим жазосини ижро этишни тартибга солувчи биринчи қонун — Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига киритилган VII бўлим «Ўлим жазосини ижро этиш» вақтинчалик норма ҳисобланарди, чун-



Осиб ўлдириш усули.



Темир крестга қовурғасидан осиб ўлдириш усули.




Бошини танасидан жудо қилиб ўлдириш усули.




Тилни қиздирилган темир билан куйдириш, сўнгра бошини кесиш орқали қатл қилиш усули.



Бошни танадан жудо қилиш усули.
«Оддий» бошни танадан жудо қилишдан фарқи жиноятчининг
отаси ҳаёт бўлса, ўғлининг танасидан жудо қилинган
бошини умрбод тақиб юриши лозим бўлган.




Оёқ-қулини, сўнгра бошини кесиш, бутидан иккига
айириб ташлаш орқали қатл қилиш усули.




Бешта от билан қисмларга ажратиб ўлдириш усули.




Оғзига эритилган кўрғошин ёки темир куйиш орқали қатл эгиш усули.



Бўғиб ўлдириш усули.



Терисини шилиб олиш усули.




Ичагини суғуриб ташлаш орқали ўлдириш усули.




Минг бұлакка майдалаш усули.




Ерга тириклайин кўмиб, қатл қилиш усули.




Хивчин билан савалаб ўлдириш усули.



Ботқоқда чүктириб үлдириш усули.



«Оддий чўктириш» усули.




Муз остига ташлаб ўлдириш усули.




Оғзи тикилган қолда чўқтириб ўлдирish усули.



Совуқда музлатиб ўлдириш усули.



Чархпалакда тортиб қатл этиш усули.




Одам жони узилгунга қадар унинг бошидан навбатма-навбат қайноқ ва муздай сув қуйиб ўлдириш усули.



Қайнаб турган мойга ташлаб ўлдириш усули.




Қозыққа ұтқазыш ва қозық билан қоқиш усули..



Маҳқумни чўққидан қулатиб ўлдириш усули.



Гулханда куйдириш усули.



Йиртқич ҳайвонларга едириш усули.



Тоғли мамлакатларда филлар туғи билан
топтаб ўлдириш усули.



Одамни айиқ терисига киритиб, итларга
талатиб ўлдириш усули.



Тошбўрон қилиб ўлдириш усули.



Очлик билан ўлдириш усули.




Кум-саҳроларга қувиб юбориб ўлдириш усули.



Заҳарлаб ўлдириш усули.




Бит ва каналарга ем қилиб ўлдириш усули.



Ёғоч эшакка михлаб қатл қилиш усули.



Чукур ўра қазиб, қичитқи ўт ва кўмир чўғи ташлаб, устига маҳқумни
ётқизиб, сўнгра юрагига қозиқ қоқиб ўлдирिश усули.



Маҳкумнинг устидан девор босиб ўлдириш усули.




Отиб ўлдириш усули.



Газ билан захарлаб қатл этиш усули.



Электр стулда қатл этиш усули.



Маҳкум томирига заҳарли ипъекция киритиш йўли билан ўлдириш усули.

ки у 1997 йил 1 октябрда, яъни Жиноят-ижроия кодекси кучга киргунга қадар амал қилиши лозим эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Жиноят-ижроия кодекси ўлим жазосини ижро этишни қонунчилик даражасида тартибга солувчи биринчи ҳужжат деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу ҳужжатда мазкур тоифага мансуб маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳам биринчи марта белгиланган.

Жиноят-ижроия кодекси қабул қилингунга қадар маҳкумларнинг мажбуриятлари йўриқнома билан тартибга солинарди. Бу йўриқнома қоидаларидан мазкур шахслар сақланадиган муассасаларнинг ходимларигина хабардор эдилар. Маҳкумларга улар ушбу йўриқнома ҳақида фақат ўзлари маъқул кўрган маълумотларни берардилар. Тегишли қонунчилик нормалари йўқлиги туфайли маҳкумлар ўзларига нисбатан йўл қўйилган қонунбузарликлар устидан шикоят бериш имкониятига эга эмасдилар. Ваҳоланки, уларнинг олдига прокурор ва улар сақланаётган муассаса раҳбари вақти-вақти билан келиб турарди.

Шуни қайд этиш керакки, ҳукм қонуний кучга кирган пайтдан то ижро этилгунга қадар (агар афв этиш ҳақидаги илтимоснома рад этилган бўлса) унча кўп вақт ўтмайди. Агар илтимоснома қондирилса (бундай ҳол жуда кам бўларди), маҳкум маҳсус тартибли колонияга жўнатиларди, агар илтимоснома рад этилса (жиноят ишларининг аксарияти бўйича шундай бўларди), ҳукм тез орада ижро этиларди.

Ҳозирда вазият бутунлай ўзгарган. Маҳкум узоқ вақт, аввал ҳукм устидан шикоят бериш вақтида, сўнгра афв этиш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилгунга қадар ўз тақдири ҳал бўлишини кутади. Ўлим жазосига тортиш ҳақида ҳукм чиқарилган пайтдан то у ижро этилгунга қадар жуда кўп ойлар, ҳатто йиллар ўтади. Одам ўлдириш билан боғлиқ ишлар одатда жуда катта бўлади. Чикатилонинг ишини эслайлик. У 56 жилддан иборат бўлган. Суд мажлисининг баённомаси юзлаб, минглаб саҳифалардан ташкил топган. Уларни ўқиб чиқиш, зарур ҳолларда эса қайта кўчириш талаб этилади. Ҳукм ҳам бир неча нусхада кўчирилиши лозим. Бу эса вақтни талаб қилади. Шундан сўнг ҳимоячи суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқиб, у ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Судья ҳимоячининг фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиқиб, уларга қўшилиши ёки қўшилмаслиги ҳақида ҳулоса чиқаради. Яна вақт ўтади. Бундай ишлар жуда пухта текширилиши лозим, чунки уларда инсоннинг ҳаёт-мамоти масаласи ҳал қилинади. Зеро, айбсиз одамлар ўлим жазосига ҳукм қилинган, ҳатто ҳукм ижро этилган ҳоллар ҳам бўлган. Бунга яна Чикатилонинг ишини мисол қилиб келтириш kifоя.

Шунинг учун ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 137-моддасида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилган. Унга биноан, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс қуйидагиларга ҳақли:

- қонунда назарда тутилган тартибда зарур фуқаровий-ҳуқуқий ва оила-никоҳ муносабатларини расмийлаштиришга;
- юридик ёрдам олиш ҳамда муддати ва миқдори чекланмаган ҳолда адвокат билан учрашишга;
- чекланмаган миқдорда хат олиш ва жўнатишга;
- яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта қисқа муддатли учрашувга;
- руҳоний билан учрашувга;
- зарур тиббий ёрдам олишга.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳуқуқий ҳолатининг таҳлили уларнинг ҳуқуқларини уч гуруҳга ажратиш имконини беради.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳуқуқларининг биринчи гуруҳи ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм устидан шикоят бериш ва афв этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан кўрилиши мумкин. Маҳкум чиқарилган ҳукм устидан энг аввало апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериши мумкин. Апелляция ва кассация шикоятлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят—процессуал кодексининг 497⁴ моддаси биринчи қисмига мувофиқ, биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикояти маҳкум томонидан унга ҳукмнинг нухаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят—процессуал кодексининг 500-моддасига мувофиқ, кассация шикояти ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин 1 йил мобайнида берилиши мумкин. Процессуал қонунчилигимизга мувофиқ, апелляция ёки кассация шикояти берилиши ҳукми ижро этишни тўхтатиб туради. Агарда бунда ҳам шикоят ижобий натижаларга олиб келмаса, шундан кейин ҳукм устидан назорат тартибида протест келтириш учун илтимоснома бериш мумкин. Бу муассасаларнинг раҳбарлари ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар. Протест билдириш учун асослар бўлмаса, афв этиш босқичи бошланади. Яъни ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кириши билан барча шикоятлари рад этилса, афв этиш тўғрисидаги илти-

моснома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этиши мумкин.

Афв этиш ҳуқуқи деярли барча давлатлардаги давлат раҳбарларининг асосий конституциявий ваколатларидан бири ҳисобланади. Афв этиш институти шахсга нисбатан меҳрибонликни акс эттирувчи индивидуал актдир. Афв этиш актини қўллаш турлича (маҳкумнинг чин дилдан пушаймон бўлиши ёки инсонпарварлик юзасидан) асослантирилган бўлиши мумкин. Бизнинг Республикамизда афв этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент ваколатига киради. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга мувофиқ (6-модда тўртинчи қисми) ўлим жазосига ҳукм этилган шахс афв этиш ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида сўраш ҳуқуқига эга. Афв этиш тўғрисида мурожаат қилингандан жазони ижро этиш Президентдан жавоб келгунга қадар тўхтатиб турилади. Ўлим жазосини афв этиш ёки уни рад этиш ҳақидаги акт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 16 сентябрдаги Фармониغا асосан амалга оширилади. Агар маҳкум Президентга илтимоснома ёзишни рад қилса, муассаса маъмурияти прокурор иштирокида ишга тегишли акт тузади. Муассаса маъмурияти бу ҳақда тезлик билан Президент аппаратининг афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўрувчи қисмига хабар бериши лозим.

Афв этиш ҳақидаги аризани маҳкумнинг ўзи ёки унинг қариндошлари ва ҳимоячи ёзади. Бу илтимоснома дастлаб Президент ҳузуридаги Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади. Илтимосномага кўшиб, биринчи инстанция судининг ҳукми ва апелляция (ёки кассация) инстанциясининг ажрими кўшиб жўнатилади. Агар иш назорат тартибида кўрилган бўлса, шу ишга тааллуқли барча суд қарорлари кўшиб жўнатилади. Афв этиш ҳақидаги ариза афв этиш масалалари бўйича комиссияга келиб тушгач, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Олий Суди ишни қайта ўрганиб чиқади ва афв этиш мумкинлиги ёки уни рад этиш ҳақида хулоса тайёрлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича комиссия маҳкум тўғрисидаги тўлиқ маълумотни, унинг судланганлиги, қамоқдаги хулқ-атвори кабиларни олиб, ишни тўлиқ ўрганиб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига тавсиянома чиқаради. Президент ҳам зарур ҳужжат-

лар билан танишиб чиқиб, қарор қабул қилади. Бу орада маҳкум бир кишилик камерада ҳаёт-мамоти масаласи ҳал бўлишини кутади. Йўлакда эшитилган ҳар бир шарпани у ўзича қабул қилади ва ҳаёти билан видолашади. Бу ойлаб, ҳатто йиллаб чўзилиши мумкин. Бундай асабий зўриқиш одатда маҳкумнинг қатор касалликларга, шу жумладан руҳий хасталикка чалинишига сабаб бўлади. Маҳкум жазонинг ижро этилишини кутиб қаттиқ руҳий изтиробларни бошдан кечиради. Ваҳоланки, қонунга мувофиқ, шахсга руҳий азоб бериш қийнаш демакдир. Қийнаш маҳкумни отишга тайёрлаш усулига айлантирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят—ижроия кодексининг 137-моддаси биринчи қисм 2-бандига мувофиқ, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс юридик ёрдам олиш ҳамда муддати ва миқдори чекланмаган ҳолда адвокат билан учрашишга ҳақли. Мазкур учрашувлардан суд ҳукми устидан шикоят, афв этиш тўғрисида илтимоснома тайёрлаш ва бошқа масалалар (васиятнома, муайян шартнома тузиш ва шу кабилар)ни ҳал қилиш мақсадлари кўзланади. Маҳкумнинг адвокат билан учрашуви шундай ташкил этилиши керакки, озодликдан маҳрум қилиш муассасаси ходимлари уларни кўриб турсин, лекин эшитиш имкониятига эга бўлмасин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят—ижроия кодексининг 10-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ адвокат билан учрашув берилишига асос бўлиб маҳкумнинг аризаси хизмат қилади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳуқуқларининг иккинчи гуруҳи ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс суд ҳукми устидан берган шикоят ва афв этиш тўғрисидаги илтимоснома кўрилиши вақтида, яъни маҳкум ўз тақдири ҳал бўлишини кутиш вақтида уни *сақлаш шароитлари* билан боғлиқ. Бу ҳуқуқларнинг айримлари ҳукм қонуний кучга киришига, шунингдек маҳкумнинг шикоятлари ва афв этиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш натижаларига боғлиқ эмас. Масалан, зарур ҳолда маҳкумга тиббий ёрдам кўрсатилади. Агар маҳкумга ўлим жазоси тайинланган бўлса, тиббий ёрдам унга камерада кўрсатилади, касаллик хусусияти бунга имкон бермаган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолда тиббий ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади. Агар маҳкумга тиббий ёрдам стационарда кўрсатилиши лозим бўлса, уни транспортда стационарга етказиш ва қайта олиб келиш чоғида, шунингдек унинг махсус касалхонада бўлиш вақтида хавфсизлик чора-тадбирлари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят — ижроия кодексининг 137-моддаси биринчи қисм 3-бандига мувофиқ, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат олиш ва жўнатишга

ҳақли. Барча хатлар умумий асосларда цензура назоратидан ўтказилади. Почта харажатлари маҳкум ҳисобидан қопланади. Маҳкумда пул бўлмаган тақдирда, унинг яқин қариндошларига ёзган хатлари озодликдан маҳрум қилиш муассасаси ҳисобидан жўнатилади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга зарур маиший-яшаш шароитлари яратилади, уларга кўрпа-тўшак ва чойшаб, шунингдек уч маҳал овқат берилади. Ҳукм қонуний кучга киргунга қадар маҳкумларнинг қариндошлари уларга ушбу муассаса дўконидан йўқловлар сотиб олишлари мумкин. Бу йўқловларни маҳкумларга маъмурият топширади.

Барча гумон қилинган шахслар, айбланувчилар ва маҳкумлар сингари, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга ҳам руҳонийлар билан учрашиш, диний ибодат қилиш (масалан, намоз ўқиш, чўқиниш, тавба қилиш ва бошқалар)га рухсат этилади.

Маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш муассасасининг кутубхонасидаги газеталар ва китоблардан фойдаланишлари мумкин, улар ўз маблағлари ҳисобидан газета ва журналларга обуна бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахснинг бошқа ҳуқуқларига келсак, улар ҳукм қонуний кучга кирган ва афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад қилинган пайдан бошлаб ўзгаради. Бу ерда учта ҳар хил даврни ажратиш лозим.

Биринчи давр ўлим жазоси ҳақидаги ҳукм эълон қилинган пайдан то у қонуний кучга киргунга қадар давом этади. Шу даврда шахс ўлим жазосига ҳукм қилинган деб ҳисобланиши мумкин эмас, уни фақат шартли равишда ўлим жазосига ҳукм қилинган деб аташ мумкин, чунки ҳукм чиқарилган ва бу ўз-ўзидан алоҳида хавфсизлик чора-тадбирлари кўрилишини тақозо этади.

Ҳукм чиқарилганидан кейин ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ўта хавфли рецидив жиноятлар содир этган шахслар учун белгиланган намунада кийим киядилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят—ижроия кодексининг 136-моддасига мувофиқ, ўлим жазосига ҳукм қилинган маҳкумлар икки кишилик камераларда кучайтирилган кўриқлов остида ва бошқалардан батамом ажратиб қўйилган ҳолда сақланадилар. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказишга йўл қўйилмайди.

Одатда ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар сақланадиган камералар тергов ҳибсхонасининг алоҳида корпусида ёки алоҳида блокида жойлашган бўлади. У ерга кириши мумкин бўлган мансабдор шахслар доираси қатъий чекланади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар сақланадиган камералар шундай жиҳозланган бўлиши керакки, деворни тешиш, лаҳим қазииш, эшик панжарасини кесииш мумкин бўлмасин. Камеранинг бутун майдони кузатиш дарчасидан аниқ кўриниб туриши керак. Овқатланиш камерада ташкил қилинади, овқат очиладиган дарча орқали берилади. Камерада канализация ва ювиниш жойи бўлиши керак. Бу маҳкумнинг камерадан чиқишини мумкин қадар камайтириш имконини беради.

Сайрга маҳкумлар камерама-камера, бошқа маҳкумлардан алоҳида олиб чиқилади. Камералар ҳар куни кўздан кечирилади, вақти-вақти билан бу ерда тинтув ўтказилади. Маҳкумларни камералардан олиб чиқиш ва уларга қариндошлари билан учрашувлар бериш махсус қоидалари мавжуд бўлиб, бу уларнинг ишончли қўриқланишини, шунингдек ходимлар ҳамда учрашув берилган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Иккинчи давр ҳукм қонуний кучга кирган пайтдан то афв этиш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилгунга қадар, агар илтимоснома қондирилган ва ўлим жазоси 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган бўлса, маҳкум Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси бешинчи қисм «г» бандига мувофиқ махсус тартибли колонияга жазони ўташ учун жўнатилгунга қадар давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят—ижроия кодексининг 136-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, уларга нисбатан турма қамоғи учун назарда тутилган сақлаш шароитлари татбиқ этилади. Маҳкумларни турмалардаги камераларга жойлаштириш улар судларнинг ажримларига мувофиқ қайси режим туридаги ижро этиш колониясидан келганлиги ёки турма қамоғи муддатини ўтаб бўлгач, қайси режим туридаги колонияга юборилишини инobatга олган ҳолда, камералар бўйича жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади. Маҳкумларни камераларга жойлаштириш режаси турма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Турма ҳудуди **режим, маъмурий** ва **ҳўжалик зоналарига** бўлинади. **Режим зонаси** ҳудудида маҳкумлар сақланадиган корпуслар, ошхона, кир ювиш хонаси, ҳаммом, стационар тиббиёт бўлими, сайр қилиш майдончалари, ишлаб чиқариш бинолари (камералар) жойлашган бўлади. Сайр қилиш майдончалари, одатдагидек, корпусларнинг юқори қаватларида барпо этилади. Ўз навбатида, сайр қилиш майдончаларининг юқори қисмига синч бўйлаб 12x20 см ўлчамли панжара ўрнатилиб, металл симтўри тортиб қўйилади.

Ўрнатилган қоидага кўра, ишлаб чиқариш корпуслари бошқа бинолардан батамом ажратилган ҳолда жойлаштирилади. Турар жой

корпуслари, одатда, ишлаб чиқариш, коммунал маиший ва бошқа объектлар билан тонеллар ёки ер устидаги ёпиқ ўтиш жойлари орқали туташган бўлади.

Маъмурий зона худудида хизмат хоналари, соқчилик хонаси мавжуд назорат-ўтказиш пункти, алоҳида ажратилган хоналардан иборат қабул бўлинмаси, навбатчилик хизмати биноси, тергов хоналари, маҳкумларнинг қариндош-уруғлари ва бошқа шахслар билан учрашувларга мўлжалланган хоналар жойлашади.

Хўжалик зонасида эса омборхоналар, сабзавот сақлаш омборлари, гараж, хўжалик устахоналари ва бошқа ёрдамчи бинолар жойлашади.

Турма худуди баландлиги тўрт ярим метрдан кам бўлмаган яхлит сидирға девор билан ўралади, девор периметр бўйлаб инженер-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозланади. Режим зонаси хўжалик зонасидан худди шу хилдаги девор билан ажралиб туради.

Турмаларда жазони ўтаётган шахслар умумий камераларга жойлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига белгиланган нормаларга мувофиқ яшаш майдони билан таъминланади.

Маҳкумнинг батамом ажратиш қўйилишини таъминлаш мақсадида, муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан уни бир кишилик камерада сақлаб турилишига йўл қўйилади.

Турмалардаги камералар деразасининг эни 1,3—1,4 метр ва баландлиги 1,15—1,2 метр бўлади, турмаларнинг карцерларидаги дераза ўлчами 0,5×0,5 метрни ташкил этади. Деразалар пайвандланган металл панжалар билан жиҳозланади, зарурат бўлганда эса ту누ка тўсмалар ўрнатилади. Деразалар камеранинг ички томонидан ойнага қўл етмайдиган қилиб, панжара билан муҳофаза этилган бўлади.

Камераларнинг эшиклари 6 см қалинликда бўлиб, камеранинг ички томонидан ту누ка билан қопланган бўлади. Эшикнинг ўртасида 1,4—1,5 метр баландликда кузатиш туйнуги бўлади. Эшикнинг ўрта қисмида полдан ҳисоблаганда, 95 см баландликда, маҳкумларга озиқ-овқат, китоб, йўқлов ва ҳоказолар бериш учун 18×22 см ўлчамдаги дарча ўрнатилади. Дарчанинг эшикчаси йўлак томонга очилдиган бўлиб, қулф билан таъминланади.

Камераларнинг барча эшик ва деразаларига «ташвишли» сигнализация ўрнатилади. Камераларнинг эшикларига махсус типдаги механик ва электромеханик қулфлар ўрнатилган бўлиб, улар йўлак томондан очилади.

Қабул ва интизомий бўлинма камераларидаги электр симлари маҳкумлар қўли мутлақо етмайдиган қилиб ўрнатилган бўлади. Умумий ёритишга мўлжалланган электр чироклари шипларнинг ўйиқ жойига, тунги ёритгичлар эса эшикларнинг тепасидаги ўйиқ жойга

ўрнатилади. Ўйиқ жойлар панжара билан батамом ажратилади. Турмаларнинг камера ва маҳкумлар кириб чиқиб юрадиган бошқа жойларига электр симлари яширинча, кўзга кўринмайдиган қилиб ўрнатилади. Ёритгичлар уларга шикаст етказилиши эҳтимолидан муҳофазаланган бўлади. Чироқ ёқиб-ўчиргичлар ҳар бир камера олдида йўлак томонга ўрнатилади.

Турмаларнинг камераларида радиорепродукторлар деворларнинг ўйиқ жойларига ўрнатилади. Контролёрларни чақириш учун камералар сигнал бериш тугмачалари билан жиҳозланади.

Камераларда санитария бўлинмаси жиҳозланади.

Турмаларнинг карцерларидаги маҳкумларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларини харид этиш учун олиб чиқиш таққиланади. Улар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари (одатда туркумларнинг бошлиқлари) томонидан сотиб олинади. Ана шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир маҳкумга, унинг илтимосига кўра, бланка-ариза берилади, уни тўлдириб турма бошлиғининг навбатчи ёрдамчисига топширилади.

Бланка-ариза маҳкумнинг шахсий ҳисоб varaғида пули бор-йўқлигини текшириш учун ўша куннинг ўзида молия хизмати ёки бухгалтерияга берилади, шундан кейин бланка муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига тақдим этилади, ўринбосарнинг бланка-аризадаги резолюцияси товарни бериш учун асос бўлади. Харидни амалга оширган ходим сотиб олинган товарни маҳкумга топшириб, уларни олганлиги ҳақида бланка-аризадаги тилхатга ёздириб олади, шундай кейин бланка-аризани молия хизматига (бухгалтерияга) топширади.

Турма қамоғида жазони ўтаётган шахсларга посилкалар ва йўқловлар қабул қилинмайди.

Турмалардаги хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун жазони умумий тартибли колонияларда ўташга ҳукм қилинган шахслар танланади. Бундай маҳкумлар турмаларнинг ҳудуди доирасидан ташқаридаги ишга фақат соқчи назорати остида ва алоҳида ҳоллардагина олиб чиқилади. Мазкур маҳкумлар турмаларнинг моддий таъминоти ва уларни ободонлаштириш билан, шунингдек турма бинолари ва иншоотларининг техникавий ҳолатини лозим даражада сақлаб туриш билан боғлиқ ишларга жалб этиладилар.

Турмаларда маҳкумлар билан тарбиявий иш бевосита камераларда, гуруҳ-гуруҳ қилиб ва якка тартибдаги тадбирлар шаклида олиб борилади. Турмаларнинг камераларида ҳар 50 маҳкумга битта газета берилади. Турмаларнинг карцерларида маҳкумларни якка-ёлғиз сақ-

лаш жорий этилади. Турмаларнинг карцерларига маҳкумларни киритиб қўйиш муддати 15 суткагача амалга оширилади. Турмаларнинг карцерларига киритиб қўйилган маҳкумларга чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан, китоб, газета-журнал ва бошқа адабиётлардан, ўрин-кўрпа буюмларидан, телефон орқали сўзлашув ва учрашувлардан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулоти ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, йўқлов, посилка ҳамда бандеролларни олиш ва жўнатиш, хат ва бошқа жўнатмаларни юбориш ман этилади. Уларга ўзлари билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти ва шахсий буюмларни олиб кириш тақиқланади, ювиниш пайтида фойдаланиш учун берилажак пардоз-андоз буюмлари (сочиқ, совун, тиш пастаси, тиш шчёткаси ва ҳоказо) бундан мустасно.

Турмалардаги камералар инвентар ҳамда бошқа буюмлар билан таъминланади. Турмалардаги камералар бир қаватли ёки икки қаватли ёхуд маҳкумлар сонига қараб вагон типидagi металл койкалар, овқатландиган стол — битта, столни бўйлайдиган ўриндиқ — иккита, озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш учун деворни энлайдиган шкаф ёхуд бўлмалари сони маҳкумлар сонига боғлиқ бўлган ёпиқ жавон ёки койка ёнига қўйиладиган тумбочкалар (ҳар икки маҳкумга битта) билан жиҳозланади, ичимлик суви солинадиган бакча кружкаси билан — битта, столда ўйналадиган ўйинлар — шахмат, шашка, домино, нард (тегишлилик нормасига кўра) берилади, челақ, ҳокандоз, супурги (тозалаш вақтида берилади), репродуктор — битта, шунингдек устки кийимлар учун вешалка берилади.

Турмаларда сақланаётган шахслар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ойига бир марта амалга оширилади.

Бу демак, маҳкумлар камераларга, қоида тариқасида, кўпи билан икки кишидан жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят — ижроия кодексининг 84-моддаси иккинчи қисм 2-бандига мувофиқ, бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида 2,5 кв.метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тергов ҳибсхонасида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар, хоҳиш-истагидан қатъий назар, меҳнатга жалб қилинмайди. Улар Жиноят—ижроия кодекси 79¹-моддасида назарда тутилган икки соат ўрнига ушбу кодекснинг 123-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ҳар куни бир соат сайрга олиб чиқилади. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга бир йилда икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ учрашув берилиши мумкин.

Учинчи давр афв этиш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилинган маҳкумларга тегишли. Ўзбекистон Республикаси Жиноят—ижроия

кодексининг 123-моддаси иккинчи қисмига кўра, уларга шахсий ҳисобварағидаги пул ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 75% гача бўлган миқдоридаги маблағга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишга руҳсат этилади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳуқуқларининг учинчи гуруҳи уларнинг ўз фуқаролик-ҳуқуқий мақомидан фойдаланиши билан боғлиқ. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиб қолади ва фуқаро сифатида ўз ҳуқуқий мақомини ташкил этувчи ҳар хил ҳуқуқларга эга бўлади. Шу билан бирга, унинг мақоми бошқа фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатидан жиддий фарқ қилади. Бу камида икки ҳолат билан белгиланади. *Биринчидан*, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс озодликдан маҳрум қилиш жойида сақланаётганлиги туфайли унинг фуқаролик ҳуқуқлари чекланган бўлади. Масалан, у тузилиши ёки амалга оширилиши вақтида маҳкум шахсан иштирок этишини тақозо этувчи битимнинг тарафларидан бири сифатида жисмонан иштирок этиш имкониятидан маҳрумдир. Бу жиҳатдан ўлим жазосига ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқий ҳолати озодликдан маҳрум қилинган шахснинг ҳуқуқий ҳолатидан унча фарқ қилмайди. Уларнинг иккаласи ҳам ўз номидан муайян ҳаракатлар қилиш ёки битимлар тузиш, масалан, мол-мулкни сотиш, турар жойини айирбошлашга ишончнома бериши мумкин.

Иккинчидан, келгусида ўлим жазосининг ижро этилиши, бинобарин, маҳкум ҳаётдан маҳрум бўлиши билан боғлиқ чеклаш мавжуд. Шу нуқтаи назардан, у ўз мол-мулкни тасарруф этиш истагини билдириши, шу жумладан мол-мулкни, масалан, уйи, квартирасини сотишга ишончнома бериши, ҳадя шартномаси тузиши, васиятнома ёзиши, ўз никоҳ-оила муносабатларини расмийлаштириши, масалан, никоҳни рўйхатга олиши ёки, аксинча, бекор қилиши мумкин.

Маҳкум ҳуқуқларининг тартибга солиниши тўғрисида сўз юритганда, айрим ҳуқуқларнинг амалга оширилиши маҳкум ҳузурига муайян шахслар — унинг қариндошлари, руҳонийлар, адвокат, ФХДЁ ходими, шунингдек маҳкум билан никоҳга кираётган шахс ва бошқалар ташриф буюриши билан боғлиқ эканини эътиборга олиш керак. Мазкур шахсларни маҳкум ҳузурига қўйишда унинг қочишга, шахсларни гаров сифатида тутқунликка олишга, уларга, маъмурият ходимларига ҳужум қилишга уринишини истисно этувчи алоҳида эҳтиёт чоралари кўрилади.

2. ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАНЛАР ШАХСИНИНГ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ТАВСИФИ

Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар шахсининг жиноят-ижроия тавсифи борасидаги маълумотлар қуйидаги даврга, чунончи: тергов, суд, ҳукм устидан шикоят берилиши ва афв этиш ҳақидаги илтимосноманинг кўрилиши вақтида турма қамоғида сақланиш билан боғлиқ даврга тааллуқли бўлиши мумкин.

Ушбу давр масаласига келсак, уни диққатга сазовор деб бўлмайди. Жиноят содир этишда гумон қилинганлар, сўнгра айбланувчилар, кейинчалик эса — маҳкумлар ўз тақдири ҳал бўлишини кутадилар. Улар ҳаётлари сақлаб қолинадими-йўқми - билмайдилар. Аксарият маҳкумларнинг асаби таранг тортилган бўлади. Бунда ҳатто аҳамиятсиз ҳодиса ҳам уларни мувозанатдан чиқариши мумкин. Айни вақтда, улар ўз хулқ-атвори келгуси тақдирига таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунадилар ва ўз ҳис-туйғуларини мумкин қадар тийишга, белгиланган тартибни бузмасликка ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам маҳкумларнинг турма қамоғида ўзини тутиши уларнинг афв этилганидан кейинги (агар улар афв этилса) хулқ-атворини тахмин қилиш имконини бермайди.

Бундан ташқари, яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, ўлим жазосига ҳукм қилинганлар алоҳида шароитда, бир кишилик (Ўзбекистон Республикаси Жиноят—ижроия кодексининг 123-моддасига мувофиқ алоҳида ҳолларда маҳкумни батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади) ёки икки кишилик камераларда сақланади. Улар алоқа қиладиган шахслар доираси ҳам қатъий чекланган бўлади. Уларни қўриқлаш ва назорат қилишни амалга оширувчи озодликдан маҳрум қилиш муассасаси таркиби энг тажрибали ва малакали ходимлардан ташкил топади. Шу боис тергов ҳибсхоналари, турмаларда сақлаш тартибининг бузилишига туртки берувчи омилларга деярли йўл қўйилмайди.

Афв этилганларда бошқача психологик ҳолат кузатилади. Уларнинг тақдири ҳал бўлган, энди уларнинг ҳаёти хавф остида эмас, лекин уларни олдинда узоқ йиллар (йигирма беш йил муддат озодликдан маҳрум қилиш жазоси)ни махсус тартибли колонияларда ўташ қисмати кутмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51-моддаси учинчи қисмига асосан, ўлим жазоси афв этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин. Бир томондан, ноаниқлик даври тугади ва ўлим хавфи йўқолди, бошқа томондан эса, улар бундан ҳам яхшироқ қисмат (масалан, 25 йилнинг ҳамма-

сини ўташ эмас, балки қачон бўлса ҳам амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ёки ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилинишига ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинишига ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги)га, зеро, бунга қонун (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддаси еттинчи қисми, 73-моддаси тўртинчи қисм «а» банди, 74-модда бешинчи қисми ва ҳоказо) йўл қўймаса-да, умид қилган бўлишлари мумкин.

Юқоридагилардан шу нарса англашиладики, жазони ўташнинг дастлабки икки ўн йиллигида маҳкумнинг хулқ-атвори (оғир ва ўта оғир жиноят содир этиш ҳолатларидан ташқари) унинг тақдирига бевосита таъсир кўрсата олмайди. Шу боис жазонинг ўталиши ҳолатига маҳкум ижтимоий хавфлилиқ даражасининг инъикоси деб қараш ўринлидир. Бундан ташқари, маҳкумнинг шахсини узоқ вақт мобайнида ўрганиш махсус тартибли колония маъмуриятига шу ердаги тартиб, меҳнат, тарбия ишлари таъсирида маҳкум шахсида содир бўлаётган ўзгаришларни, таъсир кўрсатиш воситаларининг қайсилари кўпроқ самара бераётганини аниқлаш имконини беради. Маҳкумни муттасил кузатиш, у билан суҳбатлар ўтказиш, маҳкумнинг ёзишмаларини, унинг хулқ-атвори ва меҳнатга муносабати ҳақидаги маълумотларни ўрганиш орқали жазони ўтаётган шахс ҳаёти ва фаолиятининг барча томонлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу муносабат билан маҳкумнинг ахлоқан тузалиши масаласи юзага келади.

Олий жазо — ўлим жазоси маҳкумни ахлоқан тузатиш мақсадини кўзламаслиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Аммо афв этилганларга нисбатан бундай деб бўлмайди. Бизнинг назаримизда, ахлоқан тузатиш мақсадлари узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазоларини ижро этиш вақтида ҳам қўйилиши керак. Бундай шахсларнинг ижтимоий-маънавий тубанлиги ва хавфлилиқ даражаси жуда юқори эканлигидан келиб чиқиб, уларни ахлоқан тузатиш, шунингдек амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ёки ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилишга ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тайёрлаш жуда пухта ва шунинг учун ҳам узоқ амалга оширилиши лозим.

Маҳкумнинг ахлоқан тузалиши жазонинг яна бир муҳим мақсади — маҳкум томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар маҳкумни ахлоқан тузатиш, у қонунга ва мажбурий хулқ-атвор қоидаларига онгли ра-

вишда риоя қилишига эришишга муваффақ бўлинса, бу маҳкум билан бирга жазони ўтаётган бошқа шахсларнинг, у билан муттасил муомала қилувчи ходимларнинг, маҳкум билан учрашадиган қариндошларининг ва маҳкум муайян тарзда мулоқотда бўладиган бошқа шахслар (масалан, адвокат, руҳоний, тиббиёт ходими ва шу кабилар) нинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Шу муносабат билан кўриб чиқиладиган тоифага мансуб маҳкумлар ахлоқан тузалганлигига баҳо бериш мезонлари масаласи юзага келади.

Ўз-ўзидан равшанки, маҳкум ахлоқан тузалган-тузалмагани ҳақида ҳар хил мезонларга қараб ҳукм чиқариш мумкин. Айни вақтда, бу мезонлар аҳамиятининг нисбийлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Маҳкумга қўлланилган рағбатлантириш, интизомий жазо чоралари, унинг меҳнатга муносабати ҳақидаги маълумотлар ана шундай мезонлар жумласидандир. Улар жазони ўтаётган шахс ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Афв этилган маҳкумлар интизомий жазо чоралари сонига кўра ҳам, рағбатлантиришлар сонига кўра ҳам бошқа маҳкумларга нисбатан анча ижобий тавсифланади.

Энди маҳкумларни тавсифловчи муҳим кўрсаткич — уларнинг меҳнатга муносабатини кўриб чиқамиз. Жазони ўтаётган шахсларга меҳнат қилиш имконини бериш муаммоси ҳозир айниқса кескин бўлиб қолмоқда. Маҳкумларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ ҳолат ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқаришини (бу афв этилганларга ҳам тааллуқли) алоҳида таъкидлаш жоиз. Боз устига, бу тоифага мансуб маҳкумларни камераларда, алоҳида шароитда сақлаш шартлари уларнинг меҳнат фаолияти турини танлаш имкониятини анча чеклайди.

Баъзи юридик адабиётларда барча маҳкумларни уларнинг ахлоқан тузалиш даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш таклиф қилинади. *Ўзининг ахлоқан тузалганини исботлаганлар, ахлоқан тузалиш йўлига кирганлар гуруҳи* (бу мазкур шахслар жазони ўташ тартибини бузмагани, виждонан меҳнат қилгани, айримлари ҳатто рағбатлантирилганини англатади), *ахлоқан тузалиш йўлига кирмаганлар гуруҳи* (бу шахслар жазони ўташ тартибини бузган, бунинг учун интизомий жазога тортилган, лекин тартиббузарлиги сурункали хусусиятга эга бўлмаганлигини билдиради), ниҳоят, *охирги гуруҳ — сақлаш режимини ашаддий бузувчилар*. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 112-моддаси биринчи қисмида сақлаш режимини ашаддий бузувчиларга шундай таъриф берилади: «Жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган

тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган бўлса, сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб ҳисобланади»¹⁶⁶. Бундай тартиббузарликлар содир этган шахсларга сақлаш режимини ашаддий бузувчилар деб қаралади.

Илмий тадқиқотларнинг натижалари одамлар жиноятчи бўлиб туғилмаслигини, балки муайян шарт-шароитлар, салбий муҳит ва тарбия таъсирида жиноятчига айланишини исботламоқда. Қонунбузарликка туртки берувчи хулқ-атвор мотивлари аксарият ҳолларда онгсиз хусусиятга эга бўлади ва шахс томонидан назорат қилинмайди. Бошқача қилиб айтганда, жамиятнинг ўзи шахсни жиноятга тайёрлайди. Муайян кишилар ўзини лозим даражада тутиши учун эса жамият жуда кам иш қилмоқда. Ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиши иши ҳам яхши йўлга қўйилган деб айтиш қийин. Бундай ҳолатларда жинорий қилмишлар учун ўлимга ҳукм этиш эмас, балки инсон яшаши учун қулай шарт-шароит яратиш, унга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатиш, зарур ҳолда, шу жумладан шахс жазони ўтаётган даврда ҳам, унинг хулқ-атворини тузата олиш керак.

¹⁶⁶ Жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, шунингдек ички тартиб қоидаларида тақиқланган буюмлар ва нарсаларни сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш, чунончи: гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш; майда безорилик; озодликдан маҳрум қилиш муассасаси маъмуриятининг вакилларига пўписа қилиш, уларга бўйсунмаслик ёки уларни ҳақорат қилиш; бесоқолбозлик; иш ташлаш ёки бошқа группавий тартибсизликлар ташкил этиш, шунингдек уларда фаол иштирок этиш ва б. ҳисобланади. .

У боб. ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ ВА УНИНГ ҚАРАМА-ҚАРШИ ЖИХАТЛАРИ

«Халқаро амнистия» ташкилоти 26 йил муқаддам Стокгольм (Швеция)да Ўлим жазоси муаммоси бўйича халқаро конференция чақирганида, мазкур жазони фақат 16 мамлакат тўлиқ бекор қилган эди. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳаракати бутун дунёда давом этмоқда. Шунга қарамай, мазкур жазо айрим мамлакатларда сақланиб қолмоқда ва уни қўллаш доираси, айниқса, жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш нуқтаи назаридан, кенгайиб бораётир. Айрим мамлакатлар Ўлим жазосини бутунлай бекор қилишга эришган бир пайтда, бошқа мамлакатлар бунга қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.

Мазкур қарама-қаршилик 2003 йилда рўй берган икки воқеада яққол намоён бўлди. Шу йил 24 апрелда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўлим жазоси сақланиб қолаётган барча мамлакатларни ҳукмларни ижро этишга мораторий эълон қилишга чақирувчи резолюция қабул қилди. Мазкур ҳужжатда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қиммати ошиши ва инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиётга эришилишига имконият яратиши таъкидланди. Резолюцияни жами 75 мамлакат (2002 йилгидан 7 та кўп) қўллаб-қувватлади¹⁶⁷.

Шу кунни Комиссияга мазкур резолюцияга қўшилишдан бош торган давлатлар гуруҳининг кўшма баёноти юборилди. Баёнотда халқаро ҳамжамият мазкур масала юзасидан бир тўхтамга кела олмагани қайд этилган, ўлим жазосига ҳукм қилинган жиноятчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, улардан жабр кўрган шахслар ва жамиятнинг тинчлик-тотувлик ва хавфсизликда яшаш ҳуқуқини эътиборсиз қолдириш адолатдан эмаслиги таъкидланган эди. Мазкур баёнотга 63 мамлакат (2002 йилгидан битта кўп) имзо чекди¹⁶⁸.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясига 13-сон Баённома 2003 йил 1 июлдан кучга кирди. Мазкур Баённомани 15 давлат ратификация қилди. У барча ҳолатларда, бирон-бир истисносиз ўлим жазосини бекор қилишни назарда тутувчи биринчи халқаро битимдир. 2003 йил охирига келиб мазкур ҳужжатни Европа Кенга-

¹⁶⁷ <http://www.amnesty.org.ru/report2004/hragenda-5-rus> сайти материаллари.

¹⁶⁸ Ўша жойда.

шига аъзо 44 мамлакатдан 20 таси ратификация қилди. Ўлим жазосига қарши бошқа уч халқаро битим — Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясига 6-сон Баённома, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга оид Иккинчи қўшимча баённома ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясига ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Баённомани йил охирига қадар тегишинча 43, 51 ва 8 давлат ратификация қилди¹⁶⁹.

10 октябрда нишонланган Жаҳон ўлим жазосига қарши кураш кунини дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида турли тадбирлар ўтказилди, ўлим жазоси сақланиб қолган барча мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарларига «Ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмларнинг ижро этилишини зудлик билан тўхтатиш ва барча жиноятлар учун ўлим жазосини тўла бекор қилиш ҳақидаги чақириқ» билан мурожаат этилди. Жаҳон ўлим жазосига қарши кураш кунини 2002 йилда тузилган Ўлим жазосига қарши умумжаҳон коалициясининг ташаббуси билан таъсис этилди. Мазкур коалицияга миллий ва халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, шу жумладан «Халқаро амнистия» ташкилоти, адвокатлар коллегиялари, касаба уюшмалари, шунингдек маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органлари киради¹⁷⁰.

30 ноябрда жаҳоннинг 100 дан ортиқ шаҳарларидаги жамоат ташкилотлари биноларида «Шаҳарлар ҳаёт учун — Шаҳарлар ўлим жазосига қарши» тадбири доирасида минглаб чироқлар ёқилди. Бу тадбирни Италиянинг «Санта Эжидио жамоаси» ташкилоти бошқа ташкилотлар, шу жумладан «Халқаро амнистия» ташкилотининг бўлимлари уюштирди¹⁷¹.

Римда ўтказилган тинчлик бўйича Нобель мукофоти соҳибларининг Тўртинчи Жаҳон съезди 30 ноябрда қабул қилган якуний қарорида шундай деб қайд этди: «Махсус мажлис натижасида Тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреатлари ўлим жазоси ўта оғир ва шафқатсиз жазо ва у бекор қилиниши керак, деган қарорга келдилар. Мазкур жазони болаларга нисбатан қўллаш айниқса инсонийликка зиддир»¹⁷².

«Халқаро амнистия» ташкилоти инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири — яшаш ҳуқуқига зид бўлган ўлим жазосига ҳамда инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи шафқатсиз жазо турларига қарши кураш олиб боради. Ўз фикрини ҳимоя қилишда «Халқаро амнистия» ташкилоти ўлим жазосининг бошқа ўзига хос жиҳатла-

¹⁶⁹ <http://www.amnesty.org.ru/report2004/hragenda-5-rus> сайти материаллари.

¹⁷⁰ Ўша жойда.

¹⁷¹ Ўша жойда.

¹⁷² Ўша жойда.

рини, чунончи: шафқатсизликнинг кучайиши, суд хатосини тузатиш имкониятининг мавжуд эмаслиги, шунингдек ўлим жазоси жиноятчиларни тийиб турувчи омил эканлигининг ишончли далиллари йўқлигини важ қилиб кўрсатади.

«Халқаро амнистия» ташкилотининг мақсади ўлим жазосини бекор қилиш учун курашиш жараёнида юқорида зикр этилган адолатсизликларнинг барча кўринишларига жамоатчилик эътиборини қарагишдан иборат.

Муайян минтақалар, чунончи: Лотин Америкаси, Европа ва Тинч океани ҳудудида ўлим жазоси деярли бутунлай бекор қилинди. Айрим мамлакатларда у муомаладан чиқарилди ва яқин келажақда бутунлай бекор қилиниши мумкин. 2003 йил октябрида «Халқаро амнистия» ташкилоти Фарбий Африкада ўлим жазосини бекор қилиш кампаниясини бошлади. Мазкур минтақада охириги ўн йилда ўн олти мамлакатнинг тўрттасидагина ўлим жазосини қўллаш ҳолатлари қайд этилган. «Халқаро амнистия» ташкилоти Фарбий Африканинг ана шу мамлакатларини ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларни ижро этишга мораторий эълон қилишга ва мазкур жазони қонун йўли билан бекор қилишга чақирди¹⁷³.

Жиноят ҳуқуқи тарихи маданий тараққиёт умумий жараёни таъсирида жазолар аста-секин енгиллашиб, яъни жиноятчи шахсига таъсир кўрсатишнинг олдинги қўпол шакллари аста-секин юмшаб борганлигини ёки бутунлай йўқолганлигини, уларнинг ўрнига маданий тараққиётнинг янги даражасига мос келадиган бошқа жазо чоралари пайдо бўлганлигини кўрсатади. Уларнинг замирида шахснинг давлатдаги ўрнига, янги ҳуқуқий онгга асосланган, шахснинг муайян ҳуқуқий имтиёзларига янгича баҳо берувчи қоидалар ётади. Айни вақтда, инсон руҳиятининг такомиллашиши вақт ўтиши билан олдинги қўпол мажбурлов чораларисиз иш кўриш, уларни жиноятчи шахсига янада муваффақиятлироқ таъсир кўрсата оладиган бошқа чоралар билан алмаштириш имконини берди.

Бироқ, жинойий жазо хусусиятининг бундай умумий ўзгариши жуда секин рўй бермоқда. Шу жумладан, ўлим жазоси бир қатор оғир жиноятлар учун қўлланилиб келинган ва қўлланилаётган жазо сифатида, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари жиноят қонунчилигидан ўрин олганлигини ҳамда ушбу жазони жазо тизимида қолдириш ёки қолдирмаслик масаласи устида ҳали ҳам баҳс-мунозаралар давом этаётганлигини худди ана шу аста давом этаётган жараёнга йўйиш мумкин.

Ўлим жазоси масаласи кўп жиҳатли муаммо бўлиб, уни ечишга нисбатан ҳар бир — сиёсий, маънавий, ҳуқуқий, диний ёндашув ўзи-

¹⁷³ <http://www.amnesty.org.ru/report2004/hragenda-5-rus> сайти материаллари.

нинг турли қарашларини намоён этади, ўз далиллани мақсадидан фойдаланади. Агар ушбу муаммога ҳуқуқшунос жиноят ҳақидаги қонунчилик нуқтаи назаридан ёндашса, уни ечиш унча қийин иш эмасдек бўлиб туюлади. Бу ерда жазо турларидан бири тўғрисида сўз юритиладигандек гўё.

Ўлим жазоси ҳақидаги ҳозирги мунозара комплекс хусусиятга эга бўлиб, шундай тафовутлар ва бир-бирига зид қарашлар билан тавсифланадики, баъзан карлар суҳбатига ўхшаб кетади. Мунозара тарафларининг мушоҳадалари ва фаразлари мутлақо ҳар хил. Бундай ҳар хил фаразларга асосланган тадқиқотлар муқаррар тарзда қарама-қарши хулосалар чиқарилишига олиб келади. Мунозарада ўлим жазоси муаммосининг икки асосий жиҳати ҳануз етакчилик қилаётир: биринчи жиҳат жазолаш билан боғлиқ бўлиб, бунда ўлим жазосининг асосий вазифаси жамиятнинг жиноятчидан ўч олишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатлиги эътироф этилади; иккинчи жиҳат жиноятларнинг олдини олиш бўлиб, бунда ўлим жазосининг асосий вазифаси қўрқитиш (тийиб туриш) ҳисобланади. Ўлим жазосининг тарафдорлари ҳам, муҳолифлари ҳам ўз далилларини муаммонинг ана шу икки жиҳатига қаратадилар, ўз қарашларини энг маъқул тарзда мустаҳкамловчи маънавий ва илмий далиллар келтирадилар. Бундан ташқари, иккала тараф ўлим жазосининг ахлоқий ва утилитар (оқилона, мақсадга мувофиқ) жиҳатларини ҳам ҳисобга олади. Бунда ўлим жазосининг жазоловчи жиҳатини қайд этувчилар кўпроқ ахлоқ билан боғлиқ далилларни келтирадилар, ўлим жазосининг қўрқитувчи (тийиб турувчи) функциясини биринчи ўринга қўювчилар эса масаланинг утилитар жиҳатига алоҳида эътибор берадилар.

Ўлим жазосини тушунтириш ва оқлашга бағишланган мунозараларда ахлоқий ва сиёсий ёндашувлар ўртасида зиддият ҳануз сақланиб қолмоқда. Бундай ёндашувда ўлим жазоси тариқасидаги жазо фақат қасос олиш — жазолашнинг бирдан-бир мақсади деб эълон қилинган тизимлардагина ўринли бўлади. Аммо бугунги кунда бундай ёндашувни фақат адабиётларда учратиш мумкин. Масалан, ўлим жазосини қўллаш тарафдори У. Бернс одам ўлдирган жиноятчи ҳатто уни ахлоқан тузатиш мумкин бўлган ҳолда ҳам ўлим жазосига лойиқ; айни ҳолда ўлим жазоси мазкур оғир жиноятнинг содир этилиши натижасида аҳолида уйғонган дарғазабликни бартараф этиш имконини беради¹⁷⁴, дейди.

Одатда, муайян мамлакат жазо тизимида ўлим жазосининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини давлатнинг қай даражада демокра-

¹⁷⁴ Berns W. For capital punishment: Crime and the morality of the death penalty. — N.J. Basic books, 1979.

тиявийлиги билан баҳолашади. Кўпгина давлатларда ўлим жазосининг қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги тўғрисида сўровларнинг ўтказилиши натижасида, уларнинг аксарияти қонунчиликда ўлим жазосининг сақланиб қолиш тарафдори эканлигини намоён этди.

Ўлим жазоси муаммосини умумий ҳуқуқда тутган ўрни билан ҳам баҳолаб, бир қатор мамлакатимиз олимлари уни бекор қилишни ёқлаб чиқдилар. Ҳозирги дунёга маълумки, инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, яшаш ҳуқуқи ҳам давлатнинг совғаси эмас. Ҳозирда ҳаммага маълум бўлган ушбу ҳолат Ўзбекисон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун, ҳуқуқий принциплардан келиб чиқадиган бўлсак, давлат инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эмас. «Умумжамоавий келишув назарияси» ҳолатидан, хусусан, Ж.Ж.Руссо¹⁷⁵ ғоялари натижасидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, инсон давлат билан муносабатга киришганда сўзсиз унинг ҳаётини чеклашга рози эмас.

Хўш, ўлим жазоси нима? Яхшилиқми ёки ёмонликми? Ўлим жазоси назарда тutilган қонунчиликни инсонпарвар деб ҳисоблаш мумкинми ёки у инсонпарвар эмасми? Айримларнинг фикрича, ўлим жазоси, шубҳасиз, ёмонлик, чунки бир одам бошқа одамни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақли эмас (айниқса, давлат), боз устига, ҳар бир жиноятнинг муайян сабаблари бор ва улар кўпинча ҳаётдаги камчиликлар ва баъзан келиштириб бўлмайдиган зиддиятлар билан боғлиқ. Айримлар эса, одатда, далиллар келтирмасдан, ўлим жазоси керак, бошқа одамга, айнақса, кўпчиликка ёмонлик қилган жиноятчиларни қатл этиш лозим, деб ҳисоблайди.

Хўш, қайси фикр тўғри? Балки иккала фикр ҳам нотўғридир? Ё биринчи ёндашув ҳам, иккинчи ёндашув ҳам ҳақиқатдан холи эмасми? Келинг, ўйлаб кўрайлик. Тўғри, айрим одамлар бошқаларни ўлимга ҳукм қилиш ҳуқуқини ўзлаштиришида, шунингдек, бу ҳуқуқни қонунда мустаҳкамлаб қўйишида маълум зиддият сезилади. Тарихда шундай бўлган: бир тараф урушда ютиб чиққан ва мағлуб тарафни қатл қилган, инсон қони дарё бўлиб оққан.

Homo sapiens — Ақлли Одам — ўзининг ақллилигини қойиллатиб намоёиш эта олгани йўқ. Шу боис энг осон йўли — «йўқолсин ўлим жазоси!» деб қичқириш ва ўзининг «инсонпарварлиги»ни кўрсатиш. Аммо ноҳақ қурбонларни, айбсиз болаларнинг мурдаларини ўз кўзи билан кўрган одам ҳеч қачон ўлим жазоси керак эмас, деб айт-маса керак.

Баъзан қуйидаги масалалар ҳам муҳокама қилинади: ўлим жазоси жиноятлар сонининг камайишига туртки берадими? У жиноят-

¹⁷⁵ Жан Жак Руссо — XVIII аср француз адиби ва файласуфи; *луғатга қ.*

ларга қўл уришдан қўрқитишнинг ишончли воситасими? Бу саволларга ҳа деб ҳам, йўқ деб ҳам жавоб бериш мумкин. Бизнинг назаримизда, бу ерда иккинчи жавоб кўпроқ тош босса керак. Хўш, унда ўлим жазоси нима учун керак? Бу саволга ҳам узил-кесил жавоб бериш қийин. Авваламбор, жазо — жиноятчиликка қарши курашнинг асосий эмас, балки ёрдамчи воситаси, ҳа, айнан ёрдамчи воситаси ҳисобланади. Айрим жазолар ёрдамида жиноятчиликни камайтириш ҳам, унга чек қўйиш ҳам мумкин эмас. Демак, нафақат ўлим жазоси, балки жазо ҳам керак эмас экан-да?! Аксарият ғарб олимлари «жазонинг инқирози» тўғрисида сўз юритадилар ва буни жиноятчиликнинг ҳолати билан бевосита боғлиқ деб кўрсатадилар. Бироқ, айнан шу бевосита «боғлаш», бизнинг назаримизда, катта хатодир. Жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари тизимида жазо ўз вазифасини батаври имкон бажаради. У, албатта, огоҳлантирувчи рол ўйнайди. Шу билан бирга, жазо жамиятни жиноятлардан ҳимоя қилиш усули ҳамдир. Бошқа жазолар қаторида ўлим жазоси ҳам шу вазифани бажаради. Жиноий жазодан (ўлим жазосидан) бундан ортиғини талаб қилиб бўлмайди. Яна бир қарра таъкидлаймиз: ҳар қандай жазонинг, шу жумладан, ўлим жазосининг мавжудлигини жиноятчилик ҳолати билан бевосита боғлаш мумкин эмас. Ўлим жазосини кенгроқ жорий этсак, жиноятлар камаяди, деб ўйлаш хом хаёл. Айни вақтда, ўлим жазоси бўлмаса, жиноятчилик ўсади, деб ҳисоблаш ҳам хато. Давлатимиз тарихида ўлим жазоси бекор қилинган ва жиноят тўғрисидаги қонунда ўлим жазоси мавжуд бўлмаган вақт ичида нималар рўй берди? Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Жиноятлар, шу жумладан ўлим жазоси назарда тутилган оғир жиноятлар сони кўпаймади. Боз устига, айрим оғир жиноятларга қарши курашни кучайтириш учун ўлим жазоси қонунда тикланганидан кейин бундай жиноятлар сони ҳатто кўпайди, яъни ўлим жазоси билан қўрқитиш жиноятчиларни тўхтата олмади. Хўш, унда мазкур жазодан воз кечган маъқулдир? Агар жазони зўрма-зўраки тарзда жиноятчиликнинг ҳолати билан боғлайдиган бўлсак, шундай хулоса келиб чиқади. Аммо мазкур масалага янада чуқурроқ ёндашсак ва жиноятчиликка қарши кураш фақат иқтисодий, ижтимоий-маданий, тарбиявий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар билан уйғунликда амалга оширилган ҳолдагина муваффақиятли бўлиши мумкинлигини англаб етсак, жазо, айниқса, ўлим жазоси фақат ўзига хос бўлган вазифани, чунончи: жиноятларнинг олдини олиш воситаларидан бири ва жамиятни жиноятлардан ҳимоя қилиш усулларида бири вазифасини бажариши лозимлиги англашилади.

Демак, юқоридагилардан ўлим жазоси қасос олиш воситаси, жазолаш усули деб хулоса қилиш мумкинми? Бу саволга айримлар ҳа

шундай ва бу фикрдан чўчимаслик керак деб таъкидлашади. Жамиятда ўта оғир, шафқатсиз жиноятлар содир этилаётган экан, бу жамият инсонпарвар, том маънода маданий жамият даражасига етган деб ҳисоблай оламизми? Модомики ўта оғир одам ўлдиришлар содир этилаётган, коррупция «гуллаб-яшнаётган», уюшган жиноятчиликка чек қўйилмаган, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этилиши хавфининг олди олинмаган жамиятда ўлим жазосидан воз кечиб бўлармикан?!

Тан олиш керак: ўлим жазоси, албатта, қайта тарбиялаш воситаси эмас, балки сўзнинг ўз маъносидаги жазодир. Ўлим жазоси тўғрисида сўз юритганда тарбия мавзусида фалсафа сўқиш ўринли эмас. Мавжуд чора-тадбирларни улар амалда қандай бўлса, шундай қабул қилиш керак. Агар улар қабул қилинган бўлмаса, улардан воз кечиш лозим. Қонунда ўлим жазосининг сақланишига қарши чиққан мамлакатлар шундай қилмоқда.

Балки ўлим жазосининг муқобилини топиб, ундан воз кечган маъқулдир? Шундай фикрлар ҳам мавжуд. Бунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ўлим жазосининг ўрнини босиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида бундай нормалар мавжуд. Аммо бу ерда ҳам баҳсли масалалар жуда кўп. Авваламбор, умрбод озодликдан маҳрум қилишни инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ деб бўладими? Бу чорани қўллашдан давлат қандай мақсадни кўзлайди? Ушбу масалаларга айрим тадқиқотчилар ўз муносабатларини билдириб, маҳқумни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадини кўзлаш тўғри бўлмаслигини, сабаби маҳқум қайта тарбияланган бўлса, у қамоқдан озод этилиши кераклигини эътироф этишади. Жамиятнинг хавфсизлиги таъминланади, деб ҳам бўлмайди, чунки маҳқум ёши ўтгач (агар у турмада оламдан ўтган бўлмаса), унинг ижтимоий хавфлилик даражаси бутунлай йўқолади ва уни озодликка чиқариш мумкин бўлади. Бироқ... бу мумкин эмас. Чунки қонун (аксарият мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги) буни тақиқлайди. Бундан ташқари, деярли бугун умри қамоқда ўтган одамни озодликда нима кутади? Ўз-ўзидан савол тугилади: умрбод озодликдан маҳрум қилиш маҳқум учун умрбод азоб бўлмасмикан? Давлат умрбод азобни қонунийлаштиришга ҳақлими? Юқоридаги фикр муаллифларининг назарида, ҳақли эмас ва уларнинг фикрича ўлим жазосини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришни маҳқумга яхшилик қилиш деб бўлмайди.

Ўлим жазосидан воз кечган давлатлар бунинг сабабини ҳар хил тушунтиради. Айрим давлатлар ўлим жазосини бекор қилишда инсонпарварлик тамойилидан келиб чиққанини қайд этади, аммо қонун ҳужжатларида умрбод озодликдан маҳрум қилишнинг мавжудлигини

бунга шубҳа уйғотади. Айримлар қонунда ўлим жазоси йўқлигини ўз «анъаналари» билан тушунтиради (гарчи бу «анъаналар» унча узоқ муддатга эга бўлмаса ҳам).

Ўлим жазосидан воз кечилганининг бошқа сабаблари ҳам мавжуд. Масалан, Венесуэлада ўлим жазоси қонунда назарда тутилмаган, аммо қонунчининг мазкур масалага муносабати жуда диққатга сазовор. Гап шундаки, Венесуэла марказидаги ўтиб бўлмас ўрмонлар — сельвада ҳали ёввойилик босқичидан чиқмаган қабилалар яшайди. Уларга цивилизация ҳали етиб боргани йўқ. Қонунлар ҳам. Бу қабилалар ўз қонун-қоидаларига кўра яшайди, ўзаро низоларни ажодлар қандай васият қилган бўлса, шундай ҳал қилади. Ажодлар эса қабилада қабул қилинган одатни бузган ҳар кимни, ҳатто ов қилиш чегарасини бузганлик учун ҳам ўлдиришни васият қилган. Венесуэлалик ҳуқуқшуносларнинг фикрича, ҳали ёввойилик босқичидан чиқмаган, Венесуэланинг «маърифатли» қисмида яшайдиган аҳолининг ҳозирги ҳаётини ҳам, қонунларни ҳам тушунмайдиган одамларга нисбатан ўлим жазосини назарда тутиш инсонпарварликдан эмас. Шу сабабли, Венесуэлада ўлим жазоси умуман бекор қилинган. Бундай тартибни ўрнатган қонунчилар, ҳокимият вакиллари унинг номукамаллигини ҳам яхши англайдилар, чунки оғир жиноятлар, айниқса, гиёвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар бу мамлакатда анча кўп рўй беради ва одамлар муттасил кўрқувда яшайди.

Хуллас, дунё жуда ранг-баранг ва ўлим жазосига нисбатан ҳам бир хил ёндашув ҳозирча мавжуд эмас. Бизнинг назаримизда, инсоният мазкур муаммони узил-кесил ҳал қилишга ҳали тайёр бўлмаса керак. Бунда мунозарага киришаётган барча тарафлар абстракт инсонпарварлар ёки ўлим жазосининг ашаддий тарафдорлари бўлмасликлари, ҳаёт ҳақиқатини ҳисобга олишлари лозим.

Давлат ўзининг фуқароларини ҳимоя қилар экан, нима учун белгиланган тартибни бузганларни жазолай олмас экан. Биз бу ерда судсиз қатагонларни муҳокама қилмаймиз, чунки бу содир этилган жиноят учун жазо тариқасида тайинланган ўлим жазоси эмас, балки чинакам одам ўлдириш, яъни айбдор жавобгарликка тортилиши лозим бўлган жиноятдир.

Ўлим жазоси деб, қонунга мувофиқ ва фақат суд ҳукмига биноан амалга ошириладиган ҳаётдан маҳрум қилишни эътироф этиш мумкин. Қолган ҳар қандай тарзда инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш одам ўлдириш деб баҳоланиши лозим.

Одам ўлдириш ва ўлим жазосини бир-бирига солиштирадиган бўлсак, ўлим жазосига ҳукм қилинган жиноятчининг ҳукм эълон қилинган пайтдан то у ижро этилгунга қадар, айниқса, ҳукмни ижро

этиш жойидаги руҳий ҳолати ўлим жазоси ва одам ўлдириш ўртасида мувозанат йўқлигини тасдиқлайди. Ўлим жазосини ижро этиш учун алоҳида шарт-шароитларни вужудга келтириш, алоҳида тайёр-гарлик кўриш зарурлигининг ўзиёқ ўлим жазосига жуда оғир ва шафқатсиз жазо хусусиятини бахш этади.

Инсоният тарихида судсиз қатл этиш ҳоллари жуда кўп бўлган ва айнан ушбу ҳоллар яққол одам ўлдиришнинг ўзи эди. Шу ўринда, тарихда баъзи хонлар, амирлар, подшолар ҳамда вазирлар, қироллар ва курфюрстлар, князлар ва қулдорлар, феодаллар ва амалдорлар, муқаддас инквизиция ва Худо номи билан иш кўрган турли диний ташкилотлар, ўз рақибларини очиқ ёки яширин тарзда йўлдан четлатган сиёсий раҳбарлар, - кимлар инсоният, қолган одамлар улардан паст туришини «исботлаш»га ҳаракат қилганликларини ва кўплаб бегуноҳ инсонларни ўзларича айбдор деб топиб, гўёки ўлим жазосини қўллаб уларни қатл этганликларини эслаб ўтиш ўринлидир.

Шу ўринда «қонуний ўлдириш»га қарши кураш Европа инсон-парварлик оқимлари йўналишида, инсон ҳаётини энг олий қадрият деб эътироф этиш билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигига тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳозирда бу кураш инсон ҳуқуқларини, энг аввало, яшаш ҳуқуқини таъминлаш, ҳуқуқбузарларга қарши муносабатнинг инсон-парварлашуви, шафқатсиз чора-тадбирлар ёрдамида ҳуқуқий тартиб-бот ўрнатиш мумкин эмаслигининг тушуниб етилиши билан чамбарчас боғлиқ. Ўлим жазосининг айрим муҳолифлари уни бекор қилишни талаб этган ҳолда, жинойтчиларнинг муайян тоифалари учун ёки маълум шароитларда, кўпинча ундан ҳам оғирроқ кулфатларнинг олдини олиш учун ўлим жазосини қўллаш мумкин деб ҳисобламоқдалар.

Ҳозирги вақтда мазкур жазо турига нисбатан уч хил назарий ёндашув мавжуд. **Бир гуруҳ** олимлар ва амалиётчилар бу жазони мақсадга номувофиқлиги ҳамда маънавий бузуқлик ифодаси эканлигини таъкидлаб, ўлим жазосига бутунлай қаршилик билдирган ҳолда ундан дарҳол воз кечишни ёқлаб чиқмоқдалар. **Бошқалар** эса тарихий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, ушбу жазони қўлланишининг тарафдори бўлиб, улар ўлим жазосига нафақат жинойтчини ҳуқуқини чеклаш, балки уни жисмонан йўқ қилиш орқали унинг содир этиши мумкин бўлган ижтимоий хавfli ҳаракатидан жамиятни тўлиғича муҳофаза қилишни таъминлаш кафолати сифатида қарайдилар. **Учинчи ёндашув вакиллари** эса ўлим жазосини қўллашни қисқартириш ва босқичма-босқич ундан воз кечиш кераклигини таъкидлайдилар. Учинчи ёндашув вакилларининг фикрича, кўп миқдорда ва бир лаҳзада қабул қилинган дори дори эмас, заҳар бўлади. Ўлим жазосини бекор қилишдек муҳим муаммони ҳал қилишда эса

шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу масала албатта, аста-секин, босқичма-босқич ва изчил ҳал қилиниши лозим.

Ушбу ёндашувларнинг ҳар бири ўзига хос етарли асосларга эга бўлиб, ўлим жазоси муаммосини ҳал қилишда улардан айнан қайси бирини танлаш нисбатан тўғри йўл бўлишини аниқлаш жуда мураккабдир.

Ҳозирда ўлим жазосини бекор қилиш муаммоси сиёсий жиҳатдан тобора баланд овозда янграмоқдаки, бу мазкур масалани ижобий ҳал қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосининг тарафдорлари ва мухолифлари ўртасида баҳс XVIII аср охирида бошланди ва ҳанузгача ҳал қилингани йўқ. Ўлим жазосини қўллаш-қўлламаслик билан боғлиқ мунозаралар тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, XVIII аср охирларига келиб бу жараён Европада жадаллашди. Мунозараларга ҳар хил масалалар, иккала тараф ҳам келтирадиган далиллар сабаб бўлади. Вазиятга доир омилларга эътибор берсак, мунозарани иккала қарама-қарши ёндашув ҳам қўллаб-қувватлаб келади, деб айтиш мумкин. Бир томондан, ўлим жазосини бекор қилиш ёки жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ушбу жазо назарда тутилган моддалар сонини камайтириш ҳолатлари кузатилаётган мамлакатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар шу жумладан Шарқий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам кузатилмоқда. Хусусан, бу ўзгаришлар ўлим жазосини қўллашдан ўзини тийишда, ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар сонининг камайишида ҳамда ушбу жазонинг ижро этилиши номуайян муддатга тўхтатиб қўйилишида намоён бўлаётир. Айни вақтда, қарама-қарши тенденция ҳам ўлим жазосининг сақланиши, такроран жорий этилиши ва қўлланиши тарзида кўпгина мамлакатларда ўзини намоён этмоқда. Қайд этилган иккала тенденция ҳам сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқ.

XVIII аср охирида Европада буржуа революцияси содир бўлишидан олдинги даврда ўлим жазоси кўпгина давлатларда турли хилдаги жиноятларга қарши курашишдаги асосий ва бирламчи усул ҳисобланган. Бир қатор Европа ва Америка мамлакатларида бир неча асрлар мобайнида инквизиция трибуналининг ҳукмига биноан юзлаб ва минглаб еретиклар ва «шаллақилар» оммавий равишда гулханда куйдирилди ёки бошқача усуллар билан қатл этилди. Унчалик кўп бўлмасда ўлим жазоси деҳқонлар, ҳунармандларнинг инқилобий чиқишлари, миллий-озодлик қатнашчиларининг ҳаракатлари бироз босилгандан кейин асосий жазолаш қуроли бўлиб хизмат қилган.

XVIII асрнинг жиноят ҳуқуқи тарихида Монтескье, Беккариа ва Вольтерларнинг жиноят-ҳуқуқий қарашлари мустақил «**маърифий-**

инсонпарвар» йўналишлар сифатида намоён бўлди. Улар ўлим жазосини қўллашни бекор қилиш ёки унинг қўлланиш доирасини мумкин қадар торайтиришни талаб қиладилар.

Жазоларни енгиллаштириш ва нисбатан инсонпарвар жинойт сиёсатни юритишни ёқлаб чиққан инсонпарвар йўналиш асосчиларидан бири XVIII аср атоқли француз маърифатпарвари **Монтескье**дир. У жинойтчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсат давлатнинг қурилиши, мамлакатдаги сиёсий режимнинг умумий хусусияти билан узвий боғлиқ эканлигига ишора қилади. Хусусан, Монтескье Япония ва Ҳиндистон жинойт қонунчилигини қиёслаб, унда дастлабки мамлакатдаги жазоларни шафқатсизлигини ифодаласа, кейинги давлат жазолари эса беозор ва раҳм-шафқатли эканлигини тасвирлайди. Лекин Монтескье ўз ўқувчилари ва издошларидан фарқли ўлароқ, ҳеч қачон ўлим жазосини бутунлай бекор қилишни ёқлаб чиқмаган. Аммо у сеҳргарлик ва бидъатчилик (хукмрон дин ақидаларига хилоф иш, ҳаракат ёки таълимот тарафдорлари)да айбланганларни гулханда куйдиришни ёқласа, «Ҳазрати олийларини ҳақорат қилиш» ва бошқа исбот қилиниши қийин бўлган жинойтларга ва мулкий жинойтларга нисбатан ўлим жазосини қўллашга қарши чиқади. **Жазолаш сиёсатини умуман енгиллаштиришга қаратилган чақирикда Монтескье ҳатто бугунги кунда ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган ўта чуқур бир фикр билдиради:** *«Ҳар қандай бузуқлик ёки ахлоқсизликни моҳиятини синчиклаб таҳлил қилинг ва сиз бундай ҳаракатлар жазоларнинг заифлигидан эмас, балки жинойтларнинг жазосиз қолганлигидан келиб чиқишини кўришингиз мумкин».*

Ўлим жазосининг қўлланилишига қаршилар ҳар қандай зўрлик унга қарши бошқа бир зўрликни вужудга келтиришига таяниб, мазкур жазони қўллашга чек қўйишни ёқлаб чиқадилар. «Зўравонлик зўравонликни келтириб чиқаради», деган фикр криминологик жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам ўлим жазосига тўла мос келади.

Ушбу қараш вакиллари ўз нуқтаи назарларини одамларда ваҳшийлик ҳиссини уйғотиши сабабли ўлим жазоси ҳеч қачон фойдали бўлиши мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган **Чезаре Беккари**нинг машҳур «Жинойтлар ва жазолар ҳақида»ги китобида келтирилган фикрлар орқали асослантиришга ҳаракат қиладилар. Жумладан, итальян файласуфи Чезаре Беккариа XVIII асрдаёқ: «Ўлим жазоси фойдали бўлиши мумкин эмас, чунки у одамларга шафқатсизликдан сабоқ беради. Агар эҳтирослар ёки уруш қилиш зарурияти инсонларга қон тўкишни ўргатган бўлса, инсонлар ўртасидаги зиддиятларни мувофиқлаштиришга қаратилган қонунлар ваҳшийликнинг ортиқча намунаси бўлмаслиги керак эди, боз устига, ҳайратланарлиси шундаки, ўлим жазоси ўта совуққонлик ҳамда расмий йўл би-

лан амалга оширилади», деб қайд этган эди. Бунинг маъноси шуки, давлат, жиноятчиликка қарши кураш олиб борар экан, ҳимоясиз одамни ҳаётдан маҳрум қилиш орқали унинг ўзи жиноят содир этмаслиги керак. Агар жамият инсонпарвар ва маърифатли бўлса, у ўзини жиноятчилардан уларни ҳаётдан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин. Жиноятчиларни ўлдириш улардан ўч олиш билан баробардир.

Бундан ташқари, Чезаре Беккарианинг фикрича, ўлим жазосини қўллаш ўзида шафқатсизлик намунасини намоён қилиш билан бирга бошқа янги жиноятларни содир этишга ҳам илҳомлантиради (ёки рағбатлантиради). Беккарианинг ушбу чақириқлари айрим Европа давлатлари қонунчилигида ўзининг бевосита аксини топди. Масалан, 1765 йил Буюк Тоскан герцоглигида ўлим жазоси бекор қилинди (ушбу герцоглик пойтахти — Ливорнода Беккарианинг китоби нашр қилинган эди). 1779 йил швед қироли Густав III томонидан Беккарианинг «Жиноятлар ва жазолар ҳақида» китобига таянган ҳолда қабул қилган инсонпарвар қарорига асосан «отани ўлдириш» ва «хиёнат»дан ташқари барча жиноятларга нисбатан ўлим жазоси бекор қилинганлигида ҳам биз Чезаре Беккариа чақириқларининг яна бир аниқ таъсирини кўришимиз мумкин.

Европанинг бошқа давлатларида эса Беккарианинг чақириқлари дастлаб ўлим жазоси қўлланилувчи муайян қилмишлар доирасининг қисқаришига олиб келди. 1768 йилда Австрия императричаси Мария Тереза даврида қабул қилинган «Терезиана» жиноят кодекси бунга мисол бўла олади. Беккарианинг чақириқларида қонунчиликка таъсирдан кўра, унда кўпроқ ҳали кўпгина давлатларда жинойий таъйиқнинг одатий қуроли бўлиб қолган ўлим жазосига нисбатан жамият аъзоларининг ҳуқуқий қарашларига катта таъсир этиш мақсади мужассамлашгандир.

Беккариа қарашларининг янада кенгроқ ёйилишида француз файласуфи, тарихчиси, ёзувчиси ва публицисти **Вольтер**нинг ўрни каттадир. У 1766 йилда «Жиноятлар ва жазолар ҳақидаги китобга шарҳ» ёзади. Лекин Вольтер, Монтескье ва Беккариадан фарқли равишда, адолат ва одил судлов учун нафақат назарияда, балки амалиётда ҳам феодал адлиянинг зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилишга отланган «жангчидир». Вольтер ўзининг бу шарҳида: «Христиан трибунали юз мингга яқин хаёлий, сохта афсунгарларни ўлим жазосига маҳкум қилди. Агарда ушбу суд томонидан қатл қилинганлар сонига узлуксиз, ўйланганидан ортиқ қурбон қилинган даҳрийларни қўшсак, гўёки бу дунёнинг бир қисми судьялар ва томошабинлар билан ўраб олинган жаллод ва қурбонлар билан тўлган баҳайбат жаллод кундаси бўлиб кўринади», дейди.

Жинойят ҳуқуқидаги инсонпарвар йўналишдан фарқ қилгани ҳолда буржуа революциясининг ғалабасидан сўнг XIX асрда ҳукмронлик қила бошлаган «классик» мактаб вакиллари қатъият билан **Ўлим жазосини қўллаш** ва, ҳатто, унинг зарурий эҳтиёж эканлигини тан олиш йўлидан кетадилар. Шу билан бир қаторда, ушбу йўналиш тарафдорлари ўлим жазосининг таснифланган турларини ва аниқ белгиланган жинойй ҳаракатлар учун уни қўллаш доирасини чега-ралашни бекор қилишни ёқлаб чиқадилар. Буюк файласуф **И.Кант** ўзининг нуфузидан фойдаланиб жинойят ҳуқуқи соҳасида буржуа-демократик талабларни мустақкамлади: қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги, шахснинг қадр-қимматига ҳурмат, жинойтларни қонуний аниқлаш, лекин шу билан бирга у ўзининг жазо концепциясини илгари суриш орқали Беккарианинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги чақириқларига қарши чиқди:

«Қотилликлар содир этган, уни содир этишга буйруқ берган ёки унга кўмаклашган қанча қотил бўлган бўлса, шунча ўлим олиб келиши керак, — умумий тан олинган, асослантирилган қонунларга мувофиқ гўёки суд ҳокимиятининг адолат ғояси айнан шуни талаб қилади».

Кантнинг жинойят-ҳуқуқий қарашларидаги бир қанча унсурлар кейинчалик **Гегель** томонидан «Хуқуқ фалсафаси» (1821 й.) асарида қабул қилинди ва ривожлантирилди. Гегель жинойятчи жинойят содир этиш фактининг ўзидаёқ ўзига нисбатан жазо қўллашга розилик беради, деб ҳисоблайди. Шу боис, адолат тантана қилиши учун жазо жинойтнинг табиатига мувофиқ бўлиши даркорлигини айтади. Шундай бўлса ҳам, Гегель қасддан одам ўлдиришга нисбатан жазо белгилаш масаласида Кант позициясида қолади — бу ҳолатда фақат ўлим жазоси белгиланиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

«Классик» мактаб вакиллари ғояларининг қонунчиликда нисбатан ўзига хос ва ажралиб турадиган намуна сифатида намоён бўлишини 30 ҳолатда ўлим жазосини санкциясида мустақкамлаган 1810 йилги Франция жинойят кодекси мисолида кўришимиз мумкин. Франция жинойят кодекси нафақат 1810 йилда ўлим жазоси белгиланган ҳолатларга, балки буржуа жинойят ҳуқуқининг кейинги ривожланишига ҳам катта таъсир ўтказди. Наполеон уруши мобайнида Франция томонидан босиб олинган давлатларда ушбу кодекс тўғридан-тўғри ёки билвосита қўлланилди. Бир қатор Европа ва Лотин Америкаси давлатларида миллий жинойят кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу кодексдан намуна сифатида фойдаланганлар.

Англияда жинойят ҳуқуқи континенталь Европадаги буржуа жинойят ҳуқуқининг шаклланишига қараганда анча фарқ қиладиган, ўзига хос йўлда ривожланган. XVII асрда рўй берган Англия инқилоби

Ўзининг туб моҳияти билан ҳатто XIX аср бошларида ҳам ўз негизини ўзгартирмаган феодал жиноят ҳуқуқига таъсир қилмади. 1810 йилги Франция жиноят кодекси ҳали ҳам бошқа мамлакатларнинг жиноят ҳуқуқига ўзининг кучли таъсирини ўтказётган бир даврда Англия жиноят қонунчилигининг 200 дан ортиқ қонунлари ўлим жазосини ягона чора сифатида ўзида ақс эттирган эди. Улар нафақат бегона ўрмонга қуролланган ҳолда ёки бошқача кийимда тўсатдан кириб қолган, балки дарахтларни ёмон ниятда ўғринча кесган ёки йўқ қилган, бузуқ ниятда ҳайвонни ўлдирган ва шунга ўхшаш қилмишларда айбдор бўлганларга нисбатан ҳам таҳдид солган. Агарда кассавурлик бир шиллингдан ортиқ суммада черковда, ярмаркада ёки бошқа жойларда содир этилса, ўлим жазоси билан жазоланган. Эътиборлиси шундаки, инглиз ҳуқуқшунослари ўлим жазосини «асосий», қолган жазоларни эса «иккинчи даражали» жазо деб атаганлар.

Англия ҳуқуқшунослари ичида биринчи бўлиб Монтескье ва Беккарианинг айрим қарашларини машҳур «Англия ҳуқуқига шарҳ» (1765—1769) муаллифи **У. Блэкстон** қатъият билан бўлмаса ҳам қўллаб-қувватлади. Блэкстон ўлим жазосини назарда тутувчи қонунларни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқишга даъват қилган ҳолда, уни асосий жазо тури сифатида ҳаддан ташқари кўпайтиришни қоралади.

XIX аср бошларидаги жиноят ҳуқуқини такомиллаштириш ва умуман, ўлим жазосини қўллаш доирасини қисқартириш борасидаги курашда Британия парламенти ташаббус билан чиқди. Унга машҳур адвокат ва парламент аъзоси С. Ромильи бошчилик қилди. Унинг жиноят-ҳуқуқий дастури ўлим жазосини ҳеч бўлмаганда оғир жиноятларга нисбатан қўллашни қисқартириш ва шу мақсадда жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқиб, эскириб қолган қонунларни бекор қилишдан иборат эди. Ўтказилган ислоҳотлар натижасида черковга бузиб кирмасдан содир қилинган ўғрилик учун ўлим жазоси қўлланилмайдиган бўлган, лекин черковга бузиб кириш билан содир қилинган ўғрилик учун олдингидай ўлим жазоси қўлланилган.

XIX асрнинг 70—80 йилларида буржуа жиноят ҳуқуқида «классик» йўналишга қарши бўлган, баъзан **позитивистик** деб аталган янги йўналиш вужудга келди. Бу йўналиш «антропологик» («итальянча») ва «социологик» деб номланган икки асосий мактаб вакиллари томонидан тақдим қилинган.

XIX асрнинг 70-йилларида «саҳна»га чиққан «антропологлар» (Ломброз, Ферри, Гарофало) жиноятчиликни биологик ҳодиса сифатида талқин қилиб, жиноятчиларни эса — алоҳида жисмоний белгилари орқали англаш мумкин бўлган шахслар тури сифатида эътироф этадилар. Кейинроқ «саҳна»га кириб келган «социологлар» XIX асрнинг 80-йилларида, жиноятчиликни кўплаб (жисмоний, инди-

видуал ва ижтимоий) омилларнинг ўзаро нисбати натижаси деб эътироф этишган. Уларнинг фикрича, жамиятда «хавфли ҳолатда»ги шундай шахслар тоифаси борки, улардан ёки улар содир қилиши мумкин бўлган жиноятларидан жамият олдиндан ҳимояланиши зарурдир.

«Антропологлар» ва «социологлар» жиноят ҳуқуқи ва процессини тубдан ислоҳ қилишни таклиф қиладилар. «Антропологлар» ўлим жазоси, умрбод озодликдан маҳрум қилиш, «борса келмас» ороллар ва ботқоқликларга сургун қилиш каби жазоларни қўллаш доирасини кенгайтиришни талаб қилишади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бир қатор капиталистик давлатларда жиноят ҳуқуқи «классик» мактаби тарафдорларининг кўпчилиги янги неоклассик мактаб позициясига ўтди. Улар нисбатан либерал ва юмшоқроқ жазо сиёсатини олиб боришни ва аста-секинлик билан бўлса-да, ўлим жазосини жинойий жазолар тизимидан бутунлай чиқариб ташлашни таклиф қиладилар. Ушбу қараш тарафдорлари Европадаги баъзи мамлакатларда муайян ютуқларга эришишди. Жумладан, Францияда 1848 йил сиёсий жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаш бекор қилинди. Худди шу йили Швейцария конституцияси бўйича ҳам сиёсий жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинди, 1874 йилги конституция бўйича эса тинчлик вақтида содир қилинган бошқа барча жиноятларга нисбатан ҳам ўлим жазосини қўллашдан воз кечилди. 1889 йил Италияда ҳам бу жазо тури жазо тизимидан чиқариб ташланди. Бошқа айрим мамлакатларда эса шундай бир ҳолат юзага келдики, унда ўлим жазо сифатида қонун асосида бекор қилинмаса-да, амалиётда судьялар томонидан деярли умуман қўлланилмай қўйилди. Масалан, Португалияда ўлим жазоси 1846 йилдан бошлаб қўлланилмаган бўлса-да, лекин у расман юридик жиҳатдан фақатгина 1867 йилдагина бекор қилинди; Нидерландияда ҳам ушбу жазо турини қўллаш 1861 йилдан бошлаб қўлланилмаган бўлса-да, 1870 йилда расман бекор қилинди; Норвегияда эса 1876 йилдан бошлаб қўлланилмаган бўлса-да, 1902 йилдагина янги жиноят кодексининг қабул қилиниши билан бирга ўлим жазосини қўллаш расман бекор қилинди. Яна шунга ўхшаш ҳолатларга мисол қилиб Бельгия давлатини олиш мумкин. Бельгияда 1863 йилдан бошлаб ўлим жазоси қўлланилиши тўхтатилган бўлса ҳам, лекин қонунчилик бир қатор жиноятлар учун уни жазо тури сифатида сақлаб қолаверди.

Шундай қилиб, Биринчи жаҳон уруши арафасида Фарбий Европа давлатларида ўлим жазосини қўллашга қаршилар бир қатор муваффақиятларга эришишди. Лекин бу муваффақиятлар унча катта эмас эди, зеро, ўлим жазосини қўллаш 10 йил мобайнида фақатгина Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Пор-

туғалияда ҳамда Швейцариянинг айрим кантонларидагина расман бекор қилинди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин ўлим жазосини қўллаш бирданга бир қатор Европа давлатларида тўхтатилди. Лекин Испания, Италия, Австрия ва бошқа реакцион сиёсий режим ўрнатилган давлатларда ушбу жазо тури сифатида Иккинчи жаҳон уруши арафасида, айримларида эса ундан ҳам олдин қайта тикланди.

Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган ҳаракат Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарбда ўзининг сезиларли янги тарафдорларини орттира бошлади. «**Янги ижтимоий ҳимоя**» тарафдорлари машҳур француз ҳуқуқшуноси Марк Ансел бошчилигида ўлим жазосини жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсатни юритишнинг усули сифатида қўллашга бутунлай қарши чиқдилар.

Аболиционистлар ўзларининг мақсадларига эришиш учун куч бериб интилишлари натижасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги нормалар Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган бир қатор Европа давлатларининг конституцияларида ўз аксини топди. Тўғри, айрим конституцияларда (масалан, Италия Конституциясида) ўлим жазоси фақат тинчлик давридагина бекор қилиниши тўғрисидаги қўшимча изоҳ мавжуд бўлган. Лекин 1949 йилги ГФР Конституциясининг 102-моддасида бунга қарама-қарши равишда, ҳеч қандай изоҳсиз: «Ўлим жазоси бекор қилинади», деган норма мавжуд эди.

Европада ўлим жазосини бекор қилишнинг янги тўлқини 70-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. «Қора полковниклар» режими ағдариб ташланганидан сўнг 1975 йили Греция Конституцияси бўйича сиёсий ҳаракатлар жиноят билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларда бундай жиноятларга нисбатан ўлим жазоси бекор қилинди. Грецияда ўлим жазоси бекор қилиниши натижаси бошқа жиноятларга ҳам кенг татбиқ этила бошланди. Португалияда 1974 йилги реакцион сиёсий режимни ағдариб ташлаган Апрель инқилобидан кейин конституцияда яна ўлим жазоси бекор қилинганлиги тантанали равишда эълон қилинди.

Буюк Британияда XIX охириларига қадар ўлим жазоси тайинланадиган жинойий ҳаракатлар доираси сезиларли қисқарди. 1965 йилда Британия парламенти оғир қотилликлар учун вақтинчалик, яъни 5 йилга ўлим жазосини қўллашни тўхтатиш тўғрисида қонун, 1969 йилда эса оғир қотиллик учун бутунлай ўлим жазосини қўлламаслик тўғрисидаги қонунни қабул қилди. 1988 йилгача Британия парламентиға инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган террористик тадбир иштирокчиларига нисбатан мазкур жазони қайта тиклаш тўғрисида 18 марта қонун лойиҳалари киритилди, лекин Британия парламен-

тида ўлим жазосини қайта тиклаш тарафдорлари ҳар доим камчиликни ташкил этиб қолди.

Фарбий Европа давлатлари ичида ўлим жазоси Францияда энг узоқ вақт сақланиб қолди. Лекин 1981 йилги парламент сайловларидан кейин Франция парламенти ўлим жазосини бекор қилиш ва уни умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Фарбий Европада юзага келган вазият 1983 йил 28 апрелда иттифоқ давлатлар — Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорда ўз аксини топди. Унга аъзо давлатлар «Ўлим жазосини бекор қилишга доир инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияга 6-сон Баённома (Илова)»ни имзолашди. Ушбу Баённоманинг 1-моддасида шундай дейилади: «Ўлим жазоси бекор қилинади. Ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм қилиниши ёки қатл этилиши мумкин эмас». Баённоманинг 2-моддасида иштирокчи-давлатлар уруш даврида ёки уни бошланишига хавф туғдирган вақтда жиноятлар учун ўлим жазосини жорий қилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Баённомани тузиш жараёнида Европа Кенгашининг 21 аъзо давлатларидан 13 давлатнинг вакиллари уни имзолашди.

АҚШ тажрибаси билан танишиш эса, кейинги йиллар мобайнида АҚШда ўлим жазоси тўғрисидаги қонунларга, ўлим жазосига ҳукм қилиш ва асосан, ижроси таъминланган ҳукмларнинг сонида жиддий ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади. Агар ХХ асрнинг 30-йилларида АҚШда йилига ўртача 167 та ҳукм ижро қилинган бўлса, бу кўрсаткич 1967 йилга келиб 2 тагача тушиб кетганлиги оқибатида амалда ҳукмларни ижро қилишга нисбатан мораторий ўрнатилди. Бироқ, қачонки судлар зарурий чора деб топганларида айбдорларни ўлим жазосига ҳукм қилишда давом этдилар.

1967 йилда ўрнатилган мораторийдан сўнг фақатгина 1977 йилдагина битта ҳукм ижро қилинди, кейинчалик эса бир қатор жамоат ташкилотларининг берган маълумотларига қараганда, 2048 та одамни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич 1988 йил 1 майга қадар кўтарилган. Ҳозирги вақтда АҚШда ўлим жазоси жазо тури сифатида 38 та штатда¹⁷⁶ оғир жиноятларга, шу билан бирга сиёсий жиноятларга нисбатан қўлланиляпти.

Кишилиқ жамиятининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати ўлим жазоси нафақат одам ўлдириш учун, балки жиноятларнинг кенг доираси учун, шунингдек сиёсий муҳолифлардан ўч олиш мақсадида ҳам қўлланилиб келинганлигини кўрсатади. Аммо ҳозирда мазкур жазо асосан одам ўлдириш учун назарда тутилмоқда.

¹⁷⁶ Бу ҳақда III боб 1-параграфда батафсилроқ қаранг.

Ҳозирча бизнинг асосий инсоний қадриятлар, адолат, жиноят учун муносиб жазо ҳақидаги қарашларимиз мазкур жазодан бутунлай воз кечиш имконини бермайди. Бугунги кунда ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган жиноятчиларга тайинланиши мумкин, деган фикр ҳуқуқшунослар орасида кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида бундай ҳолатлар қаторига қуйидагилар киритилган:

- икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш;
- ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни ўлдириш;
- айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни ўлдириш;
- ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг қариндошларини ўлдириш;
- бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда одам ўлдириш;
- оммавий тартибсизликлар жараёнида одам ўлдириш;
- ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш;
- номуста тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда одам ўлдириш;
- тамагирлик ниятида одам ўлдириш;
- миллий ёки ирқий адоват замирида одам ўлдириш;
- безорилик оқибатида одам ўлдириш;
- диний таассублар замирида одам ўлдириш;
- киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш;
- бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида одам ўлдириш;
- бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда одам ўлдириш;
- такроран ёки хавфли рецидивист томонидан одам ўлдирилиши;
- ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши.

Бизнинг назаримизда, фақат шу ҳолатларнинг ўзинигина кўрсатиш ўлим жазосини тайинлаш мумкин бўлган қасддан содир этилган қилмишлар доирасини етарли даражада аниқлаш имконини бермайди. Бироқ, энг муҳими шундаки, ҳатто юқорида зикр этилган ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолда ҳам айбдор ўлим жазосига лойиқ бўлмаслиги мумкин.

Масалан, «безорилик оқибати» тушунчаси ҳар хил талқин қилиниши ва суд безорилик оқибатида рўй берган деб топган ўзга шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни ана шундай жиноятлар тоифасига киритиши мумкин.

Бундай жиноятлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Хўш, бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

Бизнинг назаримизда, барча қасддан одам ўлдириш жиноятларини икки гуруҳга: шахсга қарши жиноятлар ва ҳаётга қарши жиноятлар гуруҳларига ажратиш лозим. Биринчи гуруҳга қотил ёки жабрланувчи муайян муносабатлар билан боғлиқ бўлган (бир-бирига нисбатан нафрат, адоват, душманлик, ҳасад, рашк, рақобат туйғуларини ҳис этган) қасддан одам ўлдиришлар киритилади. Бундай ҳолларда жиноятчи исталган одамни эмас, балки муайян шахсий хусусиятларга эга бўлган муайян одамни ўлдиради.

Иккинчи гуруҳга сифат жиҳатидан бошқача қилмишлар киради: жабрланувчи персонификация қилинмаган, жиноятчини у билан боғлайдиган эмоционал муносабатлар мавжуд эмас, жиноят муайян шахсдан ўч олиш учун эмас, балки бу одам тирик бўлгани ва уни ўлдириш кўпинча жабрланувчига мутлақо боғлиқ бўлмаган муайян мақсадларга эришиш учун содир этилади. Бундай жиноятларга, хусусан, қуйидаги қилмишлар киради: болаларни ўлдириш; одам ўлишига олиб келган террористик ҳаракатлар; номусга тегиш ва сўнгра ўлдириш мақсадида нотаниш аёлга ҳужум қилиш; мол-мулкни эгаллаш мақсадида одам ўлдириш. Бундай жиноятларни содир этувчи шахслар (улар орасида ёлланган қотиллар бўлиши ҳам мумкин) айниқса хавфлидир, чунки улар одатда жуда шафқатсиз бўлади. Кўпинча улар шунчаки одам ўлдирмайди, балки, таъбир жоиз бўлса, «ер юзидан супуриб ташлайди», масалан, жабрланувчини ёқиб юборади (баъзан тириклайин) ёки унга кўп сонли жароҳатлар етказилади.

Аксарият муаллифлар фақат ана шундай ҳаётга қарши жиноятлар учун ва фақат шундай жиноятчиларга ўлим жазоси тайинлаш мумкин, бироқ мулкка қарши жиноятлар учун ўлим жазосини қўллашдан воз кечиш лозим деб ҳисоблайдилар. Ўз навбатида, ўлим жазосини агрессив уруш очиш, терроризм, геноцид ҳамда тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши бошқа оғир жиноятларга нисбатан сақлаб қолиш мумкинлиги ҳам таъкидланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сон Қарорининг 27-бандида: «Қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек айбдорнинг шахси, ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар,

унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозим. Ўлим жазоси, фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ва шу билан бирга айбдорнинг жамият учун мутлақ хавфли шахс эканлигини тавсифловчи маълумотларнинг мавжудлиги унинг тайинланиши шартлигини тақозо этган алоҳида ҳоллардагина қўлланиши мумкин», деб таъкидланган. Ўлим жазосини қўллаш сабаблари ҳар доим содир этилган жиноят юзасидан аниқланган ҳолатларга ва айбдор ҳамда жабрланувчи шахсини тавсифловчи ба-тафсил маълумотларга таянган ҳолда ҳукмда асослантирилмоғи лозим.

Хўш, ўлим жазоси, содир этилган оғир жиноятлар учун жазолаш усули сифатида, жамият учун яхшиликми ёки ёмонликми? Инсонни ҳаётдан маҳрум этувчи ҳамма нарса ёмонликдир, зеро, инсон табиат ўзига ато этган ҳаётдан бевақт, боз устига, зўрма-зўраки тарзда маҳрум бўлиш учун дунёга келмайди. Шу умумфалсафий, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўлим жазоси, албатта, ёмонлик. Аммо шу ерда бир шартли иқтибосни қўллаш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Табиий танланиш табиатда фойдали мавжудотларни қолдиради. Жамият жиноятчиларга нисбатан ҳар қандай жазони, айниқса, ўлим жазосини қўллар экан, у ҳам гўёки ўзини ва ўз аъзоларини «тузатади» ва ҳатто маълум даражада тозаланади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўлим жазоси жиноятчиликнинг ҳолатига бевосита таъсир кўрсатмайди, аммо жамиятни оғир жиноятлар содир этган шахслардан ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, токи жамият ва одамлар жиноят содир этмайдиган даражада идеал эмас экан, ҳатто ўлим жазоси ҳам нисбатан фойдалидир, деб айтиш мумкин. Аммо ёмонликка уйқаш фойдалилик — кишилик жамияти интилиши лозим бўлган идеал эмас.

Ўлим жазоси масаласи юзасидан ҳуқуқшунослар ўртасида кетаётган баҳс тобора қизғин тус олиб бормоқда. Баъзи олимлар ўзларининг илмий қарашларида ўлим жазосини зарурлигини исботлашга ҳаракат қилсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар унинг нақадар шафқатсиз ва бефойдалигини баён қилганлар. Жумладан, ҳозирги замон рус олимларидан Квашиш «XX аср бошларидаёқ криминологик фан ўлим жазосининг самарасизлиги ишонарли тарзда тасдиқловчи эмпирик маълумотларнинг жуда катта йиғиндисига эга бўлганлигини» таъкидлайди. Худди шундай фикрни А. Ф. Кистяковский 1867 йили ўзининг «Ўлим жазоси ҳақида тадқиқот» деб номланган магистрлик диссертациясида ҳам кўрсатиб ўтган. Н.П.Загоскиннинг фикрича, «Ўлим жазосига юридик маънода жазо деб қараб бўлмайди».

Тарихий нуқтаи назардан ўлим жазоси институти ўлиб бораётгани шубҳасиз бўлса, ўз-ўзидан савол туғилади: мазкур жазо мақсадга мувофиқми?

Бундай *манتيқий* муҳокама қилишда ўлим жазоси ҳақидаги масала қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

1) давлат кишини ўлимга ҳукм қилишга, уни энг катта бойлиги — ҳаётдан маҳрум қилишга ҳақлими?

2) ўлим жазоси керакми ёки унга ҳожат йўқми? Айни шу мақсадга энгилроқ йўл билан эришиш имконини берадиган ва, табиийки, ўлим жазосидан маъқулроқ бўлган чора-тадбирлар борми?

Ўлим жазосининг қўлланилишига қаршилар бу масалада бирдан-бир тўғри қараш давлат сиёсатининг ёндашуви бўлиши мумкинлигини таъкидлашади. Мазкур ёндашув умумий аҳамиятга эга эмас, у инсонни ҳаётдан маҳрум қилишнинг ўринлилиги инкор этилишига олиб келмайди, балки фақат давлат ўлим жазосини қўлловчи орган эканлигини назарда тутаяди, дея ўз фикрларини батафсилроқ тасдиқлашга ҳаракат қиладилар. Ушбу ёндашув муайян жиноятлар учун давлат томонидан белгиланган жазо сифатида ўлим жазосини қўллаш масаласини ҳал қилиш имконини беради.

Бу ерда фақат бир савол туғилади: қандай асосларга кўра давлат ўлим жазосини қўлламаслиги керак?

Ушбу саволга жавоб давлат ҳокимиятининг маълум босқичдаги хусусиятига боғлиқ. XIX аср бошида ва ўрталаридаёқ давлатга мавжуд ҳуқуқлар ва неъматларнинг ягона кўриқчиси деб қаралган, «давлат — тунги қоровул» деган идеал шаклланган эди. Бундай ёндашувда ўлим жазоси, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш воситаси сифатида, жиноят-утилитар ёндашув нуқтаи назаридан инкор этилди. Ўлим жазоси, жазолаш чораси сифатида, кўрқитувчи таъсирга эга эмас, қайтмас ва ноиндивидуалдир, бундан ташқари, бўлинмаслик, тенгсизлик каби бир қанча техник камчиликларга эга, деб кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, ўлим жазоси жамиятни кўриқлаш мақсадига мос эмаслиги, бу мақсадга озодликдан маҳрум қилиш чора-тадбирлари билан бемалол эришиш мумкинлиги қайд этилди. Ўлим жазоси утилитар-сиёсий нуқтаи назардан бундай рад этилиши ўз таъсирини кўрсатди ва бир қанча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинишига олиб келди, ўлим жазосини қўллашда кафолатларни кучайтирди, унинг оммага кўрсатиб ижро этилишига чек қўйди. Аммо ушбу ёндашув ўлим жазосини давлат сиёсати чораси сифатида инкор этиш даражасига кўтарила олмади, чунки жиноят учун муносиб жазо маъносида ўлим жазоси таъсирчан ё таъсирчан эмаслиги масаласи узил-кесил ҳал қилинмай қолди.

Ҳуқуқлар табиий келиб чиққанлиги ва давлат шартномага асосланганлиги ҳақидаги ғоялар замирида вужудга келган *фалсафий на-*

зариялар ўлим жазосига қарши эътироз билдирган. Чунончи, Фихте¹⁷⁷ давлат куйидаги сабабларга кўра ўлим жазосини қўллашга ҳақли эмас деб ҳисоблайди. Одамлар ўзига ибтидоий ҳолатда эга бўлмаган хавфсизликни таъминлаш мақсадида ихтиёрий тарзда тузилган шартномага мувофиқ жамиятларга бирлашади. Бунинг учун уларнинг ҳар бири аввалги табиий хавфсизлигининг бир заррасидан воз кечади ва ана шу зарралардан жамиятнинг умумий хавфсизликни кўриқлаш учун маълум чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқи ташкил топади. Жамиятга кўшилган ҳар ким унинг хавфсизлигини бузган тақдирда ўзини қувғин қилиш ҳуқуқини мазкур жамиятга беради; ҳаётдан маҳрум қилиш ҳуқуқи жамиятга берилиши мумкин эмас; бошқа, энгилроқ чоралар эса янги шартномага биноан, қувғин қилиш баъзан жуда оғир жазо бўлиши мумкин, деган асосга кўра қўлланилади.

Ўлим жазосини қўллаш тарафдорлари ўлим жазосини ҳуқуқий жиҳатдан инкор этишга уринувчиларнинг фикрларини инкор этиб, уларнинг давлат ҳақидаги битимнинг моҳиятидан ўлим жазосининг ғайриқонунийлигини келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётганликларини қоралайдилар. Чунки уларнинг фикрича, шартномага, бўлинмас ҳуқуқларга, табиий адолатга ва бошқа шунга ўхшаш омилларга ҳаволалар мажбурлов ёрдамида ҳар қандай нормаларни ҳуқуқ даражасига кўтарадиган ва, агар бу нормалар давлат учун зарур бўлса, улар фуқароларнинг ҳуқуқий онгига мос келиши ёки мос келмаслиги билан мутлақо ҳисоблашмайдиган давлат ҳокимиятига монелик қила олмайди.

Давлатнинг ўлим жазосини қўллашга бўлган ҳуқуқини инкор этиб бўлмайди; агар хавфсизликни таъминлаш учун давлат фуқаролардан урушда ўз жонини қурбон қилишни талаб қилиши мумкин, яъни у айбсизлар ҳаётини тасарруф этиш ҳуқуқига эга экан, давлат айбдорларни ҳам ўлимга ҳукм қилишга ҳақлидир.

Вакиллик муассасаларининг ташкил топиши натижасида давлат ҳокимиятининг жадал суръатларда ўсиши ҳокимият функциялари ўта мураккаблашувига олиб келди. Давлат мамлакат хўжалик ҳаётининг раҳбарига айланди, синфий қарама-қаршиликларни бартараф эта бошлади, аҳолининг ақлий ва маънавий камолотига эътиборни кучайтирди. Бунинг таъсирида ҳуқуқий ҳаёт ҳам жуда мураккаблашди. Энди бутун ҳуқуқ қонунийлаштирилган ҳуқуқ бўлмай қолди, чунки мажбурлов ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бора олмайди. Аксинча, унинг анча кўп жабҳалари фуқароларнинг эркин ахлоқий онгига асосланади. Маданий жиҳатдан тараққий этган давлат ҳуқуқ

¹⁷⁷ Фихте Иоганн Готлиб — XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX аср бошида яшаган немис файласуфи; *луғатга* қ.

тизимининг негизини ташкил этувчи мазкур эркин ахлоқий онг давлатнинг келгуси ўсиши учун жуда муҳим бўлган куч ҳисобланади. Давлатнинг оқилона сиёсати ана шу кучни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим. Давлат халқ руҳиятига ахлоқий бузилиш унсурларини, маънавият даражасини пасайтирувчи нормаларни киритса, бу давлат ва жамиятнинг келгуси тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳозирги замон давлатида шахсни ҳурмат қилиш, ижтимоий ахлоқни юксак даражада сақлаш, унга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш муаммоси вужудга келади, акс ҳолда давлат ўзининг ҳаётбахш кучларига ўзи путур етказиши мумкин.

Модомики, деб ўз «кураш»ларини давом эттиришади ўлим жазосига қаршилар, ўлим жазосини қўллаш давлат сиёсати чораси экан, биз давлат ҳар бир муайян ҳолда қайси асосларга таянади, деб сўрашга ҳақлимиз. Ҳаёт бизга фақат битта жавобни беради: ўлим жазосининг қўлланилиши — амалда кучсиз бўлган давлат ҳокимияти қўлидаги кучнинг намоён этилиши. Агар ҳукумат ўлим жазосидан бошқа воситалар билан жиноятчиликнинг олдини олишга қодир эмаслигини тан олган бўлса, бу билан у халқ ҳаётида ўз раҳбарлик аҳамиятини бутунлай йўқотганини, ҳуқуқий тартиботни таъминловчи ва давлатнинг ривожланишига йўл очувчи кучлар уни етарли даражада қўллаб-қувватламаётганини кўрсатади. Агар ўлим жазоси тинчителик чораси деб эътироф этилган бўлса, бу ҳукумат бундай тинчителикни давлатни турғунликка маҳкум этишда кўришини англатади, чунки галаёнга туртки берувчи янада чуқурроқ омиллар таъсирини ўлим жазоси билан тўхтатиб бўлмайди. Бинобарин, дор ёки жаллод болтаси фақат юзага чиққан, кўриниш берган омилларнигина бартараф этади, уларнинг илдизлари эса сақланиб қолади.

Ўлим жазосини бекор қилиш ёки бекор қилмаслик муаммоси соф юридик соҳадан сиёсий соҳага ўтганига кўп бўлган. Ҳозирда у «энг сиёсийлашган жазо чораси» деб номланиши бежиз эмас. Бунга далиллар жуда ҳам кўп. Бугунги кунда мазкур масалани кўтариш йўли билан сайловда муайян сайловчиларнинг овозларини жалб қилиш (масалан, АҚШда) ёки давлат сиёсатига таъсир кўрсатиш (масалан, Россия Федерациясида) мумкин. Дарвоқе, Россияда мазкур жазо турининг қонун йўли билан бекор қилиниши мамлакатнинг Европа Кенгашига аъзо бўлиш шартини қилиб қўйилган. Олдин таъкидлаганимиздек, ўлим жазосини бекор қилиш муаммосининг сиёсий оҳанги тобора баланд овозда янграмоқдаки, бу мазкур масалани ижобий ҳал қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда ўлим жазоси сиёсий кураш қуролига айланган бўлиб, ундан ўринли ва ўринсиз фойдаланиш жамоатчиликни жунбушга келтирмоқда.

Кўриб турганимиздек, ўлим жазоси ҳақидаги масала жиноят ҳуқуқи доирасидан чиққан ва давлат сиёсати масаласига айланган. Ўлим жазосини тайинлаш ва ижро этиш фақат суд иши эмас, балки энг аввало мамлакатнинг сиёсий ҳаётини бошқарувчи органларнинг ишидир. Суд фақат биринчи бўлиб фикр билдиради, аммо унинг ортида албатта ҳукумат овози ва афв этиш ҳуқуқини қўллашни хоҳлаган ёки хоҳламаган олий ҳокимият овози янграши лозим. Фарб мамлакатларида ҳар ўлим жазосини ижро этиш ҳолати сиёсат ишига айланади, ушбу ҳолат юзасидан жамоатчилик, парламент, вазирлик ўз фикрини билдиради. Ўлим жазоси ҳокимиятга бўйсинувчи ҳарбий судлар томонидан тайинланадиган, ўлим жазосининг қўлланилиши фавқулодда ҳолат эълон қилинишига, тегишли иш ҳарбий судга ўтказилишига, бош қўмондоннинг конфирмациясига боғлиқ бўлган мамлакатларда ўлим жазосининг бетараф қонун томонидан жазо йўли билан қасос олиш чораси сифатидаги эмас, балки соф давлат сиёсати чораси сифатидаги аҳамияти янада ортади.

Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар давлатнинг пайдо бўлиши ва ўз қонунчилигида ушбу жазони расмий равишда назарда тутилган вақтдан бери мавжуд десак хато қилмаймиз. Ҳозирда жаҳоннинг кўплаб давлатларида ўлим жазосини умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш масаласи торабора кенг тус олиб бормоқда. Аммо бу жазонинг қўлланилишида ҳам муаммолар кам эмас. Шу ўринда, «Шахсни умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қай даражада инсонпарвар чора деб аташ мумкин? Давлат ушбу жазо турини қўллаётми қандай мақсадга эришишга интилади? Мазкур жазо турини шахсни ахлоқан тузатувчи ва тарбияловчи чора деб аташ мумкинми? Агар шахс тарбияланса, демак, уни бир умр турмада сақлаб турмасдан озодликка чиқариш лозим. Лекин, бу билан жамиятда хавфсизлик ўрнатилиши масаласи ҳақида гапириш ҳам амри маҳолдир. Эртами, кечми маҳкумнинг ижтимоий хавфи сусайиши ва умуман, йўқолиши мумкин. Бундай ҳолда умрбод озодликдан маҳрум қилиш — умрбод қийнаш дегани эмасми? Давлат умрбод қийнашни қонунийлаштиришга ҳаққи борми? Албатта, йўқ», деб ёзади, И. И. Карпец.

Шунингдек, **ўлим жазосини қўллаш тарафдорлари** кўпинча ушбу жазо тури АҚШ ва бошқа ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий этган давлатларда ҳанузгача сақланиб келаётганлигига таянадилар. Улар ўлим жазоси кўп йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан енгилроқ жазо тури эканлигини эътироф этадилар. Улар ўлим жазосини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришни бутунлай рад этадилар, ва ушбу раддияларини умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахснинг давлат томонидан таъ-

минланиши борасидаги ортиқча иқтисодий чиқимлар бўлишлиги билан асослашга ҳаракат қиладилар.

Қарши фикр тарафдорлари шахс озодликдан маҳрум қилинган вақтда озодликнинг ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етади ва тарбияланади. Ўлим жазоси қўлланганда эса тарбиялаш тўғрисида сўз ҳам бориши мумкин эмас. Жиноий жазони қўллаш мақсади инсонни қайта тарбиялаш бўладиган бўлса, ўлим жазосини қўллашнинг мақсади нима? Ўлим жазоси фақатгина содир этилган жиноят учун давлат қўли билан тирик бир инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш йўли билан қасд олишдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, жиноий жазолар жиноят ҳуқуқи принциплари талабларига кўра жиноят содир этган шахслардан қасд олиш учун қўлланмаслиги керак.

Шунингдек, ушбу қараш вакилларининг таъкидлашларича, ўлим жазоси бошқа жазо турларига қараганда «арзонроқ» эканлигини мазкур жазони қонунда қолдириш учун асос қилиб келтириш мантиққа мутлақо зиддир. Агар ушбу белги Эронга ўхшаш мамлакатлар ва Африканинг айрим давлатлари учун ўринли бўлса, АҚШ ва Япония ҳақида бундай деб бўлмайди. Масалан, АҚШда ўлим жазосининг қиймати ўрта ҳисобда 2 миллион долларни ташкил этадики, бу маҳкумни турмада умрбод сақлаш харажатларидан уч баравар кўпроқдир. Шунга қарамай, қайд этилган давлатлар жиноятчини ҳаётдан маҳрум қилиш зарур деб топмоқдалар. Айни вақтда, бу мамлакатларда умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси ҳам амалда кенг қўлланилади. Бинобарин, судларнинг ўлим жазосини тайинлаши замирида ўлим жазосининг «арзонлиги» ётмайди, зеро, «арзон адлия — энг қиммат адлия» эканлиги олимларимизга яхши маълум¹⁷⁸.

Асосан ўлим жазоси бошқа шахсларнинг ҳаётига қасд қилинганда, давлатнинг, шахсларнинг, жамоанинг мол-мулки кўп миқдорда талон-тарож қилинганда ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб ижтимоий ҳаффи катта бўлган жиноий қилмишларга нисбатан қўлланилган. Лекин, ўлим жазосини қўллаш ёки қўлламаслик билан боғлиқ муаммолар доирасида ўринли бир савол туғилади: нима афзал — турли хил мол-мулкми, пулми ёки инсон ҳаёти? Сўзсиз инсон ҳаёти, шу сабабли айрим мутахассислар мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар учун ўлим жазосини тайинлашни бекор қилиш кераклигини таъкидлашади.

Шу билан бир қаторда, **қарши фикр тарафдорлари** ҳозирги замон давлатида ўлим жазоси халқ руҳиятини заҳарловчи зарарли ҳодиса

¹⁷⁸ *Рустамбоев М. Ҳ., Зокирова О. Ф.* Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тўғрисидаги масала юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар. Инсон ҳуқуқларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. ТДЮИ, 2005.

эканлигига урғу бериб, муайян неъматларни қўриқлашга қурбон қилинувчи инсон шахсига нисбатан ўта ҳурматсизликка асосланган, ҳайвоний сезгиларни кучайтирадиган ва инсон табиатининг тубан жиҳатлари тантана қилишига имкон яратадиган ушбу жазо чораси кўп қўлланилган ҳолда аҳолининг юксак маънавий сезгисига узоқ йиллар барҳам бериши эҳтимолини назарда тутадилар. Шунингдек улар ўз фикрларини қўллаб-қувватлаб, ўлим жазоси қонунларга бўйсуннишда инсонга ҳурмат туйғулари ўрнини қўрқув ва ваҳима эгаллашига олиб келади, фуқаролардан юксак маънавиятга асосланган хулқ-атворни кутиш имконини бермайди, чунки қўрқоқ кул эркин фуқаро бажаришга қодир бўлган ишни бажара олмайди. Бугунги фаровонликни келажак куртакларини пайҳон қилиш йўли билан таъминлашга ҳаракат қилувчи ўлим жазоси доим давлатни заифлаштиради, унинг маданий тараққиётига монелик қилади. Шу боис жиноят-сиёсий нуқтаи назардан эмас, балки давлат-сиёсий нуқтаи назардан ўлим жазоси рад этилиши лозим. Ўлим жазоси жазо чораси сифатида ўз мақсадига эриша олмагани учун эмас, балки оқилона ҳокимият ғам-хўрлик қилиши ва имконият яратиши шарт бўлган давлатнинг маданий ўсишига ҳалақит бергани учун яроқсиздир, деган фикрларни келтирадилар.

Ўлим жазосини қўллаш тарафдорлари ушбу жазо турини жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолатни ўрнатишга ҳамда жиноятчиликка тўсиқ бўлишга йўналтирилган зарурий ҳуқуқий чора сифатида кўрадилар. Улар жинойий фаолиятларнинг замонавий кўринишлари вужудга келаётган ва ривожланаётган, ўзида қуролли-зўрлик, иқтисодий хавфли ҳамда давлатлар ҳудуди орқали содир этилиш каби жиҳатларни акс эттираётган бир даврда ушбу жазо турисиз жиноятчининг бундай фаолиятларига адолатли ва унга яраша жазо белгилаш мезонлари бузилишини таъкидлайдилар.

Ўлим жазосининг айрим тарафдорларига Ч. Диккенс мақолаларини ўқиб чиқишни маслаҳат бериш мумкин. У, жумладан, шундай деб ёзади: «Лондоннинг Олд-бейли майдонидаги ҳар қандай қатл маросимига кўплаб ўғрилар йиғилиб келади. Бу маросим кимларгадир текин томоша, кимларнидир бу ерга соф «касбий» қизиқиш етаклаб келади ва улар фақат чўнтакчесарлик учун оломон орасига ўзини уради». Ч. Диккенс омма олдида қатл қилиш «вахшнёна, фойдасиз, одамларнинг шафқатсизлигини оширувчи» томоша деб қайд этади¹⁷⁹.

¹⁷⁹ Диккенс Ч. Сочинения. Том 28. — 44-бет.

Ўлим жазосининг қўлланилишига қаршилар эса ўз диққат эътиборларини ўлим жазосини қўллаш билан жиноятчилик даражаси ўртасида корреляция (ўзаро боғлиқлик)нинг йўқлигига қаратадилар. Жиноий жазони кучайтириш жиноятчиликнинг камайишига таъсир қилмайди, сабаби, жиноятчиликнинг ўсиш даражаси ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий характердаги омиллар билан ҳам боғлиқдир. «Ўлим жазосини бекор қилиш учун Миллий Коалиция» жамоат ташкилотининг маълумотларига кўра, ўлим жазоси бекор қилинган давлатларда ушбу жазо бекор қилинмаган давлатларга қараганда икки мартаба кам одам ўлдириш жиноятлари содир қилинар экан. Ушбу қараш тарафдорлари бу борадаги фикрларини диний нуқтаи назардан ҳам эътироф этишга ҳаракат қиладилар, яъни, ҳаёт Худо томонидан берилган, ва фақат угина инсонни ушбу неъматдан маҳрум этиши мумкин. Шу билан бирга улар томонидан ўлим жазоси жамиятда ваҳшийликни кучайтириши ва зўрликни зўрлик билан енгиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам таъкидланади.

Бундан ташқари, **Ўлим жазосининг қўлланилишига қаршилар**: жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида тарихнинг айрим сарқитларига дуч келамиз ва фақат вақт ўтиши билан бу ўтмиш сарқитлари, эскича қарашлар узил-кесил тарих қаърига чекинмоқда деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, инсон энг олий қадрият эканини эътироф этишга ва уни ижтимоий ҳаётга қайтаришга асосланган ҳозирги жазолаш тизимида ўлим жазоси ана шундай эскилик сарқитларидан бири ҳисобланади. Улар ишонч билан ўлим жазоси ўз моҳиятига кўра инсон шахсини тўла инкор этиш ва унга ҳурматсизлик билан қарашга асосланади, деб эътироф этишади.

Яна ушбу қараш вакилларининг таъкидлашича, жамият, давлат жиноятчини озодликда юришини маълум бир доирада чеклаши мумкин, аммо унинг тирик қолиши ёки қолмаслигини ҳал қилишга ҳаққи йўқ. Улар ўз фикрини қуйидагича асослантирадилар, ҳеч қандай ўлимга маҳкум қилинган шахсни ҳаётга қайтаришнинг иложи йўқ, аммо ҳаётда бундан олдин ҳам, ҳозирда ҳам, кейинчалик ҳам судлар хатоликка йўл қўядилар ва кўп афсуски, ушбу хатоликни тузатишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Улар суд хатоликларини 1900-1985 йилда АҚШда 350 та айбсиз шахс ўлим жазосига ҳукм қилинган ва унинг ижроси таъминланган. 23 та шахс ўлим жазоси ижро этилишига бир қанча дақиқа қолгандагина айбсизлиги аниқланган ва ижро тўхта-тилган ҳамда айнан шундай салбий ҳолатлар содир бўлмаслиги учун ҳам ушбу жазони жазо тизимидан олиб ташлаш кераклигини уқтирадилар.

1987 йил октябрда «Знамя Юности» газетаси Белоруссияда Владимир Тойсев исмли шахснинг жиноят иши ҳақида хабарни босиб чиқарди. Тойсев ўз хотинини ўлдирганликда айбланган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. Унинг апелляциячилик шикоятни рад қилинган ва у қатлини кутиб ўлим камерасида 18 ойни ўтказган. Сўнгра афв этилиб, ўлим жазоси 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган. Маҳкум томонидан ушбу жазонинг 14 йилу 8 ойи ўталиб, унинг иши юқори инстанцияда қайта кўрилган ва у оқланган. Буни қарангки, дастлабки терговда эса унга ва унинг 15 ёшли укасига нисбатан ғайриқонуний усуллар қўлланилгани аниқланган. Мақолада берилишича, судланувчига нисбатан ҳукм чиққандан сўнг, терговчилар ҳақиқий қотилни аниқлаган бўлса ҳам, лекин ўз қонунбузарликларини яшириш учун бу ҳолатни ошкор қилишмаган.

АҚШда 1973 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 113 та ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг айби исботланмаганлиги сабабли оқланганлар ва озод қилинганлар. Уларнинг кўпчилиги бир неча йиллар давомида ўлим камерасида сақланганлар ва қатл қилиниш арафасида бўлганлар. Бундай ноқонуний ҳукмга сабаб бўлиб, полиция ва прокуратура томонидан ғайриқонуний ҳаракатларнинг содир қилиниши, суд томонидан асоссиз гувоҳликлар, далиллар ва айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзларнинг қабул қилиниши, адвокатларнинг етарли тарзда малакали эмаслиги ўз таъсирини кўрсатган.

Иллинойс штати губернатори Жорж Райан 2000 йилда ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмларнинг ижро этилишига мораторий белгилади. У 1977 йили АҚШда ўлим жазосини ижро этиш тикланганидан кейин ўн учинчи маҳкум айбсиз деб эълон қилингани ва озод этилганидан сўнг шу қарорни қабул қилди.

2003 йил январда губернатор Райан Иллинойс штатида ўлимга ҳукм қилинган тўрт кишини афв этди ва қолган барча 167 маҳкумга жазони енгилроғи билан алмаштирди¹⁸⁰. 1994 йилда АҚШнинг баъзи федерал судьялари ўлим жазосининг конституциясига зид эканлиги тўғрисида қарор қабул қилганлар. Бундай ҳулосага келишга улар томонидан ўлим жазоси айбсиз кишига ҳам қўлланилиши мумкинлигига асосланган.

Колумбия университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан ўтказилган ўлим жазосига оид изланишлар шуни кўрсатадики, 1973-1995

¹⁸⁰ <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари.

йиллар оралиғида дунёнинг ўнлаб давлатларида чиқарилган 71 фоиз ҳукмлар кейинчалик қайта қўрилган ва уларнинг 95 фоизида судланувчи оқланган ёки ўлим жазоси енгилроқ жазога алмаштирилган. Шунингдек, изланишлардан маълум бўлганки, судлар олдиндан одамларнинг маълум гуруҳига ўлим жазосини кўпроқ тайинлаш кайфиятида бўлганлар. Масалан, Шимолий Америка ва Европада ўлим жазосига ҳукм кўпроқ қора танли аҳоли яшайдиган ҳудудларда чиқарилган. Судьялар сайланадиган давлатларда улар жамоат фикрига, оммавий ахборот воситалари таъсирига кўпроқ берилувчан эканлиги аниқланган. Бунинг устига ўлим жазоси берилиши мумкин бўлган жиноятларни содир қилган шахсларни шу жазога ҳукм қилиниш эҳтимоли турли даражада бўлганлиги исботланган¹⁸¹.

Жамиятда криминоген ҳолат қанчалик салбий бўлиб, суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари қанчалик иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таъминланмаган экан, суд томонидан ҳукм чиқаришда хато қилиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Худди шунингдек, жабрланувчининг ижтимоий-иқтисодий мақоми қанчалик баланд бўлса ёки у оқ танли бўлса ҳам суд томонидан судланувчига ўлим жазоси тайинланиши эҳтимоли юқори бўлиши аниқланган.

Ўлим жазоси баъзи бир огир жиноятлар учун бирдан-бир одил жазо сифатида зарур, мазкур жиноий қилмишлар учун бошқа жазоларни тайинлаш халқнинг адолатпарварлик туйғусини қаноатлантира олмайди, гарчи қонга қон, жонга жон беришни талаб қилувчи илк жиноий адолат асослари ўтмишда қолган бўлса-да, одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс, халқнинг фикрича, ўз қони билан жавобгар бўлиши керак, қонунчи халқнинг адолатпарварлик туйғуси олдида бош эгиши ва одам ўлдириш учун ўлим жазоси тайинлаши шарт, деган фикрлар илгари сурилмоқда. Сўнгги зикр этилган далил абсолют назариялар намояндалари томонидан ва айнан қасддан одам ўлдиришга нисбатан келтирилмоқда.

Ўлим жазосига давлатнинг жазолаш фаолияти мақсадларига мувофиқ тарзда баҳо бериш тўғрисида сўз юритганда шуни қайд этиш мумкинки, ўлим жазоси абсолют назариялар, қасос назариялари нуқтаи назаридан ҳам, жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш назариялари нуқтаи назаридан ҳам ҳимоя қилинади. Бироқ, мазкур назариялардан қайси бирининг тарафига турмайлик, улардан исталган бири-

¹⁸¹ *Ознобкина Е.* Смертная казнь в США. Возможны реформы. <http://www.cripo.com/ua/>

нинг умумий асосий қоидалари нуқтаи назаридан ўлим жазосини қўллаш имкониятини муайян сабабларга кўра рад этишимизга тўғри келади.

Қасос назарияси нуқтаи назаридан ўлим жазосини ҳимоя қилувчилар шу даражада оғир жиноятлар борки, уларга нисбатан мос келадиган бирдан-бир жазо ўлим жазосидир, деган фикрни илгари сурадилар. Мазкур назариянинг таъсири қасос назариясини рад этувчи, аммо бирдан-бир таъсир кўрсатиш чораси ўлим жазоси бўлган жиноятлар мавжудлигини тан олувчи ўлим жазосининг ҳимоячилари фикрларида ҳам очиқ-ойдин сезилади. Одатда бундай ҳолларда одам ўлдириш назарда тутилади. Мазкур жиноятга нисбатан эски принцип: қонга қон, жонга жон принципи ҳимоя қилинади. Аммо ушбу қарашни илгари сурувчилар уни изчил амалга оширишни рад этадилар, чунки бу маданий тараққиётнинг босиб ўтилган, олдинги босқичларига қайтишни англатган бўлур эди. Шундан келиб чиқиб, улар ўлим жазосини одам ўлдиришнинг барча турларига эмас, балки унинг алоҳида кўринишларига, хусусан, қасддан одам ўлдиришга нисбатан қўллаш мумкин деб кўрсатадилар.

Ўлим жазосига жиноятчиликнинг умумий олдини олиш назарияси нуқтаи назаридан ёндашиб, жазолашнинг мазкур мақсадига асосий ва устувор мақсад деб қарасак, умумий кўрқитиш ёки умумий огоҳлантириш воситаси сифатида ўлим жазоси унча катта рол ўйнамаслигини кўрамиз. Маълумки, ўлим жазосининг кўп қўлланилиши жиноятчиликнинг ўсишига монелик қила олмайди. Бунга ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни оддий кузатиш йўли билан ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Умуман олганда, ақли расо одамлар ўлим жазоси тайинланишига сабаб бўладиган жиноятларни содир этишдан айнан мана шу жазодан кўрққани учун эмас, балки бундай тажовуз объектлари катта қимматга эга бўлганлиги учун ўзини тияди ва алоҳида сабабларсиз бундай қилмишларни содир этишга журъат қилмайди. Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, оммани ўлим жазоси билан кўрқитиб ҳуқуқий тарбиялаш усулининг ўзи ҳозирги замон маданияти ва ҳозирги давр кишининг ривожланган руҳияти шароитларида мутлақо ножоиздир; бу усул ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа усуллари билан тарбиялаш мумкин бўлган ҳозирги одамларга нисбатан эмас, балки ибтидоий одамларга нисбатан маълум даражада қўлланилиши мумкин.

Аммо, жинойтчиликнинг умумий олдини олиш нуқтаи назаридан, ўлим жазосининг ижобий жиҳатларини қайд этиш мумкин бўлмаса, бошқа томондан, унинг салбий жиҳатларини кўрсатиб ўтмаслик ҳам мумкин эмас. Давлат фуқароларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллаш йўли билан ижтимоий хулқ-атвор мотивларини ошириш мақсадини кўзлар экан, ўз фаолиятида инсон руҳиятига ижобий таъсир этадиган усулларни танлаши ва акс таъсир кўрсатувчи усулларни қўллашдан ўзини тийиши лозим. Ваҳоланки, ўлим жазосини қўллаш билан давлат ҳокимияти фақат жамиятнинг баттар бузилишига имконият яратади. Давлат томонидан содир этиладиган қон тўкиш энг оғир жиноий тажовузларнинг кучайишига туртки беради ва инсон ҳаёти қадрсизланишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан давлат, табиийки, маданиятнинг ўсишига имконият яратмайди, балки фуқаролар руҳиятида ғайриижтимоий хулқ-атвор мотивларини шакллантириб, маданий ўсишга монелик қилади. Ҳозир биз яшаётган давр бу фикрнинг ёрқин исботидир. Ниҳоят, давлат ёлланма қотил-жаллодни сақлаб туриши ва жуда оғир расмиятчиликларга риоя қилган ҳолда қонуний одам ўлдиришни содир этиши ҳар бир ҳалол ва инсонпарвар фуқаронинг виждонини қийнайди, жинойтчиликка қарши курашнинг бундай чора-тадбирларини қўлловчи давлат ҳокимиятининг обрўсига путур етказади.

Ўлим жазосига жинойтчиликнинг махсус олдини олиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўз-ўзидан равшанки, фақат жинойтчини зарарсизлантириш мақсадини кўзлаб, ўлим жазосини ҳимоя қилиш мумкин — зеро, бу мақсадга эришиш жиноий унсурни жамиятдан бартараф этишнинг энг яхши усули; бу ерда жинойтчини кўрқитиш мақсади тўғрисида ҳам, уни ахлоқан тузатиш мақсади тўғрисида ҳам сўз юритилиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан ўлим жазосини жинойт-антропологик мактаби вакиллари айниқса қаттиқ ҳимоя қилмоқдалар. Улар учун оғир жиноят содир этган ашаддий жинойтчи жамият учун шу қадар зарарли мавжудотки, жамият ўзини унга нисбатан ўлим жазосини қўллашга ҳақли деб билиши лозим. Аммо бу ўринда бир савол туғилади: хўш, бу ҳолда жинойтчини зарарсизлантириш мақсадига эришиш учун нега фақат ўлим жазосини қўллаш лозим? Ахир шу мақсадда бошқа жазо чораларини ҳам қўллаш мумкин-ку? Жинойтчини жамиятдан сўзнинг том маъносида бартараф этиш ғояси назарда тутилган ҳолда ҳам ашаддий жинойтчиларга нисба-

тан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мумкин. Ушбу ҳолда ўлим жазосининг ҳимоя қилиниши бу ерда ҳам қасос ғояси ўз таъсирини кўрсатганидан далолат беради. Ўта оғир жиноят содир этган ашаддий жиноятчи шунинг учун ўлим жазосига тортилиши керакки, мазкур жазо содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига кўпроқ мос келади. Бинобарин, бу ерда илк асос — қонга қон, жонга жон принципининг таъсири намоён бўлади.

Шундай қилиб, ўлим жазосини жиноятчиликнинг махсус олдини олиш нуқтаи назаридан баҳолашда ҳам нафақат жиноятчининг хавфлилиги, балки ўлим жазосининг ижтимоий аҳамияти билан ҳам ҳисоблашиш зарурлиги англашилади. Аммо жиноятчиликнинг махсус олдини олиш мақсадини давлат ўз жазолаш фаолиятида интилиши лозим бўлган жиноятчини ижтимоий қайта тарбиялаш мақсади маъносида тушунадиган бўлсак, жазолаш тизимида ўлим жазосига ўрин бўлиши мумкин эмас.

Уларнинг фикрича, қасддан одам ўлдириш учун фақат ўлим жазоси тайинланиши лозим эмиш. Аммо халқнинг адолатпарварлик туйғусига ҳавола қилиш анча номуайян нарсага ҳавола қилиш билан баробардир. Зеро, турли давлатларда ўлим жазоси ҳар хил жиноятлар учун назарда тутилган. Ўлим жазосига қаршилар ушбу ҳолатнинг ўзиёқ юқорида зикр этилган далилни чиппақка чиқаради деб, улар ўз қарашларини қуйидагича асослантиришга интиладилар: агар Францияда халқнинг адолатпарварлик туйғуси ўз ноқонуний фарзандини ўлдирган онани ўлимга ҳукм қилишни қатъий талаб қилган бўлса, нима учун у айни шу жиноят учун ўлим жазосини назарда тутишни бошқа мамлакатларда ҳам талаб қилмади? Тажриба ўлим жазоси вақтинчалик бекор қилинган ва халқ бундай тартибга кўникиб қолган мамлакатларда халқ туйғуси ҳатто уни қайта тиклашга қарши чиқишини кўрсатади.

Бинобарин, жазо тизими, давлат мақсадларига хизмат қилувчи институт сифатида, юқоридагига ўхшаш номуайян далилларга эмас, балки мустаҳкам асосларга таяниши лозим.

Ўлим жазоси сиёсий жиноятлар учун, *давлат хавфсизлигини* таъминлаш мақсадида зарур, деган овозлар ҳам янграмоқда. Тўғри, ҳокимиятга қарши сулолавий тажовузлар хавфи катта бўлган даврда бундай жиноятларга нисбатан ўлим жазосини назарда тутмасликнинг иложи бўлмаган. Сулолавий жиноятлар муайян шахс атрофида жамланган, токи шу шахс мавжуд экан, давлат хавфсизлигига таҳдид

сақланиб қолган ва ўлим жазосидан енгилроқ чоралар етарли бўлмаган; партия раҳбари йўқ қилиниши билан бутун партия тарқалиб кетган; ўша даврда сиёсий жиноятчиларга нисбатан ўлим жазосини назарда тутиш ўринли бўлган деб айтиш мумкин. Аммо бугунги кунда сиёсий жиноятлар шахс атрофида эмас, балки муайян ғоя атрофида жамланади; айрим шахслар муайян ғоянинг тарафдорлари ҳисобланади; аини вақтда, шахс йўқ қилиниши билан ғоя йўқ бўлмайди; қатл этилган одам ўрнига мазкур ғоя учун курашишга тайёр бўлган унинг янги-янги тарафдорлари келади. Бундан хулоса шуки, ўлим жазоси ҳозирги кунда сиёсий жиноятларга нисбатан ҳам олдингидек фойда келтира олмайди. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, давримизни тавсифловчи сиёсий жиноятлар хусусияти ўзгарган ҳозирги шароитларда давлат ўзини ўзи қўриқлаш учун ўта оғир жазоларни қўллаши унинг ўзи учун ҳам фойдали эмас: бу халқ орасида норозиликни кучайтиради, қатл этилган шахсга ҳамдардлик уйғотиб, норозилар сонини кўпайтиради, энг муҳими — ўлим жазоси хавфи ғоянинг ашаддий тарафдорларини тўхтата олмайди. Боз устига, мазкур сиёсий аҳамиятга молик қилмишларнинг жинойиблиги ёки ножиноийлигига бериладиган баҳо ҳам нисбийдир. Ҳукумат ўзгариши, ҳатто вазирлик ўзгариши билан ҳам ўта оғир жиноят деб ҳисобланган қилмишлар унча оғир бўлмаган ва ҳатто кам аҳамиятли жиноятлар қаторига киритилади. Аксарият мамлакатлар айнан сиёсий жиноятлар учун ўлим жазосини қўллашдан воз кечгани айнан шу билан изоҳланади. Хуллас, давлатнинг ўлим жазосини қўллаш *ҳуқуқини* эътироф этган ҳолда, мазкур жазонинг *зарурлиги* исботлаб берилмаганини ҳам тан олиш керак.

Ўлим жазоси *жамоат хавфсизлигини* таъминлаш учун зарур деган далил ҳам келтирилади. Жазо жамиятни ҳар қандай жинойи тажовузлардан ҳимоя қилиши лозим эмиш. Бу вазифани одатда нормал жазолар ўз зиммасига олади, улар ахлоқан тузатиш мумкин бўлган жиноятчиларга нисбатан кўзланган мақсадга эришиш имконини беради. Аммо ашаддий жиноятчиларга нисбатан масала бошқача қўйилади: агар муайян жиноятчи мутлақо тузалмас деб ишонч билан айтиш мумкин бўлса, уни жамиятдан ажратишнинг фақат бир йўли — уни ҳаётдан маҳрум қилиш қолади. Ҳозирда асосан итальян антропологик мактаби келтираётган далилнинг мазмуни шундан иборат. Мазкур ёндашувга кўра, ўлим жазоси тузалмас жиноятчиларга нисбатан қўлланиши лозим. Бироқ, савол туғилади: қайси жиноятчилар тузалмас деб топилиши мумкин, энг оғир жиноятлар содир этганларми? Кузатишлар майда ўғри ва киссавурлар тоифаси энг тузалмас жиноятчилар эканлигини кўрсатади. Агар ўлим жазоси фақат тузалмас жиноятчилар учун зарур, деб фараз қилсак, бу маз-

кур жазо ўта оғир жиноятлар учун эмас, балки енгил жиноятлар учун тайинланишига олиб келган бўлур эди. Юқорида қайд этилган далилдан келиб чиқадиган мазкур хулоса ҳуқуқшуноста далилнинг ўзини чиппакка чиқариш учун етарлидир. Аммо антропологик мактабни бундай хулоса ҳам тўхтата олмайди; у бундай қилмишлар алоҳида олганда унча хавфли бўлмаса-да, улар шахс жамият учун хавфли эканлигини кўрсатади ва бундай шахс йўқ қилиниши лозим. Шунини таъкидлаш керакки, антропологик мактаб тузалмас жиноятчилар учун нормал жазо сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва сургун қилишни тавсия этади; ушбу тоифага мансуб қайси шахсларни у ўлим жазосига ҳукм қилиш, қайсиларини умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки сургун қилиш ниятида эканлиги номаълум.

Агар биз охириги йилларда ўлим жазосининг қўлланилиши тенденциясини кузатадиган бўлсак, уни қўллашни тадрижий қисқартиришга кучли интилиш юзага келаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. *Охириги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакат барча жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилмоқда.*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, **ўлим жазосини қўллашга қаршиларнинг** фикрлари қуйидагилардир:

- ўлим жазосини қўллаш номантиқийдир, чунки кўпгина давлатларнинг суд-тергов амалиёти маълумотларига қараганда, ушбу жазонинг қўлланилиши ўта оғир жиноятларнинг ўсишига ҳеч қандай тўсиқ бўлолмайди;
- суд томонидан баъзи хатоларга йўл қўйилиши мумкин; суд томонидан маҳкумга жазо тайинлаш жараёнида адашиш кечиб бўлмас фожиага айланади¹⁸⁰, ҳатто замонавий юридик ва криминалистик имкониятлар ҳам бундай хатонинг бўлмаслигига кафолат бера олмайди, ўлим жазоси сақланиб қолар экан, айбсиз одамни қатл қилиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлаверади, жиноят-судлов қонунчилигидаги номукаммалликлар, суд ҳокимиятининг тўлақонли мустақил эмаслиги, жиноятчиликка қарши курашувчи органларда коррупциянинг мавжудлиги ва бошқа тегишли сабаблар терговда қийноққа солиш, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа усулларни қўллаши, қонунни қўлловчи шахсларнинг ўз мансабини кўнол тарзда суиистеъмол қилиши жиноятларни очиш даражасининг сунъий равишда ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида айбсиз шахснинг қатл қилиниш эҳтимолини реаллаштиради; бинобарин, суд хатога йўл қўйган тақдирда уни тузатиш мум-

¹⁸² Петрухин И. Л. Право на жизнь и смертная казнь. Общественные науки и современность. — М., 1999, № 5. — 86-бет.

кин эмас. Тўғри, бу далил ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, сабаби, бир томондан, давлат суд хатога йўл қўйиши имкониётини мумкин қадар камайтириш чора-тадбирларини кўриш йўли билан бу масалага эътибор бермайди, иккинчи томондан эса — бошқа жазоларнинг (жаримадан ташқари) оқибатларини ҳам тўла тиклаб бўлмайди, бироқ энг тикланмас жазо — ўлим жазосидир;

- ўлим жазосининг бекор қилиниши айбсиз одамлар қатл этилишининг олдини олиш имконини беради, айнан ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни кейинчалик қонуний, адолатли ва асослилигини текшириш учун асослар юзага келган тақдирда ҳам энди текширишдан наф қолмайди, чунки энди «кеч» ва ижро этилган жазони орқага қайтаришнинг иложи бўлмайди. Бинобарин, ўлим жазосининг оқибатлари қайтмас ва тикланмасдир;
- суд ҳукми адолатсиз бўлиши мумкинлигининг реал хавфи мавжуд; ўлим жазоси тайинлаш тўғрисидаги ҳукмда келтирилган далилларнинг асослилиқ даражаси қанча кам бўлса, у ижтимоий ҳуқуқий онгга шунча салбий¹⁸³, яъни ўлим жазоси аҳолига зарарли таъсир кўрсатиши, аксарият ҳолларда қўполлик ва ваҳшийликдан сабоқ бериши, бинобарин, у қўйилган мақсадларга батамом тескари натижаларга олиб келиши мумкин;
- айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда субъектив ёндашув (ҳеч бир инсон хато қилиш хавфидан холи эмас, шу жумладан судьялар ҳам)нинг мавжудлиги бундай эътироф камчилиқсиз бўлишига кафолат бермайди;
- ўлим жазоси дин ва ахлоқ нормаларига зид;
- мазкур жазо бошқа жазолар каби маҳкумнинг ахлоқан тузалишига ва ўз хатоларини англаб етиб, тавба қилишига имкониёт бермайди;
- шахснинг жиноий фаолиятини давом эттирилишига тўсқинлик қилиш мақсадида айнан ўлим жазосини қўллаш шарт эмас. Чунки маҳкумни бошқалардан ажратиб, махсус жазо муассасасига жойлаштиришнинг ўзи ҳам унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга барҳам бериши, яъни бу мақсадга бошқа амалдаги жазолар орқали ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси орқали ҳам эришиш мумкин;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноятчини ўлим жазосидан кўра оғирроқ азоб-уқубатларга дучор этади (умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган

¹⁸³ Яковлев А. М. Преступность и социальная психология. — М., 1971. — 223-бет.

махўмларни сақлаш харажатлари уларнинг оғир меҳнати билан қопланади);

- Ўлим жазосини ижро этиш умрбод озодликдан маҳрум қилинган ҳолда сақлаш учун сарф қилинадиган харажатдан кўн;
- Ўлим жазоси масаласида харажатлар эмас, балки муҳими яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлигидадир;
- инсон ҳаёти унга давлат томонидан ато этилмаган ва айнан шунинг учун давлат инсонни ҳаётидан маҳрум қилишга ҳаққи йўқ;
- Ўлим жазоси бўлинмас, қатъий белгиланган ва шу боис индивидуаллаштириш имконини бермайдиган жазодир.

Бу ерда ушбу соҳада ўтказилаётган барча тадқиқотлар зўрлик ишлатиб (масалан, одам ўлдириш) ва зўрлик ишлатмай (масалан, ўғрилиқ, террористик ташкилотда қатнашиш) содир этилган жиноятларнинг ўсиши билан ўлим жазосининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ўртасида боғлиқлик йўқлиги узил-кесил қайд этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, мазкур жиноятни содир этиш чоғида жиноятчилар ё жазо ҳақида ўйламайдилар, ё ўйлаган тақдирларида ҳам, жинойий жавобгарликдан, шу жумладан ўлим жазосидан қутилиб қолишларига кўпроқ ишонадилар ва айнан мана шу ишонч уларни жиноят содир этишдан қайтара олмайди ёки, бошқача айтадиган бўлсак, уларни жиноят содир этишга ундайди. Бу ўринда шуниси қизиқарлики, жиноятчининг ҳеч нарсага асосланмаган ишончи қонун билан белгиланган ҳар қандай жазодан устун бўлаяпти. Бу ҳолатда жиноятчиликни олдини олишда жазонинг оғир ёки енгиллиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини кўришимиз мумкин. Жамият аъзоларида ҳар қандай жинойий қилмиш ўзига яраша жазо топишига ишонч ҳиссини уйғотиш ёхуд ушбунини бошқача талқин қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида қайд этилган қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт эканлиги тўғрисидаги норманинг моҳиятини сингдириш лозим деб ўйлаймиз. Ўз навбатида, ўлим жазоси қўлланилмайдиган мамлакатларда одам ўлдириш мазкур жазо қўлланиладиган давлатлардагидан бир неча барабар камлигига, барча мамлакатларда жиноятчиликнинг ўсиши бутун жаҳондаги кримнологик кескинликнинг ошиши ҳолатлари билан боғлиқлигига, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг воситаси сифатида ўлим жазосининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги жиноятчилик даражасига жиддий таъсир кўрсатмаслигига ишора қиладилар.

Ўлим жазосини қўллашга қаршилар ўзларининг қарашларини инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг узвий ҳуқуқи эканлиги нафақат муайян давлат конституциясида, балки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда

белгиланганлигини, яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқи эканлигини, ҳатто ўта оғир жиноят содир этган шахсларни ҳаётдан маҳрум қилмасдан ҳам уларни тарбиялаш ва ижтимоий хавфини йўқотиш мумкинлигини, жаҳонда ўлим жазоси сақланиб қолаётган давлатларга қараганда ундан воз кечаётган давлатлар сонининг ошиб бораётганлигини важ қилиб келтириш орқали ҳам исботлашга ҳаракат қиладилар.

Ушбу қараш вакиллари бошқа жазолар қатори, ўлим жазосига баҳо беришда ҳам, бир томондан, ўлим жазоси давлат ўзининг жазолаш фаолиятида кўзлаган мақсадларга қай даражада эришиш имконини бериши ва, иккинчи томондан, у ушбу даврда мавжуд жазо идеалига қанчалик яқинлиги билан ҳисоблашиш лозимлигини таъкидлашади. Бунда, албатта, жазолаш ёвузлик эканлигини, унинг қўлланиши маълум даражада мақсадга мувофиқлик билан оқланишини ва бу ёвузлик уни қўллаш имконини берувчи мақсадга мувофиқлик даражасидан ошган ҳолда ундан воз кечишга тўғри келишини ҳам ёдда тутиш кераклигини алоҳида уқтиришади.

Келинг, шу ерда илмийликда ноанъанавий бир йўсинда, яъни биз гўёки ўлим жазосига қаршилар тарафида туриб фикр юритсак, қани, қарашларимиз қандай янграр экан. Очигини айтганда, ўлим жазосини инсонпарварликнинг «олий» ифодаси деб биладиган одамлар ҳам йўқ эмас. Бунда бошқа одамларга жуда катта ёмонлик қилган хавфли жиноятчи суд ҳукмига биноан ҳаётдан маҳрум этилади. Бироқ, бундай жиноятчилар кўп, бинобарин, ўлим жазосига ҳукм этилувчилар ҳам оз эмас экан, мазкур жазонинг кўп қўлланилишини инсонпарварлик деб ҳисоблаш мумкинми? Бир одамнинг бошқа одамни ўлдиришини, ҳатто унга «қонун номи билан...», «давлат номи билан...» қабилидаги юридик таърифлар тўни кийдирилган бўлса ҳам, инсонпарварлик деб ҳисоблаш мумкинми? Ҳа, жиноятчи жинойий қилмиш, оғир жиноят содир этган. Аммо бунга нимадир сабаб бўлган-ку.

Инсон — ижтимоий организмнинг ажралмас таркибий қисми. Унга ижтимоий организмнинг ҳам, муайян шахснинг ҳам барча хусусиятлари хосдир. Ижтимоий тараққиётдаги қарама-қаршиликларни, сиёсий зиддиятларни, инсон шахсига муайян фалсафий, диний ёки бошқа қарашлар нуқтаи назаридан ёндашувларни эътибордан соқит этиб бўлмаганидек, юқорида зикр этилган ҳолатни ҳам ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитларда эътибордан соқит этмаслик керак.

Маълумки, жиноятчиликка қарши кураш шакллари, усуллари ва воситалари турли ижтимоий-сиёсий тизимларда ҳар хил. Мазкур воситаларнинг ўзига нисбатан ҳам, ҳатто айни бир тизим доирасида, ҳар хил муносабатларга дуч келиш мумкин. Ўлим жазосига нисбатан муносабат айни вақтда жамият ижтимоий ва маданий тарақ-

қиётининг кўрсаткичи ҳамдир. Жамиятнинг маданий даражаси қанча паст, жамият аъзоларининг ҳаётга ва инсон қадр-қимматига муносабати қанча содда, жўн бўлса, жамият аъзоларини «тарбиялаш» шакллари ҳам шунча қўпол ва примитив бўлади, инсон ва унинг ҳаётига шунча беписандлик билан ёндашилади. Қадимдан қолган, лекин ҳозиргача сақланиб келаётган кучли одам доимо ҳақ ва ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишда мажбурлов воситаларини қўллаш имконияти чекланмаган, кимки бой ёки сиёсий Олимп чўққисига кўтарилган бўлса, у дунёни бошқаради, кимки унинг фикрига қўшилмаса ёки ундан норози бўлса, уни мажбурлаш, жамиятдан ажратиш ва ҳатто йўқ қилиш мумкин, деган қарашлар шунга олиб келдики, одамлар ҳаёти ўз қадрини йўқота бошлади.

Асрдан асрга ўтиб келаётган жиноятчиларни (баъзан — сохта жиноятчиларни) ва бўйсунмаган кишиларни қатл этиш одати сиёсатчилар, қонун ижодкорлари, ҳуқуқни қўлловчилар қарашларининг таркибий қисмига айланиб қолди. Ҳокимият ва қонун чиқарувчининг қатл этиш ва бу ҳуқуқни жиноят ҳақидаги қонун ҳужжатларида қайд этиш ҳуқуқига йўл қўювчи, уни оқловчи ва асословчи мафкура таъсирида асрлар мобайнида тарбияланиб келган жамоатчилик психологияси ҳозиргача ҳам ўлим жазоси бўлмаган қонунчиликни тасаввур қила олмайди. Шафқатсизлик билан тарбиялаш таъсирида жамоатчилик фикрида шафқатсиз жазоларсиз (оғир жазоларсиз эмас, айнан шафқатсиз жазоларсиз) яшаб бўлмайди, деган фикр сақланиб қолган. Шафқатсиз қонунлар ва жазоларсиз жиноятчиликка қарши курашиб бўлмас эмиш. Шундай бир ғалати ҳолат юзага келди: одам ўзига нисбатан инсонпарварлик билан муносабатда бўлишни талаб қилгани ҳолда, бошқаларга нисбатан шафқатсиз муносабатга йўл қўяди. Бу бизнинг жамиятимизга ҳам тегишли. Қонунчилигимизда ўлим жазосини сақлаб қолиш ёки бекор қилиш масаласи юзасидан ўтказилган сўровлар буни тасдиқлайди.

Ўлим жазосини қўллаб-қувватловчиларнинг фикрлари қуйидагилардир:

- жиноятчиликни ўсиши ва «ижтимоий адолат» деб аталмиш тамойилни ўрнатиш заруратдир;
- ушбу жазонинг жинойи жазолар тизимида мавжудлиги айрим жиноятларнинг олдини олади ва унинг ижроси бошқалар учун «сабоқ» бўлади. Сабаби, қилмиши учун ўз ўлимини кутаётганлигини англаган шахс бу жиноятга қўл урмасликка ҳаракат қилади;
- ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатда жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келади;
- жамиятда ҳуқуқий нигилизмнинг ошиб кетишига тўсқинлик қилади;

- давлат институтларига нисбатан ҳурмат ҳисси сўнишининг олдини олади;
- жазо жиноятга мос бўлиши керак;
- тирик жиноятчи доим жазони ўташдан бўйин товлаш имкониятига эга;
- жабрланувчининг ҳуқуқлари жиноятчининг ҳуқуқларидан муҳимроқдир;
- «қасоскорлар» ва «судсиз жазолаш» пайдо бўлиш хавфи катта;
- жабрланувчининг қариндошлари ўз оила аъзосидан ажралиши билан бирга солиқ тўловчилар сифатида жиноятчини қамоқда (умрбод озодликдан маҳрум этилганда) сақлаш харажатларини тўлашлари бутунлай номантиқийдир;
- айрим жиноятчиларни жисмонан йўқ қилмасдан туриб, уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини бартараф этиб бўлмайди;
- жамиятдаги «кераксиз ва зарарли» инсонларни жамиятдан тозалайди;
- жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида айнан ўлим жазосини сақлаб қолиш ёки бекор қилиш масаласи юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижаси аксарият мамлакатлар аҳолиси ўлимнинг жазо тури сифатида сақлаб қолиниши тарафдори эканлигини кўрсатади. Чунончи, деярли барча давлатларнинг конституцияларида «Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган норма мавжуд.

Ўлим жазосига жамоатчиликнинг муносабати мазкур белгининг асосий мавзусини ташкил этади. Бу ерда муҳокама қилинаётган барча муаммоларни уч асосий кичик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи кичик гуруҳ умумий жазолаш тизими доирасидаги ўлим жазосига нисбатан жамоатчилик фикрини ўрганади. Иккинчи кичик гуруҳ жамоатчилик фикри ва қонунчилик, ҳуқуқий ва (ёки) сиёсий вазият ўртасидаги муносабатларга эътиборни қаратади. Учинчи кичик гуруҳ жамоатчилик фикрининг замирида ётган эътиқодлар ёки сабабий жараёнларни тадқиқ қилади. Мазкур муаммоларнинг барчаси бир-бирига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аксарият тадқиқотларда ўлим жазосини бекор қилиш ёки сақлаб қолишга нисбатан жамоатчиликнинг муносабати кўриб чиқилади. Ўлим жазосининг ҳуқуқий муаммолари ва уни тайинлаш масалалари билан бевосита боғлиқ бўлган айрим тадқиқотларда суд қарорларини қабул қилиш жараёнида судьяларнинг позицияси ўрганилади. Тадқиқотчилар ўлим жазосига нисбатан жамоатчиликнинг муносабатига катта эътибор беради, чунки олинган натижалардан улар ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни сақлаб қолишни назарда тутувчи ёндашувларни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиши мумкин. Бироқ, мазкур муаммога бошқа томон-

дан ёндашилса, у анча мураккаб эканлиги аён бўлади. Аксарият тадқиқотлар жамоатчилик фикри муайян омилларнинг ҳар хил уйғунлиги билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Айни бир муносабат унинг замирида ётган турли омиллар натижаси бўлиши мумкин. Мазкур муаллифлар таъкидлашича, жамоатчилик фикри шаклланишининг табиати ҳали яхши маълум эмас. Тадқиқотларда жамоатчилик фикрини ҳар хил усуллар билан ўзгартириш мумкинлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинади. Бошқа томондан, жамоатчилик фикрини ўзгартириш осон бўлса, улар шахсларнинг хулқ-атворини белгиловчи омил бўла олмайди, деган фикр илгари сурилади. Тадқиқотлар ижтимоий ҳодисага муносабат ва ҳақиқий хулқ-атвор (масалан, сиёсий хулқ-атвор — сайловда овоз бериш) айни бир нарса эмас, деган хулоса чиқариш имконини беради. Ушбу гуруҳга мансуб тадқиқотларда жамоатчилик фикридан қонунчилиكنинг мувофиқ негизи сифатида фойдаланиш имконияти ҳам тадқиқ қилинади.

Тадқиқотлар ўлим жазосига жамоатчилик муносабатининг табиати кўп жиҳатдан номаълум бўлиб қолаётганини ёки бу масала фақат қисман ўрганилганини кўрсатади. Ўлим жазосига жамоатчиликнинг муносабатини оддий ҳисоблаш юридик ёки сиёсий қарор қабул қилиш учун ўринли ёки ишончли бўла олмайди, чунки айни ҳолда билим ва ижтимоий хулқ-атвор ўртасидаги муносабатнинг моҳияти маълум эмас. Шунингдек жамоатчилик фикри, айниқса, кучли эмоционал реакциялар уйғотувчи оғир жиноятларга нисбатан жуда ўзгарувчан эканлиги қайд этилди.

Сўнгги тадқиқотлар асосан жамоатчилик фикрининг табиатини, шунингдек ўлим жазосига муносабат замирида ётган ижтимоий ва психологик жараёнларни ўрганишга йўналтирилган. Жамоатчилик фикрининг шаклланиши жараёнини ва унинг ҳақиқий хулқ-атворга таъсирини тушуниш, худди шунингдек ишонч-эътиқодни жамоатчилик фикри шаклланишининг негизи сифатида ўрганиш ҳатто ўлим жазоси бир неча ўн йилликларга бекор қилинган мамлакатлардаги жамоатчилик фикри ва аболиционистик нормалар ўртасидаги тафовутни тушунтириши мумкин.

Ўлим жазосига жамоатчиликнинг муносабати ўрганилган илк тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, сўнгги тадқиқотларда жамоатчилик фикри билан унинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий ва психологик омилларни ажратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, очиқ-ойдин ифодаланган ўлим жазосига муносабат уни бекор қилишни ёки сақлаб қолишни назарда тутиши мумкин бўлса-да, бундай ёндашувларнинг шаклланиши замирида ётувчи омиллар, чунончи: утилитар,

ижтимоий, инструментал, ахлоқий ва ҳоказо омиллар бир неча туркумга бўлинади. Бундан ташқари, ўлим жазосига муносабат жиноятчиликка, адлия тизимига ва бошқа ижтимоий ҳодисаларга умумий муносабат билан боғлиқ. Ва бу муносабатлар доим ҳам тўғри эмас.

Ўтказилган тадқиқотларда илгари олинган натижалар ҳам муҳокама қилинади, чунончи, ўлим жазосини сақлаб қолиш кераклиги ҳақидаги ёндашув ушбу жазонинг тийиб турувчи кучига бўлган ишонч билан тушунтирилади.

Шу нарса диққатга сазоворки, ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорлари ҳам, муҳолифлари ҳам ўз фикрининг тўғрилигига қатъий ишонч билдирса-да, ўлим жазосини қўллашнинг ташкилий томонини яхши билмаслигини намойиш этади. Бу зиддият жамоатчилик фикри қонунга ўзгартиришлар киритишнинг бирдан-бир асоси сифатида ишончли ёки ишончли эмаслиги тўғрисидаги яна бир мунозарани келтириб чиқаради. Тўғри, бу муаммо ҳам анча мураккаб, чунки аҳолининг турли табақалари ҳар хил фикрлайди. Уларнинг ҳуқуқий онги даражаси ҳам ҳар хил. Буни ҳисобга олиш, эскича қарашлар ва кайфиятларга ён босмаслик керак. Аммо бугунги кунда шунини қайд этиш керакки, баъзи давлатларда жамоатчилик фикрини сўраш натижаларига кўра, аҳолининг 50-80 фоизи ўлим жазоси бекор қилинишига қарши. Одам ўлдирган жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси бекор қилиниши мумкин эмас, деган овозлар айниқса баралла янграмоқда. Кўпчиликнинг фикрича, ўлим жазосини жуда кўп миқдорда пора олиш ва ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш учун ҳам сақлаб қолиш керак. Тўғри, давлат аҳолини инсонпарварлик, жамиятга раҳбарлик чора-тадбирлари тизимида мажбурловнинг ролини тўғри тушуниш руҳида тарбиялаши лозим, аммо у одамлар фикрига қулоқ солмаслиги, жамоатчилик фикрига нисбатан ҳурматсизлик қилиши мумкин эмас. Демак, ўлим жазоси тақдирини ҳал қилишда қонунчи анча қийин аҳволда қолади.

Ўлим жазосига муносабат жиноятчилик ҳақидаги фикрга оддий муносабат ёки у билан тўқнаш келиш тажрибаси эмас, балки умумий ижтимоий-сиёсий мафкура ва қадриятлар тизимининг жиҳатидир. Ўлим жазосини бекор қилиш ва уни сақлаб қолиш ҳақидаги қарашларни қўллаб-қувватлашда натижаларидан кўп фойдаланиладиган ва одатда ўлим жазоси ҳақидаги саволларнинг кичик рўйхатига асосланадиган жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўровлар баъзан мазкур ҳодисанинг мураккаблигини яширади. Энг сўнгги тадқиқотларда ўлим жазоси муаммосини фақат жамоатчилик фикрини сўраш натижаларини таҳлил қилиш йўли билан ёки эксперт баҳолашлар

ёрдамида лозим даражада ўрганиб бўлмайди, деган фикр илгари сурилади.

Ўлим жазосига муносабат — ҳар бир инсоннинг ички туйғуларининг, дунёқарашининг, ва умуман, ижтимоий воқеълик ҳақидаги қарашларининг натижасидир. Жамиятнинг бу жазо турига муносабати — унда инсонпарвар гоёларнинг қанчалик шакланганлик даражасининг яққол ифодасидир. Ўлим жазосига жамоатчиликнинг муносабати назарий тузилма доирасида, ижтимоий, психологик ва сиёсий ҳодиса сифатида ўрганилиши лозим. Ушбу муаммога муносабат орқали жамиятнинг ички гоёвий ҳолати, унинг даражаси, шунингдек, одил судлов ва бошқа институтларнинг ривожланганлик даражаси ҳақида ҳукм чиқариш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, социологик тадқиқотлар билан уйғунликда амалга оширилаётган ҳуқуқий тадқиқотлар сони тобора кўпайиб бормоқда, уларда ижтимоий ҳодиса ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омиллар ҳақидаги эмпирик маълумотлар асосида таҳлил қилинмоқда. Аммо ҳуқуқий, фалсафий ва тарихий таҳлиллارнинг анъанавий уйғунлигидан фойдаланилган тадқиқотлар ҳам анчагина. Ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотлар ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни сақлаб қолиш масаласига нисбатан анча нейтрал муносабатда бўлса, фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотлар қатъий позицияни эгаллайди: ё ўлим жазосига қарши чиқади, ё уни сақлаб қолиш зарурлигини асослайди.

Ҳуқуқий тадқиқотларни ўрганиш турли мамлакатлардаги ҳуқуқий тафаккурнинг ҳолатини кўрсатади. Бу соҳада узоқ йиллар мобайнида ҳукм сурган ўлим жазосининг конституциявийлиги ҳақидаги ҳуқуқий ва ахлоқий мунозара бугунги кунда ўзининг олдинги аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Ўлим жазосини тайинлаш жараёнида процедуравий кафолатларни таъминлаш муаммоси биринчи ўринга чиқмоқда. Ўлим жазосини тайинлашда процедуравий кафолатларни таъминлаш юридик жараёнда тасодифийлик хавфини камайтиришни назарда тутаяди. Шу нуқтаи назардан, мунозарада ахлоқий далиллар келтиришдан расмий далиллар келтиришга ўтиш рўй бераётир. Ҳуқуқий тадқиқотлар асосан қонунчилик ёки суд амалиёти соҳаларида ўтказилмоқда. Ҳолбуки, процедура (ёки таомиллар) муаммоси ўз ҳолича ҳам муайян аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий тадқиқотларда қуйидаги тўрт мавзу айниқса кўп муҳокама қилинади:

- 1) ҳукми юқори инстанцияда қайта кўриш;
- 2) ўлим жазоси ҳақида ҳукм чиқарувчи судьяларнинг малакаси;
- 3) исботлаш муаммоси;
- 4) ёш жиноятчиларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш.

Биринчи ва учинчи мавзулар процедуравий кафолатлар билан, иккинчи мавзу эса — тасодифийлик муаммоси билан боғлиқ. Ўлим жазоси ҳақида ҳукм чиқарувчи судьяларнинг малакаси ва ёш жиноятчиларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш муаммолари юзасидан сўнгги йилларда айниқса кўп фикр билдирилди.

Айрим тадқиқотларда жиноятчиликнинг янги турларига ўлим жазосининг мувофиқлиги муаммоси муҳокама қилинади, бунда мазкур жиноятларни ҳуқуқий назорат қилиш ва уларга қарши кураш олиб бориш истиқболларидан келиб чиқилади.

Юридик қарорлар қабул қилиш жараёнида тасодифийлик муаммосига келсак, одатда тасодифийлик мумкин қадар камайтирилиши лозим, деб эътироф этилади. Шунга қарамай, суд амалиёти соҳасида ўтказилган тадқиқотлар жараён иштирокчиларининг фикрлари ўртасида кескин тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. Бундай тафовутлар ё ҳуқуқ нормаларининг ҳар хил талқин қилиниши, ё жараён иштирокчиларининг ижтимоий-сиёсий қарашларидаги фарқлар билан белгиланади. Ҳуқуқий муҳокама қилиш чоғида жараён иштирокчилари ҳар хил фикрлаши ва юридик қарорларни ҳар хил баҳолаши муқаррар. Аммо ҳар бир ҳуқуқ тизими қарорлар қабул қилишда тасодифийлик хавфини мумкин қадар камайтириш, шунингдек шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва одиллик принципини таъминлаш учун аниқ процедуравий кафолатларга эга бўлиши лозим.

Суд амалиётининг таҳлили аксарият мамлакатларда суд раҳбар принциплар мавжуд бўлган масалаларга асосий эътиборни қаратиб, «мураккаб жиҳатлар»ни эътибордан четда қолдиришга мойил эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолат нафақат ўлим жазоси масаласини ҳал қилишда, балки юридик қарорлар қабул қилиш умумий жараёнида ҳам кузатилади. Бу қарорларни асослашда расмийликнинг кучлилиги билан изоҳланади. Бироқ, ўлим жазосини қўллаш қайтмас оқибатларга олиб келиши мумкинлиги туфайли суд қарорларини қабул қилиш жараёнида тасодифийлик хавфини камайтиришнинг процессуал кафолатларини таъминлаш айниқса муҳимдир.

Шуни таъкидлаш керакки, суд қарорларини қабул қилиш жараёнида тасодифийлик хавфи мавжудлигини кўрсатувчи ҳуқуқий тадқиқотлар, ҳатто улар техник масалаларга тааллуқли бўлса ҳам, ўлим жазосини бекор қилиш зарурлиги ҳақидаги далилларни мустаҳкамлайди.

Ўлим жазосининг мавжудлиги муҳим маънавий аҳамиятга эга. Уни амалда қўллаш кўлами, жазони ижро этиш усуллари эса айни жамиятнинг маънавий соғломлик кўрсаткичи ҳисобланади. Мазкур

жазо тури ҳақидаги мунозараларнинг ошкоралиги ва кенглиги, йўналиши ва мазмуни ҳам шу ҳақда далолат бериши мумкин. Ўлим жазосига қарши кураш, ҳатто у зарур натижаларга дарҳол олиб келган бўлмаса ҳам, маънавийтни соғломлаштиришда жуда катта рол ўйнаши алоҳида таъкидланади. Лекин бу ўринда инсонпарварлик мутлақ кечиримлилик деб тушунилмаслиги керак. Ижтимоий адолат ҳам барча замонлар учун ўзгармас абстракт тушунча эмас. Ўлим жазоси жиноятчидан қасос олиш воситаси эмас, балки у содир этган оғир жиноят учун муносиб жазодир.

Яшаш ҳуқуқи — бу ҳаммага тааллуқли бўлган ҳуқуқдир. Ва буни ҳеч ким бекор қила олмайди. Аммо шундай жиноятлар борки, у инсонни ўлим жазосига «лойиқ» деб топади. Мана шундай жиноятлар сирасига қайси жиноятларни киритиш мумкин, деган ўринли савол туғилади. Ушбу саволга жавоб топиш учун эса яхшироқ, чуқурроқ ўйлаш даркор.

Бизнинг назаримизда, ушбу муаммо бўйича баҳсларнинг адоғи йўқдир. **Ўлим жазоси бекор қилиниши тарафдорларининг ҳам, мухолифларининг ҳам далиллари янги эмас — улар азалдан келтирилади ва то ўлим жазоси барча давлатларда тўла бекор қилинмагунича келтирилаверади.**

ХУЛОСА

Ўлим жазоси. У қачон ва қаерда пайдо бўлган? У нима ўзи: кучлиларнинг кучсизларга тазйиқ ўтказиш турими, сиёсий рақибларни бартараф этиш усулими, ҳокимият учун кураш воситасими ёки мақсади инсониятни жиноятчиликдан халос этиш бўлган ва айнаи вақтда инсонпарварликка зид воситалар билан амалга ошириладиган жиноий жазо — жиноятчиларни қўрқитиш усулими?

Ўлим жазоси доим қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келган. Бу мавзу ўтмишда ҳам фаол муҳокама қилинган, ҳозир ҳам долзарб аҳамиятга эга, келажакда ҳам муҳокама қилинади. Мазкур муҳокама бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ахлоқий, диний ва сиёсий ёндашувларни ўз ичига олади. Ўлим жазосининг ўзига хос хусусияти, унинг ҳозирги жамият фундаментал қадриятлари билан узвий боғлиқлиги, аксарият мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимларига мазкур жазо яқинда қайта киритилганлиги, ушбу масалага нисбатан жамоатчилик фикри, илмий қарашлар, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасидаги тафовутлар — буларнинг барчаси ўлим жазоси муаммосининг муҳимлигини маълум даражада тушунтиради.

Ҳар бир давр ўлим жазоси масаласига нисбатан ўз ёндашувини таклиф қилади. Давлатни бошқариш фаолиятида вақт ўтиши билан эскилик сарқитлари бутунлай йўқолади, давлат ҳокимиятининг мажбурловчи хусусияти заифлашади ва ўлим жазосини рад этишнинг ахлоқий жиҳатлари янада ёрқинроқ намоён бўлади. Ўрта асрлардаги маҳкумларни қийнашлар ва азоб беришлар ҳозир қандай даҳшатли туюлаётган бўлса, ўлим жазоси ҳақидаги хотиралар ҳам келажак авлодларга шундай даҳшатли бўлиб туюлади. Дорлар ва жаллод ойболтасини давлат адлиясининг рамзларидан бирига айлантирганларни авлодлар албатта қоралайди.

Балки ўлим жазоси жазоларнинг энг маъқули эмасдир. Инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш, ҳатто бу қонунга мувофиқ амалга оширилган тақдирда ҳам, жамиятдаги зиддиятларни ҳал қилишнинг энг яхши воситаси эмас. Бироқ жиноят ҳам, айниқса, у давлатга ва одамларга катта зиён етказган бўлса, — салбий ҳодисадир. Бу ерда жамият ҳаётидаги икки салбий ҳодиса ўзаро «рақобатлашади». Жамият психоло-

гиясининг ҳозирги ҳолатини, одамлар онги ва маданий даражасини, адолат ва инсонпарварликка муносабатини ҳисобга олсак, қонунида ўлим жазосини сақлаб қолиш керак, аммо жуда чекланган даражада, деган хулоса келиб чиқади. Тўғри, ёмонликни ёмонлик билан билан тугатиб бўлмайди. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар ҳам бўладики, энг муҳим масалани ҳал қилишга – муҳим қарор қабул қилишга жамият етилганми ёки бунга аста-секин бориш керакми, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Ҳозирги вақтда аниқ айтиш мумкинки, йўқ, ҳали етилмаган, чунки жиноятлар содир этилишига олиб бораётган камчиликлар ва жиддий зиддиятлар мавжуд. Идеал қарашларни ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига солиштириш керак.

Ўлим жазоси ҳақида жуда кўп ҳар хил фикрлар билдирилган, аммо уларнинг аксарияти эмоцияларга ёки шубҳали фалсафий-социологик қарашларга асосланади. Бироқ, ўлим жазоси ҳақидаги саволларга аниқ ва узил-кесил жавоблар топиш мумкин бўлган манба мавжуд.

«Бинобарин, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳаминша буюк неъмат сифатида муносабатда бўлиб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади»¹⁸⁴.

1994 йили Жиноят кодекси қабул қилинганида, 13 та моддада жазо чораси сифатида ўлим жазоси кўзда тутилган эди. Ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби эса 33 тани ташкил этарди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодексининг бешта моддасидан олиб ташланди. 2001 йилда улардан яна тўртта моддаси қисқартирилди. Ниҳоят, 2003 йилнинг декабрида ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш ва террорчилик учун қолдирилди. Бу ҳам 2008 йил 1 январгача.

Маълумки, террорчилик халқаро нормаларга мувофиқ энг оғир жиноят сифатида қаралади ва ўта қаттиқ жазо тайинлашни тақозо этади.

Яна битта сақланаётган модда — қасддан одам ўлдириш ўта оғир жиноятлар қаторига кириди ва оғирлаштирувчи ҳолатларда бундай жиноятни содир этадиганларга ўлим жазоси қўлланилиши мумкин.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: инсон ҳаёти Худо томонидан ато этилган улуг неъмат экан, демак, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одамни ҳаётдан маҳрум этиш ўлим жазосига лойиқдир»¹⁸⁵.

Бундан аниқ-равшан кўринадики, ўлим жазосини бекор қилиш масаласи Ўзбекистонда ҳам етилиб келмоқда ва уни ҳал қилиш ло-

¹⁸⁴ Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. «Халқ сўзи». 2001 йил 30 август.

¹⁸⁵ Ўша ерда.

зим. Лекин, бунинг учун, Президентимизнинг фикрича, камида икки-уч йил вақт керак¹⁸⁶. 2005 йил 2 августдаги Фармонга кўра эса ушбу 2—3 йиллик вақт аниқлаштирилди.

Шундай қилиб, ўлим жазоси ҳаётнинг нормал тартибида, енгил-роқ жазо чоралари ёрдамида эришиш мумкин бўлмаган мақсадларга йўналтирилган ўта оғир жазодир. Ўлим жазоси ўлиб бораётган институт эканлиги шубҳасиз. Мазкур институтни тарихий нуқтаи назардан кўриб чиқиш шундай хулосага олиб келади.

Афтидан, таниқли рус ҳуқуқшунос олими Н. С. Таганцевнинг: «Ўлим жазоси жиноят кодексларидан олиб ташланади ва ҳозирги кунда жиноятчиларни чархпалакка тортиш ёки гулханда куйдиришнинг зарурлиги ва одиллиги ҳақидаги баҳс бизга қанчалик ғалати туюлаётган бўлса, ўлим жазосининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги баҳс ҳам авлодларимизга шунчалик ғалати бўлиб туюлади»¹⁸⁷, деган башорати рўёбга чиқадиган давр яқин.

¹⁸⁶ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. — Т., «Ўзбекистон», 2005. — 49-бет.

¹⁸⁷ Уголовное право. Общая часть: Учебник для вузов. Отв. ред. проф. И. Я. Козаченко, проф. З. А. Незнамова. — М.: Изд-во «НОРМА», 2001. — 392-бет.

Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги

Н И З О М*

1. Ўзбекистон Республикасида афв этиш, қоида тариқасида, республика ҳудудида жойлашган судлар ва ҳарбий судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан уларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномасига асосан амалга оширилади.

2. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномадан ташқари:

а) ўлим жазосига ҳукм қилинган, аммо афв этишни сўраб илтимоснома ёзмаган шахсларга оид мавжуд материаллар;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ўлим жазосига ва бошқа жазо турларига маҳкум этилган фуқароларга нисбатан афв этишни қўллашни сўраб келтирган тақдимномалари;

в) жазони ўтаган шахсларнинг суд ҳукмига биноан ундирилаётган моддий зиённи қоплашдан озод қилиш тўғрисидаги аризалари ҳам кўрилади.

3. Суд ҳукми билан жазога маҳкум этилганларни афв этиш:

— ўлим жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш;

— асосий ва қўшимча жазоларни ўташдан тўла ёки қисман озод қилиш;

— жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо тури билан алмаштириш;

— судланганликни олиб ташлаш йўли билан амалга оширилади.

4. Афв этиш, қоида тариқасида, маҳкумларнинг шахсий илтимосномаларига асосан қўлланилади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар фақат суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг ҳамда маҳкум жазо муддатининг ярмини ўтаганидан кейин кўриб чиқилади.

5. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда:

— содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, маҳкумнинг шахси, хулқ-атвори, меҳнатга муносабати, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жамоат ишларида қатнаши-

* Русчадан норасмий таржима.

ши ёки қатнашмаслиги, жазо муддатининг қанчаси ўталганлиги, келтирилган зарарнинг қанчаси қопланганлиги ва бошқа ҳолатлар;

— жазо ўталаётган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмурияти, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг маҳкумга нисбатан фикри;

— етказилган моддий зарарни тўлашдан озод қилишни сўраб ёзилган илтимоснома бўйича моддий зарар етказилган ташкилот, туман (шаҳар) ҳокимиятининг фикри;

— ҳарбий судлар томонидан ҳукм қилинган маҳкумларнинг илтимосномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фикри ҳисобга олинади.

6. Ўта хавфли рецидивистлар, шунингдек илгари ҳукми ижро этишни кечиктириш, амнистия, афв этиш, шартли равишда ҳукм қилиш ёхуд жазони ўташдан шартли равишда муддатли илгари озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланган шахслар, агар улар судланганлик тугатилгунга ёки олиб ташлангунга қадар яна қасддан жиноят содир этган бўлса, тузалиш йўлига кирмаган, ўзларига тайинланган жазонинг кам қисмини ўтаган, оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган маҳкумлар фақат истисноли ҳоллардагина афв этилиши мумкин.

7. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар шу тўғридаги ҳукм қонуний кучга кирганлиги уларга эълон қилинган, ҳукмнинг ёки ажримнинг нусхаси топширилган кундан бошлаб етти кун ичида афв этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат этишлари мумкин. Агар ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс белгиланган муддатда афв этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилмаса ёки шундай илтимоснома қилишдан воз кечганини билдирса, белгиланган қоида асосида бу ҳақда акт тузилади. Илтимоснома ёки акт илтимоснома қабул қилинган ёки акт тузилган кундан бошлаб уч кундан кечиктирилмай Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига юборилиши шарт.

Ўлим жазоси тайинланган шахснинг афв этишни сўраб берган илтимосномаси ёки унинг афв этишни сўраб илтимос қилишдан воз кечганлик тўғрисидаги ҳужжатлар кўрилиб, ҳал қилингунга қадар ўлим жазоси тайинланганлиги тўғрисидаги ҳукм ижроси тўхтатиб турилади.

8. Афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Афв этиш масалалари бўйича комиссия тузилади.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, республика Адлия вазири, Миллий хавфсизлик хизмати

Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Раисининг ўринбосари, маъмурий-ҳуқуқий масалалар ҳамда фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича бош маслаҳатчилар киради.

Юқорида кўрсатилган мансабдор шахслар сирасидан бўлган Комиссия аъзоси унинг мажлисида иштирок эта олмаган ҳолда унинг функцияларини асосий иш жойида унинг вазифасини бажариб турган шахс ижро этади.

Комиссия ишида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Олий суд Раиси ва Ички ишлар вазири, улар бўлмаган ҳолда — мазкур шахсларнинг ўринбосарлари иштирок этади.

Комиссия мажлисини Комиссия Раиси ёки унинг топшириғига кўра — Комиссия Раисининг ўринбосари олиб боради.

Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми мавжуд бўлган тақдирда Комиссия мажлиси ваколатли бўлади. Комиссия қарори мажлисда иштирок этаётган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолда илтимоснома қайтарилган ҳисобланади.

Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва Комиссиянинг барча аъзолари, шунингдек мажлисда иштирок этган Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Олий суд Раиси ва Ички ишлар вазири (уларнинг ўринбосарлари) томонидан имзоланади.

Комиссия таклифларининг кўриб чиқилиши натижаларига кўра афв этиш тўғрисидаги Фармон лойиҳаси тайёрланади.

Маҳкумни афв этиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича маслаҳатчилар гуруҳи бу ҳақда аризачиларга хабар беради. Қайтарилган илтимосномалар ҳақида гуруҳ вақти-вақти билан Президентга ахборот бериб туради.

Агар Комиссия афв этиш масаласини кўришда йиғилган ҳужжатларни кўшимча текширишдан ўтказишни лозим топса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Прокуратурасига ўрганиб чиқиш ва тегишли хулоса бериш учун юборишга ҳақли.

9. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар бўйича зарур ҳужжатларни Комиссия ва Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун тақдим этишга тайёрлаш фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича маслаҳатчилар ва референтлар гуруҳи зиммасига юкланади.

10. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномалари ёки шундай илтимоснома беришдан воз кечгани ҳақидаги ҳужжатлар Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Прокуратурасига юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Проку-

ратураси кечи билан бир ой ичида чиқарилган суд қарорларининг мазмуни, жиноят содир этиш ҳолатлари, маҳкумлар шахсига доир маълумотлар ҳамда ҳар бир илтимоснома ёки илтимоснома беришдан воз кечиш ҳақидаги ҳужжатлар моҳияти юзасидан ўз тақлифларини кўрсатган ҳолда хулоса бериши лозим.

Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилган озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этилган жиноятлар учун ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномалари бўйича шунингдек Ички ишлар вазири, давлатга қарши ўта хавфли жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг илтимосномалари бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Раиси ҳам хулоса беради.

11. Тузалиш йўлига кирмаган, ўзларига тайинланган жазо муддатларининг кам қисмини ўтаган, оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган маҳкумларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномалари, шунингдек ташкилотга етказилган зарарни қоплашдан озод этишни сўраб ёзилган илтимосномалар, агар мазкур ташкилот илтимоснома қаноатлантирилишига қарши фикр билдирган бўлса, фақат диққатга сазовор ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Қолган илтимосномалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Комиссияга маълумот берилади, аризачиларга эса уларнинг илтимосномалари қайтарилгани маълум қилинади.

12. Афв этишни сўраб ёзилган илтимоснома қайтарилган тақдирда, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг афв этишни сўраб ёзган такрорий илтимосномалари, агар янги диққатга сазовор ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қоида тариқасида, орадан бир йил ўтгач, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг шундай илтимосномалари эса — орадан олти ой ўтгач Комиссияга кўриб чиқиш учун такроран тақдим этилиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтгунга қадар келган илтимосномалар эътиборсиз қолдирилади, мавжуд ҳужжатларга қўшиб қўйилади ва бу ҳақда аризачиларга хабар берилади.

13. Икки ёки ундан ортиқ республикаларнинг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномалари охириги ҳукм Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чиқарилган ҳолдагина кўриб чиқилиши мумкин. Бунда мазкур маҳкумга нисбатан олдинги ҳукмларни чиқарган республикалар фикри инобатга олинади.

14. Ҳукмнинг асоссизлиги ёки қонунийликнинг бузилишига ишора қилинган ва текширишни тақозо этувчи афв этишни сўраб ёзилган илтимосномалар дастлаб назорат тартибида текшириш учун тегишли органларга юборилади.

15. Маҳкумлар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасининг маъмурия-ти орқали берган афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг барча нусхалари, илтимосномалар юзасидан маъмуриятнинг фикри кўрсатилган маҳкумларнинг меҳнат фаолияти ва хулқ-атвори ҳақидаги муфассал тавсифномалар, шунингдек афв этишни қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинган ҳолда Комиссияга кўриб чиқиш учун юборилади.

16. Афв этиш тўғрисидаги фармонлар:

- ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган бўлса — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Прокуратурасига;

- озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, шартли равишда ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, шунингдек ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳамда судланганликни олиб ташлаш тўғрисида чиқарилган бўлса — Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлигига ижро этиш учун юборилади.

17. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмларнинг ижроси ва уларга нисбатан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон Бош прокурори томонидан, бошқа жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган шундай Фармонлар ҳақидаги маълумотлар эса — ҳукмлар ва Фармонлар ижроси юкланган органлар томонидан маълум қилинади.

18. Афв этиш масалалари бўйича чиқарилган Фармонлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича мас-лаҳатчилари гуруҳига юкланади.

19. Маҳкумларга чиқарилган ҳукмлар жиноят ишининг янги очилган ҳолатларига кўра ёки назорат тартибида бекор қилинган ёки ўзгартирилган тақдирда, судлар қабул қилинган қарорлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича маслаҳатчилари гуруҳига ахборот беради.

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚАРО БИТИМЛАР

Давлатлар ўлим жазосини бекор қилиш мажбуриятини оловчи халқаро битимларнинг қабул қилиниши сўнгги йилларда рўй берган муҳим ҳодисалардан бири бўлди. Бугунги кунда тўртта шундай битим мавжуд:

- Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга оид Иккинчи қўшимча баённома. Ушбу баённома ўлим жазосини тўла тақиқлашни назарда тутди, аммо мазкур ҳужжатга қўшилган мамлакатларга, уларнинг хоҳишига кўра, уруш даврида ўлим жазосини истисно тариқасида сақлаб қолиш имкониятини беради. Ушбу ҳужжатни 52 мамлакат ратификация қилган. Яна 9 давлат мазкур Баённомани имзолаб, ўзининг келгусида унга қўшилиш ниятини намойиш этган.
- Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенциясига Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Баённома. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенциясига Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Баённома ўлим жазосини тўла тақиқлашни назарда тутди, аммо мазкур ҳужжатларга қўшилган мамлакатларга, уларнинг хоҳишига кўра, уруш даврида ўлим жазосини истисно тариқасида сақлаб қолиш имкониятини беради. Ушбу ҳужжатни Америка қитъаларининг саккиз давлати ратификация қилган ва бир давлат унга имзо чеккан.
- Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига (Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясига) 6-сон Баённома. Ушбу Баённома тинчлик даврида ўлим жазосини тақиқлаш тўғрисидаги битимдир. Бугунги кунга қадар мазкур ҳужжатни Европанинг 44 мамлакати ратификация қилган ва яна бир давлат унга имзо чеккан.
- Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига (Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясига) 13-сон Баённома. Ушбу Баённома ўлим жазосини ҳар қандай ҳолатда, бирон-бир истисносиз тўла тақиқлашни назарда тутди. Мазкур ҳужжатни Европанинг 24 мамлакати ратификация қилган, 18 давлат эса унга имзо чеккан.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

1948 йил 10 декабрь

МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда кўрқув ва муҳтожликдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-имматига, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, ўз эътиқодларини низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея

мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркин-

ликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиш, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинисига интилишлари зарур.

1-модда

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

2-модда

Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъий назар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъий назар, бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак.

3-модда

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

4-модда

Ҳеч ким кулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; куллик ва кул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

5-модда

Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни ҳўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

6-модда

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинисига ҳақли.

7-модда

Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

8-модда

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

9-модда

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

10-модда

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

11-модда

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

12-модда

Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашуш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

13-модда

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

14-модда

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпа-на излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Бу ҳуқуқдан носийсий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин.

15-модда

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи бор.

2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

16-модда

1. Балогат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

17-модда

1. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

18-модда

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эъти-

қодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

19-модда

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гоёларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

20-модда

1. Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

21-модда

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

22-модда

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг кадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

23-модда

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

24-модда

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан, иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

25-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлиги учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишига ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида гамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

26-модда

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини ташлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.

27-модда

1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28-модда

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир.

29-модда

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умумфаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

30-модда

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, кишилар гуруҳи ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин деб талқин этилмаслиги керак.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АСОСИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТўҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА 6-СОН БАЁННОМА*

Страсбург, 1983 йил 28 апрель

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ДОИР

1950 йил 4 ноябрда Римда имзоланган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (матнда кейинги ўринларда «Конвенция» деб юритилади) ушбу Баённомани имзолаган Европа Кенгашига аъзо давлатлар,

Европа Кенгаши аъзоси бўлган бир неча Давлатларнинг тараққий этиш даражаси ўлим жазосини бекор қилишга умумий мойилликни ифодалайди, деб ҳисоблаб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда. Ўлим жазосининг бекор қилиниши

Ўлим жазоси бекор қилинади. Ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм қилиниши ёки қатл этилиши мумкин эмас.

2-модда. Уруш даврида ўлим жазосининг қўлланилиши

Давлат ўз қонунчилигида уруш вақтида ёки уруш хавфи муқаррар бўлган ҳолда содир этилган хатти-ҳаракатлар учун ўлим жазосини назарда тутиши мумкин; мазкур жазо фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва унинг қоидаларига мувофиқ қўлланилади. Давлат Европа Кенгашининг Бош котибига ушбу қонунчиликнинг тегишли қоидаларини маълум қилади.

3-модда. Мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлашга йўл қўйилмаслиги

Конвенциянинг 15-моддасига биноан ушбу Баённома қоидаларидан четлашишга йўл қўйилмайди.

4-модда. Шарт қўйилишининг тақиқланиши

Конвенциянинг 64-моддасига биноан ушбу Баённома қоидаларини муайян шарт билан қабул қилишга йўл қўйилмайди.

* Русчадан норасмий таржима.

5-модда. Худудларга нисбатан амал қилиши

1. Ҳар қайси давлат ўз ратификация ёрлиғини ёки мазкур Баённомани қабул қилиш ёки маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш ёки сақлашга топшириш чоғида ушбу Баённома амал қилувчи худуд ёки худудларни кўрсатиши мумкин.

2. Ҳар қайси давлат кейинчалик, исталган пайтда, Европа Иттифоқи Бош котиби номига ариза бериш йўли билан ушбу Баённомани аризада кўрсатилган бошқа ҳар қандай худудда кучга киритиши мумкин. Мазкур худудда Баённома Бош котиб юқорида зикр этилган ариза олинган санадан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради.

3. Олдинги икки бандга асосан берилган ва унда кўрсатилган ҳар қайси худудга тааллуқли бўлган ҳар қандай ариза Бош котиб номига хабарнома юбориш йўли билан чақириб олиниши мумкин. Чақириб олиш Бош котиб бундай хабарнома олинган санадан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради.

6-модда. Конвенция билан алоқа

Аъзо давлатлар ушбу Баённоманинг 1-5 моддаларини Конвенцияга қўшимча моддалар деб эътироф этадилар ва Конвенциянинг барча қоидалари тегишли тарзда қўлланилади.

7-модда. Имзолаш ва ратификация қилиш

Ушбу Баённома Европа Кенгашининг Конвенцияга имзо чеккан аъзо Давлатларига имзолаш учун очиқдир. У ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки маъқулланиши лозим. Европа Кенгашига аъзо Давлат Конвенцияни Баённома билан бир пайтда ёки олдинроқ ратификация қилмасдан ушбу Баённомани ратификация қилиши, қабул қилиши ёки маъқуллаши мумкин эмас. Ратификация ёрлиқлари ёки Баённомани қабул қилиш ёки маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатлар Европа Кенгаши Бош котибига сақлаш учун топширилади.

8-модда. Кучга кириши

1. Ушбу Баённома Европа Кенгаши аъзоси бўлган беш Давлат 7-модда қоидаларига мувофиқ Баённома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олишга розилик берган санадан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради.

2. Кейинчалик Баённома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олишга розилик берган ҳар қайси аъзо Давлат учун Баённома ратификация ёрлиқлари ёки Баённомани қабул қилиш ёки маъқуллаш

тўғрисидаги ҳужжатлар сақлашга топширилган санадан кейинги ойнанинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради.

9-модда. Депозитарий функциялари

Европа Кенгашининг Бош котиби:

- а) Баённоманинг имзоланиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат;
- б) ратификация ёрлиғи ёки Баённомани қабул қилиш ёки маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг сақлашга топширилиши;
- в) 5 ва 8-моддаларга мувофиқ ушбу Баённоманинг кучга кириш санаси;
- г) мазкур Баённомага тааллуқли бўлган бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракат, хабарнома ёки маълумот ҳақида Европа Кенгаши аъзоси бўлган давлатларни хабардор қилади.

Тегишли ваколатга эга бўлган куйида имзо чекувчилар ушбунни тасдиқлаб, мазкур Баённомани имзоладилар.

1983 йил 28 апрелда Страсбург шаҳрида инглиз ва француз тилларида (иккала матн ҳам бир хил кучга эга), Европа Кенгаши архивида сақланадиган ягона нусхада тузилди. Бош котиб Баённоманинг тасдиқланган нусхаларини уни имзолаган ҳар бир давлатга юборди.

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ
БЕКОР ҚИЛИШГА ОИД ИККИНЧИ
ҚЎШИМЧА БАЁННОМА***

Ушбу Баённомада иштирок этувчи давлатлар,

ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қиммати ошиши ва инсон ҳуқуқлари тараққий этишига имконият яратади деб ҳисоблаб,

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасига ва 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 6-моддасига таяниб,

Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт 6-моддасининг ўлим жазоси бекор қилишга оид таърифлари мазкур жазони бекор қилиш зарурлигига қатъий кўрсатма ҳисоблашни қайд этиб,

ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган барча чора-тадбирларга яшаш ҳуқуқини таъминлашда тараққиёт деб қараш зарурлигини эътироф этган ҳолда,

ушбу Баённома билан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида халқаро мажбурият олишни хоҳлаб,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Ушбу Баённомага қўшилган давлат юрисдикциясида бўлган бирон-бир шахсга ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас.

2. Ушбу Баённомага қўшилган ҳар бир давлат ўз юрисдикцияси доирасида ўлим жазосини бекор қилиш учун зарур барча чораларни кўради.

2-модда

1. Ушбу Баённомани бирон-бир шарт билан қабул қилишга йўл қўйилмайди, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида қўйилган шарт бундан мустасно бўлиб, у ўлим жазосини уруш вақтида, айб-

* Русчадан норасмий таржима.

ланувчи ҳарбий хусусиятга эга бўлган ўта оғир жиноятларни содир этганлик айбини бўйнига олганидан кейин тайинлашни назарда тутлади.

2. Бундай шартни қўювчи аъзо давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига уруш вақтида қўлланиладиган ўз миллий қонунчилигининг тегишли қоидалари ҳақида хабар беради.

3. Бундай шартни қўйган аъзо давлат ўз ҳудудида ҳар қандай уруш ҳолатининг бошланиши ёки тугалланиши ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига хабар беради.

3-модда

Ушбу Баённомага аъзо давлатлар Пактнинг 40-моддасига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига тақдим этувчи докладларга улар мазкур Баённомани амалга ошириш учун кўрган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотларни киритади.

4-модда

41-моддага биноан баёнот берган Пактга аъзо давлатларга келганда, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг муайян аъзо давлатнинг бошқа аъзо давлат ўз мажбуриятларини бажармаётгани ҳақидаги маълумотини олиш ва кўриб чиқиш борасидаги ваколати ушбу Баённома қоидаларига нисбатан амал қилади, башарти манфаатдор аъзо давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида бунинг тескариси ҳақида ариза берган бўлмаса.

5-модда

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Биринчи қўшимча баённомага аъзо давлатларга келганда, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг мазкур давлатлар юрисдикциясидаги муайян шахсларнинг маълумотларини олиш ва кўриб чиқиш борасидаги ваколати ушбу Баённома қоидаларига нисбатан амал қилади, башарти манфаатдор аъзо давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида бунинг тескариси ҳақида ариза берган бўлмаса.

6-модда

1. Ушбу Баённома қоидалари Пактга қўшимча қоидалар тарзида қўлланилади.

2. Ушбу Баённоманинг 2-моддасига биноан шарт киритиш имкониятига дахл этмаган ҳолда, мазкур Баённома 1-моддасининг биринчи бандида кафолатланган ҳуқуқдан Пактнинг 4-моддасига мувофиқ ҳеч қандай четлашишга йўл қўйилмайди.

7-модда

1. Ушбу Баённома Пактга имзо чеккан барча давлатларга имзолаш учун очиқдир.

2. Ушбу Баённома Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлат томонидан ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Баённома Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлат қўшилиши учун очиқдир.

4. Баённомага қўшилиш қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга топшириш орқали амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби сақлашга топширилган ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат ҳақида мазкур Баённомани имзолаган ёки унга қўшилган давлатларга хабар беради.

8-модда

1. Ушбу Баённома ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга топширилган кундан уч ой ўтганидан кейин кучга киради.

2. Ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлашга топширилганидан сўнг ушбу Баённомани ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун мазкур Баённома унинг ўз ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлашга топширилган кундан уч ой ўтганидан кейин кучга киради.

9-модда

Ушбу Баённома қоидалари федератив давлатларнинг барча қисмларига бирон-бир чеклашлар ёки истисноларсиз амал қилади.

10-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби:

а) ушбу Баённоманинг 2-моддасига биноан қўйилган шартлар, берилган маълумотлар ва хабарномалар;

б) ушбу Баённоманинг 4 ёки 5-моддаларига биноан берилган баёнотлар;

в) ушбу Баённоманинг 7-моддасига биноан уни имзолаш, ратификация қилиш ва унга қўшилиш ҳолатлари;

г) ушбу Баённоманинг 8-моддасига биноан унинг кучга кириш санаси ҳақида Пакт 48-моддасининг биринчи бандида зикр этилган барча давлатларга хабар беради.

11-модда

1. Инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча матнлари бир хил бўлган ушбу Баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлашга топширилиши лозим.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Баённоманинг тасдиқланган нусхаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга юборади.

ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР*

1. Ўлим жазоси бекор қилинмаган мамлакатларда энг жиддий жиноятлар учунгина ўлим жазоси тўғрисида ҳукм чиқарилиши мумкин, бунда ҳам ўлим жазоси тўғрисида ҳукм чиқариладиган жиноятлар таркибини қасддан содир этилиб, одамнинг ўлимига ёки бошқа фавқулодда оғир оқибатларга олиб келган хатти-ҳаракатлар билан чеклаш кўзда тутилади.

2. Ўлим жазоси тўғрисида ҳукм фақатгина жиноят содир этилган пайтда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларга мувофиқ чиқарилиши мумкин, бунда ҳам, башарти, жиноят содир этилганидан кейин қонун ҳужжатларига жазонинг анча енгил чораларини қўллаш мўлжал қилинган ўзгартиришлар киритилган бўлса, ушбу ўзгартиришлар муайян жиноятни содир этган ҳуқуқбузарга нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилади.

3. Жиноят содир этган пайтида 18 ёшга тўлган шахслар томонидан содир этилган жиноят учун ўлим жазоси тўғрисида ҳукм чиқарилмайди; худди шунингдек ҳомиладор аёлларга ёки яқинда она бўлганларга ёки ақл-ҳушини йўқотган шахсларга нисбатан ўлим жазоси ижро этилмаслиги керак.

4. Ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукм фақат жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг айби далилларнинг бошқача талқин этилишига ўрин қолдирмайдиган, аниқ ва ишончли далил-исботлар асосида аниқланган бўлсагина, чиқарилиши мумкин.

5. Ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукм фақатгина суд жараёни якунланганидан кейин ваколатли суд томонидан чиқарилган узил-кесил ҳал қилув қарорига биноан ижро этилиши мумкин. Бунда суд жараёни давомида адолатли суд муҳокамасини таъминлашнинг имкон қадар барча кафолатлар, ҳеч бўлмаганда Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасида назарда тутилган кафолатлар, шу жумладан содир этган жинояти учун ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган ҳар бир гумон қилинаёт-

* БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг 1984 йил 25 майдаги 1984/50 резолюцияси билан тасдиқланган.

ган ёки айбланаётган шахснинг судлов ишлари юритилишининг барча босқичларида тегишли ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи кафолати берилиши керак.

6. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир шахс юқори инстанция судига апелляция бериш ҳуқуқига эга, қолаверса, бундай апелляциялар шарт бўлган таомилга айланиши чораларини кўриш зарур.

7. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир шахс афв этиш ҳукмларни алмаштириш илтимосномаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга; ўлим жазосига ҳукм қилишнинг ҳар қандай ҳолларида ҳам афв этилиши ёки ҳукм ўзгартирилиши мумкин.

8. Ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукм тегишли органлар томонидан кўриб чиқилмагунча ёки афв этиш ёхуд ҳукмни ўзгартиришга дахлдор ўзга регресс таомиллар ва бошқа таомиллар ниҳоясига етказилмагунча ижро этилиши мумкин эмас.

9. Башарти, ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукм ижро этиладиган бўлса, ушбу таомил имкон қадар камроқ уқубат келтирадиган тарзда амалга оширилиши керак.

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛГАН ДАВЛАТЛАР*

1. Австралия
2. Аргентина
3. Арманистон**
4. Австрия
5. Бельгия қироллиги
6. Бразилия Федератив Республикаси
7. Венгрия
8. Венесуэла
9. Германия Федератив Республикаси
10. Греция Республикаси
11. Грузия
12. Дания Қироллиги
13. Доминикана Республикаси
14. Ирландия Республикаси
15. Исландия Республикаси
16. Испания
17. Италия
18. Канада
19. Колумбия
20. Литва
21. Люксембург Буюк Герцоглиги
22. Македония
23. Мальта Республикаси
24. Мексика
25. Молдова Республикаси
26. Нидерландия қироллиги
27. Норвегия Қироллиги
28. Панама Республикаси
29. Парагвай
30. Польша
31. Португалия Республикаси
32. Руминия
33. Словакия
34. Словения
35. Туркманистон
36. Финляндия
37. Франция
38. Хорватия
39. Чехия Республикаси
40. Швейцария Конфедерацияси
41. Швеция Қироллиги
42. Уругвай Шарқ Республикаси
43. Эквадор
44. Эстония
45. Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)

* Ушбу рўйхатни тузишда «Правовые системы стран мира» (Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М, Москва, 2000) қўлланмасидан фойдаланилди.

** <http://www.amnesty.org.ru/report2004/hragenda-5-rus> сайти материаллари.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ МАВЖУД ДАВЛАТЛАР ВА ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР*

1. Албания
2. АҚШ
3. Афғонистон Ислоҳ Рес-
публикаси
4. Багама ороллари
5. Бангладеш
6. Барбадос
7. Белис
8. Белоруссия
9. Бирлашган Араб Амир-
лиги
10. Болгария
11. Бруней
12. Бурунди
13. Вьетнам
14. Гаяна
15. Гватемала
16. Жазоир Халқ Республикаси
17. Зимбабве
18. Индонезия
19. Иордания
20. Ироқ
21. Исроил
22. Камерун
23. Кения
24. Кипр
25. Корея Халқ Демократик
Республикаси
26. Корея Республикаси
27. Латвия
28. Лаос
29. Латвия
30. Ливан
31. Ливия
32. Малайзия Федерацияси
33. Марокаш Қироллиги
34. Миср
35. Мўғулистон
36. Мьянма Иттифоқи
37. Нигерия
38. Папуа-Янги Гвинея
39. Перу
40. Покистон
41. Россия
42. Руанда
43. Саудия Арабистони
44. Сенегал
45. Сингапур
46. Сомали
47. Сурия
48. Судан
49. Сьерра-Леоне

* Ушбу рўйхатни тузишда <http://amnesty.org.ru/web/web.nsf/pages/deathpenalty2004-index-rus> интернет сайти материалларидан фойдалинилди.

50. Таиланд Қироллиги
51. Тайван
52. Танзания Бирлашган Республикаси,
53. Тожикистон
54. Тринидад ва Тобаго
55. Тунис
56. Туркия
57. Уганда
58. Украина
59. Уммон
60. Фаластин автономияси
61. Филиппин
62. Хитой
63. Чад
64. Чили
65. Шри-Ланка
66. Экваториал Гвинея
67. Эритрея
68. Эрон Ислом Республикаси
69. Эфиопия Федератив Демократик Республикаси
70. Югославия Иттифоқ Республикаси
71. Ямайка
72. Яман Республикаси
73. Япония
- 74. Ўзбекистон***
75. Қатар
76. Қозоғистон
77. Кувайт
78. Қирғизистон
79. Ҳиндистон.

* 2005 йил 2 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға биноан 2008 йил 1 январдан жазо тизимидан чиқариб ташланади.

ЛУҒАТ

- Авлиё Августин** (354 — 430) — христиан дини илоҳиётчиси, «черков оталари»-дан, адиб, файласуф. Католицизм ақидаларининг шаклланишига таъсир кўрсатган. Гиппон шаҳри ускуфи (епископи) мартабасига эришган. Диний-фалсафий руҳдаги қатор ваъз ва рисоалари сақланиб қолган. «Илоҳий шаҳар ҳақида» асарининг ёзилишига Рим империяси пойтахти готлар томонидан босиб олиниб, вайрон қилиниши туртки бўлган. Асарда бу вайронгарчилик римликлар асрлар мобайнида ўзга халқларга нисбатан ўтказган босқинчилик ва зўравонлик сиёсати учун худо томонидан юборилган жазо сифатида талқин қилинади. Августин таълимотига кўра, «илоҳий шаҳар»нинг ер юзидаги тимсоли масиҳий черковидир, унга самовий черковга тайёргарлик воситаси сифатида қаралмоғи лозим.
- Агафокл** (мил. ав. — 360 — 289) — кулол, лашкарбоши, Сиракуза ҳукмдори (тирании, 317 йилдан). Сўнги тирания вакили. Ёлланма аскарлар ва хонавайрон бўлган фуқароларга таяниб Сиракузадаги олигархияни ағдариб ташлаган. 313 йилга келиб Сицилиядаги деярли барча юнон шаҳарларини босиб олган. Ҳокимлиги даврида Сицилияга эгалик қилиш учун Карфагенга қарши муваффақиятли кураш олиб борган. Тахминан 305 йилда «сицилияликлар подшоси» унвонини олган. 299 йилда Керкиру ороли (Корфу)ни забт этган. Жанубий Италияга ҳарбий сафари пайтида вафот этган. Агафокл ҳукмдорлик йиллари Сиракузанинг куч-қудрати ва маданий равнақи юксалган давр бўлган.
- Агрессия** (лот. ag-gressio — хужум қи-) — бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа давлатнинг ёки халқнинг (миллатнинг) сувере-

лиш, тажовуз)

нитети, худудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Устави нуқтаи назаридан ғайриқонуний бўлган ҳар қандай куч ишлатиш. Агрессиянинг энг хавфли кўриниши қуролли куч ишлатишдир; бир давлатнинг бошқа давлатга қуролли ҳужуми тинчлик ва халқлар хавфсизлигига қарши оғир халқаро жиноят ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 29-сессияси (1974) «Агрессияни белгилаш тўғрисида»ги резолюцияни яқдиллик билан маъқуллаган. Билвосита, иқтисодий ва ғоявий агрессия тушунчалари ҳам бор.

Брахманизм

— қадимги ҳинд дини. Веда дини асосида мил. ав. I минг йилликнинг бошида пайдо бўлган. Браҳманизмнинг муқаддас адабиётига ведалар ва уларга ёзилган жуда кўп шарҳлар (браҳманлар, арньяклар, упанишадлар) киради. Браҳманизмда веда динидаги кўпгина худоларнинг таъсири деярли йўққа чиқиб, асосан 3 худо: Браҳма, Шива ва Вишну эътиборли ҳисобланган. Браҳма оламни яратувчи ва бошқарувчи, Вишну — оламларни сақлаб қолувчи ва муҳофаза қилувчи, Шива — ҳамма мавжудотни яксон этувчи худо деб тушунилган. Браҳманизмда илгариги тотемистик тасаввурларнинг қолдиғи сифатида ҳайвон (сигир, маймун)ларни, айрим ўсимликларни ва б.ни илоҳийлаштириш мавжуд. Браҳманизмда бутун борлиқ хаёлий бўлиб, жонли нарсалар, жумладан инсон ҳам қайта тирилиш хусусиятига эга деб қаралган. Браҳма белгилаган ҳаёт меъёрлари, қонуннинг бажарилиши ёки бажарилмаслигига қараб инсон ахлоқига баҳо берилган. Браҳманизм таълимотига кўра, жонни халос қилиш, уни бундан кейинги қайта пайдо бўлишдан сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли жоннинг Браҳма билан қўшилиб кетишидир. Бунга эришмоқ учун Браҳманинг илоҳий моҳиятини тўла билиб олиш, фикрни худога қаратиш ва ташқи оламдан бутунлай воз кечин талаб этилган. Браҳманизм ижтимоий ҳаётни, жумладан давлатни ҳам Браҳманинг ижоди, давлат арбобларини эса инсон қиёфасидаги худолар деб

ҳисоблар эди. Мил. ав. VI-V асрларда буддизм вужудга келди ва браҳманизмга қарши кураш олиб борди. Буддизмга қарши кураш жараёнида ва унинг бевосита таъсирида браҳманизм аста-секин ҳиндуизмга айланиб кетди.

Варварлар

— юнон ва римликлар томонидан уларга нисбатан тушунарсиз тилда сўзловчи ва бегона маданиятга мансуб барча ўзга юртликлар (германлар ва б.) га берилган ном. Антик даврдаги варварлар тушунчаси христианлар Византияси ва Фарбий Европада ҳам ўзлашиб кетиб, бу ерларда «худосиз» деган маънони англатган. Мажозий маънода — қўпол, маданиятсиз, бағритош кишилар.

Гильотина

(франц. guillotine)

— Буюк француз инқилоби даврида врач Ж.Гийотен таклифига биноан амалда қўлланилган ўлим жазосига ҳукм этилганларнинг бошини танасидан жудо этиш мосламаси.

Дионис

— юнон мифологиясидаги узумчилик ҳамда виночилик худоси. Зевс билан фивалик малика Семеланинг ўғли. Дионис шарафига бағишланган байрамлар ўта хушчақчақ, кайф-сафо билан ўтган.

Дюйм (голландча duim — бош бармоқ)

— 1) англиз ўлчовлар бирлигида улуший узунлик бирлиги. 1 дюйм қ $1/12$ фут = 0,0254 м. Дюйм улуши — микродюйм (10^{-6} дюйм ёки 25,4 нм) ва милли дюйм (10^{-3} дюйм ёки 25,4 мкм) ҳам ишлатилади; 2) метрик birlikлар тизими қабул қилингунга қадар рус узунлик бирлиги. 1 дюйм = $1/12$ фут = 2,54 см.

Жан Жак Руссо (1712—1778)

— француз адиби ва файласуфи. «Ижтимоий шартнома ҳақида» (1762) номли асарида халқ абсолютизмни ағдариб ташлаш ҳуқуқига эга эканлигини асослаб берди. «Тенгсизликнинг негизи ва асослари тўғрисида фикр-мулоҳазалар» (1755) асарида ижтимоий тенгсизликнинг сабаби хусусий мулкдир, деб кўрсатди. Ўз фалсафий қарашларига кўра атеист бўлган Руссо расмий черковни ва диний мутаассибликни қоралади. Европа тараққийпарвар ижтимоий фикрига, фалсафа ва адабиётга кучли таъсир кўрсатди.

Иван IV Грозний — «Бутун Руснинг улуғ князи» (1533 йилдан), биринчи рус подшоши (1547 йилдан). Василий III нинг ўғли. Мустабид ҳоким сифатида халқ уни «Грозний» («Даҳшатли») лақаби билан атаган. Иван Грозний XVI аср 40-йилларининг охиридан Танланган рада иштирокида давлатни бошқарган. Унинг даврида Земский соборлар чақирилган; 1550 йилда Суд низоми — Судебник тузилган; 1565 йилда опричина жорий этилган; Англия билан савдо алоқалари ўрнатилган (1553 йил); Москвада биринчи босмахона қурилган; Қозон (1552) ва Астрахон (1556) хонликлари бўйсундирилган; Болтиқ бўйига чиқиш мақсадида Ливон уруши олиб борилган (1558–83); Сибирни босиб олиш бошланган (1581). Иван Грознийнинг ички сиёсати оммавий қатл этишлар, деҳқонларни асоратга солишнинг кучайиши билан ажралиб туради.

Ифигения

— юнон мифологиясида подшо Агамемнон қизи. Юнонлар Трояга денгиз орқали кемада омон-эсон етиб олишларини таъминлаш учун отаси томонидан илоҳа Артемидага қурбонликка келтирилган. Аммо Артемида қурбонгоҳда Ифигенияни кийикка алмаштириб қўйган ва Тавридага олиб келиб, бу ерда уни ўз қоҳинига айлантирган.

Карл V

(1500—1558)

— «Муқаддас Рим империяси» императори (1519—1556), Испания қироли (Карлос I) (1516—1556), Нидерландия шахзодаси (1516—1555), Сицилия қироли (Карл IV) (1516—1556). Габсбурглар сулоласидан. Католицизм байроғи остида реакцион режа — «Жаҳон христиан давлати»ни тузишга ҳаракат қилган. Франция (Италия урушлари, 1494—1559) ва Усмонли турк салтанати билан урушлар олиб борган. Немис протестант князлари билан бўлган курашда мағлубиятга учраган ва улар билан Аугсбург диний сулҳи имзолангач (1555), тахтдан воз кечган.

Каторга (сўнги

юнон. katepon — галера — эшкак-ли ҳарбий кема)

— маҳбусларни оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турларидан бири. Ўрта асрларда вужудга келган. Россияда XVIII аср бошида пайдо бўлган. Каторгага ҳукм

қилинганлар меҳнатидан қалъалар қуришда, флотда, кончиликда фойдаланилган. XIX аср охири — XX аср бошида марказий каторга турмалари тизими тарзида мавжуд бўлган (1917 й. Россиядаги Февраль инқилобидан сўнг бекор қилинган). Собиқ СССРда жазо тури сифатида 1943 й. (қисқа муддатга) тикланган.

Константин,
Константин I,
Флавий Вале-
рий, Буюк Конс-
тантин
(тахм. 285 — 337)

— Рим императори (306-337). Давлат бошқаруви-ни босқичма-босқич марказлаштириб борган, олдинги диний эътиқод — бутпарастликни сақлаб қолган ҳолда, христианлар черковини қўллаб-қувватлаб турган. Константин I давридаги муҳим воқеалардан бири — 313 йилдаги Милан эдикти. Унга биноан, христиан динига эътиқод қилувчиларга эркинлик берилди, черков ва черков мулклари қайтариб берилди. 324—330 йилларда Византий шаҳри ўрнида янги пойтахт — Константинополга асос солган. Константин I даврида унинг ғалабалари шарафига Римдаги зафар дарвозаси қурилган.

Конфуций,
Кун Фуцзи, Кун-
цзу, Кун Цю, Кун
Чжунни (мил. ав.
тахм. 552—479)

— қадимги Хитой файласуфи, конфуцийчилик асосчиси, сиёсий арбоб. Камбағаллашиб қолган аристократ ва ҳарбийлар оиласида туғилган. 22 ёшида таълим бериш билан шуғулланиб, Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида шуҳрат қозонган. Конфуций ўзи очган мактабида 4 та Фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиёт ўқитилган. 50 ёшида Конфуций сиёсий фаолиятини бошлаб, Лу давлатида юқори амалдор бўлиб хизмат қилади. Фитналар натижасида хизматидан кетади, 13 йил мобайнида Хитойнинг турли ўлкаларига боради, бироқ у жойларда ўз ғояларини қўллаш олмагач, мил. ав. 484 йилда Луга қайтиб келади. Таълим беришдан ташқари қадимги Хитойнинг 5 та мумтоз асари — «Шуцзин», «Шицзин», «Ицзин», «Юэцзин» ва «Лицзин»ни тўплаш, таҳрир қилиш, тарқатиш билан шуғулланади. Конфуций таълимоти унинг «Лунь юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар») китобида баён этилган. Бу китоб аслида Конфуцийнинг фикрлари ва суҳбатлари асосида шогирдлари ва издошлари

томонидан яратилган. Конфуций ўзи учун, авлодлари, яқин шогирдлари учун алоҳида ажратилган қабристонга дафн этилган; унинг уйи Конфуций ибодатхонасига айлантирилган, бу жой зиёратгоҳ бўлиб қолган.

Манлий (Капитолийлик Манлий) — римлик саркарда, мил. ав. 392 йилда консул, патриций. Рим афсоналарига кўра, у Капитолийни галлардан сақлаб қолган (387 йил), 384 йилда плебейларни ҳимоя қилиб чиққан, патрицийлар томонидан тиранияга интилишда айбаниб қатл этилган (мил. ав. 384 йилда).

Марк Аврелий Антоний (121—180) — Рим императори (161 йилдан). Антонинлар сулоласидан. Сенаторлар табақасига суянган. Арманистонда Рим ҳукмронлигини тиклаган. Парфияликлар билан бўлган урушда (162-166) Месопотамияни босиб олган. 166-180 йилларда Маркоман урушини олиб борган. Сўнги стоицизм вакили («Ўйлар» фалсафий асари муаллифи).

Масих (юнонча Христос, ибрийча Машиах, арабча Масих) — асл маъноси «мой билан суртилган» демакдир. Таврот даврида муқаддас мақсадларга бағишланадиган нарсалар устига, шунингдек Худо хизматига бағишланадиган кишилар (масалан, пайғамбарлар, подшоҳлар) бошига мой суртиш одати бўлган. Шунга кўра, Масих унвони умуман «Худо тайинлаган» маъносидадир. Тавротнинг кўп оятларида эса айниқса Худо юборишни ваъда қилган Нажоткор ўрнида келади. Исо (Иисус) дунёга келгач, унинг Масих экани маълум бўлди. Исо ўзи бунга билар ва ўргатар эди.

Мистериялар (юнонча *mysterion* — сир, хуфёналик) — фақат бағишланган кишилар — мистлар қатнашган хуфёна диний маросимлар. Мисрда — Исида ва Осирис мистериялари; Бобилда — Таммуз мистерияси; Юнонистонда — Элевсин, Орфий, Самофракий мистериялари; Римда — Вакх, Атис, Кибела, Митра мистериялари.

Нюрнберг суд жараёни — Нюрнберг шаҳри (Германия)да 1945 йил 20 ноябрь — 1946 йил 1 октябрда бўлиб ўтган асосий нацист ҳарбий жиноятчилари устидан суд жараёни. Фашистлар Германиясининг олий давлат ва ҳарбий арбоблари жавобгарликка тортил-

ган. Нюрнберг суд жараёнида национал-социалистлар партиясининг раҳбар таркиби ва бу партиянинг соқчи отрядлари (СС), хавфсизлик хизмати (СД), давлат махфий полицияси (гестапо) жиноятчи деб топилган. 12 киши (Г.Геринг, Э.Кальтенбруннер, А.Йодль ва б.) ўлимига, 7 киши узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Тарихда биринчи марта Нюрнберг суд жараёнида агрессия инсониятга қарши энг оғир жиноят эканлиги эътироф этилди. Суд жараёнини иттифоқчилар томонидан тузилган Халқаро ҳарбий трибунал амалга оширди.

Пацифизм (лот. — урушга қарши ҳаракат. Унинг иштирокчилари *Pacificus* — тинчлик ўрнатиш) — ҳар қандай, шу жумладан адолатли, озодлик урушига ҳам қарши чиқади ва урушларнинг олдини олишнинг асосий воситаси уларнинг ахлоққа зид хусусиятини қоралаш деб ҳисоблайди.

Пётр I (1672—1725) — 1682 йилдан рус подшоси (1689 йилдан мустақил тарзда ҳукмронлик қилган), Россиянинг биринчи императори (1721 йилдан). Россиянинг буюк сиёсат ва ҳарбий арбоби. Бир қанча муҳим ислоҳотларни амалга оширган: мануфактуралар, қурол ва кончилик корхоналари ташкил этган, савдо-сотиқни ривожлантирган, Сенат ва коллегиялар таъсис этган, рекрутлик мажбуриятини жорий қилган, мунтазам кўшин тузган, флот қурган, мамлакатни губернияларга ажратган, Петербург шаҳри, қалъалар ва каналлар қурган, ўқув юртлари очган, Фанлар академиясини ташкил қилган, ёш дворянларни чет элга ўқишга юборган ва б. Ислоҳотларга қарши ҳар қандай ҳаракатни аёвсиз бостирган. Пётр I ислоҳотлари асосан халқ оммасига жабр-зулм ўтказиш ҳисобига амалга оширилган, бу эса халқ кўзғолонларини келтириб чиқарган (1705—1706 йилларда Астрахон кўзғолони, 1707—1709 йилларда Булавинск кўзғолони).

Самурайлар — сўзнинг кенг маъносидан феодализм даврида Япониядаги дунёвий феодаллар, тор ва энг кўп қўлланиладиган маънода — майда дворянлар-

нинг ҳарбий-феодал табақаси. Япон ҳарбий-лари ҳам «самурайлар» деб аталади.

- Секуляризация** — 1) давлатнинг черков мулкини (асосан ерларни) давлат мулкига айлантириши. Секуляризация Реформация даврида айниқса кенг ўтказилган. 2) Ғарбий Европада муайян шахснинг черков руҳсатига кўра диний ҳолатдан дунёвий ҳолатга ўтиши. 3) Ижтимоий ва шахсий онгнинг дин таъсиридан халос бўлиши.
- Сёгунат** — XII асрда Японияда ўрнатилган феодалларнинг ўзига хос ҳарбий диктатураси. Бунда марказда ҳам, маълум даражада жойларда ҳам ҳокимият сёгун — «Буюк лашкарбоши»нинг қўлида бўлган.
- Страбон** (мил. ав. 64—63 — мил. ав. 23—24) — қадимги юнон географи ва тарихчиси. Кўп саёҳат қилган. Қадимги даврдаги жўғрофий билимларни умумлаштирган «Жўғрофия» (17 китобдан иборат) ва «Тарихий қайдлар» асарларининг (бизгача етиб келмаган) муаллифи.
- Фелония** (ингл. Felony) — АҚШ ва Буюк Британия жиноят ҳуқуқида оғирлик даражасига кўра давлатга хиёнат (тризн) ва унча оғир бўлмаган жиноятлар (мисдиминор) ўртасида турувчи оғир жиноятлар тоифаси.
- Фемистокл** (мил. ав. тахм. 525—460) — афиналик саркарда, демократик гуруҳ сардори, юнонлар билан форслар ўртасидаги уруш даврида (493—492 йиллар) архонт ва стратег (бир неча марта). Юнонларнинг умумий қаршилик ҳаракатини ташкил этишда муҳим рол ўйнаган. Афина денгиз давлатига айланишига ва Делосс иттифоқи тузилишига эришган.
- Фихте Иоганн Готлиб** (1762—1814) — немис файласуфи ва жамоат арбоби. Немис классик фалсафасининг вакилларида бири. Илоҳиётшунослик, филология ва фалсафани Иен, Лейпциг шаҳарларида ўрганди. Фихте ўзининг бош асари — «Умумий фан таълимоти асослари» (1794)да шу жумладан инсон кадр-қиммати масаласига тўхталиб ўтган.

- Франциск I** (1494—1547) — 1515 йилдан Франция қироли. Валуалар сулоласидан. Унинг сиёсати Францияда абсолют монархия тузишга қаратилган эди. 1494-1559 йиллардаги Италия урушларида 1515 йилда Мариньяно яқинида бўлган жангда ғалаба қозонди; 1525 йилда Павия яқинида бўлган жангда асирга тушди; асирликдан қайтиб келгач, 1527 йилда ҳарбий ҳаракатларни давом эттирди.
- Экумена** (ойкумена) — Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисми. Экуменанинг илк тавсифи милетлик Гекатей асарларида учрайди. У мазкур тушунчага Европани (шимолий қисмидан ташқари), Шимолий Африкани, Кичик ва Олд Осиёни ҳамда Ҳиндистонни киритган.
- Қадимги Аҳд** — Исо Масих келишидан олдин Худо Исроил халқи билан тузган битим ва унинг шартларини тавсифловчи 39 китобчадан иборат муқаддас китоб; Таврот, Забур ва Пайғамбарлар китобларини ўз ичига олади; умуман «Таврот» деб ҳам юритилади.
- Қурбонгоҳ** — 1) ибтидоий тарихда: Худо шаънига қурбонлик аташга мосланган тош супа. 2) Қуддус (ҳозирги Иерусалим)да маъбад қурилгандан сўнг: маъбад ҳовлисида алоҳида-алоҳида жойлашган икки супа, бири устида қурбонлик келтирилар, иккинчисида хушбўй тутатқилар тутатилар эди.
- Ҳанафийлик** — суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Абу Ҳанифа асос солган. Бу мазҳаб тарафдорлари фикҳнинг тўрт асосий манбаини эътироф этиш билан бирга бошқа оқимлар вакилларига нисбатан фикҳ талабларига риоя этишнинг оқилона усулларидан кенгроқ фойдаланади. Бу мазҳабнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Қуръон ҳуқуқ манбаи сифатида ҳеч сўзсиз, тўлалигича қабул қилинади; сунна мустақил манба сифатида қаралади, бироқ ҳадислар жиддий синовдан ўтган бўлиши лозим; аввал ўтган уламолардан мерос бўлиб қолган келишилган фикр (ижмо) фақат

саҳиҳ ҳадис ривоятларидан чиққан тақдирдагина ҳисобга олинади. Лекин янги масалалар тадқиқ қилинаётган вақтда бошқа ҳар қандай обрўли уламолар гуруҳининг ижмоси қабул қилинади ва шу тариқа диний ижмолар вужудга келиши имкони яратилади. Қиёс бўйича ҳукм ҳар қандай саҳиҳ манба асосида ҳам бўлиши мумкин. Агар қиёс бўйича ҳукм зарарли ёки мавҳум натижага олиб келса, истиҳсон бўйича қарор қабул қилинади. Бу мазҳаб қоидалари муътадиллиги, бирмунча юмшоқлиги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли XI асрдан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шимолий Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйлари, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг олис кенгликлариғача бўлган ҳудудларга тарқалган. Ҳозирги даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми ҳанафийлик мазҳабида.

Ҳидоя (араб. қўланма; тўла номи «ал-Ҳидоя фи шарҳ ал-Бидоя» — «Бидоя (китоби)нинг шарҳи бўйича қўланма»)

— суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси (кодекси). Қўлланмани Бурҳониддин Марғиноний 13 йил давомида ёзган. Уни яратишда Бурҳониддин Марғиноний Қуръони карим оятлари, дастлабки 4 халифа, саҳобалар ва тобеинларнинг ривоятлари, ҳадислар, суннийлик оқимидаги 4 мазҳаб асосчиларининг асарларига таянган. Ҳидоя 4 жилддан иборат, 57 китоб, 165 боб, 152 фаслдан таркиб топган. Ҳидоянинг биринчи жилди 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва Амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишланган. Иккинчи жилдга никоҳ, эмизиш, талоқ, қул озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, бедарак йўқолганлар, шерикчилик, вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. Учинчи жилдда олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, ваколат, даъво, сулҳ, қарз бериш, совға, ижара, волийлик, ҳомийлик каби масалалар ўрин олган. Тўртинчи жилдда шафоат, меросни тақсим-

лаш, васият, деҳқончилик ва боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонлик қилиш, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш каби масалалар ёритилган. Китоб яратилган даврдан бошлаб фақиҳлар, тарихчилар, шоҳу ҳокимлар диққатини тортиб келади. Ҳидоя бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатлари, жумладан, Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланган. Ўзбекистон XX асрнинг 30-йилларигача — шариат қозилари бекор қилиниб, шўролар суд тизими жорий қилингунча амалда бўлиб келди. У мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Абу Исо Термизий*. Саҳиҳи Термизий. Т., «Ф. Фулом» номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993.
2. *Абулғози Баҳодирхон*. Шажараи Турк. Т., «Чулпон», 1992.
3. Авесто. Тарихий—адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси. — Т.: «Шарқ», 2001.
4. *Антонян Ю. М.* Жестокость в нашей жизни. Москва, ИНФРА-М, 1995.
5. *Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С.* «Avesto» — шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. Т., 2004.
6. *Бартольд В. В.* Очерк истории Семиречья. Соч. Т. II. ч. II. М., 1963.
7. *Жалолов Ж. Ж.* Суд тиббиёти. Тошкент, «Абу Али ибн Сино» номидаги тиббиёт нашриёти, 1996.
8. Жиноят ижроия ҳуқуқи. Масъул муҳаррир: юридик фанлар номзоди, доцент *Б. Ж. Аҳоров*. Т., «Ўқитувчи», 2002.
9. *Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н.* Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996.
10. «Инсон ҳуқуқларини судда ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. ТДЮИ, 2005.
11. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига шарҳлар. Т., «Адолат», 1999.
12. Ислом (справочник). ф.ф.д. *М. А. Усмонов* таҳрири остида. — Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, Т., 1989.
13. *Каримов Ш., Шамсутдинов Р.* Ватан тарихи. Биринчи китоб. Т., «Ўқитувчи», 1997.
14. *Муҳамедов Ҳ.* Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи, 1-қисм. Т., «Адолат», 1999; 2-қисм, Т., 2003.
15. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат// *А. Жалолов, Қ. Хоназаров*нинг умумий таҳрири остида, 2-нашри. —Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000.
16. *Муҳиддинова Ф.* Ўзбекистон халқларининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004.
17. *Муқимов З.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., «Адолат», 2003.
18. Права человека: Сборник Международных документов. Хельсинкий фонд по правам человека. Варшава, 2001.
19. Права человека: Сборник Международных договоров. Том I (часть первая). Универсальные договоры. Организация Объединенных Наций, Нью-Йорк и Женева, 2002.

20. Правовые системы стран мира, отв. ред. — доктор юридический наук, профессор А. Я. Сухарев. Издательство «НОРМА» (Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М), Москва, 2000.

21. Русецкий А. У. Смертная казнь. <http://www.rusetsky.com/death/htm>.

22. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I қисм. Т., «Академия», 2000.

23. Стручков Н.А. Курс исправительно-трудового права: Проблемы Общей части. М., 1984.

24. Таганцев Н. С. Смертная казнь: Сб. ст. СПб., 1913.

25. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигининг «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Буйруғи (2001 йил 18 июндан кучга кирган), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 8 июнда 1039-сон билан рўйхатга олинган.

26. Қуръони Карим. Ўзбек тилига Алоуддин Мансурнинг изоҳли таржумаси. «Шарқ юлдузи» ойномаси (1990—1992 йиллар) ҳамда «Чўлпон» нашриёти (1992 йил) матнларига асосланган ҳолда тайёрланган.

27. Ҳалимбой Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. I китоб. Т., «Фан», 2004.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I боб. Инсоният цивилизациясида жазо тури сифатида ўлим жазосининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи	5
1. Жазо: тушунчаси, мақсади ва турлари	5
2. Ўлим жазосининг жазо тури сифатида вужудга келиши ва ривожланиши	23
3. Жазо тизимида ўлим жазосининг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари	55
4. Ўлим жазоси ва дин	78
II боб. Ўзбекистонда ўлим жазосининг вужудга келиши тарихи ва унинг жазо тизимидаги ўрни	99
1. Қадимги Ўрта Осиёда ўлим жазоси	99
2. Ўрта аср давлатларида ўлим жазоси	101
3. Хонликлар даврида ўлим жазоси	107
4. Чор Россияси ва собиқ Иттифоқ даврида ўлим жазоси	110
5. Мустақиллик йилларида ўлим жазоси ва уни ислоҳ этиш жараёни	119
III боб. Жаҳон мамлакатларида ўлим жазоси ва уни ижро этиш усуллари	125
1. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ўлим жазоси жазонинг бир тури сифатида	125
2. Ўлим жазосини ижро этиш усуллари	144
IV боб. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ва жиноят-ижроия тавсифи	179
1. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати	179
2. Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар шахсининг жиноят-ижроия тавсифи	190
V боб. Ўлим жазосининг қўлланилиши ва унинг қарама-қарши жиҳатлари	194
Хулоса	238
Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ	241
Илова	246
Луғат	266
Фойдаланилган адабиётлар	277

*Қудратилла Патхулаевич Пайзулаев
Нодирбек Сапарбаевич Салаев
Бахриддин Абдурауфович Бобокелдиев*

**ЎЛИМ ЖАЗОСИ:
ЎТМИШДА, ҲОЗИРДА ВА КЕЛАЖАҚДА**

*Рассом Г. Раҳимова
Муҳаррир Т. Рустамов
Техник муҳаррир Т. Смирнова
Мусаҳҳиҳ М. Акромова
Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов*

Босишга 10.09.05 да рухсат этилди. Бичими 60×90^{1/16}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли б.т. 7,68. Нашр т. 7,5. Нусхаси 3000. Буюртма № 143.

«ARNAPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент, Х. Бойқаро кўчаси, 41.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ: ЎТМИШДА, ҲОЗИРДА ВА КЕЛАЖАҚДА